

**НАРГИС ҚОСИМОВА  
ОЙБЕК ИСАКОВ**

**ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА  
НОГИРОНЛИК МАВЗУСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ**

**ўқув-амалий қўлланма**

**«EXTREMUM-PRESS»  
Тошкент-2017**

УДК 316.35:070(575.1)  
ББК 60.54(5У)  
К 61

Н.Қосимова, О.Исаков.

**Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида ногиронлик мавзусининг ёритилиши.** Ўқув-амалий қўлланма. – Т.: Extremum-press, 2017.-162 б.

**Тақризчилар:**

**Назира Тошпўлатова**, филология фанлари номзоди, доцент.

**Ирода Исмоилова**, филология фанлари номзоди, доцент.

Тақлиф этилаётган мазкур қўлланмада Барқарор ривожланиш мақсадларига мувофиқ Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида ногиронлик мавзуси кўриб чиқилган ва журналистларнинг ушбу мавзунинг ёритишдаги касбий малакасини ривожлантириш масалалари ёритилган.

Ушбу ўқув-амалий қўлланма Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети Халқаро журналистика факультети Илмий Кенгашининг 2016 йил 5 октябрдаги 2-сон йиғилиши Қарори билан нашрга тавсия этилган. Ўқув-амалий қўлланма журналистлар ва олий ўқув юрталарининг журналистика факультетлари талабалари учун мўлжалланган.

2017 йилда Таълим, фан ва маданият масалалари бўйича Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан нашр этилган. 7, Place de Fonteney, 75352 Paris 07 SP, France ва ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси Ўзбекистон, 100037, Тошкент ш., Эргашев кўчаси, 9-уй.



Ушбу нашр очик манбада Attribution-ShareAlike 3.0 IGO (CC-BY-SA 3.0 IGO) (<http://creativecommons.org/licenses/by-sa/3.0/igo/>) лицензияси остида тақдим этилмоқда. Фойдаланувчилар ушбу нашр материалларидан фойдаланар эканлар, улар ЮНЕСКОнинг очик манба Репозиториясидан фойдаланиш қоидаларига риоя этадилар ([www.unesco.org/open-access/terms-use-ccbysa-rus](http://www.unesco.org/open-access/terms-use-ccbysa-rus)).

Нашрда ишлатилган номлар ва тақдим этилган материаллар ЮНЕСКО томонидан билдирилган фикр деб ҳисобланмайди. Бирон бир мамлакат, худуд, шаҳар ёки туман ёки уларнинг тегишли бошқарув органлари, айти пайтда чекловлар ёки чегаралар чизиклари ҳуқуқий мақомига нисбатан қандайдир фикр деб қаралмайди.

Ушбу китобда билдирилган қарашлар ҳамда фикрлар бўйича муаллифлар жавобгар ҳисобланади. Уларнинг нуқтаи назари ЮНЕСКОнинг расмий позициясига тўғри келмаслиги мумкин ва Ташкилотга ҳеч қандай масъулият юкламайди.

Мазкур нашр ЮНЕСКО ваколатхонасининг “Ўзбекистонда оммавий ахборот воситалари ривожланишини қўллаб-қувватлаш” дастури доирасида Буюк Британиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси молиявий кўмагида чоп этилди.

Рассом: Армен Сарибекян

Муқова: Армен Сарибекян

Макет: Абдужалил Абдусаломов

Нашр этилди: Yangi Fazo Print

Тошкент ш.да чоп этилди

ISBN 978-9943-4790-9-8

© Extremum-press, 2017

© Н. Қосимова, О. Исаков, 2017

© ЮНЕСКО, 2017

КИРИШ .....	4
1-БОБ НОГИРОНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ИНТЕГРАЦИЯСИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ.....	6
1.1. .... Жамиятнинг ногиронлик масалаларига муносабати шаклланиши тарихи .....	6
1.2. Ўзбекистонда ногиронлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши. Халқаро ва ҳуқуқий асослар. Барқарор ривожланиш мақсадларидан келиб чиқадиган вазифалар .....	12
1.3. Оммавий ахборот воситаларида ногиронлар тимсоли .....	30
1.4. Стигма ва стигматизация .....	36
II-БОБ ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА МАВЗУНИ ЁРИТИШ УСЛУБЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА .....	40
2.1. Оммавий ахборот воситалари, кино ва адабиёт орқали ногиронларнинг ижобий тимсолини илгари суриш (Н.Қосимова) .....	40
2.2. Журналистнинг ногиронлик мавзусида ишлаш услублари (Н.Қосимова).....	46
2.3. Мавзуга гендер-сезувчан ёндашув (Н.Қосимова).....	52
2.4. Ногиронлиги бор инсонлар учун медиаконтент (Н.Қосимова).....	58
2.5. Интервью олишнинг ахлоқий тамойиллари.....	79
2.6. Ногирон болалар мавзусини ёритишнинг ўзига хосликлари .....	86
2.7. Мавзуни ОАВда ёритиш юзасидан тавсиялар. Ахлоқий жиҳатлар.....	98
ХУЛОСА .....	110
ГЛОССАРИЙ.....	113
ИЛОВА .....	129
Фойдаланилган адабиётлар.....	161

## КИРИШ

Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти маълумотларига кўра, бугунги кунда 1 миллиарддан ортиқ одам (дунё аҳолисининг 15 фоизи) ногиронликнинг бирор бир шаклига эга. Ўзбекистонда эса бу кўрсаткич 600 минг нафарга тенг<sup>1</sup>. Уларнинг кўпчилиги жамият ҳаётида тўлақонли ва тенг ҳуқуқларда иштирок этишларига тўсқинлик қиладиган муаммоларни бошдан кечиришади. Бу ҳол айниқса, транспорт, ишга жойлашиш, таълим, ижтимоий ва сиёсий фаолият каби соҳаларда яққолроқ намоён бўлади.



[www.lolakarimova.com](http://www.lolakarimova.com)

Жамият ҳаётида иштирок этиш ҳуқуқи демократия қарор топиши, фаол фуқаролик позициясини рағбатлантириш ва ижтимоий тенгсизликка барҳам беришда муҳим омил ҳисобланади. Соғлиқ жиҳатдан имконияти чекланган инсонларга нисбатан бағрикенг муносабатда бўлишни шакллантириш муаммоси мураккаб ижтимоий воқелик ҳисобланади. Дунёнинг аксарият мамлакатларида ногиронлар сонининг ортиши ишлаб чиқариш жараёнларининг мураккаблашуви, транспорт оқимининг кескин ортиши, ҳарбий низолар, экологик вазиятнинг ёмонлашуви, зарарли одатларнинг ортиши ва бошқа сабабларга боғлиқдир. Соғлиқ жиҳатдан имконияти чекланган инсонларнинг жамият ҳаётига интеграция-

<sup>1</sup> <http://uznews.uz/category/Social/792>

лашувининг муҳим ижтимоий-психологик омилларидан бири жамиятнинг – соғлом инсонларнинг ногиронларга муносабати билан боғлиқ. Жамиятнинг кўпчилик аъзоларида шаклланган ногиронларга нисбатан нотўғри муносабат аксарият ҳолатларда жамоатчилик онгида соғлиқ жиҳатдан имконияти чекланган инсонларнинг ижобий тимсоли шаклланмаганига бориб тақалади. Ўзбекистонда ҳар доим халқимизга хос бўлган раҳмдиллик, муҳтожларга ёрдам қўлини чўзиш, уларни турли вазиятларда қўллаб-қувватлаш каби фазилатлар юксак кадрланган. Мамлакатимизда имконияти чекланган инсонларнинг таълим, соғлиқни сақлаш ва ишга жойлашиш каби йўналишлардан кенгроқ фойдаланишлари учун имкониятлар яратишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Шу билан бирга, жуда кўплаб муаммолар, жумладан ногирон кишиларнинг жамоат транспортдан фойдаланиши, турли хизматларни олиши билан боғлиқ масалалар, жамиятдаги стереотиплар ва бошқалар ҳали ечим топмаган. Аммо вазият аста-секин ижобий томонга ўзгариб бормоқда, ногирон инсонларни ҳам жамоатчилик, ҳам давлат даражасида тинглаш, тушуниш ва қўллаб-қувватлашга тайёрлик кўзга ташланмоқда.

Ногирон кишиларнинг ахборот олиш имкониятларини кенгайтириши ҳамда уларнинг муаммоларини ОАВда объектив ёритиш бугунги кунда долзарб аҳамият касб этаётир. Айни пайтда Ўзбекистонда ногиронлиги мавжуд кишиларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини илгари суриш ҳамда ҳимоя қилишда ногиронларнинг жамоат ташкилотлари фаоллигини оширишга қаратилган сезиларли ижтимоий жараёнлар кечмоқдаки, уларни ҳам етарли даражада ёритиб бериш талаб этилади.

Мазкур қўлланма ОАВ мутахассисларининг ногиронлик масалаларини унинг ижтимоий жиҳатларини тушунган ҳолда ёритишдаги касбий маҳоратларини оширишга, шунингдек уни ёритишда одоб доирасидан чиқмаслик бўйича аниқ билим ва кўникмаларни шакллантиришга ёрдам беради.

# 1-БОБ. НОГИРОНЛАРНИНГ ИЖТИМОЙ ИНТЕГРАЦИЯСИДА ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИНИНГ РОЛИ

## 1.1. Жамиятнинг ногиронлик масалаларига муносабати шаклланиши тарихи

Инсоният ўз тарихида ҳар доим ҳам жисмоний, ҳам руҳий жиҳатдан имкониятлари чекланган одамлар билан тўқнаш келган. Ривожланишнинг турли даврларида уларга муносабат ҳам турлича бўлган. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонунига асосан «ногирон — жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож шахс. Шахснинг турмуш фаолияти чекланганлиги — шахснинг ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳаракатланиш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз ҳатти-ҳаракатини назорат этиш, шунингдек ўқиш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилиятини ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлиги»<sup>2</sup>. Бу сўз латинча *invalidus* сўзидан олинган бўлиб, айнан «кучсиз, кучли эмас» деган маъно англатади, яъни, *in* — «эмас» + *validus* — «кучли», бошқача айтганда, бу – жисмоний, ақлий, сенсор ёки руҳий жиҳатдан камчилиги бўлган инсон фаолиятида мавжуд тўсиқ ёки чекловларни билдиради<sup>3</sup>.

Қадим замонлардан бери олиму, уламолар, файласуфларни оғир касалликларга чалинган ёки ривожланишдан орқада қолган кишиларнинг яшаши, уларни даволаш ва ўқитиш масалалари ўзига жалб этиб келган. Қадимги Юнонистон, Рим, Византия, Шарқ файласуфлари ва донишмандлари, жумладан Аристотель, Сенека, Цицерон ва бошқаларнинг асарларида жамият ва жисмоний имкониятлари чекланган инсонлар ўртасидаги муносабат мавзуси ҳам эътибордан четда қолмаган.

Одатда соғлиғи билан боғлиқ муаммолари мавжуд кишилар сони уруш ва ҳарбий ҳаракатлардан кейин кўпайиб кетгани боис, ана шу урушлар пайтида яраланган, жароҳат олган, касаллик орттирган собиқ ҳарбийларга аҳолида эътибор қаратилган. Соғлиғида муаммоси мавжуд бўлган ана шу собиқ жангчилар «ногирон» деб аталган. Францияда ушбу атама армияда ҳарбий хизматни ўтаган ва давлат олдида хизмат кўрсатган, яралангани, жароҳат олгани ёки қаригани боис ҳарбийликка ярамай қолган жангчиларга нисбатан қўлланилган. Беш юз йилдан ортиқ вақт мобайнида давлат соғлиғи билан боғлиқ муаммоси мавжуд инсонларни икки гуруҳга ажратиб келган. Биринчи гуруҳга армияда хизмат қилган ва яраланиш,

<sup>2</sup> [http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=140860](http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=140860)

<sup>3</sup> <https://ru.wikipedia.org/wiki/Инвалидность>

жароҳат олиш ёки кексайганлиги сабаб соғлиғида муаммолар пайдо бўлган ногиронлар киритилган. Иккинчи гуруҳдан эса ҳеч қачон ҳарбий хизматни ўтамаган, жароҳатлари, касалликлари туғма, кундалик турмушда ёки ишлаб чиқариш жараёнида орттирилган болалар ҳамда катта ёшдаги аҳоли киритилган. Бу гуруҳ майиб-мажруҳлардан иборат бўлган.

Қадимги Юнонистонда ҳарбий ногиронлар оиласи билан давлат қарамоғида бўлган. Римда эса ногиронларга ер участкалари, жангларда қўлга киритилган ўлжадан улуш ажратилган, шунингдек пул таъминоти белгиланган. Ногиронлар жамиятнинг обрў-эътиборли кишилари саналишган, ҳамда ижтимоий таъминотнинг анчайин ривожланган тизими улар хизматида бўлган. Соғлиғи билан боғлиқ муаммоси мавжуд кишиларнинг иккинчи тоифаси эса одатда ғарибхоналарда, ногиронлар уйларида сақланган. Бу ерда улар таом ва бошпана билан таъминланган. Қадимги Русда майиб-мажруҳлар учун илк ғарибхоналар Иван Грозний подшолиги даврида пайдо бўлган (1551 йил). Ўрта асрларда Франция ва Англияда ҳарбий ногиронларга қараш монастирлар зиммасига юклатилган. Испанияда, кейинроқ эса Англия ва Голландияда яраланган ва жароҳат олган ҳарбий ногиронларга пенсия ва бир марталик моддий ёрдам тўланиши тизими йўлга қўйилган<sup>4</sup>. 1606 йилда Франция қироли Генрих IV томонидан яраланган, касалга чалинган ва қариб қолган ҳарбийлар ва уларнинг оила аъзолари учун ҳарбий ғарибхоналар тизими жорий этилган. У иккита, яъни насроний раҳм-шафқат ҳамда авлиё Людовик госпиталларидан иборат бўлган.

1671 йилда Людовик XIV Парижда машҳур Hotel des invalidsга асос солади. Худди шу даврда Англияда ҳам ана шундай уйлар пайдо бўлади: улар аввал Челси ва Гринвичда (денгизчилар учун), сал кейинроқ эса Берлинда ва Австрияда очилади. XVI асрдан бошлаб Францияда ногиронларга давлат ғазнасидан нафақа тайинланади. Аммо Парижда ногиронлар уйи (Hotel des invalids) очилганидан кейин монастирларга нафақа ажратилиши тўхтатилади ва нафақаларнинг ҳаммаси ана шу уйдаги ногиронларнинг таъминотига йўналтирилади. Айниқса, Наполеон I ногиронларга алоҳида ғамхўрлик кўрсатган. У ўз армияси фахрийларининг обрўсини юқорига кўтариб қўйган эди. Шундан кейин Европанинг бошқа давлатларида ҳам ногиронлар роталари пайдо бўлиб, уларда ногиронлар жанговар хизмат билан боғлиқ бўлмаган ҳарбий лавозимларга тайинланган. Бу роталар турли шаҳарларга жойлаштирилган. Уларда ҳарбий хизмат даврида яраланган, жароҳат олган ва касаллик орттирган қуйи лавозимдаги ҳарбийлар хизмат қилиб, ички хизмат ва фронт орти билан боғлиқ турли вазифаларни бажаришган. Бугунга келиб, Францияда бундай ногиронлар роталари бутунлай барҳам топган.

---

<sup>4</sup> История инвалидовных обществ. <http://independentfor.com/material/histunion.htm>

1887 йилда Пруссияда 6 та ногиронлар ротаси мавжуд бўлиб, уларнинг ҳар бирида ўртача 100-120 киши хизмат қилган, шунингдек сарой тасарруфида гвардиячи ногиронлар ротаси фаолият олиб борган<sup>5</sup>. Россия императори Петр I 1720 йил 3 майдаги Фармони билан ҳарбий хизмат даврида яраланган, жароҳат олган ёки касаллик орттирган ва ҳарбий коллегия томонидан хизматни давом эттиришга яроқсиз деб топилган барча офицерлар ва қуйи лавозимдаги ҳарбий хизматчиларни монастирлар ҳамда ғарибхоналарга жойлаштиришни ва уларга умрининг охиригача гарнизон маошлари даражасида нафақа тайинлашни белгилаб қўяди. Орадан икки йил ўтиб, 1722 йил 12 апрелдаги Фармон билан мазкур тоифадаги ногиронларнинг нафақа миқдори камайтирилади ҳамда уни фақат монастир ва ғарибхоналарга жойлашганларгина олиши мумкинлиги тўғрисидаги тартиб жорий этилади. Орадан яна икки йил ўтиб, 1724 йил 6 февралдаги Фармон билан оила қурган ногиронларга нафақа тўлаш, энди улар монастирларда яшай олмасликлари боис тўхтатилади. Екатерина II 1764 йилда Россиядаги монастирлар рухонийлари штатлари сонини белгилаш тўғрисида Фармонга имзо чекади. Шунингдек, у ногиронларнинг фақат белгиланган шаҳарлардагина яшашлари тўғрисида буйруқ беради. Бу ерда улар йилига 80 минг рубль миқдорида нафақа олишади.

Россиядаги илк ногиронлар уйига Екатерина II ҳукмронлиги даврида – Каменноостровскийда асос солинган. XVIII охирида гарнизон батальонлари тасарруфида ногиронлар роталари тузилади. 1811 йилга келиб барча ногиронлар уч тоифага ажратилади: ҳаракатчан, хизмат қила оладиган ва хизмат қила олмайдиган<sup>6</sup>. Ҳар бир тоифа ички хизмат батальонлари командирларига бўйсунувчи махсус командаларни ташкил қилади. Хизмат қила оладиган ва хизмат қила олмайдиган ногиронлардан тузилган командалар то 1823 йилгача, яъни тарқатиб юборилгунига қадар барча уезд шаҳарларида мавжуд бўлган. Биринчи тоифага кирувчи, яъни ҳаракат қила оладиган ногиронлар роталари дастлаб госпиталлар ва бошқа ташкилотларда хизмат қилишга мўлжалланган эди.

Николай I даврида ногиронлар уйлари сони ортди ва улар ҳарбий ғарибхоналар деб атала бошланди. Николай I ҳукмронлиги даврининг охирига келиб қуйидаги миқдорда ногиронлар командалари мавжуд эди: гвардиячи роталар – 15 та, турли идора ва номларга оид ҳаракат қила оладиган ногиронлар роталари – 104 та, уезд ногиронлар командалари сони – 564 та ва этап роталари бўлган<sup>7</sup>. 1864 йилда ички хизмат корпуси тарқатиб юборилиши муносабати билан ногиронлар командалари ҳам тарқатиб юборилади<sup>8</sup>. Россияда ғарибхоналар 1918 йилга қадар фаолият

<sup>5</sup> История инвалидовных обществ. <http://independentfor.com/material/histunion.htm>

<sup>6</sup> История инвалидовных обществ. <http://independentfor.com/material/histunion.htm>

<sup>7</sup> Мисяк С.А. Запорожский медицинский журнал №5. -Том 2. 2006. - с. 158

<sup>8</sup> Ўша ерда.



олиб борган ва бутун фаолияти давомида майиб-мажруҳларга ғамхўрлик кўрсатиладиган ва бошпана бериладиган маскан вазифасини бажариб келган. Бу тоифага мансуб кишилар эътиборли инсонлар мақомига эга бўлмаган ва пенсия ёки бошқа турдаги нафақалар олишмаган. Ғарибхоналар черковларнинг маблағлари ҳисобидан фаолият олиб борган. Майиб-мажруҳлар учун таъминот уйлари ташкил этилиб, улар ижтимоий таъминот Маҳкамаси томонидан назорат қилинган. Таъминот уйлари тижорат фаолиятидан олинган фойда, хусусий шахсларнинг хайриялари ҳисобидан таъминлаб турилган. Ўсмирлар учун мўлжалланган етимхоналарда касб ўргатиш ва бўлғуси тижорат фаолиятига тайёрлаш мақсадида хунармандчилик устахоналари ташкил қилинган. 1898 йилда Мария Федоровна ҳазрати олияларининг «истаги ва қарори билан» карсоқов катта ёшдаги фуқаролар ва болалар учун васийлик жорий этилади. Москва ва Санкт-Петербургда улар учун устахоналар, меҳнатга ўргатиш уйлари очилади. Васийлар карсоқовлар учун иш излашади ҳамда улар тижорат фаолияти олиб боришларида кўмаклашишади<sup>9</sup>.

1832 йил Мюнхенда (Бавария, Германия) Йоган Эдлер фон Курц бир қўли йўқ ўғил болалар учун халқ мактаби билан бир хил ва тенг таълим берадиган тарбия институтини ташкил этади. Унинг мақсади ногирон болаларга хунар ёки «эркин касб» ўргатиш бўлган. Бу болалар тиббий назорат остида бўлган ва даволаш муолажалари олишган. 1874 йилдан институтда бир қўли йўқ қиз болалар ҳам ўқитила бошлайди ва улар бу ерда тикиш, бичиш, тўқиш ва уй-рўзғор юритиш кўникмаларини ўрганишади. 1897 йилга қадар Германияда Мюнхен институтига ўхшаш 8 та мактаб очилади ва уларда жами 550 нафар ногирон болалар таълим олишади<sup>10</sup>.

1872 йилда пастор ва филантроп Ганс Кнудсен (Копенгаген, Дания) майиб-мажруҳларга ёрдам Жамиятини, ортопедия клиникасини, касбий таълим мактабини ва ишлайдиган ногиронлар учун устахона очади. Мазкур мактаб фаолияти 1884 йил Копенгаген шаҳрида бўлиб ўтган шифокорларнинг Халқаро конгрессида тилга олинади. Майиб-мажруҳлар билан ишлашдаги бу тажрибага шифокорлар ижобий баҳо беришади ва тез орада ушбу тажриба Скандинавия давлатлари (Швеция, Норвегия)да ҳам жисмоний имконияти чекланган кишиларга ёрдам кўрсатиш соҳасига жорий этилади. Петербургда (1895 йил) Қизил Хоч Қўмитаси пастор Ганс Кнудсен тажрибасига таяниб етимхона – майиб-мажруҳлар учун мактаб, мискинлар ва касалларга васийлик қилиш Жамиятининг Петровск ва Василеостровск бўлимлари қошида катта ёшдаги ногиронлар учун етимхона очади. XIX асрда ва XX аср бошларида майиб-мажруҳларни даволаш, уларга касб ўргатиш ва ижтимоий мослашувига кўмаклашиш

<sup>9</sup> Мисяк С.А. Запорожский медицинский журнал №5. Том 2. 2006. - с. 159

<sup>10</sup> Мисяк С.А. Запорожский медицинский журнал №5. Том 2. 2006. - с. 160

билан боғлиқ тадбирлар Европа, АҚШ ва Россияда ҳомийлар, жамоа ташкилотлари, биринчи галда Қизил Хоч Жамияти ҳисобидан амалга оширилган<sup>11</sup>.

XIX аср охирларида АҚШда ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли қатлами билан ишлашнинг янги йўналиши – ижтимоий хизмат юзага келади. Инсонпарварлик фаолиятининг бу йўналиши шифокорлар томонидан касаллар, майиб-мажруҳлар, ногиронлар, болалар ва муҳожирлар билан ишлаш учун ташкил қилинган. 1926 йилда АҚШ университетларида турли ихтисосликлар бўйича ижтимоий соҳада: болалар, аёллар ва ногиронлар билан ишлаш учун мутахассислар тайёрлашга киришилади. Бу даврда Россияда болалар, майиб-мажруҳлар, ногиронлар, қариялар билан ишловчи мутахассислар вазифасини Қизил Хоч Қўмитаси ҳамширалари, монахлар ва шифокорлар бажаришган<sup>12</sup>.

1890 йилда Тошкентда Россия Қизил Хоч Жамиятининг Округ бошқармаси ташкил этилади ва Туркистонда ногиронларга кўмак бериш ана шу ташкилот зиммасига тушади. Ўша вақтда бошқармада 55 киши ишлаган. 1898 йилда 9 нафар ҳамширани бирлаштирган Ҳамширалар Жамияти тузилади. Улар аҳолининг эҳтиёжманд қатламларига ёрдам беришган, вабо, чечак, қизилча, терлама ва бошқа юқумли касалликлар эпидемиясига қарши курашда иштирок этишган.

1922 йилда Россия Қизил Хоч Жамияти Тошкентда ўзининг расмий ваколатхонасини очади. Жамият ташкилотлари кўплаб корхоналарда биринчи ёрдам кўрсатиш ва тиббиёт пунктлари фаолиятини йўлга қўйишади. Ўзбекистон ССР Марказий Ижроия Қўмитаси ва Халқ комиссарлари Кенгашининг 1925 йил 14 ноябрдаги Қарори билан «Ўзбекистон ССР Қизил Ярим Ой Жамияти тўғрисида Низом» тасдиқланади<sup>13</sup>. Ўзбекистонда Қизил Ярим Ой Жамияти ташкил этилиши билан мазкур инсонпарварлик ташкилоти фаолиятининг янги босқичи бошланди. Ўзбекистондаги кўплаб ўқув муассасаларида, корхона ва ташкилотларда, хўжаликларда Жамиятнинг бошланғич ташкилотлари тузилади. Улар аҳоли ўртасида шахсий гигиенага риоя этиш ва касалликлар профилактикасига ўргатиш йўналишида кенг қўламли ишлар олиб боришади. Жамият кўнгиллиларидан безгак ва бошқа юқумли касалликларга қарши кураш бўйича тезкор отрядлар ташкил этилади. Кўплаб шаҳарларда даволаш-соғломлаштириш муассасалари фаолияти йўлга қўйилади. Қишлоқ туманларида амбулатория ва болалар боғчалари тармоғи яратилади. Жамият томонидан ташкил этилган махсус курсларда қишлоқ жойларида ишлаш учун ҳамширлар тайёрланади. Қизил Ярим Ой Жамиятига қарашли санитария ва гигиена воситалари билан савдо қилувчи

<sup>11</sup> Мисьяк С.А. Запорожский медицинский журнал №5. -Том 2. 2006. - с. 161

<sup>12</sup> Ўша ерда.

<sup>13</sup> www.redcrescent.uz

дўконлар, сартарошхоналар, овқатланиш муассасалари тармоқлари очилади. Жамиятнинг минерал сув ва гипс ишлаб чиқарадиган ўз заводлари, дори воситаларини қадокловчи фабрикаси фаолият олиб борган. 1927 йил 20-24 декабрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган Жамиятнинг биринчи съезди унинг фаолиятида янги босқични бошлаб берди. Жамият 3 та самолёт олади ва Марказий Осиёда биринчи санитария авиациясига асос солинади.

Иккинчи жаҳон уруши даврида Жамиятнинг 4 минг нафар хамшира ва санитар дружиначилари бевосита жанг майдонларида аскарларга ёрдам кўрсатишган. Жамиятнинг минглаб кўнгиллилари ва ходимлари Ўзбекистон ҳудудида жойлашган ҳарбий госпиталларда ишлашган. Кўрсатган жасорати ва фидокорона хизматлари учун уларнинг кўпчилиги орден ва медаллар билан тақдирланган. Жумладан, хамширалардан Рихси Мўминова, Салипа Кубланова ва Матлуба Эшонхўжаевалар Халқаро Қизил Хоч Кўмитасининг олий мукофоти - «Флоренс Найтингел» медали билан тақдирланишган. Урушдан кейин ана шу мукофот билан Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамиятининг самарқандлик хамшираси Антонина Пихтиева ҳам мукофотланган. 1946-1991 йиллар оралиғида Жамият асосан беғараз донорлик, соғлом турмуш тарзи тарғиботи, санитария соҳасидаги билимларни ошириш йўналишларида иш олиб борган<sup>14</sup>.

Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти 1925 йилда ташкил этилган ва минтақамиздаги энг ёши улуғ инсонпарварлик ташкилоти бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1992 йилдаги «Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти тўғрисида»ги Фармонида асосан мустақил, инсонпарварлик, жамоат бирлашмаси мақомини олди ҳамда шу даврдан Жамиятнинг хайрия ва инсонпарварлик йўналишидаги фаолиятида янги босқич бошланди. Бугунги кунда Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамияти ўз сафига бутун дунёдаги 187 та Миллий Жамиятларни бирлаштирган Қизил Хоч ва Қизил Ярим Ой жамиятлари Халқаро Федерациясининг 165-тўлақонли аъзоси ҳисобланади. Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда хайр-саҳоват ва ҳомийликнинг мустаҳкам ҳуқуқий базаси яратилди, фаолиятининг асосий йўналишини эҳтиёжмандларга ёрдам кўрсатиш ташкил қиладиган ташкилотларнинг ҳуқуқлари мустаҳкамланиб, имкониятлари кенгайтирилди. Ўзбекистон Қизил Ярим Ой Жамиятининг фаолияти давлатимиз ижтимоий сиёсатининг муҳим ва устувор йўналишларини амалга оширишга кўмаклашишдан иборат. Бу жараёнда биринчи ўринда аҳолининг эҳтиёжманд қатламларини ҳимоя қилишга қаратилган чора-тадбирлар туради. Жамият томонидан кенг кўламли ишлар бажарилмоқда ҳамда уларнинг доирасида турли, айниқса юқумли касалликлар тарқалишининг олдини олиш, уларни даволаш, табиий офатларни бартараф этишда ёрдам кўрсатиш, шунингдек аҳолининг

---

<sup>14</sup> www.redcrescent.uz

эхтиёжманд қатламлари, ёлғиз кексалар, кўп болали кам таъминланган оилалар, ногиронлар, кўмак ва ёрдамга мухтож бошқа қатламларнинг муаммоларини ҳал этишга қаратилган аниқ чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.



[www.redcrescent.uz](http://www.redcrescent.uz)

***Назорат саволлари:***

1. XVI – XVII асрларда турли мамлакатларда «ногирон» атамаси қандай маъно англатган?
2. Франция, Англия, Россияда ҳарбий ногиронларга қандай имтиёзлар берилган?
3. Майиб-мажруҳларга ёрдам кўрсатувчи илк жамият қачон тузилган?
4. Туркистонда қайси ташкилот ногиронларга ёрдам кўрсатган?

**1.2. Ўзбекистонда ногиронлар ҳуқуқларининг ҳимоя қилиниши.  
Халқаро ва ҳуқуқий асослар. Барқарор ривожланиш мақсадларидан  
келиб чиқадиган вазифалар**

Ногиронларга камситиш назари билан қараш муаммоси инсониятнинг бутун тарихи давомида мавжуд бўлган ва бугун ҳам барҳам топмаган. Инсон ҳуқуқлари тизимида ногиронларни ҳимоя қилиш механизмларини ривожлантириш уларнинг мустақил шахслардан хайрия ёрдами олувчи

сифатидаги мақомини тубдан ўзгартириш имконини беради. Бундай ёндошув ногиронларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишларини таъминлаш орқали уларнинг ҳуқуқлари ҳурмат қилиниши учун имкониятлар излашга қаратилгандир. Ногиронларнинг ҳуқуқларини қўллаб-қувватлаш ва ҳимоя қилиш фақат махсус хизматларни тақдим этишдангина иборат бўлиб қолмасдан, балки уларга камситиш назари билан қарашга барҳам берувчи чора-тадбирлар амалга оширилишини, ногиронларнинг фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлари таъминланишини кафолатловчи ҳамда бу борадаги тўсиқларни олиб ташловчи қонунлар, дастурлар қабул қилинишини ҳам назарда тутлади.

Яхлитликда инсон ҳуқуқлари тўғрисида Халқаро қонунлар тўпламини ташкил этувчи асосий халқаро-ҳуқуқий ҳужжатлар (Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси (1948 йил), иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар тўғрисида Халқаро пакт (1966 йил) ҳамда фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисида халқаро пакт (1966 йил)да фуқаролик, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар кафолатланган, аммо уларда ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғридан тўғри тилга олинмаган<sup>15</sup>. Ногиронлар ҳуқуқлари ҳимоясига қаратилган махсус ҳужжатнинг мавжуд эмаслиги давлатларнинг ногиронлар ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш соҳасидаги халқаро ҳамкорлигининг сезиларли даражада фаоллашувига туртки берди.

Ногиронлар масаласи бир неча марта Бирлашган Миллатлар Ташкилотида кўриб чиқилган, мазкур соҳадаги халқаро ҳамкорликни такомиллаштириш бўйича кўрсатмалар ишлаб чиқилган. 1975 йил 9 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Декларацияни қабул қилди ҳамда унинг асосида ўн йиллик давомида ногиронлар учун тенг имкониятларни таъминлаш Дастури (1983 – 1992 йиллар) ишлаб чиқилди. Ногиронларга нисбатан Бутунжаҳон ҳаракат дастурининг мақсади ногиронликнинг олдини олишга, уларнинг меҳнатга лаёқатлилигини тиклашга, ногиронларнинг ижтимоий ҳаёт ва жамият тараққиётида «тенг» ва «тўлақонли иштирок этишлари»ни таъминлашга қаратилган мақсадларни амалга оширишнинг самарали чора-тадбирлари ишлаб чиқилиши ва ҳаётга тадбиқ этилишига кўмаклашишдан иборатдир<sup>16</sup>. Бунда бутун аҳоли учун бўлгани каби яшаш шароитларини яратиш, ижтимоий ва иқтисодий ривожланиш натижасида турмуш шароитларини бир хилда яхшилаб бориш тушунилади. Мазкур концепциялар барча мамлакатлар томонидан бир хилда қўлланилиши

---

<sup>15</sup> Управление Верховного комиссара ООН по правам человека. Наблюдение за осуществлением Конвенции о правах инвалидов: Руководство для наблюдателей в области прав человека. Серия материалов по вопросам профессиональной подготовки № 17. 2010.

<sup>16</sup> [www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/disability.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/disability.shtml)

керак ҳамда уларнинг ривожланиш даражасидан қатъий назар биринчи галдаги ва муҳим вазифалар сирасига киради. 1982 йилда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ногиронларга нисбатан муносабат бўйича Бутунжаҳон ҳаракат дастури қабул қилинади<sup>17</sup>. Мазкур дастур иқтисодий ривожланиш даражасидан қатъий назар барча мамлакатларда ногиронларнинг ижтимоий ҳаёт ва ривожланиш жараёнларида бир хилда фаол иштирок этишларини таъминлашни мақсад қилиб қўйган эди.

Бош Ассамблея 1982 – 1992 йилларни «Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг ногиронлар ўн йиллиги» деб эълон қилди ва барча давлатларни ушбу даврдан ногиронларга нисбатан муносабат бўйича Бутунжаҳон ҳаракат дастурини амалга ошириш учун воситалардан бири сифатида фойдаланишга чақирди<sup>18</sup>. 1987 йил Стокгольм шаҳрида бўлиб ўтган ногиронларга нисбатан муносабат бўйича Бутунжаҳон ҳаракат дастури ижросига бағишланган биринчи Халқаро конференцияда ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенцияни ишлаб чиқиш тавсия этилди. Италия ва Швеция ҳукуматлари ҳамда ижтимоий ривожланиш Комиссиясининг ногиронлар аҳволи тўғрисида махсус маърузачиси томонидан илгари сурилган ушбу таклиф амалга ошмай қолди.

1993 йилда Бош Ассамблея тавсия характерига эга бўлган «Ногиронлар учун бир хил имкониятларни таъминлаш бўйича стандарт қоидалар» номли ҳужжатни қабул қилди<sup>19</sup>. Мазкур қоидаларда ногиронларнинг жамият ҳаётида тенг шароитларда иштирок этишларига ҳалақит берадиган тўсиқларни бартараф этиш юзасидан давлатларнинг мажбуриятлари акс этган бўлиб, улар кейинчалик аксарият давлатларнинг миллий қонунчилигига киритилди. Гарчи иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Халқаро пактда ногиронлик билан боғлиқ қоидалар акс этмаган бўлсада, 1994 йилда иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита томонидан «Ногиронликнинг бирор бир шаклида эга шахслар» номли 5-рақамли умумий тартибдаги мулоҳазалар қабул қилинди<sup>20</sup>.

Қўмита ногиронлик муаммосини Пактнинг қоидаларидан келиб чиқиб таҳлил қилган. Жумладан, Қўмитанинг фикрича, Пактнинг етарлича турмуш даражасига эга бўлиш ҳуқуқи тўғрисидаги 10-моддасига асосан ногиронликнинг бирор бир шаклига эга шахсларда оила қуриш ва ўз оиласига эга бўлиш ҳуқуқи мавжуд. Ногиронлар ўз оилалари билан яшашларига имконият яратиб бериш учун барча тадбирларни амалга

<sup>17</sup> Международная Ассоциация социального обеспечения. Бюллетень социальной политики. 2012. -с .23

<sup>18</sup> Резолюция 37/53 Генеральной Ассамблеи от 3 декабря 1982 года. <http://www.invalidnost.com/forum/11-2447-1>

<sup>19</sup> Стандартные правила обеспечения равных возможностей инвалидов, прилагаемые к резолюции 48/96 Генеральной Ассамблеи от 20 декабря 1993 года. <http://www.invalidnost.com/forum/11-2447-1>

<sup>20</sup> Замечания общего порядка № 5 «Лица с какой-либо формой инвалидности»// E/C. 12/1994/20. 1994

ошириш зарурлиги қайд этилган. Қўмитанинг фикрига кўра, ижтимоий таъминот ва даромадларни қўллаб-қувватлаш дастурлари ногиронликнинг бирор бир шаклига эга шахслар учун муҳим аҳамиятга эга (9-модда). Қўмитанинг қайд этишича, жисмоний ва руҳий соғлиқ ҳуқуқи (12-модда) ногиронликнинг бирор бир шаклига эга шахсларга мустақил бўлиш имконини берадиган, касалликнинг янада зўрайиб кетишининг олдини оладиган тиббий ва ижтимоий хизматлардан, жумладан ортопедик хизматлардан фойдалана олиш ҳуқуқини, уларнинг ижтимоий интеграциясини, хусусан бундай хизматлардан фойдаланиш ҳуқуқини қўллаб-қувватлашни назарда тутди.

Ногиронликнинг бирор бир шаклига эга шахсларни озиқ-овқат, уй-жой ва бошқа кундалик ҳаётини эҳтиёжлардан фойдалана олишини таъминлаш заруратига қўшимча равишда, уларга кундалик турмушда мустақил бўлишлари даражасини оширишда ҳамда ҳуқуқларига риоя этилишини таъминлашда ёрдам берадиган қўшимча ёрдамчи воситалар билан ҳам таъминлаш керак<sup>21</sup>. Қайд этиш керакки, иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар бўйича Қўмита томонидан 1990 йил қабул қилинган 3-рақамли умумий тартибдаги мулоҳазада мавжуд манбалар кескин қисқариб бораётган бир шароитда иштирокчи-давлатларнинг жамиятнинг эҳтиёжманд катламларини ҳимоя қилиш борасидаги мажбурияти муҳим аҳамият касб этиши таъкидланди.

2001 йил декабрь ойида Мексика ҳукумати Бош Ассамблеяда ногиронларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш ва уларга кўмаклашиш бўйича кенг қамровли ва ягона конвенцияни ишлаб чиқиш юзасидан таклифларни кўриб чиқадиган Махсус қўмита тузиш таклифини илгари сурди. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция матни ва унга Факультатив протокол тайёрланиб, 2006 йил 13 декабрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция сифатида қабул қилинди. Мазкур ҳужжат ногиронларнинг ҳуқуқларини амалга ошириш учун қулай шароитлар яратиш, халқаро ҳамкорликни кучайтириш ҳамда халқаро ва миллий мониторингни ташкил қилиш учун иштирокчи давлатлар томонидан қабул қилиниши керак бўлган мақсадлар, умумий принциплар, мажбуриятлар, аниқ ҳуқуқ ва чора-тадбирларга бағишланган 50 та моддадан иборат.

Конвенция ногиронлар ҳуқуқлари бўйича Қўмитани таъсис этади. Ушбу Қўмита Конвенцияга қўшилган давлатлардан даврий равишда маърузалар олиш ва уларни кўриб чиқиш ваколатига эга. Конвенциянинг Факультатив протокоliga кўра, алоҳида шахслар ва уларнинг гуруҳлари Қўмитага Конвенциянинг исталган қондаси бажарилмаётгани ёки бузилаётгани тўғрисида хабар бериши мумкин. Факультатив протокол

---

<sup>21</sup> Стандартные правила обеспечения равных возможностей инвалидов, прилагаемые к резолюции 48/96 Генеральной Ассамблеи от 20 декабря 1993 года.

шунингдек, Қўмиитага ногиронларнинг ҳуқуқлари тизимли ва кўпол равишда бузилаётгани ҳақида асосли ва ишончли маълумотлар бўлганда ушбу давлатларда текшириш ўтказиш ҳуқуқини ҳам беради<sup>22</sup>.

Конвенцияда «ногиронлик» атамасининг кенг қамровли таърифи мавжуд эмас, Конвенциянинг преамбуласида «ногиронлик» вақт ҳамда турли ижтимоий-иқтисодий шароитлардан келиб чиқиб ўзгариб туриши мумкин бўлган, динамик ёндошувга асосланадиган, ривожланиб борувчи тушунча сифатида қайд этилган (е банд). Конвенцияга кўра, барқарор жисмоний, рухий, аклий ёки сенсор нуқсонларга эга бўлган ва улар жамият ҳаётида тўлиқ ва самарали иштирок этишига халақит берадиган шахслар ногирон ҳисобланади (1-модда).

Конвенциянинг асосий принциплари 3-моддада баён этилган: инсонга хос бўлган қадр-қимматнинг, шахсий мустақиллик ва эркинликнинг ҳурмат қилиниши; камситмаслик, имкониятлар тенглиги, эркаклар ва аёллар тенглиги; жамият ҳаётига жалб этилиш ва киришиб кетиш; инсонлар орасида мавжуд бўлган фарқни ҳурмат қилиш ҳамда инсонлар хилма хиллиги фактини қабул қилиш; имкониятларни таъминлаш; ногирон болаларнинг ривожланиб борувчи қобилиятларини ҳурмат қилиш ҳамда уларнинг ўз индивидуаллигини сақлаш ҳуқуқини ҳурмат қилиш. Конвенцияни ратификация қилган давлатларнинг айримлари унинг баъзи қоидаларини шарҳлар асосида ўзгартиришга ҳаракат ҳам қилишган. Ваҳоланки, ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенциянинг 46-моддасига кўра, қатнашчилар шарҳлар асосида ўзгартириш киритишларига йўл қўйилади, фақат ушбу шарҳлар «мазкур Конвенциянинг объекти ва мақсадларига зид келмаслиги керак»<sup>23</sup>. Инсон ҳуқуқлари бўйича бошқа асосий халқаро шартномалардан фарқли равишда мазкур Конвенцияда ногиронлар ҳуқуқларини амалга оширишни қўллаб-қувватлаш борасида халқаро ҳамкорлик нуқтаи назаридан долзарб бўлган тўртта йўналиш назарда тутилган:

1. Ногиронлар учун қулай бўлган ва инклюзив халқаро ҳамкорлик, жумладан халқаро ривожланиш дастурлари.
2. Мавжуд имкониятларни, жумладан ўзаро маълумот ва ахборот, тажриба, дастурлар ва илғор ишланмаларни алмашиш йўли билан мустаҳкамлаш.
3. Тадқиқотлар ҳамда илмий-техник билимларни ўзлаштиришга имконият яратиш соҳаларида ҳамкорлик.

---

<sup>22</sup> Совет по правам человека. Доклад Верховного комиссара ООН по правам человека о ходе осуществления рекомендаций, содержащихся в исследовании о правах человека инвалидов. A/HRC/4/75. 17 January 2007.

<sup>23</sup> Совет по правам человека. Тематическое исследование Управления Верховного комиссара по правам человека Организации Объединенных Наций в целях повышения уровня информированности о Конвенции о правах инвалидов. A/HRC/10/48. 2009.



4. Техник-иқтисодий ёрдам, жумладан қулай ва ассистив технологиялардан фойдалана олишни осонлаштириш ҳамда уларни ўзаро алмашиш йўли билан, шунингдек технологияларни етказиб бериш воситасида ёрдам кўрсатиш<sup>24</sup>.

Ногирон болалар ижтимоий жиҳатдан энг ажратиб қўйилган болалар қатлами ҳисобланади. Ногирон болалар ҳуқуқларининг ҳар қандай тарзда бузилиши улар томонидан ўз индивидуалликларини намоён этиш имкониятини бермасдан, инсоний кадр-қимматини йўқотишига сабаб бўлади<sup>25</sup>. Бола ҳуқуқлари бўйича Кўмитанинг 9-рақамли умумий тартибдаги мулоҳазасида (2006 йил) ногирон болалар ўз ҳаётларининг барча жабҳаларида камситилишга дуч келишаётгани таъкидланган. У ногиронликнинг объектив табиатидан келиб чиқмайди, балки фарқларни, камбағалликни қабул қила олмаслик, жоҳиллик оқибатида илдиз отган ижтимоий четлатиш натижасида келиб чиққан.

Ногирон болалар ҳуқуқларига оид махсус қоидалар 1989 йил Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенцияда ўз аксини топади. У болаларни соғлиғининг ҳолатига қараб камситишни (2-модда) тақиқлайди, шунингдек ногирон болаларни ижтимоий ҳаётга кенгроқ жалб этиш мақсадида уларга ғамхўрлик кўрсатиш мажбуриятини юклайди (23-модда). Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенцияда ҳам битта модда болаларга бағишланган (7-модда), унга кўра давлатлар ногирон болаларнинг ҳуқуқлари бошқа болалар билан бир хилда ва тенг асосда амалга оширилишини таъминлашлари, уларнинг олий манфаатлари йўлида ҳаракат қилишлари, ҳамда уларни эшитиш ва тушуниш бўйича ҳуқуқлари амалга оширилишини таъминлашлари шарт<sup>26</sup>.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциянинг принципларидан бирида (3-модда) ногирон болаларнинг ривожланиб боровчи қобилиятларини ҳамда ногирон болаларнинг ўз индивидуалликларини сақлаш ҳуқуқларини ҳурмат қилиш, шунингдек давлатнинг тегишли қонунчилик ва стратегияларни ишлаб чиқишда болалар билан, уларнинг манфаатларини акс эттирувчи ташкилот орқали маслаҳатлашиш бўйича умумий мажбурияти (4-модданинг 3-банди) белгилаб қўйилган. Соғлиқнинг мумкин бўлган энг юқори даражасига эришиш ҳуқуқи ҳамда сифатли ва ҳамёнбоп тиббий хизмат олиш ҳуқуқи ҳар бир боланинг дахлсиз ҳуқуқи ҳисобланади<sup>27</sup>. Жаҳон банкининг Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрлаган маърузасида ногирон инсонларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган 9 та тавсия берилган:

<sup>24</sup> Совет по правам человека. Тематическое исследование Управления Верховного комиссара Организации Объединенных Наций по правам человека по вопросу о роли международного сотрудничества в поддержке национальных усилий по реализации прав инвалидов. А/ HRC/16/38. 2010.

<sup>25</sup> Доклад Генерального секретаря “О состоянии Конвенции о правах ребенка” А/66/230, 2011.

<sup>26</sup> Доклад Генерального секретаря “О состоянии Конвенции о правах ребенка” А/66/230, 2011.

<sup>27</sup> [http://www.un.org/ru/documents/decl\\_conv/conventions/disability.shtml](http://www.un.org/ru/documents/decl_conv/conventions/disability.shtml)

1. Барча универсал тизим ва хизматлардан фойдалана олишни таъминлаш.
2. Ногиронлар учун мўлжалланган махсус дастурлар ва хизматларга инвестицияларни йўналтириш.
3. Ногиронлик бўйича миллий стратегия ва ҳаракат режасини ишлаб чиқиш.
4. Ногиронларни ишга жалб этиш.
5. Кадрлар салоҳиятини ошириб бориш.
6. Зарур молиялаштиришни таъминлаш ҳамда иқтисодий қулайликни ошириш.
7. Жамиятнинг ногиронлик муаммосидан хабардорлигини ошириш.
8. Ногиронлар тўғрисида маълумотлар тўплашни яхшилаш.
9. Ногиронлик муаммоларига бағишланган илмий тадқиқотларни кучайтириш ва қўллаб-қувватлаш<sup>28</sup>.

Мазкур тавсияларнинг жорий этилиши турли секторлар – соғлиқни сақлаш, таълим, ижтимоий ҳимоя, меҳнат, транспорт, уй-жой коммунал хўжалиги соҳалари, турли иштирокчилар – давлатлар, фуқаролик жамияти ташкилотлари, мутахассислар, хусусий сектор, ногиронлар ва уларнинг оила аъзолари, оммавий ахборот воситалари жалб қилинишини талаб этади. 1992 йилда БМТ Бош Ассамблеяси 3-декабрни Халқаро ногиронлар куни деб эълон қилди. БМТ барча аъзо давлатларни шу куни ногиронларнинг жамият ҳаётига интеграциялашувига, уларни доимий ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашга, шунингдек зарур шарт-шароитларни яратишга йўналтирилган тадбирларни ўтказишга чақирди<sup>29</sup>.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистонда ногиронларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари давлатнинг ишончли ҳимояси остига олинган. Шу мақсадда 1991 йил 18 ноябрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимояси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ногиронлар ўзларининг Ўзбекистон Республикаси Конституциясида ҳамда халқаро ҳуқуқнинг умум тан олинган принциплари ва қоидаларида белгилаб қўйилган фуқаролик, иқтисодий, сиёсий ва бошқа ҳуқуқ ва эркинликларини бошқа фуқаролар билан бирдек ва тенг асосда амалга оширишларини таъминлашнинг ҳуқуқий асосини яратиб берди. 2008 йилда мазкур Қонун янги таҳрирда қабул қилинди. Шундай қилиб, бизнинг мамлакатимизда ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича яхлит институционал ва ҳуқуқий база яратилди. Қонун ҳужжатларида ушбу тоифага мансуб шахслар учун турли имтиёзлар белгилаб қўйилган. Жумладан, «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 22-моддасида ногиронларнинг, хусусан ногирон болалар ва болалиқдан ногирон шахсларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олиш, реабилитациянинг барча турларидан фойдаланиш,

<sup>28</sup> World report on disability. World Bank. WHO; 2011: 261.

<sup>29</sup> <http://uznews.uz/category/Social/792>

дори-дармонлар, протез-ортопедия буюмлари, ҳаракат воситалари билан имтиёзли тарзда таъминланиш, шунингдек касбий тайёргарлик ва қайта тайёргарликдан ўтиш (малака ошириш) борасидаги ҳуқуқлари белгилаб қўйилган. Унда, шунингдек ногиронларнинг давлат соғлиқни сақлаш, меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш тизими муассасаларида бепул тиббий-санитария хизматидан, уйда қаровдан фойдаланиш, доимий қаровга муҳтож бўлган ёлғиз ногиронлар, сурункали руҳий касалликка чалинган ногиронлар меҳнат ва аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш муассасаларида яшаш ҳуқуқига эга эканлиги ўз аксини топган.

Фуқароларнинг тиббий-ижтимоий ёрдам олиш ва барча турдаги реабилитациядан фойдаланиш ҳуқуқини таъминлаш мақсадида Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тасарруфида жисмоний имкониятлари чекланган шахсларга маданий-маиший хизматлар кўрсатувчи 11 та ногиронларни тиббий-ижтимоий ва касбий реабилитацияси марказлари, 180 та ижтимоий марказлар, 33 та давлат тиббий-ижтимоий муассасалари - «Саховат» ва «Мурувват» уйлари фаолият олиб борган<sup>30</sup>. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Аҳолининг ҳожатманд қатламларини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 22 февралдаги ПФ-4782-сон Фармони билан мазкур муассасалар Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфига ўтказилган. Фуқароларнинг тўлақонли санатория-курорт даволанишини, соғлиғини тиклаши ва дам олишини ташкил қилиш учун тиббиёт фани ва амалиётининг замонавий талабларини ҳисобга олган ҳолда тиббий-реабилитация хизматлари кўрсатишга ёндошувнинг халқаро талабларига тўла жавоб берадиган 8 та санатория, 134 та реабилитация техника воситаларини ижрага бериш пунктлари фаолият олиб бормоқда. Ҳар йили ўртача 30 минг нафар жисмоний имкониятлари чекланган шахслар соғломлаштирилади. «Саховат» ва «Мурувват» уйларида йилига 7,2 минг нафар ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга тиббий-ижтимоий ва маиший хизматлар кўрсатилади. Ҳар йили салкам олти минг нафар фуқарога протез-ортопедия жиҳозлари етказиб берилади, уч минг нафар фуқаро ногиронлар аравачалари, салкам беш ярим минг нафар шахс бошқа ортопедик жиҳозлар ва ҳаракат воситалари билан таъминланади<sup>31</sup>.

Бундан ташқари, уларнинг ҳуқуқлари бир қатор қонунлар билан ҳам ҳимоя қилинади. «Таълим тўғрисида», «Фуқаролар соғлиғини сақлаш тўғрисида», «Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида», «Бола ҳуқуқлари кафолатлари тўғрисида», «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида», «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида» Қонунлар, Меҳнат кодекси ва бошқа қонун ҳужжатлари шулар жумласидандир.

<sup>30</sup> Защищать социальные интересы людей с инвалидностью. <http://m.xdp.uz/ru/news/?ID=12036>. 05.05.2014

<sup>31</sup> Защищать социальные интересы людей с инвалидностью. <http://m.xdp.uz/ru/news/?ID=12036>. 05.05.2014

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг ташаббуси билан ногиронларни доимий равишда ижтимоий муҳофаза қилиш ва қўллаб-қувватлашга қаратилган 70 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар қабул қилинган эди. Республикада мазкур йўналишда амалга оширилаётган барча чора-тадбирлар ногиронлар мамлакат Конституцияси ва бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамлаб қўйилган барча ҳуқуқ ва эркинликларидан тўлақонли фойдалана олишларини таъминлашга қаратилгандир. 2009 йил феврал ойида Ўзбекистон Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида» Конвенциясига қўшилди. Бу ногиронлар учун махсус қабул қилинган инсон ҳуқуқларига оид илк битимдир. Унда жисмоний имкониятлари чекланган шахслар ҳомийлик ва хайрия объектлари эмас, балки ҳуқуқ эгалари ва ривожланиш учун ўзгаришлар объектлари эканлиги қайд этилган. БМТ Конвенциясига қўшилиш Ўзбекистоннинг давлатнинг ногиронларга нисбатан замонавий сиёсати таянадиган асосий принципларни тан олишини, халқаро стандартларга, сиёсий, иқтисодий, ижтимоий, юридик ва бошқа ҳаётий муҳим ҳуқуқларга риоя этишга тайёрлигини билдиради. Мазкур ҳужжатнинг мақсади ҳамма ногиронларга нисбатан барча инсон ҳуқуқлари амалга оширилишини рағбатлантириш, ҳимоя қилиш ва таъминлашдан, шунингдек уларга хос бўлган кадр-қимматни рағбатлантиришдан иборат.

Бугунги кунда ногиронларнинг жамоат бирлашмалари фаолиятини мувофиқлаштириш жараёни кўзга ташланмоқда. Бу бежиз эмас. Чунки Ўзбекистонда турли йўналишларда иш олиб бораётган 76 та нодавлат ноижорат ташкилоти мавжуд бўлиб, улар асосий эътиборларини Парламентимиз томонидан БМТ Конвенцияси ратификация қилинишига эришишга қаратишган<sup>32</sup>. Хусусан, Ўзбекистон нодавлат ноижорат ташкилотлари Миллий ассоциацияси қошида ногиронлар ННТлари маслаҳат кенгаши ташкил этилган.

Худди шундай жараёни Марказий Осиёнинг бошқа давлатларида ҳам кузатиш мумкин. 2012 йил Олма-отада ногиронларнинг Марказий Осиё форумига асос солинди. Миллий парламентлар томонидан БМТнинг «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида» Конвенцияси ратификация қилинишига ҳамда унинг ҳаётга тадбиқ этилишига эришиш йўлида минтақадаги ногиронлар ННТлари куч ва интилишларини бирлаштириш мазкур форумнинг асосий мақсади ҳисобланади<sup>33</sup>. Бугунги кунда Ўзбекистон Ногиронлар жамияти ва ногиронларнинг «Millennium» ёшлар ижтимоий-ҳуқуқий реабилитация маркази форумга аъзо бўлса, бошқа бир

<sup>32</sup> Доклад на тему: «Конвенции ООН «О правах инвалидов», как фактор повышения активности общественных организации инвалидов» [www.uz.undp.org/.../UN\\_Uzb\\_Presentation](http://www.uz.undp.org/.../UN_Uzb_Presentation)

<sup>33</sup> Ходжаев Э. Надежды и чаяния людей с ограниченными возможностями. <https://www.gazeta.uz/ru/2012/12/03/day>

қатор ННТлар унинг сафига киришга тайёргарлик кўришмоқда. Шунингдек, Бутунжаҳон ногиронлар ташкилотига аъзо бўлиш мақсадида ногиронлар ННТлари бирлашмасини тузишга интилиш ҳам кўзга ташланмоқда<sup>34</sup>.

Энг асосийси – ногиронларнинг имкониятлари ва қобилиятларидан келиб чиқиб уларни фойдали меҳнатга жалб этиш йўналишида сезиларли ишлар амалга оширилмоқда. Чунки ногиронларнинг ишга жойлаштирилиши уларнинг ижтимоий муҳофазасини кучайтириш учун қўшимча омил бўлиб хизмат қилади. Шу мақсадда имконияти чекланган шахслар учун мўлжалланган иккита ихтисослашган касб-ҳунар коллежи фаолият юритмоқда. Ушбу ўқув муассасаларининг моддий-техника базаси доимий равишда мустаҳкамланиб бормоқда<sup>35</sup>.

Ногирон шахсларнинг бир қисмини уй меҳнатига жалб қилиш ҳамда оилавий бизнесни йўлга қўйишда уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида бандликка кўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш Марказлари йилига ўртача беш мингдан ўн минг нафаргача ногиронларни ишга жойлаштиради. Жумладан, улар тикувчилик, косиблик, зардўзлик, қуроқчилик, компьютер техникасини таъмирлаш хизматлари каби йўналишларда уй меҳнати билан банд<sup>36</sup>.

Ўзбекистон Республикасининг «Шаҳар йўловчи транспортдан бепул фойдаланишни тартибга солиш тўғрисида»ги Қонунида 1991-1945 йиллардаги уруш ногиронлари, I-гурух уруш ногиронини кузатиб бораётган шахс, кўзи ожиз ногиронлар ва уларни кузатиб бораётган шахс шаҳар йўловчи транспортдан (таксидан ташқари) бепул фойдаланиш ҳуқуқига эга эканлиги белгилаб қўйилган<sup>37</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 26 февралдаги Фармонида кўра, болаликдан ногиронларга, I ва II-гурух ногиронларига, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронларига, Чернобил АЭСидаги фалокат оқибатларини бартараф этишда қатнашган шахсларга республика ихтисослаштирилган марказларида давлат бюджети маблағлари ҳисобидан тиббий ёрдам кўрсатилади<sup>38</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2013 йил 15 февралдаги Қарорига асосан, ёш боласи бор оилаларга, болага қараганлик учун нафақа ҳамда моддий ёрдам тайинлашда болаларнинг ота-онасидан

---

<sup>34</sup> Ходжаев Э. Надежды и чаяния людей с ограниченными возможностями. <https://www.gazeta.uz/ru/2012/12/03/day>

<sup>35</sup> В Узбекистане создано два колледжа для людей с ограниченными возможностями. <http://www.uzinform.com/ru/news/20130918/19842.html>. 18.09.2013 21:54

<sup>36</sup> Защищать социальные интересы людей с инвалидностью. <http://uzbekistonovozi.uz/ru/articles/index.php>  
<sup>37</sup> [lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=39857](http://lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=39857)

<sup>38</sup> С.Магдеева. Какими льготами могут воспользоваться люди с инвалидностью? [darakchi.uz/article/1233-kakimi-lgotami-mogut-vozpolzovatsa-ludi-s-invalidnostu](http://darakchi.uz/article/1233-kakimi-lgotami-mogut-vozpolzovatsa-ludi-s-invalidnostu)

бири ёки ҳар иккаласи ногирон бўлган, шунингдек ногирон фарзанди бор оилаларга устунлик берилади.

«Ногиронлар ва кексаларни бепул санатория-курорт йўлланмалари билан таъминлаш тартиби тўғрисида Йўриқнома»га кўра, 1941-1945 йиллардаги уруш ногиронлари, I-гуруҳ уруш ногиронини кузатиб бораётган шахс, I ва II-гуруҳ ногиронлари, I-гуруҳ кўзи ожиз ногиронни кузатиб бораётган шахс, Чернобил АЭСи фалокати оқибатида ногирон бўлиб қолган фуқаролар бепул йўлланмалар билан таъминланади.



Ўзбекистонда кексалар доимо иззатда.<sup>39</sup>

Мамлакатимиз раҳбарининг 2011 йилдаги қарори билан 2011-2015 йилларда ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларни ижтимоий муҳофаза қилишни янада кучайтириш бўйича қўшимча чоратадбирларнинг белгиланиши, шунингдек ижтимоий қўллаб-қувватлаш тизимини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштиришга қаратилган бошқа меъерий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниши манзилли ижтимоий муҳофазани янада кучайтиришда, ёлғиз кексалар, нафақахўрлар ва ногиронларнинг турмуш даражаси ва сифатини оширишда, уларнинг ижтимоий таъминоти тизимини такомиллаштиришда, шунингдек тиббий-ижтимоий муассасалар моддий-техник базасини мустаҳкамлашда муҳим аҳамиятга эга бўлди.

«Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий муҳофазаси тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси қонуни ногиронларга ўз ҳуқуқлари, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, бошқа фуқаролар

---

<sup>39</sup> saxovat.uz

билан бир хилда ва тенг имкониятлар таъминланишига эришиш учун жамоат бирлашмаларини тузиш ҳуқуқи беради. Бугунги кунда мамлакатимизда ўнлаб ана шундай жамоат ташкилотлари фаолият олиб бормоқда. Ўзбекистон ногиронлар жамияти, Ўзбекистон миллий паралимпия ассоциацияси, Ўзбекистон ногирон ишбилармон аёллар миллий ассоциацияси ва бошқалар шулар жумласидандир. Мазкур жамоат бирлашмаларининг фаолияти ногирон кишиларнинг ҳар томонлама қўллаб-қувватланишини таъминлашга, уларнинг таълим олиши, спорт билан шуғулланиши, касб эгаллаши учун кенг имкониятлар яратишга йўналтирилган.



2016 йилда Ўзбекистон паралимпиячилари юксак натижага эришдилар<sup>40</sup>.

«Жисмоний тарбия ва спорт тўғрисида»<sup>41</sup> Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 4-моддасига кўра, ногиронлар ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахслар, шунингдек юқори даражада ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли гуруҳлари ўртасида жисмоний тарбия ва спортни ривожлантиришга кўмаклашиш жисмоний тарбия ва спорт соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларидан бирини ташкил этади. Шунингдек мазкур Қонуннинг 6-моддасида давлатнинг жисмоний тарбия ва спорт воситаларидан аҳолининг, шу жумладан аёллар ва ёшларнинг, шунингдек ногиронларнинг соғлиғини мустаҳкамлаш мақсадида фойдаланиш учун шарт-шароитлар яратиши, ногиронларнинг ва жисмоний имкониятлари чекланган бошқа шахсларнинг паралимпия ҳамда сурдлимпия ўйинларида, ногиронлар ўртасидаги махсус олимпиадалар ва бошқа спорт тадбирларида иштирок этишини ривожлантириш ҳамда

<sup>40</sup> <http://sport.ziyounet.uz>

<sup>41</sup> [www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=2742238](http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=2742238)

таъминлашга кўмаклашиши белгилаб қўйилган. Паралимпия ҳаракатини ривожлантириш мақсадида паралимпия спортининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, мамлакатимиз спортчиларининг нуфузли халқаро мусобақаларда муносиб иштирок этишларини таъминлаш учун зарур чора-тадбирлар кўрилмақда. Натижада паралимпиячиларимиз халқаро мусобақаларда муваффақиятли қатнашишмоқда. Жумладан, 2010 йилда Гуанчжоу шаҳрида бўлиб ўтган ПараОсиё ўйинларида енгил атлетика, камондан отиш, дзюдо, ўқ отиш, пауэрлифтинг каби спорт турларида 25 нафар паралимпиячимиз Ватанимиз шарафини ҳимоя қилиб, жами тўққизта медални қўлга киритишди<sup>42</sup>. Шу ўринда футбол бўйича ногирон-ампутантлар ўртасида уч карра жаҳон чемпиони бўлган терма жамоамизни алоҳида тилга олиб ўтиш лозим. 2016 йил Бразилиянинг Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV ёзги паралимпия ўйинларида спортчиларимиз жами 31 та медални қўлга киритишгани эса алоҳида таҳсинга лойиқ<sup>43</sup>.

2015 йил 10 августда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»<sup>44</sup> қарори қабул қилинди. Мазкур қарорга кўра, 2016 йил 1 январдан бошлаб 17 минг нафардан зиёд ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшаётган ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронларга ижтимоий хизматлар ва ижтимоий ёрдам кўрсатиш якка тартибда шакллантириладиган ижтимоий хизматлар дастури асосида амалга ошириладиган бўлди<sup>45</sup>. Жумладан, 2016 йил январь ойидан 17 минг нафардан зиёд ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз яшаётган ҳамда ёлғиз кексалар ва ногиронлар учун якка тартибда шакллантириладиган ижтимоий хизматлар дастури ишлаб чиқилди. Дастурлар ёлғиз кексалар ва ногиронларнинг бешта соҳадаги эҳтиёжларини қондиришни қамраб олган, булар: соғломлаштириш, уйда парваришлаш, уй-жой маиший шароитларини яхшилаш, ижтимоий ва ҳуқуқий ҳимоя, мулоқот ва дам олиш доирасини кенгайтириш. Уйда парваришлаш бўйича хизматлар янгича тартибда тақдим этиладиган бўлди: агар авваллари ижтимоий хизматчининг уйда парваришлаш учун келиб-кетиши даврийлиги ва муддати кекса киши ёки ногироннинг соғлиғи қай даражада бузилганига ёки ўз ўзига хизмат кўрсата олиш қобилиятига боғлиқ бўлмаган бўлса, энди хизматлар ҳажми ва келиб-кетишлар даврийлиги Бартел ва Лаутон шкаласи бўйича белгиланадиган бўлди. Мазкур шкалалар ёрдамида инсоннинг мустақил равишда овқатланиш, чўмилиш, ўзига қараш, кийиниш, ҳожатга чиқишни назорат қилиш, ҳаракатланиш, зинадан

<sup>42</sup> Успехи достойного огромного внимания. [uzbekistonovozi.uz/ru/articles/index.php?ELEMENT\\_ID=1087](http://uzbekistonovozi.uz/ru/articles/index.php?ELEMENT_ID=1087)

<sup>43</sup> Узбекистан на летних Паралимпийских играх 2016 — Википедия [https://ru.wikipedia.org/wiki/Узбекистан\\_на\\_летних\\_Паралимпийских\\_играх\\_2016](https://ru.wikipedia.org/wiki/Узбекистан_на_летних_Паралимпийских_играх_2016)

<sup>44</sup> [www.lex.uz/ru/Pages/GetAct.aspx?lact\\_id=2718858](http://www.lex.uz/ru/Pages/GetAct.aspx?lact_id=2718858)

<sup>45</sup> <http://www.mehnat.uz/ru/newnews/view/60>



кўтарилиш ва тушиш, харидлар қилиш, рўзгор юритиш бўйича имкониятлари баҳоланади. Ёлғиз кексалар ва ногиронларга ҳар ойда етказиб бериладиган озиқ-овқат маҳсулотлари ва шахсий гигиена товарларининг сони 9 тадан 15 номга кўрайтирилгани, шунингдек уларни олувчига жами тўпламнинг белгиланган умумий қиймати доирасида маҳсулотлар ва товарлар турлари ҳамда миқдорини танлаш ҳуқуқи берилганлиги ижтимоий ёрдам соҳасида янгилик бўлди<sup>46</sup>.

### **Барқарор ривожланиш мақсадлари доирасида инсон ҳуқуқлари бўйича Йўриқнома**

<b>Мақсад</b>	<b>Вазифа</b>	<b>Ҳужжат</b>	<b>Модда/баёни</b>
Ҳамма жойда барча шаклдаги қашшоқликка барҳам бериш.	1.1. 2030 йилгача бутун дунёдаги барча инсонлар учун энг паст даражадаги қашшоқликка барҳам бериш (бугунда кунига 1,25 АҚШ долларида кам маблағга кун кечириш тушунилади).	Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси (ИХУД)	22. Жамият аъзоси сифатида ҳар бир инсон миллий интилишлар ва халқаро ҳамкорлик асосида ва ҳар бир давлатнинг тузилиш ва ресурсларидан келиб чиқиб ижтимоий таъминот олиш ҳамда ўзининг кадр-қимматини сақлаб туриш ва иқтисодий, ижтимоий ва маданий соҳалардаги шахсий ҳуқуқларини эркин ривожлантириш ҳуқуқига эга.
	1.2. 2030 йилга бориб миллий таърифларга кўра қашшоқликда кун кечириётган барча ёшдаги эркеклар, аёллар ва болалар сонини камида тенг ярмига қисқартириш.	Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция (НХК)	28.2. Иштирокчи-давлатлар ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланиш ҳамда ногиронлиги учун ҳеч қандай камситишларсиз ана шу ҳуқуқдан фойдаланиш ҳуқуқини тан олади ва мазкур ҳуқуқни амалга оширишни таъминлаш ва рағбатлантириш учун, жумладан, ногиронларнинг, хусусан ногиронлиги бўлган

<sup>46</sup> [www.mfa.uz/ru/press/news/2015/11/6008/](http://www.mfa.uz/ru/press/news/2015/11/6008/)

		<p>аёллар, қизлар ва кексаларнинг ижтимоий ҳимоя ва камбағаллик миқдорини камайтиришга қаратилган дастурлардан фойдалана олишлари учун зарур чораларни кўради;</p> <p>28.2. Иштирокчи-давлатлар ногиронларнинг ижтимоий ҳимояланиш ҳамда ногиронлиги учун ҳеч қандай камситишларсиз ана шу ҳуқуқдан фойдаланиш ҳуқуқини тан олади ва мазкур ҳуқуқни амалга оширишни таъминлаш ва рағбатлантириш учун, жумладан, ногиронларнинг, хусусан ногиронлиги бўлган аёллар, қизлар ва кексаларнинг ахборот олишлари учун зарур чораларни кўради</p>
<p>1.3. Миллий даражада барча учун ижтимоий муҳофазанинг тегишли тизим ва чораларини жорий этиш ҳамда 2030 йилга бориб аҳолининг қашшоқ ва эҳтиёжманд қатламларини сезиларли</p>	<p>Ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрлари тўғрисида 1952 йилги Конвенция (№102)</p>	<p>102. Халқаро Меҳнат Ташкилотининг мазкур Конвенцияси ижтимоий таъминотнинг минимал меъёрларини ва уларни тақдим этишнинг шартларини белгилаб беради. Бунда ижтимоий таъминотнинг 9 та асосий бўлими (тиббий хизмат, касаллик учун тўловлар, ишсизлик нафақаси, қарилик нафақаси, ишлаб чиқаришда</p>

даражада қамраб олиш.		жароҳатланганлик учун нафақа, оила нафақаси, хомиладорлик нафақаси, ногиронлик нафақаси, боқувчисини йўқотганлик учун нафақа).
	Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон Декларацияси (ИХУД)	25.1 Ҳар бир инсон ўзининг ва оила аъзоларининг соғлиғи ва фаровонлигини таъминлаш учун зарур бўлган турмуш даражаси, жумладан озиқ-овқат, кийим-бош, уй-жой, тиббий ва ижтимоий хизматларга эга бўлиш, шунингдек ишсизлик, касаллик, ногиронлик, бевалик, кексалик туфайли ёки ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолда турмуш кечириш учун воситалар мавжуд бўлмаслигининг бошқа ҳолатларида таъминот олиш ҳуқуқига эгадир.
1.4. 2030 йилга бориб барча, жумладан кам таъминланган ва эҳтиёжманд эркаклар ва аёллар иқтисодий манбаларга нисбатан бир хил ҳуқуққа эга бўлишларини, шунингдек базавий		

<p>хизматлардан, ер манбалари ва мулкчиликнинг бошқа шаклларидан фойдаланиш ва уни назорат қилиш, мерос ҳуқуқидан, табиий манбалар, тегишли янги технологиялар ва молиявий хизматлардан, шу жумладан микромолиялаш тиришдан фойдалана олишларини таъминлаш.</p>		
	<p>Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция (НҲК)</p>	<p>4.1 Иштирокчи-давлатлар барча ногиронлар учун инсоннинг барча ҳуқуқлари ва асосий эркинликлари, ногиронлиги учун бирор бир тарзда камситишларга йўл қўймасдан таъминланиши ҳамда улар тўла амалга оширилишини рағбатлантириш мажбуриятини олади. Шу мақсадда барча иштирокчи-давлатлар қуйидаги мажбуриятларни олади:</p> <p>е 4.1.с барча стратегия ва дастурларда инсон, ногиронлар ҳуқуқлари</p>

		<p>ҳимоя қилиниши ва рағбатлантирилишини инобатга олиш;</p> <p>е 4.1.g тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларини амалга ошириш ва қўллаб-қувватлаш, шунингдек янги технологиялар, жумладан ахборот-коммуникация технологиялари мавжуд бўлиши ва қўлланилишига кўмаклашиш.</p>
	<p>Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция (НҲК)</p>	<p>4.2 Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар борасида ҳар бир иштирокчи-давлат ўзида мавжуд манбалардан кенг фойдаланган, зарурат бўлганда эса, халқаро ҳамкорликни йўлга қўйган ҳолда ана шу ҳуқуқлар мазкур Конвенцияда баён этилган ва халқаро ҳуқуқ талабларига кўра бевосита қўлланиладиган ҳуқуқларга зарар етказмаган ҳолда тўла амалга оширилиши учун чоралар кўриш мажбуриятини олади.</p>

**Назорат саволлари:**

1. БМТ Бош Ассамблеяси ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Декларацияни қачон қабул қилган?
2. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Кексалар ва ногиронларни манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлашни янада кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» Қарорининг аҳамияти ҳақида сўзлаб беринг.

3. Ўзбекистон Республикасининг қайси қонунлари ногиронларнинг ҳуқуқ, эркинлик ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади?
4. Жаҳон банкининг Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти билан ҳамкорликда тайёрлаган маърузасидаги ногирон инсонларнинг ҳаётини яхшилашга қаратилган 9 та тавсияни санаб беринг.

### 1.3. Оммавий ахборот воситаларида ногиронлар тимсоли

Оммавий ахборот воситалари нафақат жамиятнинг қадриятлар борасидаги қарашларини акс эттиради, балки уларни, жумладан аҳолининг ногиронлар муаммоларига муносабатини ҳам шакллантиради. Афсуски, ОАВ ногиронлар муаммоларига у қадар кўп мурожаат этмайди. Марказий босма ОАВнинг йиллик таҳламларини кўздан кечирсангиз, бор-йўғи ўн тача мақолаларни, шунда ҳам кўпроқ 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни арафасида чоп этилганлигини, кўришингиз мумкин. Журналистлар тайёрлаган материалларнинг аксарияти ахборот характерида эга. Масалан, ЎЗА мухбирининг хабари фикримизга мисол бўла олади. Қисқагина хабарда Тошкент шаҳрида «Имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини таъминлашда ННТнинг роли» мавзусида «давра суҳбати» бўлиб ўтганлиги, у Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси (ЎзННТМА) ҳузуридаги имконияти чекланган шахсларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилувчи ННТлар кучларини бирлаштириш бўйича Маслаҳат кенгаши томонидан ташкил этилганлиги айтиб ўтилган. Хабарда қайд этилишича: *«Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси кенгаши раиси А.Каримов давра суҳбати ногиронлар муаммолари билан шуғулланадиган нодавлат нотижорат ташкилотларининг долзарб масалаларини муҳокама қилиш, имконияти чекланган инсонларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг устувор йўналишларини ўрганиш, шунингдек, миллий қонунчиликни БМТнинг Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенциясига мувофиқлаштириш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш борасида ўзига хос майдонга айланганини таъкидлаган»*<sup>47</sup>.

Аксарият ҳолларда бундай материалларни Интернет-ОАВда учратиш мумкин. ОАВнинг вазифаларидан бири ногиронлик масалаларига бағишланган мавзуларни ёритиш экан, бу ахборот тингловчига, томошабинга, ўқувчига бузилмасдан етказиб берилиши, ўзида ногиронлар ташкилотлари кенг жамоатчиликка етказмоқчи бўлган мазмун ва маънони мужассам этиши жуда муҳимдир. Афсуски, аксарият журналистлар ногиронлик мавзуси билан етарлича таниш эмаслар ҳамда эскирган салбий

<sup>47</sup> <http://http://uza.uz/oz/society/doimii-mer-va-etiborda-10.06.2014-32708>

қарашлар асирлигидан қутила олмаганлар. Ана шу инсон ногироонлик мавзусини ёритар экан, материал беихтиёр мавзуга нисбатан унинг шахсий муносабати билан «бойитилиши» ва масала бузиб кўрсатилиши мумкин. Бу эса, афсуски, жамиятда ногиронларга нисбатан ижобий муносабат шаклланишига хизмат қилмайди.



«Хуқуқий давлат ва фуқароларнинг хуқуқий онги шаклланишида ОАВнинг роли» мавзусида семинар-тренинг, 2016 йил. Тошкент шаҳри<sup>48</sup>.

Битта воқеа-ҳодиса ҳақида турлича ҳикоя қилиш ва ҳар хил тасаввур уйғотиш мумкин. Аксарият ҳолларда ОАВда ногиронларни ўзига хос қаҳрамонлар сифатида тасвирлашадикки, бу ҳам у қадар маъқул эмас. Ногиронлар бирор бир қаҳрамонлик кўрсатишмаган, улар шунчаки ўзларининг чекланган имкониятларидан келиб чиқиб яшашга, ҳаётда ўз ўринларини топишга интиладилар ва бунинг йўлини топадилар, бу эса ҳурматга лойиқ ҳол. Масалан, Ю.Бондаренконинг мақоласида имконияти чекланган иқтидорли болалар ҳақида ҳикоя қилинади:

*«Дунё амалиётида ногиронлиги бор инсонлар илм-фан, маданият, санъат соҳаларида, жамоат ишлари ва сиёсий фаолиятда сезиларли ютуқларга эришганликларини исботловчи далиллар кўплаб топилади.*

<sup>48</sup> Н.Қосимова олган сурат.

*Бизнинг шахримизда ҳам имконияти чекланган иқтидор эгалари оз эмас. Фикримизнинг ёрқин мисоли – Андрей Гречкин – уни нафақат Чирчиқда, балки шаҳардан ташқарида ҳам яхши билишади. Андрей нафақат расмлар чизиши ва шахсий кўргазмаларини ўтказиши билан машғул бўлади, шунингдек болаларга тасвирий санъатдан сабоқ ҳам беради. Шаҳарда Севинч Даминовани ҳам кўпчилик танийди. У шеърлар ёзиши билан чекланиб қолмасдан турли учрашувларда ёшлар билан фаол мулоқот қилади, ҳар хил суҳбат ва ижодий кечаларда қатнашади. Шаҳзод Абдуқоҳҳоров эса мусиқа билан жиддий шугулланади, ҳозиргача бир қатор ютуқларга эришган. Имконияти чекланган бўлсада футбол ўйнайдиган, хатто бир қатор нуфузли мусобақаларда совринларни ҳам қўлга киритиб улгурган Достон Давронов ҳам анчагина таниқли.*

*Қайд этилганлардан кўриниб турибдики, уларнинг барчаси жамиятимизнинг тўлақонли аъзолари ҳамда унга фойда келтиришига қодир инсонлардир. Фақат ўз иқтидорларини намоён этишларига кўмаклашиши зарур, шунда балки улар ўзларини етарлича таъминлаш имкониятига ҳам эга бўлишар. Санъатда юксак марраларга эришиши учун рассом, мусиқачи ёки шоирнинг жисмоний камчиликлари аҳамиятсиз. Хатто бундай интилишлар қизиқиши даражасида қолиб кетган тақдирда ҳам уларнинг фойдаси беқиёс бўлади. Имконияти чекланган инсонлар ўзларини жамиятнинг тўлақонли аъзолари деб ҳис этишлари учун ҳаёт йўлларида юзага келган тўсиқларни енгиб ўтишлари, уларга жамият ҳаётида бошқалар билан тенгма тенг иштирок этишлари учун шароит яратиш зарур»<sup>49</sup>.*

Республика оммавий ахборот воситаларининг мониторинги шуни кўрсатдики, мазкур мавзу ОАВда оммабоп эмас, лекин шу билан бирга сўнгги йилларда эълон қилинаётган материаллар сони ортиб бормоқда. Улар орасида айнан кенг ўқувчилар оммаси учун қизиқарли бўлган ва уларни муаммолар, уларнинг ечими усуллари ҳамда ушбу муаммоларни ўзлари ва ўзгалар учун ҳал этаётган инсонлар билан таништирган ҳолда жамоатчиликда ногиронлар тўғрисида фикр шаклланишига таъсир кўрсата оладиган таҳлилий, муаммоли мақолаларнинг, очерклар, интервьюлар, инсонлар тарихига оид материалларнинг борлиги қувонарлидир. Масалан, Э. Хўжаевнинг Ўзбекистон Ногиронлар жамияти раиси ўринбосари Ойбек Исаковдан олган «Имконияти чекланган инсонларнинг умид ва интилишлари» номли интервьюсида ногиронлик билан боғлиқ долзарб масалалар ўртага ташланган: «*Ногиронлик —шахс ривожини ва ҳолатининг шундай ўзига хослигики, у аксарият ҳолларда турли соҳаларда ҳаётининг фаолиятининг чекланиши билан кечади. Бунинг оқибатида ногиронлар алоҳида ижтимоий-демографик гуруҳга айланади. Аксарият ҳолларда*

<sup>49</sup> <http://chirchiknews.uz/cgi-bin/main.cgi?!an=r&raz=0&god=2012&mes=2&pg=1&nom=387&id=4835>



уларнинг даромади, таълим олиш имкониятлари юқори бўлмайди(маълумотларга кўра, ногирон ёшлар орасида тўлиқсиз ўрта маълумотлилар кўп, лекин умумий ўрта ва олий маълумотлилар салмоғи озчиликни ташкил этади). Сир эмаски, ушбу шахсларнинг ишлаб чиқариш жараёнида иштирок этишларида муаммолар мавжуд, ногиронларнинг нисбатан озгина қисми меҳнат билан банд. Имконияти чекланган шахслар Ўзбекистонда дуч келаётган муаммолар орасидан бир нечта асосий гуруҳларни ажратиб кўрсатиш мумкин. Биринчидан, бу ногиронларда истиқомат, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, ижтимоий инфратузилма объектларига кириб-чиқиш йўллари, пандуслар, пиёдалар ўтиш жойлари, махсус светофорлар, ногиронлар аравачалари учун қурилмалар ва бошқалар шаклида кириб-чиқиш ва ахборот олиш имкониятининг чекланганлигида намоён бўлади. Иккинчидан, ижтимоий-маданий ва спорт соҳаларидаги эҳтиёжлар қондирилишининг чекланганлиги. Учинчидан, ишга жойлашишдаги қийинчиликлар, хануз ногиронларнинг бандлик масаласида камситилиши ҳолатлари учраб туради. Тўртинчидан, ногиронларнинг тиббий реабилитацияси учун соғлиқни сақлаш хизматлари ҳажми ва сифатини ошириш керак»<sup>50</sup>.

Матбуот таҳлили натижаларига таяниб айтиш мумкинки, ногиронлиги бор инсонларнинг ижтимоий мавқеи ва ўрни ОАВда аксарият ҳолларда ёрдамга муҳтож, эҳтиёжманд қилиб тасвирланади. Оммабор матбуотда ногиронларнинг ҳуқуқлари бузилиши тўғрисидаги, шунингдек ана шу ҳуқуқларни тушунтирувчи ва шарҳлаб берувчи материаллар жуда кам. Ваҳоланки, ана шундай шарҳлар ногиронлар ўз ҳуқуқларини ҳимоя қилишларида жуда-жуда асқотади.

Бу тоифа кишиларининг кундалик турмуши, жамиятга қай тарзда ва даражада интеграциялашаётгани, уларнинг ижтимоийлашуви қандай кечаётгани, билим олиш, меҳнат фаолияти, мажбурий ёлғизликни қандай енгиши, оиласи, бўш вақтларини қандай ўтказиши ҳақидаги мақолалар умуман йўқ, деса ҳам бўлади. Шу ўринда айтиб ўтиш керакки, замонавий ўзбек ОАВдан қахрамон – оддий инсон тимсоли деярли йўқолиб кетди. Аксарият журналистлар учун имконияти чекланган кишиларлар шахс эмас, балки шунчаки ногиронлардир.

Ногиронларга бағишланган материалларда кўпроқ уларнинг ижод ёки спорт соҳасидаги ютуқлари ҳақида ҳикоя қилинади<sup>51</sup>. Масалан, мамлакатимиз спортчилари 2016 йилги Паралимпия ўйинларида қўлга киритган улкан ютуқлардан кейин ана шундай материаллар сони кескин ортди<sup>52</sup>.

<sup>50</sup> <https://www.gazeta.uz/ru/2012/12/03/day>

<sup>51</sup> Латипов Ш.Паралимпийцы Узбекистана: ни дня без медали. <http://www.afisha.uz/gorod/2016/09/14>

<sup>52</sup> [sports.uz/ru/other/2016/09/1984339](http://sports.uz/ru/other/2016/09/1984339)

Телевидениеда галдаги лавҳага навбат берар экан, диктор ҳозир хатто айрим тўрт мучаси соғ кишилар ҳам эплотмайдиган ишларни қилаётган ажойиб, мард киши ҳақида сўз боришини айтиб, аудиторияни ҳақиқий қаҳрамон ҳақидаги ҳикояга тайёрлайди. Аммо лавҳаларда инсон ўзини ногирон ҳис этмаслиги, ҳамма қатори ўқиши, ишлаши, яшаши учун зарур бўлган шароитлар ва кундалик турмуши камдан кам ҳолларда кўрсатилади.

Ўзбекистон электрон ОАВни, жумладан телевидениенинг таҳлили шуни кўрсатадики, телевидениеда ногиронлиги бор кишиларни на бошловчи, на кўрсатув иштирокчиси сифатида учратмайсиз. ОАВда ишлайдиган ногиронлар сони у қадар катта эмас.

Имконияти чекланган кишиларнинг жамият ҳаётига интеграциялашуви ҳақида сўз борар экан, ногиронлиги бор кишилар оддий ҳаётини вазиятларда жамиятнинг бошқалар сингари аъзо этиб тасвирланган ОАВ, сериал ва фильмларнинг муҳим ўрни борлигини тан олиш керак. Ногиронлиги бор киши фильмнинг бош қаҳрамони бўлиши, ёки эпизодларда кўзга ташланиб, оддий ҳаётда ҳар қандай инсонга жой борлигини кўрсатиб бериши мумкин. Жамиятда ногиронларга нисбатан ижобий муносабати шакллантириш учун бугун ОАВда имконияти чекланган инсонлар тимсолини ёритишнинг янги концепциясини ишлаб чиқиш вақти келди.

Россия Федерациясининг «Перспектива» номли ногиронлар ҳудудий жамоат ташкилоти ОАВда ногиронлиги бор инсонлар мавзусини ёритиш концепциясини ишлаб чиққан. Концепцияда, жумладан қуйидаги қоидалар мавжуд<sup>53</sup>:

1. Ногиронлиги бор инсон жамиятнинг бошқалар сингари аъзоси қилиб ва реал ҳаётини вазиятларда кўрсатилган сериаллар, фильмлар, телекўрсатувлар, реклама роликлари яратиш керак. Ногиронлиги бор киши фильм, сериал ёки кўрсатувнинг бош қаҳрамони бўлиши, ёки эпизодларда (дўконда харидор, банк мижози, фильм/сериал қаҳрамонининг оила аъзоси сифатида) кўрсатилиши мумкин. Муҳими – ногирон инсон тимсолини акс эттиришда қотиб қолган стереотиплардан қочиш зарур.

2. Ақлий ва руҳий ногиронлиги бор кишиларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Кўзи ожиз, аравачада ҳаракатланадиган ва бошқа кўз билан кўриш мумкин бўлган жисмоний ўзига хосликлари мавжуд инсонлар билан бир қаторда телекўрсатувларга Даун синдроми бор, аутизм

---

<sup>53</sup> <https://perspektiva-inva.ru/>

ва ментал ногиронликнинг бошқа шакллари мавжуд кишиларни ҳам таклиф этиш керак.

3. Ногиронлик масаласи бўйича ишчи гуруҳ тузиш ва унинг таркибига ОАВ билан ҳамкорликни йўлга қўя оладиган ногиронлиги бор кишиларни ёки ногирон болаларнинг ота-оналарни киритиш зарур. Бундай гуруҳнинг вазифаси журналистларга, кино ва телевидениенинг бошқа ходимларига ногиронлиги бор киши тимсолини кўрсатишда стереотиплардан қочиш ва уларни жамиятнинг бошқа аъзолари сингари оддий кишилар сифатида тасвирлаш юзасидан маслаҳатлар беришдан иборат бўлади. Бунда ана шундай гуруҳлар узок йиллардан бери фаолият олиб бораётган хорижий давлатлар тажрибасига таяниш.

4. Телевидениеда ижтимоий реклама сонини ошириш. Ногиронлиги бор кишилар ҳақида ижтимоий роликлар тайёрлашда у ногиронларга нисбатан ачинишни ёки салбий муносабатни шакллантириб қўймаслиги учун экспертларга мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. Шу вақтгача яратилган ижтимоий роликларни намоиш учун қабул қилиш.

5. Ногиронлиги бор кишиларни фильмлар, сериаллар ва кўрсатувларга киритишда телевидение учун махсус ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш керак. Бунда бошқа давлатлар тажрибасига ва БМТ томонидан ишлаб чиқилган қоидаларга таяниш тавсия этилади.

6. Журналистлар, телевидение ва кино соҳасининг бошқа ходимлари учун ногиронликни тушунтирувчи тренинглар ташкил этиш ва ўтказиш керак. Уларга ногиронларнинг жамоат ташкилотлари вакилларини ҳам таклиф этиш зарур.

7. Ногиронлиги бор кишиларни актёрлик касбига ўқитиш амалиётини жорий этиш: мазкур йўналишда мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртларида актёрлик ва телекўрсатувлар бошловчилигига қобилияти бор ногирон ёшлар ўқиши учун имконият ва шароит яратиш керак.

8. Ногиронлар ролини ижро этишга жалб этилган актёрлар албатта мазкур йўналишда мутахассислардан маслаҳат олишлари керак. Афсуски, аксарият ҳолларда кўрсатув ва фильмларда ногиронлар ёрдамга муҳтож, касалманд қилиб, ёки аксинча, ногиронлик худди қахрамонликдек тасвирланади.

9. Телевидениеда ногиронлиги бор инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи хорижий фильм ва сериалларни намоиш этиш, ана шундай фильм ва сериалларни ўзимизда яратишни йўлга қўйиш керак. Ногиронлиги бор инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи фильмларнинг «Тўсиқларсиз кино» Халқаро кинофестивали ана шундай маҳсулотларни танлаш учун яхши имкониятдир.

10. Ногиронлиги бор кишилар иштирокида ва улар ҳақида фильмлар, сериаллар, кўрсатувлар тайёрловчи ва намоиш этувчи телеканаллар ва

продюссерлик марказларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзлар бериш керак.

11. Кўрсатув ва фильмларни молиялаштиришда уларда ногиронларнинг иштироки бўйича квота (масалан, тахминан 10 %) киритиш лозим.

#### ***Назорат саволлари:***

1. ОАВда ногирон шахсларнинг ижтимоий позицияси нимада акс этади?
2. Ногиронларга нисбатан жамоатчиликда ижобий муносабатни шакллантириш учун ОАВда ногирон шахс тимсолини ёритишнинг янгича концепцияси қандай бўлиши керак?
3. Ногиронлар ОАВ фаолиятида қай тарзда иштирок этишлари мумкин?

### **1.4. Стигма ва стигматизация**

Инсоннинг меҳнатга лаёқатсизлиги, ёки бир шаклда бошқа инсонлардан фарқ қилиши унинг атрофдагилар билан муносабатига, ҳаётининг турли вазиятларига албатта таъсир кўрсатади, у ҳақда нотўғри фикрлар шаклланишига ҳам олиб келиши мумкин. Бундай кишиларга «норасо», «ноқис» каби тамғалар ёпиштирилади ва улар стигматизация объектига айланишади. Стигматизацияга учраган кишиларда эса ўзига ишонч сусаяди, жамиятга, атрофидаги бошқа кишиларга нисбатан салбий муносабат шаклланади, ўзини камситилган, хўрланган ҳис этади, депрессияга тушиб қолади, келажакка, ҳаётда нимагадир эришишга бўлган ишонч ва интилиш пасайиб кетади.

«Ногиронлар» деган сўз аксарият ҳолларда ҳимоясизлик, ўзгаларнинг ёрдамига муҳтожлик, ҳаётда ўз ўрнини топа олмаслик, ўзига ишончсизлик, бахтсизлик, ожизлик сифатида тушунилади<sup>54</sup>. Оқибатда, ногиронлар ожиз ва омадсиз кимсалар сифатида ижтимоий ҳаётнинг кўплаб соҳа ва йўналишларидан четга суриб қўйилади. Шахсга ана шундай баҳо берилиши унинг стигматизациясига олиб келиши мумкин.

---

<sup>54</sup> Смирнова Ю. Проблема предубеждений и стигматизации инвалидов.  
<http://www.psyhodic.ru/arc.php?page=3343>



vitaportal.ru

Ногиронлик жамият томонидан касаллик сифатида қабул қилинмаслиги ҳамда инсон учун ўз имкониятларини амалга ошириш йўлида тўсиққа айланмаслиги керак. Стигматизация муаммосининг моҳияти ана шунда. Стигматизация (юнон тилидан таржимада тамға, тамға деган маъно англатади) – индивидларни ажратиб қўйиш, ёки уларга «тамға босиш», ташқи белгиларига қараб «тузалмас», «ноқис» каби ижтимоий тамғаларни ёпиштириш. Стигматизация натижасида инсон бошқалардан ажратиб кўрсатилади ва жамиятнинг бошқа аъзоларига қарама қарши қўйилади. Натижада инсон расмий ёки норасмий ташкилий тузилмадан тушиб қолиши ва маргиналлар сафини тўлдириши мумкин. Агар стигма индивид томонидан қабул қилинса, у индивид хатти-ҳаракатларини дастурлаштириш ва ўзини ўзи дастурлашга таъсир кўрсатувчи омилга айланади<sup>55</sup>.

Стигматизация тушунчасини фанга И. Гофман киритган. Гоффманнинг таҳлили жисмоний камчилиги бор кишилардан бошланиб, кейинчалик аста-секин бошқа фарқларга ўтади. Натижада Гоффман стигманинг мавжудлиги жисмоний ва руҳий жиҳатдан камчилиги бўлган тор доирадаги одамларга хос бирор бир ноодатий нарса эмаслигини, балки «оддий фуқаролар» орасида ҳам анчагина кенг тарқалган ҳодиса эканини қайд этади. У шундай дейди: «... одатий одамларнинг нисбатан омадлироқлари ўзларининг ярим яширин камчилигига эга бўлади, ҳар бир

<sup>55</sup> Бразевич С., Сидорова А. Инвалидность: проблемы преодоления стигматизации и становления толерантного сознания. <http://www.science-education.ru/ru/article/view?id=8192>

кичик камчилик учун ижтимоий вазият мавжуд бўлиб, шунинг оқибатида у катта камчиликка айланиб кетиши мумкин»<sup>56</sup>.

Ҳар қандай, ҳатто жуда арзимас табиий ёки ижтимоий сифат ҳам стигма учун сабаб бўлиши мумкин, лекин аксарият ҳолларда у характер, ташқи кўриниш ва мақомнинг салбий қабул қилинадиган хусусиятидир. Шундай қилиб, стигма – биринчи галда, инсон(гуруҳ)нинг воқелик юз берадиган ташқи ижтимоий муҳитда шаклланадиган ижтимоий белгисидир<sup>57</sup>.

Стигматизация муаммоси бағрикенглик муаммолари билан узвий боғлиқдир. «Бағрикенглик» атамаси латин тилидан таржимада (tolerantia) чидам, сабрлилик деган маъноларни англатади<sup>58</sup>. Мазкур тушунча ижтимоий ва гуманитар фанларга тиббиётдан кириб келган ҳамда у тиббиётда бирор бир антиген киритилганда унга қарши антижисмларни синтезлай олмаслик (иммунологик бағрикенглик), ёки модданинг қайта киритилишига реакциянинг сусайиши, организмнинг мослашуви (руҳий фаол моддаларга бағрикенглик)ни билдирган. Аксарият ҳолларда «бағрикенглик» атамаси миллатлараро ва динлараро муносабатларни тартибга солишда қўлланилади<sup>59</sup>. Агар ногиронлик ижтимоий жиҳатдан жамиятдаги ижтимоий коммуникациянинг бузилиши сифатида қараладиган бўлса, табиийки, ногиронларга аҳоли тоифаси сифатида камситувчи ижтимоий стереотипларда акс этадиган муносабат юзага келади. Кўплаб ижтимоий ҳодисаларнинг белгилари хусусияти ҳақида гап кетганда, ижтимоий тамғалар ёпиштириш ҳодисасини ҳам эътибордан четда қолдирмаслик керак. Бу ҳодиса билан кундалик ҳаётда, меҳнат муносабатларида, сиёсатда, санъатда, фанда, хуллас, шахсий ва ижтимоий манфаатлар мураккаб тарзда кесишадиган бирор бир жамоа мавжуд ҳар қандай жойда тўқнаш келиш мумкин.

Ногиронлар ҳақида аҳолининг ўзига хос тоифаси сифатида сўз юритганда, ногиронларга нисбатан қўлланиладиган ижтимоий тамға одатда салбий маънода бўлишини қайд этиш керак. Таъкидлаш керакки, энг кенг тарқалган стигматизацияловчи мулоҳазалар орасида «саратон» (34%), «имконияти чекланган одамлар» (10%), «аравага михланиб қолганлар» (7%) кўпроқ учрайди. Психологларнинг фикрича, «саратон» атамаси «онкология»га солиштирилганда ёқимсизроқ ва кўрқинчлироқ ҳисобланади экан<sup>60</sup>. Аксарият ҳолларда ногиронлиги бор инсонларни

<sup>56</sup> [https://www.hse.ru/data/2011/11/15/1272895702/Goffman\\_stigma.pdf](https://www.hse.ru/data/2011/11/15/1272895702/Goffman_stigma.pdf)

<sup>57</sup> Crocker J., Major B., Steele C. Social stigma. // Handbook of social psychology / Eds. by D. Gilbert, S. T. Fiske, G. Lindzey Boston: McGraw-Hill, 1998. - p.504-553.  
[http://psyjournals.ru/psyandlaw/2013/n3/63778\\_full.shtml](http://psyjournals.ru/psyandlaw/2013/n3/63778_full.shtml)

<sup>58</sup> Goffman I. Stigma: notes on the management of spoiled identity, N.Y.: Simon and Shuster, 1963.

<sup>59</sup> Бразевич С.С., Сидорова А.Ю. Инвалидность: проблемы преодоления стигматизации и становления толерантного сознания. cyberleninka.ru/.../invalidnost-problemy-preodoleniya-stigmatizatsi

<sup>60</sup> Изменение проблемного поля темы инвалидности в информационном пространстве Республики Беларусь в 2011-2015 гг. Исследование проведено по инициативе Просветительского правозащитного

«имконияти чекланган кишилар» деб аташади. Гарчи бунда аниқ бир киши назарда тутилса ҳам, ўзида соғлиғида бирор бир камчилик бўлган кишиларнинг имконияти чекланганини англаувчи маънони ташийди. Бунда ногиронлиги бор кишиларнинг манфаатларини инобатга олмайдиган ижтимоий муносабатларнинг мавжуд шакли эмас, балки соғлиқнинг ўзи чекловни келтириб чиқаради.

Ҳеч ўйлаб кўрганмисиз, нима учун ногирон аёл, масалан, болаликдан церебрал шол аёлнинг фарзанд кўриши соғлом кишилар томонидан қахрамонлик сифатида баҳоланади? Ёки умуман кўрмайдиган кишининг парашютдан сакрашида қахрамонлик белгилари мавжудми? Ёхуд автомашина рулидан ногиронлар араваасига ўтираётган кишини кўрганимизда нега унинг бошқалар сингари автомобил бошқариш ҳуқуқи борлиги ҳақида ўйламаймиз, балки бунга ҳайрон бўлиб қараймиз. Нега ана шундай нарсалар имконияти чекланган кишилар ҳаётида рўй берса, бунга ҳайрон қоламиз? Ахир имконияти чекланган дегани имконият умуман йўқлигини англамайдику! Бизнингча, ҳамма гап жамиятнинг соғлом вакилларининг аксариятида шаклланган ногиронми, демак ишлай, оила қура, фарзанд кўра олмайди, чунки унинг ўзи ёрдамга муҳтож, деган фикрда<sup>61</sup>.

Бугунги кунда ногиронлар орасида ОАВ ва санъат асарларида ногиронлар тимсолининг меҳрибонлик, ғамхўрлик ва ҳомийлик кўрсатиш объекти сифатида акс эттирилишига қаршилик кўрсатишга уриниш кучайиб бормоқда. Ногиронлар йил сайин фаол ижтимоий субъектларга айланиб боришмоқда, нафақат таълим ва бандлик соҳаларида соғлом кишилар билан бир хилдаги имкониятларни, балки ўз тақдирларини ўзлари белгилаш ҳуқуқини талаб қилишмоқда. Ногиронлар ҳақида ижобий жамоатчилик фикрини шакллантириш учун ОАВдан фойдаланиш керак. Атрофимиздаги бошқаларни кўришни ва уларга ёрдам беришни истамайдиган, ёки хатто ўзларининг беписандликларини очикчасига намоён этадиган кишиларнинг қарашларини, муносабати ўзгартириш жуда ҳам муҳим.

### ***Назорат саволлари:***

1. «Стигматизация» тушгунчаси нимани англатади?
2. Стигматизация муаммоси бағрикенглик масалалари билан қандай боғлиқликка эга?
3. ОАВнинг ногиронларга бағишланган материалларида бугунги кунда ҳам қандай ижтимоий тамғаларни учратиш мумкин?

---

учреждения «Офис по правам людей с инвалидностью» в феврале – апреле 2016 года.  
[www.disright.org/sites/.../03.../izmenenie\\_problemnogo\\_polya\\_temy\\_invalidnosti.pdf](http://www.disright.org/sites/.../03.../izmenenie_problemnogo_polya_temy_invalidnosti.pdf)

<sup>61</sup> В.Мохор. Главный барьер для инвалида — общественные стереотипы. [tv.sb.by/obshchestvo/article/ogranichenie-soznaniya.html](http://tv.sb.by/obshchestvo/article/ogranichenie-soznaniya.html)

## **II-БОБ. ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА МАВЗУНИ ЁРИТИШ УСЛУБЛАРИ ВА ХОРИЖИЙ ТАЖРИБА**

### **2.1. Оммавий ахборот воситалари, кино ва адабиёт орқали ногиронларнинг ижобий тимсолини илгари суриш**

Ногиронлик – эътибор қаратилиши ва ёритилиши керак бўлган муҳим мавзулар сирасига киради. Имконияти чекланган кишилар ҳар доим бўлишган. Аммо ахборий жамият ривожланиб бориши билан одамларнинг ногиронлик муаммосига қизиқиши ортди: бош қаҳрамони ногирон киши бўлган китоб ёки мақолани ўқишингиз, фильмни томоша қилишингиз билан у муҳокамалар мавзусига айланади. Ногиронлик мавзуси ҳар доим ҳаяжонга солиб келган ҳамда аксарият ҳолларда ОАВ ва кино ногироннинг ижобий ёки салбий тимсоли шаклланишида муҳим ўрин тутади. Инсон шундай яралганки, у бирор нарса ҳақида кўп гапирилгандагина унга эътибор қаратади. Оммабоп китоблар, фильмлар, телекўрсатувлар, газета ва журналларда ногиронлик масалаларининг ёритилиши бу мавзу жамоатчиликнинг доимий диққат марказида бўлишини таъминлайди. Бу, бир томондан яхши. Аксарият ҳолларда имконияти чекланган кишиларга бизнинг эътиборимиз, ғамхўрлигимиз ва ёрдамимиз етишмайди. Аммо танганинг иккинчи томони ҳам бор: ногиронлиги бор кишиларнинг бир қолипдаги, ҳар доим ҳам тўғри бўлмаган тимсоли шаклланиб қолиши ҳеч гап эмас. Бугунги кунда ногиронлар уларни фақат ғамхўрлик ва ҳомийлик объекти сифатида тасвирлашларига қарши чиқишмоқда. Кўплаб ногиронлар ижтимоий фаоллашиб, таълим ва бандлик соҳасида ўзлари учун бошқалар билан тенг имкониятларни талаб қилишмоқда. Улар ўзларини бошқалар сингари оддий одамлар деб қабул қилишларини исташади. Шу боис ногиронлиги бор кишиларнинг жамиятга интеграциялашуви бугунги кунда жуда ҳам муҳимдир. XX асрда имконияти чекланган кишилар ҳақида кўплаб китоблар ёзилди, фильмлар яратилди. Бош қаҳрамони ногирон инсон бўлган асарлар сифатида қуйидагиларни санаб ўтиш мумкин: «Ҳақиқий инсон ҳақида қисса» китоби; «Алвидо деёлмайман» (1982), «Ёмғир одам» (1988), «Тўртинчи июлда туғилган» (1989), «Форрест Гамп» (1994), «Паҳлавон» (1998) ва бошқа фильмлар. Уларда ногиронларнинг табиий турмуш тарзи, ички олами, ҳис-туйғулари акс эттирилган. XXI асрда суратга олинган фильмларда ҳам ўзининг нималарга қодирлигини бутун оламга намоён этадиган кишилар тимсолларини кўришимиз мумкин. Масалан режиссер Филипп Поццо ди Боргонинг 2001 йилда катта экранларга чиққан «Иккинчи имконият» фильмида бахтсиз ҳодиса туфайли ногирон бўлиб қолган бой аслзода Филиппнинг тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. У ўзига ёрдамчи қилиб бу иш учун ҳаммадан ҳам камроқ мос келадиган йигитни –



яқиндагина қамокдан чиққан Абдулни олади. Гарчи Филипп тўшакка миҳланиб қолган бўлсада, Абдул унинг бир маромдаги ҳаётига саргузаштлар руҳини олиб кира олади<sup>62</sup>.

Хуллас, фильмда ногиронлар ҳам ҳамма қатори одамлар эканлиги, улар ҳам ҳаётдан қувониб яшашлари мумкинлиги кўрсатиб берилган. Фильм муваффақият қозонгач, Абдул Селлу 2014 йилда мана шу ажойиб воқеа ўз тилидан ҳикоя қилиб берилган «Сен ҳаётимни ўзгартирдинг» номли китобни чоп эттирди<sup>63</sup>. Ёки австралиялик насроний дини тарғиботчиси ва нотиғи Ник Вуйчични<sup>64</sup> олайлик.



[m.happylifeguide.ru](http://m.happylifeguide.ru)

У қўлсиз-оёқсиз туғилган, аммо тўлақонли ҳаёт кечирмоқда, иккита олий маълумотга эга, ўзгаларнинг ёрдамсиз компьютерда ёза олади, сёрфинг билан шуғулланади, балиқ овига қизиқади, трамплиндан сувга сакрашни ёқтиради. Унинг китоби – қийинчиликларни, тушкунликни қандай енгиб ўтиш, ўзига ишонч ва бахтли бўлиш ҳақида хаяжонга тўла ҳикоя. Ник ўзининг жисмоний муаммолари, кўнгил кечинмалари ҳақида

<sup>62</sup> [ekabu.ru/tradeunion/65410-interesnye-fakty-o-filme-11-2011.htm](http://ekabu.ru/tradeunion/65410-interesnye-fakty-o-filme-11-2011.htm)

<sup>63</sup> <https://www.livelib.ru/book/1000765529-ty-izmenil-moyu-zhizn-abdel-sellu>

<sup>64</sup> <https://www.miloserdie.ru/news/u-nika-vujchicha-rodilsya-vtoroj-syn>

очикчасига ёзади, ўз ҳолатига кўникиши, тақдирга тан бериши осон бўлмаганини, хатто ўз жонига қасд қилишни ўйлаган пайтлари ҳам бўлганини яшириб ўтирмайди. Лекин йиллар давомида у ўз муаммоларида ҳаётдаги тўсиқларни эмас, балки олдига улкан мақсадлар қўйиш ва уларга эришиш учун интилиш, ҳаракат қилиш воситасини кўради. Бу асарида Ник ўзига ёрдам берган ҳаёт қоидаларини баён этади ва энди уларни ўқувчилари билан баҳам кўрмоқда. Ник Вуйчичнинг китоби ногиронлик ижобий жиҳатдан тасвирланган асарларнинг ёрқин намунасидир. Бугунги кунда Ник Вуйчич бутун дунё бўйлаб маърузалар қилмоқда ва миллионлаб кишиларда ўзига, келажакка ишонч пайдо бўлишига ҳисса қўшмоқда.

Ногиронлик муаммоси чуқур таҳлил қилинган бошқа бир мисолга мурожаат этайлик. Асарнинг бош қаҳрамони Лу Кларк кичкинагина шаҳарчада бир хил ва зерикарли ҳаёт кечиради, аммо ишсиз қолгач, у ҳаётини ўзгартиришга қарор қилади. У ҳаёти ўзиникидан фарқли равишда ҳар доим ёрқин таассуротларга ва саргузаштларга бой бўлган, аммо яқинда бахтсиз ҳодиса туфайли тўшакка миҳланиб қолган Уилл Трейнорга қараш учун ёлланади. Лу ва Уилл ўртасида ажиб ҳислар уйғонади ва улар бир бирларига боғланиб қолишади. Лу Уиллнинг вақтини чоғ этишни истайди, аммо йигит ўзининг ҳалокатдан олдинги жўшқин ҳаётини унута олмаётгани боис бу осон кечмайди. Бу асарда ҳозирги тўшакка миҳланиб қолган ҳаётини аввалги таассуротларга бой ҳаёти билан солиштириб, бунга чидай олмаётган инсоннинг кечинмалари тасвирланган. Лу ва Уилл ўртасида учкун олган муҳаббат уларнинг ҳар икковини ҳам ўзгартириб юборади. Йигит яна ҳаётдан қувониб яшашни, ҳазил-ҳузул қилишни ўрганайди, қиз эса борлигинга, соғлиғинга шуқур қилиб, олға интилиб яшаш кераклигини англаб етади. Бу асар ўқувчини тўлқинлантириб юбориши табиий. Уни ўқиғач, ногиронларга бошқача назар билан қарай бошлайсан, уларни тушунишга ҳаракат қиласан. Уиллнинг Луга ёзган хатидаги агар имконинг бўлса, ҳаётда тўлиб-тошиб яшаш кераклиги ҳақидаги сўзлари ўйга толдиради. Мазкур асар асосида шу номдаги фильм ҳам суратга олинган ва у 2016 йилда катта экранларга чиққан.

Бадиий адабиёт ва кинодан фарқли равишда оммавий ахборот воситалари ногиронлик масаласига у қадар кўп эътибор қаратишмайди. Марказий босма ОАВни варақлаганда бир ойда мавзуга оид бир-иккита материал чиққанини кўриш мумкин. Улар ҳам аксарият ҳолларда хабар шаклида бўлади.

Ўзбек ОАВлари мониторинги шуни кўрсатдики, ногиронлик оммавий ахборот воситаларида оммабоп мавзу эмас. Санокли журналистларгина бу мавзуда қалам тебратишади. Бошқа томондан эса бу журналистлар мавзунини яхши билишади ва тушунишади. Бундан ташқари, эълон қилинаётган материаллар сони ортиб бораётганини ҳам айтиб ўтиш зарур. Гарчи материаллар кўпроқ хабар жанрида ва босма ОАВда бўлсада,

тахлилий ва муаммоли, ногиронларнинг одатий турмуш тарзи, орзу-ўйлари, интилишлари, ногиронлар олдида турган муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари, ана шундай муаммоларни ўзлари ва ўзгалар учун ҳал қилаётган инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи, шу орқали жамоатчиликда ногиронлик муаммосига нисбатан ижобий фикрни шакллантиришга хизмат этувчи материаллар ҳам аста-секин бўлсада, кўпайиб бормоқда. Масалан, «Ўзбекистон», «Ёшлар» ва «Тошкент» телеканалларининг 2015 йилнинг августидан 2016 йилнинг сентябригача бўлган дастурлари таҳлили шунини кўрсатдики, мавзу бирор бир сана ёки воқелик, хусусан 3 декабрь – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан кўпроқ ёритилади. Айнан 3 декабрь арафасида ва шу куни деярли барча телеканалларда Халқаро ногиронлар куни муносабати билан ўтказилаётган тадбирлар ҳақидаги хабарлар эфирга узатилади. Аксарият лавҳаларда ногирон кишилар муаммони тасвирлаш воситаси сифатида кўрсатилади, улар бош қаҳрамон бўлган лавҳа ёки кўрсатувлар деярли учрамайди.

Босма ОАВда ҳам ахборот жанри устуворлик қилади: статистик маълумотлар, асосан ногиронларнинг пенсия таъминоти ва уларга берилган имтиёзлар борасида қонунчилик ҳужжатларига шарҳларни кўриш мумкин. Аниқ инсонларга бағишланган материаллар эса жуда ҳам оз, борларининг эса ҳаммаси ҳам жамиятда ногиронлар ва ногиронлик муаммоси ҳақида ижодий фикр шаклланишига хизмат қилавермайди. Яъни ногиронлиги бор киши бошқалар сингари ўз ҳуқуқ ва эркинликларига, мажбуриятларига эга шахс сифатида тасвирланган мақолалар кам. Баъзи мақолалардагина ногиронлиги бор кишилар ўз ҳуқуқларининг курашчиси сифатида намоён бўлади. Масалан, «Тошкентда ногирон болалар ўртасида танлов бўлиб ўтди»<sup>65</sup> номли мақолада «Мафтункор ранглар жилоси» танлови ҳақида сўз боради. Унда Ўзбекистон ногиронлар жамияти Тошкент шаҳар Учтепа туман бўлими раиси Гулчеҳра Сайдиалиева Жамиятга давлат томонидан кўрсатилаётган эътибор учун миннатдорчилик билдириш билан бирга, жамиятнинг туман бўлими ўз биносига эга эмаслигини афсус билан қайд этади. Жамиятда ўз ўрнини топган ногирон кишилар бош қаҳрамон қилиб олинган мақолалар эса бармоқ билан санарли. Олтинбек Бойбулатовнинг «Кўнгил кучи ва саҳийлиги»<sup>66</sup> номли мақоласи фикримизга мисол бўла олади:

*«Жасорат» медали соҳибаси, туман ногиронлар жамияти ҳамда унинг қошидаги «Шаҳрихон кўмаги» шўъба корхонаси раҳбари Зебо Азиева учун Янги йил ўзгача байрам, у мазкур байрамни болалигидан яхши кўради. Қаҳрамонимиз узоқ йиллар кам учрайдиган касаллик –Варкс-Веброс синдромидан азият чеккан. Ота-онаси узоқ вақт даво истаб шифокору табибларга қатнашди, ҳамма усулларни қўлаб кўришди. Онаси Моҳида*

<sup>65</sup> <http://qalampir.uz/news/toshkentda-nogiron-bolalar-ortasida-tanlov-otkazildi-2610>

<sup>66</sup> <http://www.bdm.uz/ru/istemolchi/34773-sila-i-shdrost-dushi>

она Жумабоева эчки олиб унинг сути билан боқа бошлади. Аммо 1984 йил Тошкентлик шифокорлар қизнинг оёғини кесиш кераклигини айтишди... Йиллар ўтди. Бугун Зебо замонавий аёл – баланд поинали этикда юради, бошқаруви мослаштирилган «Спарк» автомашинасини ҳайдайди. Малайзияга борганида атайлаб ана шундай автомашиналарнинг тузилишини кўриб келган, маҳаллий механикларимиз эса бир вақтлар ногиронларга берилган қўлда бошқариладиган «Запорожец»дан андоза олиб, Зебонинг машинасини қўл бошқарувига ўтказиб беришди. Биз билан суҳбатда у мотоцикл ёки скутер сотиб олиш нияти борлигини айтди. Бир сўз билан айтганда, қаршимизда турган бу аёлга қараб, ҳеч ким унинг оёғи йўқлигига ишонмайди.

Унинг кабинетидан кўплаб фахрий тамга ва дипломлар жой олган. Улар орасида Япония халқаро ҳамкорлик агентлиги JICA ваколатхонаси раҳбари Масао Шиканонинг миннатдорчилиги эътиборни тортади: «Сизга имконияти чекланган шахслар учун тенг ҳуқуқли жамият яратиш бўйича, уларнинг ижтимоий ҳимояси ва реабилитациясини яхшилашга, ижтимоий ҳаётга фаол қўшилишларига ёрдам бериш мақсадидаги DET-тренингларни ўтказишда кўрсатган ҳар томонлама ёрдамингиз учун миннатдорчилик билдирамиз».

Мана саккиз йилдирки, Зебо Азибоева туман ногиронлар жамиятига раҳбарлик қилиб келмоқда, шу вақт ичида 25 та ногиронлар аравачаси олинди, эликдан ошиқ ногирон-ампутантларга протезлар берилди. Жумладан, йил бошидан бери жамият томонидан ўнга яқин режадаги тадбирлар ўтказилди, 8 март, Наврўз, Хотира ва қадрлаш куни байрамлари муносиб тарзда нишонланди. Ўнга яқин болалар санаторияларга имтиёзли йўлланмалар билан таъминланди, Иккинчи жаҳон уруши ва фронт орти ногиронлари ва фахрийларига кўрсатилган ҳомийлик ёрдами миқдори уч миллион сўмга яқинни ташкил этади. Жамият ёш рассомларнинг «Мафтункор ранглар жилоси» танловини ташкил этиш ва ўтказишда ҳам фаол қатнашди. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш Жамоат фонди лойиҳасида қатнашиб, Чортоқ ногиронлар жамияти «Зафар Диёр» ШФЙ ҳудудидаги кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли учун болалар спорт майдончаси қуриш бўйича грант соҳиби бўлди. Айни пайтда бу ерда спорт майдончасининг қурилиши бошлаб юборилган. Қизларга касб ўргатиш мақсадида «Зафар Диёр» ШФЙ ва Пешқўрғон қишлоғида курслар очилган бўлиб, шу вақтга қадар 92 нафар ногирон қизлар касб эгаллаганликлари ҳақидаги сертификатларни олишди».

Афсуски, бундай мақолалар у қадар кўп эмас. Юқорида қайд этилганидек, уларнинг аксарияти хабар жанрида бўлиб, кўпроқ хориж тажрибаси ҳақида сўз юритилади:

*«Биз эътиборимизни ногиронликнинг ўзига қаратишимиз керак эмас, балки биринчи галда болани кўришимиз лозим, шу боис ногиронлиги бор болалар масаласида ҳомийлик кўринишида иш олиб боришимиз тўғри эмас, - дейди Роберт Фудерич.*

*ЮНИСЕФ Маърузасининг қоидаларида таъкидланишича, имконияти чекланган болалар ҳуқуқларининг тан олинishi ва уларнинг фаол иштирокини тушуниш жамиятнинг ҳолатини яхшилашга хизмат қилади. Шу билан бирга, имконияти чекланган болаларнинг ҳар томонлама киришиб кетиши замонавий босқичда қабул қилишни ўзгартиришни талаб этади.*

*Маърузада турли давлатлар ҳукуматлари Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция ҳамда Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция талабларидан келиб чиқиб ўз зиммаларига қиб依ият ва ногиронлигидан қатъий назар барча болалар бирор бир камситилишларсиз ўз ҳуқуқларидан фойдаланишларини таъминлаш мажбуриятини олишганига эътибор қаратилган. Бунда конвенциялар принципларининг ҳаётга тадбиқ этилишига жамиятнинг ҳар бир аъзоси – ҳукумат, иш берувчилар, ногиронлиги бор шахсларнинг ташкилотлари, ота-оналар ассоциациялари, халқаро агентликлар бирдек масъул ҳисобланишади.*

*Маърузага кўра, бугунги кунда имконияти чекланган болалар сони бўйича глобал баҳолашни мутлақо аниқ деб бўлмайди. Турли услуб ва маълумотлар таҳлили қўлланиладиган миллий сўровлар маълумотлари ҳам фарқ қилади. Баҳолаш тизимларидан биридан фойдаланган ҳолда Маърузада ногиронликнинг мўътадил ёки оғир шаклида яшаб келаётган 93 миллион нафар бола ҳақидаги рақам келтирилган. Бу – 14 ёшгача бўлган ҳар 20 нафар ўсмирдан бири деганидир»<sup>67</sup>.*

*Оммавий ахборот воситалари ногиронлиги бор кишиларнинг ижобий тимсолини яратиш ва шакллантиришда жуда катта куч ҳисобланади. Ногиронлар муаммоларининг тез-тез ёритилиши, матбуот орқали биз билан ёнма ён илм олаётган, касб ўрганаётган, меҳнат қилаётган, ҳаётдан завқ олиб яшаётган кишиларга жамоатчилик эътиборини қаратиш имконияти чекланган кишилар, шу жумладан ногиронлиги бор болаларнинг жамиятга интеграциясини осонлаштиради.*

### **Назорат саволлари:**

1. Бош қаҳрамони ногирон шахс бўлган қандай асарларни биласиз?
2. Республика ОАВда хабар тусидаги материаллар кўпроқ учрашининг сабаби нимада?

---

<sup>67</sup> Махмудова Л. Обеспечить развитие детей с ограниченными возможностями. 2013-11-22.  
<http://turkistonpress.uz/article/469>

3. Сизнингча, ногирон инсонлар ҳаёти ва фаолиятини ёритиш билан боғлиқ вазиятни ўзгартириш ва журналистларнинг эътиборини тортиш учун нима қилиш керак?

## **2.2. Журналистнинг ногиронлик мавзусида ишлаш услублари**

Фуқаролик жамиятида ОАВ ижтимоий тузилманинг муҳим элементларидан бири ҳисобланади. Ижтимоий фаолият соҳаси сифатида журналистика маданий жамият асосларини шакллантиради, ижтимоий муаммолар ечимига кўмаклашади, жамоатчилик фикрини шакллантиради.

Ўзбекистонда демократик давлат қурилиши жамият ҳаётининг барча жабҳаларида, шу жумладан журналистикада ҳам ўзгаришлар бўлишига олиб келди. Журналистиканинг янги турлари: ижтимоий, молиявий-иқтисодий ва бошқалар жадал ривожлана бошлади. Бугунги кунда ижтимоий журналистика замонавий ўзбек ва хориж журналистикасининг долзарб қиёфасини таҳлил қилувчи тадқиқотчилар эътиборини тортмоқда. Табиийки, тор доирадаги ихтисослашув, масалан, ногиронлик муаммосини ёритишга мослашув журналистдан юқори даражада билимга эга бўлишни, ҳамда алоҳида тайёргарликни талаб этади. Имконияти чекланган кишилар муаммолари ҳақида ёзадиган журналист мавзу доирасида қонунчилик, экология, жаҳондаги вазият, тарих, тиббиёт кабиларда етарлича билим ва тайёргарликка эга бўлиши керак.

Ўзбекистонда малакали тарзда ва эҳтиёткорлик билан ҳал этилиши керак бўлган масала кун тартибида турибди, яъни – ҳуқуқ ва имконияти чекланган кишиларнинг жамиятнинг тўлақонли аъзоси бўлишга интилиши ҳамда ана шу жамиятнинг уларни шу ролда қабул қилишга тайёр эмаслиги ўртасидаги қарама қаршилиқдир. Ногиронларнинг жамиятга ижтимоий интеграциялашуви кўп жиҳатдан аҳолининг ногиронлар муаммоларидан хабардорлигига, ана шу қатламга нисбатан шакланган салбий стереотипларни ўзгартиришга, ҳамда жамиятни ногиронлик муаммоларидан хабардор этишга қаратилган фаолиятга боғлиқдир. Айнан шу боис замонавий журналистларни тайёрлаш жараёнида «ногиронларнинг жамиятга интеграциялашуви» тушунчасини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бунинг учун журналистлар учун семинар-тренинглар ўтказиш, журналистика факультетлари ўқув дастурларига янги махсус курсларни киритиш, тегишли ўқув-услубий таъминотни яратиш керак. Буларнинг барчаси ногиронлар ва жамият ўртасидаги бир-бирини тушунмаслик ва бир-биридан узилганлик стереотипларини йўқотишга, ногиронларнинг жамият ҳаётида ҳар томонлама тўлақонли иштирок этишларига халақит бераётган тўсиқларни олиб ташлашга хизмат қилади.



www. telegraf.by

Журналистлар ногиронларда биринчи галда инсонни, ундан кейин эса бемор ва эҳтиёжманд кишини кўришлари керак. Америкаликлар томонидан ишлаб чиқилган *people-first*<sup>68</sup> атамалари шунга хизмат қилади. У ногиронлик билан боғлиқ сўзлар ва атамаларни шахслаштиришни назарда тутати. Масалан, «ногиронлиги бор киши», «мулоқотга киришиши қийин бўлган киши» ва бошқалар. Шу ўринда яна бир қарра қайд этишимиз керакки, ногиронлик – жисмоний, ақлий, сенсор ва рухий чекланишларга боғлиқ ҳолда инсон фаолиятидаги тўсиқлар ёки чекловлар бўлиб, улар жамиятдаги одамларни фаол ҳаётдан ажратиб қўядиган шароитлар оқибатида юзага келади. Бошқача айтганда, ногиронлик – ижтимоий тенгсизликнинг бир кўринишидир. У тиббий эмас, балки ижтимоий тушунчадир. Шундан келиб чиқиб, ногиронликнинг ижтимоий модели контекстида тегишли атамалардан фойдаланиш мантиқан тўғри ва асосли бўлади<sup>69</sup>.

Ногиронлик мавзусида қалам тебратадиган журналистлар мавзуни очиб беришда маҳоратлари ошишига ёрдам берадиган бир қатор қоидаларга риоя этишлари талаб этилади. Бу ўринда БМТнинг ногиронлиги бор кишилар учун мўлжалланган тавсияларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир<sup>70</sup>.

1. Турли шаклдаги ногиронлиги бор кишилар ўз номидан гапириши керак. *Асос*. Биринчи шахсда гапириш (мен, биз) учинчи шахсдаги

<sup>68</sup> <https://peoplefirst.myflorida.com>

<sup>69</sup> [scibook.net/sotsialnaya.../tema-sotsialnaya-rabota-lyudmi-ogranichennyimi-20543.ht](http://scibook.net/sotsialnaya.../tema-sotsialnaya-rabota-lyudmi-ogranichennyimi-20543.ht).

<sup>70</sup> [http://aupam.narod.ru/pages/biblioteka/posobie\\_po\\_nezavisimomu\\_obrazu\\_zhizni\\_dlya\\_invalidov/page\\_21](http://aupam.narod.ru/pages/biblioteka/posobie_po_nezavisimomu_obrazu_zhizni_dlya_invalidov/page_21).

гаплардан кўра кўпроқ қизиқиш уйғотади ҳамда қониқиш, ҳис-ҳаяжон бағишлайди. Ролли моделларни белгилаб олинг. ОАВда ролли моделлар сифатида ногиронларнинг ўзлари чиқишлари керак. *Асос*. Фаолиятнинг турли соҳаларида ногиронларга, уларнинг оила аъзоларига ва жамиятга ногиронлар фақат бўлаётган воқеа-ходисаларнинг пассив кузатувчилари бўлиб қолмай, ҳаётда кўп нарсаларга эришишлари мумкинлигини кўрсатиб бериш лозим. Шунда ҳар қандай одам ногиронлар ҳам худди соғлом кишилар сингари ақлий, жисмоний, шахсий жиҳатларига, қизиқишларига кўра бир-бирларидан фарқ қилишларини тушуниб етади.

2. Болаларга ногиронлар ҳақида сўзлаб беринг. Болалар ногиронлар ҳаётининг ижобий, табиий мисолларини кўришлари керак. *Асос*. Болалар ногиронлар ҳақида саволлар беришдан чўчишмаслиги, улар қизиқувчанлик табиий ҳол эканини тушунишлари керак. Аксарият ногиронларнинг ўзлари саволларга жавоб беришни хоҳлашади ва ростгўйликни қадрлашади. Бирор бир хабарни етказишда, айниқса у ногиронлар ҳаёти ҳақида жамиятда мавжуд тасаввурларга боғлиқ бўлса, юмордан ҳам фойдаланиш мумкин. *Асос*. Узоқ ва жиддий тарзда гапириб бериладиган хабар зерикарли ва тушунарсиз бўлиб қолмаслиги учун бу ўринда юмор кўл келади. Юмор билан йўғрилган бундай хабар узоқроқ вақт мобайнида хотирада сақланиб қолади.

3. Амалий маълумотларни тақдим этинг. Кундалик ҳаётда фойдали бўлган маълумотларни етказинг. *Асос*. Агар ОАВ материалида ногирон (ёки соғлом) киши ногиронлиги бор аёл, эркак ёхуд бола билан кейинги сафар учрашганида фойдаси тегадиган маълумот мавжуд бўлса, унинг амалий таъсири кучли бўлади. Атрофдаги муҳитни яхшиланг. Ногиронлар учун тўсиқлар қанча кам бўлса – ҳаммага шунча яхши бўлади! *Асос*. Ногиронларга эркин фойдаланиш имкониятининг берилиши аслида бошқа инсонларга ҳам ёрдам беради.

4. Ногиронларни уларнинг имкониятлари ва жамиятга келтиришлари мумкин бўлган фойдалари нуқтаи назаридан тасвирланг. Ногиронлар боқиманда ва жамиятга фойда келтира олмайди, деган қотиб қолган фикрлардан воз кечинг. *Асос*. Ногирон киши бирор нарсага эришгани қанча кўп ўз аксини топса, унинг ногиронлигига ёки бошқалардан фарқли жиҳатларига шунчалик кам эътибор қаратилади.

5. Ногиронларни пассив ва мустақил бўлмаган кишилар сифатида эмас, балки жамиятнинг фаол аъзолари тарзида тасвирланг. *Асос*. Мақсад – таълим олиш, касб ўрганиш борасида тенг имкониятлар яратилса ҳамда техник воситалар ва махсус хизматлар мавжуд бўлса, ногиронлар ўз оилаларига ҳам, жамиятга ҳам кўп нарса бера олишларини кўрсатиб беришдан иборат.

Бугунги кунда нафақат маҳаллий, балки кўплаб хорижий оммавий ахборот воситаларида ҳам имконияти чекланган кишиларни ожиз,



ўзгаларнинг ёрдам ва эътиборига муҳтож қилиб тасвирлаш ҳолатлари кўп учрайди. Бу мутлақо нотўғри. Масалан, Кенияда нашр этиладиган «Ота-оналар учун журнал» («Журнал для родителей»)нинг 2012 йил сентябрь ойидаги сонида «Ўғлининг ногиронлиги боис қамалиб ўтиришга мажбурлар» («Запертые в клетку инвалидностью сына») мақоласида ногирон болаларни парваришлаш бўйича хизматларнинг мавжуд эмаслиги боис она ишлай олмайгани, касбий ёрдамнинг етишмаслиги ҳақида сўз юритилади ҳамда у иммунизация ўтказишга чақириқ билан яқунланади. Мақола ногирон болаларнинг ота-оналари ҳаёти умидсизликка чулғангани ҳақида салбий тасаввур уйғотади<sup>71</sup>.

Ёки Россиянинг <http://svpressa.ru> онлайн газетасида эълон қилинган «Аламни ногиронлардан олишди» («Сорвали зло на инвалидах») номли мақолада нима учун россиялик спортчилар Бразилияга бўлиб ўтган паралимпия ўйинларидан четлатилгани ҳақида мушоҳада юритилади<sup>72</sup>. Ногиронлиги бор кишилар ҳақида қандай қилиб тўғри ёзиш мумкин? Мазкур нозик мавзунини тўғри ва нотўғри ёритиш чегараси қердан ўтади? Қуйида ногиронлиги бор кишиларнинг бандлигини таъминлашга хизмат қиладиган лойиҳа ҳақидаги янгилик ОАВда қандай тақдим этилиши мумкинлиги тўғрисида икки хил мисол келтирилади. Биринчи хабар ногиронлиги бор кишиларнинг салбий стереотипларини кучайтиради ҳамда ҳомийлик ва ачинишни оширишга хизмат қилади. Мавзунини нисбатан ижобий руҳда тақдим этган иккинчи хабарда эса ногиронлиги бор кишиларга ўзларини моддий жиҳатдан таъминлашга интилаётган жамиятнинг тўлақонли ва тенг ҳуқуқли аъзолари сифатида қаралади.

**Далиллар:** Турли шаклдаги ногиронлиги бор кишилар заргарлик буюмлари ишлаб чиқариш ва сотиш билан шуғулланадиган устахона очишди. Ҳамма ишчилар ўзларини ва оила аъзоларини моддий жиҳатдан таъминлаш учун даромад олишни исташади, аммо ҳозирча ишлар у қадар муваффақиятли кечмаяпти. Устахона сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи мақомини қўлга киритиши, сотувлар ҳажминини ошириши, сўнгра ўз ходимларини қўллаб-қувватлаш ҳамда бошқаларни ҳунарга ўргатиш учун фаолиятни кенгайтириши керак.

### Матбуотда ёритишга салбий мисол

<p><b>Мажруҳлар ва кар-соқовлар ўз камчиликларига қарамай заргарлик буюмлари ясашмоқда</b></p> <p>30 нафарга яқин мажруҳ, кар,</p>	<p><b>Нимаси нотўғри:</b></p> <p>«Мажруҳ» ва «кар-соқов» сўзлари эскирган, камситувчи тушунчалар ҳисобланади; «ўзларининг бутун</p>
--	---

<sup>71</sup> [aupam.ru/pages/biblioteka/posobie\\_po\\_nezavisimomu\\_obrazu.../page\\_21.htm](http://aupam.ru/pages/biblioteka/posobie_po_nezavisimomu_obrazu.../page_21.htm)

<sup>72</sup> <http://svpressa.ru/olympic2016/article/153947/>

<p>соқов ва кўрлар заргарлик устахонаси очишди. Уларнинг аксарияти юра ва тўғри ўтира олишмайди. Энди улар ўзларининг бутун муаммолари ва бахтсизликларига қарамай, норасо тақдирларини четга суриб қўйиб чиройли нарсалар яратишга уриниб кўришади. Улар кун бўйи мисли кўрилмаган сабр ва кайфият билан атрофдагиларнинг кўзини қувнатадиган занжирлар, билагузуклар ва узуклар яшашмоқда. Балки ушбу ишчилар ҳам нималаргадир қодирликларини ҳис қилишлари учун қайсидир раҳмдил кишилар улар ясаган майда буюмларни сотиб олишар.</p>	<p>муаммолари ва бахтсизликларига қарамай» деган жумлалар эса раҳмдиллик ва ҳиссий бўёқларга эга. Мазкур хатбоши устахонани ачиниш сўзлари билан таърифлайди ва бунда урғуни ишчиларнинг қобилияти ва ҳаётдаги режаларига эмас, балки уларнинг жисмоний ҳолатига беради. Заргарлик буюмлари яшаш учун одамнинг юра олиши ёки тўғри ўтириши муҳим эмас. Бу гапда бирор бир асос йўқ; у муаллифнинг ногиронлик бир умрлик бахтсизлик ва фожеа деган қарашини акс эттиради холос. Мақолада ногиронлар бошқаларда мутлақо фарқ қиладиган кишилар сифатида тасвирланган. Ногиронлиги бор кишилар ҳам худди бошқалар сингари сабрли ва тетик (ёки бесабр ва жиззак) бўлишлари мумкин. Уларда ҳам худди соғлом кишиларда бўлгани каби кўникма, қобилият ва ҳиссиётлар мавжуд, фақат буни кўрсатиб бериш имкониятлари бироз чекланган.</p>
---	--

### Матбуотда ёритишга ижобий мисол

<p><b>Ногирон усталар янги заргарлик дўкони очишди</b></p> <p>Ногиронликнинг турли шаклига чалинган – параплегия, кўриш қобилиятини йўқотиш, карлик, оёқ ёки қўли ампутация қилинган 30 нафарга яқин киши заргарлик устахонаси очишди. Олти ойлик</p>	<p><b>Нима тўғри:</b></p> <p>Сарлавҳада одамлар бошлаган янги лойиҳага урғу берилади; ногиронлик эса иккинчи ўринда турибди. Мақолада ўқувчиларни қизиқтириши мумкин бўлган кўплаб далиллар келтирилган, аммо ногиронлик ҳолатига алоҳида</p>
---	---

<p>касб ўрганишдан кейин улар бугунга келиб ҳар куни 30-50 дона ўзига хос занжирлар, билагузуклар ва узукларни замонавий ҳамда миллий услубларда яшашмоқда. Устахона бошқарувчиси, ногиронлар аравачасида ҳаракатланадиган Н. Ҳасанов шундай дейди: «Айримларимиз илгари жуда ночор аҳволда яшардик. Энди эса ҳам ўзимизни таъминлашни, ҳам оила аъзоларимизга ёрдам беришни уддалаяпмиз. Биз ясаётган заргарлик буюмлари чиройли кўриниши, ўзига хос дизайни билан ажралиб туради ва бозордаги бошқа худди шундай маҳсулотлар билан бемалол рақобатлаша олади». Шу ўринда айтишимиз керакки, мазкур мақоланинг нусхасини олиб келган ҳар бир харидор биринчи маҳсулотини сотиб олишда чегирмага эга бўлади<sup>73</sup>.</p>	<p>эътибор қаратилмайди. Устахона ишчилари зарур кўникмаларни ўзлаштиришга диққатларини қаратган масъулиятли катта ёшли кишилар сифатида талқин этилади. Устахона ҳомийлик фаолияти нуктаи назаридан эмас, балки ишлаб чиқариш корхонаси сифатида тасвирланади. Исталган бошқа корхона бошқарувчиси сингари ногиронлиги бор бошқарувчининг интервьюси ва фикрлари мақолада берилади. Бу эса журналистнинг хулосалари билан чекланиб қолмасдан, бошқарувчига ўз фикрини баён этиш имконини беради. У ўқувчиларни маҳсулотлари сифатли ва маҳорат билан ясалаётганига ишонтиради ҳамда шу орқали уларни харидор бўлишга ундайди.</p>
---	--

Газета ёки интернетда ёритишга салбий мисол бутун дунё учун одатий ҳол бўлиб, у ногиронлар ҳамжамияти ва журналистлар ўртасида алоқа мавжуд эмаслигидан келиб чиқади. Журналист ногиронлар ҳақидаги мақола озроқ бўрттирилган, ачиниш ҳиссини уйғотадиган ва ҳомийликка даъват этадиган бўлиши керак, деб ҳисоблайди. Ижобий мисол – ногиронлар ҳамжамияти ҳамда журналистлар ва умуман ОАВ ўртасида доимий алоқа, мазкур ҳамжамиятнинг мақсад ва вазифалари, интилишлари ҳақидаги маълумотлар ўз вақтида тақдим этилиши натижасида юзага келади.

<sup>73</sup><http://aupam.narod.ru/pages/biblioteka/posobie>.

### **Назорат саволлари:**

1. People-first атамаси нимани англатади?
2. Журналистлар БМТнинг ногиронларга оид қандай тавсияларини билишлари керак?
3. Ногирон инсон тимсолини қандай қилиб тўғри тасвирлаш мумкин?

### **2.3. Мавзуга гендер-сезувчан ёндашув**

Гендер – бу эркаклик ва аёлликнинг ижтимоий шаклланган ўзига хосликларидир. Бунда “ижтимоий” сўзи одамнинг жинсга оид роли шаклланишида айнан жамият муҳим роль ўйнашини назарда тутди. Гендер ижтимоийлашуви – шахс томонидан жинсга оид ролга тегишли бўлган ҳаракат моделларининг қабул қилиниши ва уни ижро этиш жараёни ҳисобланади. Эркаклар ва аёллар учун ижобий бўлган ушбу жараён гендер ролларни ва қадриятларни қабул қилиш ва уларни ижро этиш билан боғлиқдир<sup>74</sup>. Агар ногиронлиги мавжуд болалар ва катталарнинг ижтимоийлашуви ўта мураккаб, яъни шахснинг ўзи ва атрофдаги ҳолат билан боғлиқ жуда кўплаб ўзгарувчан жараён эканлиги инобатга олинса, ўз навбатида, уларнинг гендер ижтимоийлашуви ўзининг барча хусусиятлари билан дастлабки ижтимоийлашув билан бевосита боғлиқ эканлиги аён бўлади.

---

<sup>74</sup> Тюшнякова Р. Гендер и инвалидность – противостояние или противопоставление?  
<http://grain.ucoz.net/publ>



<http://katyusha-ngo.livejournal.com>

Ногиронларга нисбатан бутун жахон ҳаракатлар дастурида қайд этилганидек, дефектлар ва ногиронлик оқибатлари аёлларга кўпроқ жиддий таъсир ўтказди. Кўплаб мамлакатларда аёллар ноқулай ижтимоий, маданий ва иқтисодий ҳолатда яшайдилар. Бундай ҳолат уларнинг ногиронлик билан боғлиқ қийинчиликларни енгиб ўтиш имкониятларининг чегараланишига, уларнинг жамият ҳаётидаги иштирокининг янада қийинлашувига сабаб бўлади<sup>75</sup>.

Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда таъкидланганидек, аёл ва қиз ногиронлар уйда ҳам, уй ташқарисида ҳам зўравонлик, шикаст етказиш ва ҳақорат, бепарволик ёки менсимаслик, ёмон муносабатда бўлиш ёки эксплуатация қилиш билан боғлиқ жуда кўп хатарларга дуч келадилар. Ушбу муммоларни ҳал этиш учун Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда гендер тенглик ҳамда ногирон аёлларнинг ҳуқуқ ва имкониятларини кенгайтиришни қўллаб-қувватлашга икки томонлама ёндашув белгиланган. Белгилаб қўйилган ана шу тамойиллардан бири

<sup>75</sup> [Резолюция 37/52](#) Генеральной Ассамблеи от 3 декабря 1982 года (см. [A/37/351/Add.1](#) и [Add.1/Corr.1](#), приложение, раздел VIII, пункт 45). <http://www.un.org/ru/rights>

<sup>75</sup> [Резолюция 61/106](#) Генеральной Ассамблеи от 13 декабря 2006 года, пункт (q) преамбулы. <http://www.un.org/ru/rights>

эркаклар ҳамда аёлларнинг ўзаро тенглигидир ва Конвенциядаги моддалардан бири аёл ногиронларга бағишланган<sup>76</sup>.

Мамлакатимизда чекланган жисмоний ва руҳий хусусиятга эга инсонларнинг гендер идентивлиги муаммоси олдинги даврларда мунтазам ёритилмаган. Ушбу масала фақат кейинги йиллардагина асосан интернет нашрлар ва босма ОАВ қизиқишини уйғотмоқда. Чунки ногиронлиги бор инсонлар бундан кейин ҳам “ўрта жинсли” шахс бўлиб қолаверишни истамайдилар.

Фикримизча, жамиятда ногирон тушунчасини олиб ташлаш вақти келди. Ногиронлиги бор одам – у авваламбор, шахс, инсон, аёл ёки эркак, бола ёки қиз эканлигини англаш лозим. Бу орқали жамиятнинг тўлақонли аъзолари билан бир қаторда ногиронлиги бор эркаклар ва аёлларга тўлақонли ижтимоийлашув имкониятини бериш керак.

Ногиронлиги бор инсонлар ҳақида журналистик материаллар асосий иккита тамойилга амалга қилинганда тўғри ҳисобланади:

- жинслар тенглиги ғоясини инобатга олиш (бунда “тенглик” билан “ўхшашлик” тушунчаларини аралаштириб юбормаслик керак);

- материалда эркаклар ва аёллар, уларнинг ҳолатлари, қизиқишлари бир хил кўринишда бўлиши лозим. Бунда бир хилдаги ҳолатнинг эркак ва аёллар учун кўпинча ҳар хил яқун топиши масаласи инобатга олиниши керак. Бир хил вазиятдаги эркаклар ва аёлларнинг қизиқишлари ўзаро фарқ қилиши мумкин. Яъни бундай ҳолатнинг гендер сезувчан эканлигига эътибор қаратилиши даркор<sup>77</sup>.

Журналист ногиронлик билан боғлиқ у ёки бу муаммони ёритар экан, у авваломбор қаҳрамоннинг жинсига эътибор қаратади. Ҳар қандай материал, албатта, гендер жиҳатидан тўғри ёки гендер сезувчан бўлади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон оммавий ахборот воситаларида ногиронлиги бор кишилар ҳақида материал тайёрланганда гендер стереотиплари учрайди. Кўпинча ногиронлиги бор аёллар қаҳрамон сифатида кўрсатилади. Стереотиплар нафақат қолипга солинган иборалар ва терминларда кўзга ташланади, балки улар аксарият ҳолатларда материал қаҳрамонлари билан ишлаш ва мавзунини очиш услубида ҳам яққол кўринади. Ногиронлиги бор аёллар ҳам худди бошқа аёллар сингари соғлиқ, репродуктив ва жинсий эҳтиёж билан боғлиқ муаммоларга дуч

---

<sup>77</sup> Барандова Т.Л. Основы толерантности в гендерной перспективе. / Толерантность: введение в понятие. Учебное пособие. // Под ред. А.Ю.Сунгурова. СПб.: Изд-во Ютас, 2007. – С.3.

келадилар. Шу билан бирга, ногиронлиги бор аёлларда саломатик ва репродукция ҳуқуқлари борасида ўзига хос қўшимча қийинчиликлар мавжуд бўлади. Ногиронлиги бор аёллар нисбатан кўпроқ ҳолатларда мустақил яшаш, ўз ҳамжамоаларида иштирок этиш, мақсадларини олдга қўйиш ва эркин танлаш ҳуқуқини талаб этадилар. Шунинг учун улар жамиятни янада очик, қўллаб-қувватловчи ва инклюзив бўлишининг таъминланишига ҳаракат қиладилар. “Мустақил ҳаёт” ибораси жуда кўп ҳолатларда ногиронлик табиати ва шаклидан қатъий назар ногиронлиги бор инсонлар ҳаракатлари фалсафасининг ўзагини ташкил этади – бу ишончининг маъноси шундаки, ҳар бир инсон, ногиронлигининг табиати ва шаклидан қатъий назар, жамиятда эркин ва тенг иштирокчи сифатида фаолият олиб бориши мумкин. Журналистик материалларнинг тили аксарият ҳолларда ногиронлиги бор инсонларга нисбатан ўқувчиларнинг муносабатини ифодалайди. Агар журналист “ногирон аёллар” деб эмас, балки “ногиронлиги бор инсонлар” деб ёзса, у аёлларни ўқувчиларнинг тили ва шахсий тасаввурида кўзга ташланмайдиган тарзда ифодалаган бўлади. Журналистлар аёллар деб аталувчи гуруҳнинг алоҳида талаб ва истаклари борлигини баъзида эсдан чиқариб қўядилар. Ваҳоланки, аёл ногиронлар ҳаётда маълум мақомга эришиш учун ўз эркак рақибларига қараганда бир палла юқори бўлишлари керак. Чунки аёл кишининг йўбошчи бўлишини ҳамма ҳам қабул қила олмайди, айниқса у ногирон бўлса. Бироқ аёлларни кўзга кўринадиган объект сифатида кўришнинг баъзан иложи йўқ. Чунки баъзан тилда буни алоҳида ажратиб кўрсатадиган сўзларнинг мавжуд эмаслиги кўзга ташланади. Мисол учун, ногиронлиги бор аёл-муаллиф, аёл-раҳбар, аёл-врачни қайси сўзлар билан ифодалаш мумкин? Аёл жинсини тилда кўринадиган қилиш – нафақат ижтимоий масъулият, балки тил ривожланиши устида ишлаш, сўз билишнинг юқори маҳоратини намоён этишни тақозо этади.

Ногиронлик тўғрисидаги ҳар қандай баҳс-мунозара фикрларнинг қутбланиши билан яқунланади: кимдир ногиронлиги бор инсонларга нисбатан тенг ҳуқуқ берилиши тарафдори бўлса, кимдир бунинг аксини илгари суради. Кўпчилик ҳолатларда ОАВ материаллари навбатдаги тортишувларга сабаб бўлади. Бундай пайтда ОАВнинг роли жуда муҳим. Чунки инсоннинг тезкорликка асосланган замонавий ҳаётида ҳатто одамнинг ўзи истаган пайтда ҳам ушбу масала билан жиддий шуғулланиб – мавзуга доир китобларни ўқиш, илмий тадқиқотлар натижалари билан танишиш ва ногиронлиги бор инсонлар ҳақида ўзининг асосланган фикрига эга бўлиш учун вақт етишмаслиги мумкин. Муаммо тўғрисидаги фикрлар кўпинча ОАВ тарқатган маълумотларга асосланади. Бугунги

кунда одамларнинг ногиронлик билан боғлиқ ахборотга эгаллиги даражаси кўпинча ОАВ фаолияти – жамиятда мазкур муаммонинг тушунилиши сифати ва чуқурлиги, ахборот сиёсати – кейинчалик сиёсий даражада қабул қилинадиган қарорларга айланадиган ёндашувлардан иборат бўлади. Ҳатто ўз қаҳрамонларига ижобий муносабатда бўлган журналистлар ҳам уларнинг ориентацияси ёки идентивлигини касаллик сифатида кўрсатадилар. Бу битта нарсани таъкидлаш учун амалга оширилади, яъни: одам ҳеч нарсани ўзгартира олмайди, у бунга “айбдор эмас”. Ҳақиқатан ҳам бунда ҳеч кимнинг айби йўқ. Бироқ касалликнинг ўзи ҳам йўқ. Журналистик материалларда “касаллик” – шикастланиш тарихи, “камчиликлар”ни енгиш жараёнида қаҳрамонга яқинлари қандай ёрдам бериши билан боғлиқ ҳикоялар учун танланган тил орқали таърифланади.



<http://katyusha-ngo.livejournal.com>

Шу муносабат билан ногиронлар ҳақидаги материаллар, одатга кўра, бир томонлама характерга эга бўлди: меҳнатга лаёқатсизлик сабабли юзага келган қийинчиликлар, имконияти чекланган инсонларнинг ишлаши билан боғлиқ қийинчиликларга урғу берилади. Бироқ ногиронларнинг меҳнат фаолиятида ва ҳаётда эришган ютуқлари ҳақида жуда кам ёзилади. Асосан инсон ўз ногиронлигини қандай енгиб ўтаётганлиги ёки соғлом



бўлмаган боланинг туғилиши оила учун қандай оқибатларни вужудга келтириши тўғрисида ҳикоя қилинади. Турли жисмоний камчиликларга эга бўлган одам яна ва яна бечора ва бахтсиз бир жонзот сифатида ифодаланади. Жуда кам ҳолатлардагина ногиронлар муҳим ижтимоий воқеаларда, қарорлар қабул қилинишида иштирок этувчи профессионал сифатида таърифланади. Буларнинг барчасини ногиронлик тўғрисида ёзадиган ўзбек журналистларининг мақолаларида кузатиш мумкин. Аксарият ҳолатларда ногиронларга давлат томонидан ижтимоий ёрдам кўрсатилаётганлигига эътибор қаратилади.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш керакки, журналистлар ногиронлик мавзусини кўтарар эканлар, бунда улар мавзунинг гендер жиҳатига албатта эътибор беришга мажбурдирлар:

- урғуни касалликка эмас, инсонга ва мавжуд ижтимоий шароитга қаратиш керак. Ногиронлар дуч келаётган бирон бир қийинчилик ҳақида гапира туриб, аниқ бир одамнинг жисмоний ёки руҳий ҳолатига эмас, балки муаммонинг ижтимоий жиҳатига эътибор қаратинг (масалан, айрим жамоат бинолари ва шаҳар транспорти воситаларига ногиронлар аравасидаги инсон учун кириш имконияти мавжуд эмаслиги);

- аёл киши ногирон бўлса-да унга эркакларга нисбатан камроқ ёрдам керак, чунки у аёл ёки аксинча, ногирон эркак барча қийинчиликларни сўзсиз енгиб ўтади, чунки у эркак, деган умумлашма фикрлардан қочинг. Вазиятга ногиронларнинг ўзлари берган фикрларни инобатга олган ҳолда баҳо беринг. Ногиронлар ўзларини қандай ҳис этаётганликларини тахмин қилманг, буни яхшиси, уларнинг ўзларидан сўраб билиб олинг;

- ногиронлар ва тегишли ташкилолар билан уларнинг ҳаётига таъсир этувчи муаммолар тўғрисида маслаҳатлашинг. Бу масалаларда улар эксперт. Агар сиз учрашувга ногиронлар ташкилотининг вакилларини таклиф этаётган бўлсангиз, уларнинг орасида ҳам эркак, ҳам аёл вакиллар бўлишини таъминлашга ҳаракат қилинг. Учрашув бўлиб ўтадиган жойга ногиронларнинг қийинчиликсиз кириб бориш имконияти мавжудлигига эътибор беринг. Ногиронлар мобиллиги қийинлашган ҳолатларда уларга ёрдам бериш учун кўнгиллиларнинг бўлишини таъминланг.

### ***Назорат саволлари:***

1. Гендер нима?
2. Ногиронлиги бор инсонлар ҳақидаги журналистик материал қачон тўғри ҳисобланади?
3. Ногиронлиги бор аёллар тўғрисидаги материал қандай бўлиши керак?

## 2.4. Ногиронлиги бор инсонлар учун медиаконтент

Биз дунёда содир бўлаётган воқеалар ҳақидаги энг муҳим ахборотларни, биринчи навбатда, оммавий ахборот воситаларидан, интернет, радио, телевизор ва шунингдек, телефондаги мулоқот ёрдамида оламиз. Республиканинг соғлом фуқаролари каби ногиронлиги бор инсонлар ҳам ҳар қандай ахборотни олиш ҳуқуқига эгадирлар. Айнан ахборот олиш имкониятининг мавжудлиги ногиронлиги бор инсонларнинг дунё ҳамжамиятига интеграциялашувида муҳим роль ўйнайди. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисидаги Конвенцияда (9-модда, «Фойдаланиш имкониятининг мавжудлиги») ахборотдан фойдаланишни таъминлаш билан боғлиқ чора-тадбир сифатида давлатнинг қуйидаги мажбуриятлари санаб ўтилади:

- фуқаролар учун очик бўлган бинолар ва бошқа объектларга киришни осонлаштириш мақсадида ёрдамчи ҳамда воситачиларнинг, шу жумладан ахборот ўтказувчилари, ўқиб эшиттирувчилар ва профессионал сурдо таржимонларининг турли хизматларини кўрсатиш;

- ахборот олиш имкониятини таъминлаш баробарида ногиронларга ёрдам бериш ва кўмаклашишнинг бошқа тегишли шакллари ривожлантириш;

- ногиронлиги бор инсонларнинг янги ахборот коммуникация технологиялари, тизимлар, хусусан Интернетдан фойдаланиш имкониятларини қўллаб-қувватлаш;

- минимал харажат эвазига технологиялар ва тизимларни харид қилиш имкониятини таъминлаш мақсадида арзон ахборот коммуникация технологиялари ва тизимларини лойиҳалаштириш, ишлаб чиқариш ва тарқатишни қўллаб-қувватлаш<sup>78</sup> ва ҳ.к.

Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунининг “Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш” ҳақидаги 2-боби, 10-моддасида “Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ногиронларнинг (шу жумладан ўриндиқли аравача ҳамда етакловчи итлардан фойдаланувчи ногиронларнинг) ижтимоий инфратузилма объектларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томошагоҳ ҳамда бошқа муассасаларга) тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув

<sup>78</sup>[un.org](http://un.org)›[Декларации](#)›[Конвенции](#)

транспортдан, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиган йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиши шарт” эканлиги қайд этилади<sup>79</sup>.

Ногиронлиги бор инсонларнинг аксарияти, айниқса, жисмоний имконияти чекланган инсонлар ОАВ, алоқа воситалари, адабиётлар ва бошқа ахборот манбаларидан фойдаланиш билан боғлиқ муаммоларга дуч келмайдилар. Кўриш қобилиятида муаммоси бор инсонлар товушли ахборотларни, эшитиш қобилиятида муаммоси мавжуд инсонлар эса визуал ахборотларни қабул қилишлари мумкин. Бундай одамлар учун ушбу муаммоларни бошқалар ёрдами билан “юмшатиш” яъни осонлаштириш мумкин: кўриш қобилиятида муаммоси бор ва яхши кўрмайдиган инсонлар учун махсус рельефли-нуқтали ва йирик шрифтли ҳамда товушли (“гапирувчи”) китоблар чиқарилади. Эшитишида муаммоси бор одамлар учун эса графикали қўлланмалар, яширинган субтитрларни кўриш имкониятини берувчи телевизорлар тайёрланади. Кўришда муаммоси борлар учун магнитофонда ишлайдиган кассеталар ҳамда Брайл алифбосидаги рельефли-нуқтали махсус адабиётлар ишлаб чиқарилади. Бу каби махсус адабиётлар кўзи ожиз инсонларга хизмат кўрсатишга мўлжалланган бўлимлар ҳамда секторлар ташкил этилган ихтисослашган ва универсал кутубхоналарда ҳам мавжуд бўлади. Кутубхона фондидан ногиронлиги бор инсонларнинг фойдаланишини таъминлаш мақсадида кутубхоналар махсус тифлотехника асбоблари билан жиҳозланади. Кўриш қобилиятида муаммоси бор инсонлар компьютердан фойдаланишлари учун махсус дастурлар ишлаб чиқилади. Ногиронлиги бор одамлар учун сайтлар пайдо бўлди. Эшитишида муаммоси бор инсонлар учун телевизион дастурларда турли жанрлардаги ижтимоий муҳим ва ахборий теле- ва радио дастурларда сурдо таржимасидан фойдаланилади. Эшитишида ёки овозида муаммоси бор инсонлар учун ишоралар тили қулай бўлади. Эшитиши қийин ногиронлар субтитр ёки сурдо таржимаси бор бўлган видеоматериаллар билан таъминланадилар.

Бу ногиронлиги бор инсонлар учун сайт яратишда ҳам муҳим ҳисобланади. Афсуски, республикамызда, ҳозирча кўришда муаммоси бор одамлар учун муқобил версия билан таъминлашни талаб қилишга доир расмий норматив ҳужжат мавжуд эмас.

Кўришда муаммоси бор инсонлар учун сайтнинг муқобил версиясини яратишда қатор техник жиҳатларни инобатга олиш зарур. Масалан, сайт фойдаланувчиси – ногиронлиги бор инсон сайтдан фойдаланиш имкониятига эга бўлиши жоиз. Техник жиҳатдан мослаштирилган сайтда

---

<sup>79</sup> [http://finc.uz/legisl.php?id=zklaaschita\\_invalidov](http://finc.uz/legisl.php?id=zklaaschita_invalidov)

ҳарфларнинг ҳажмини катталаштириш ёки кичиклаштириш учун Ctrl ва + (плюс) ёки Ctrl клавишасини босиб, сичқонча ғилдирагини олдига бураш керак бўлади;

- шунингдек, ҳарфлар ҳажмини кичрайтириш ҳам мумкин. Бунинг учун Ctrl ва - (минус) ёки Ctrl клавишасини босиб, сичқонча ғилдирагини ўзингизга бурашингиз керак бўлади;

- веб-саҳифани даслабки ҳолатга қайтариш учун Ctrl ва 0 (ноль) клавиши босилади. Дастур ишлаб чиқувчилар кўришда муаммоси бор инсонлар учун Интернет-ресурсларини тайёрлаш жараёнида қуйидаги тамойилларга риоя этишлари керак:

- *қабул қилиш имкониятининг мавжудлиги*: фойдаланиш интерфейсининг ахбороти ва компонентлари яхши кўролмайдиган инсонлар қабул қилиб оладиган кўринишда бўлиши керак<sup>80</sup>;

- *бошқариш имкониятининг мавжудлиги*: фойдаланиш интерфейсининг компонентлари ва навигациялари, хусусан кўриш қобилиятида муаммоси бор инсонлар учун осон бошқариладиган бўлиши керак;

- *тушунарлилик*: кўришда муаммоси бор инсонлар учун фойдаланиш интерфейсининг ахбороти ва операциялари тушунарли бўлиши керак;

- *ишончлилик*: контент турли амалий дастурлар, жумладан кўзи яхши кўрмайдиган инсонлар учун экранга махсус ўрнатиладиган технологиялар интеграциясига мос келадиган даражада - ишончли ва барқарор бўлиши лозим.

Ресурсни лойиҳалашда фойдаланилган веб-сайтнинг кнопкали навигация тизими тактил дисплейларнинг ишлаш нормаларига тўлиқ мос келиши керак. Улар компьютерга ёки мобиль қурилмага уланишда ишлатилади. Кўришда ногиронлиги бор инсонлар улардан фойдаланганида ахборот матн шаклида намойиш этилган бўлиши зарур.

Кўришда ногиронлиги бор инсонларнинг интернет-ресурсларидан тўлиқ фойдаланишларини таъминлаш учун асосий ахборотлар матн шаклида 16 п.да, сарлавҳалар ва муҳим элементлар эса 18 п. ёки 20 п. ҳажмли шрифтда намойиш этилиши керак.

Матнинг таркибий қисми бўлган график файллар, одатга кўра, расмларга изоҳ берувчи матн билан биргаликда келтирилиши лозим. Ёки сарлавҳалардан кейин, яъни асосий матн бошланиши олдидан берилиши керак. Чунки яхши кўрмайдиган одам учун график файлларни англаб олиш қийин бўлиши мумкин.

---

<sup>80</sup>Национальный стандарт Российской Федерации. Интернет-ресурсы. Требования доступности для инвалидов по зрению. <http://docs.cntd.ru/document/1200103663>

Кўришда муаммоси мавжуд ва яхши кўрадиган фойдаланувчилар учун ахборотлар очик жойда бўлиши лозим. Уларда фойдаланувчининг ҳақиқийлигини текширадиган графикли кодлар бўлмаслиги керак. Сайтга кириш учун авторизация тизимини ишлатмаслик ҳамда лицензия келишуви билан танишиб чиқишни талаб этмаслик лозим.

Ичидаги ҳужжатларни график кўринишда сақловчи PDF форматидаги график файллар фойдаланувчиларнинг шахсий компьютерида матнни кўриш ҳамда ўқиш учун махсус дастурларни ўрнатишни талаб этилмаслиги зарур. Стандарт Windows кўриш дастурларини ишлатганда файлларнинг таркибидаги маълумотларни олиш имконияти мавжуд бўлиши керак. Файллар Яндекснинг махсус рўйхатдан ўтказилган омборига жойлаштирилиши лозим.

Жадвалларнинг ичидаги маълумотлар тартибли, яъни изчил, жадвал ячейкаларидан келиб чиққан ҳолда жойлаштирилиши керак.

Гипер ҳаволалар ичида мавжуд бўлган ахборотга ҳавола берилганида улар кўрсатаётган объектга изоҳ бериб ўтилиши лозим.

Веб-саҳифа шакли элементлари матнли изоҳга эга бўлиши керак<sup>81</sup>.

Ахборотлар – расмлар, жадваллар, матнлар ва бошқаларни тўғри қабул қилиш учун - сайт матнли версия билан таъминланиши лозим. Яъни катталаштирилган шрифт, шунингдек, нутқ синтезатори билан ҳамоханглик касб этиши керак. Сайтда навигация ва медиаконтентнинг мураккаб элементлари, фойдаланишни чекловчи унсурлар, турли безаклар бўлмаслиги керак;

Веб-сайт матн мазмунини бойитувчи график файллар, шунингдек, кўшимча изоҳ берувчи матн билан таъминланган бўлиши керак. Бу матн саҳифанинг кодига киритилган ALT (А даража) атрибутида жойлашиши зарур, бундан ташқари янада замонавийроқ технологиялардан фойдаланилиши жоиз;

- флэш-тасвир ва флэш-анимация умуман бўлмаслиги керак;
- вақт билан чекланган медиаконтент ҳам умуман бўлмаслиги керак;
- интернет-ресурс контенти ахборот ёки мавжуд таркибни йўқотмаган ҳолда турли кўринишда бўлмоғи лозим (масалан, саҳифанинг янада соддароқ дизайнда бўлиши муҳимдир);

- сайт матннинг визуал кўриниши ва матн тасвири билан таъминланган бўлиши зарур. Бунда аниқлик учун контрастлик коэффициенти 4,5дан кам бўлмаслиги керак, катталаштирилган матн ишлатилиши керак, логотиплар соддалаштирилган ва ўқишга ҳалақит бермаслиги даркор;

---

<sup>81</sup>Национальный стандарт Российской Федерации. Интернет-ресурсы. Требования доступности для инвалидов по зрению. <http://docs.cntd.ru/document/1200103663>

- сайт матни фойдаланувчи томонидан қўшимча технологияларсиз 150-200% гача қўлда ўлчаш имкониятига эга бўлиши, бунда контент ёки функционалликка путур етказилмаслиги керак;

- матн кўриниши оптимал даражада бўлиши, қаторлар кенлиги 80та белгидан ўтмаслиги, матн қатор кенлигида тўғирланган бўлиши, қаторлар орасидаги интервал ва абзацлар ўртасидаги интерваллар бир текисда бўлиши, матни фойдаланувчи томонидан қўшимча технологияларсиз ва горизонтал прокруткаларсиз 200%гача қўлда ўзгартириш имкониятига эга бўлиши керак.

Контент функционаллигини клавиатура интерфейси орқали клавишани босиш билан вақт маъносидаги ҳеч қандай чекловларсиз бошқариш имкониятига эга бўлиш;

- клавиатура интерфейси ёрдамида саҳифадаги компонентлардан бирини фокусга олиш: масалан, Ctrl и + (плюс) клавиши ёки Ctrl ва сичқонча ғилдираги ёрдамида;

- загрузка ва иккиламчи авторизация пайтида матн анимацияси бўлмаслиги керак;

- такрорланувчи блоклар бўлмаслиги, масалан, реклама бўлмаслиги керак, саҳифалар ва бўлимлар сарлавҳалари мавзу ва мундарижани акс эттириши керак, матни ўқиётганда фокус жойдан зарур жойга кўчиб туради, ҳаволалар изоҳ берувчи матн, турли излаш усулларига эга бўлиши керак<sup>82</sup>.

Россия Федерациясида 2002 йил 27 декабрь кунги «Техник бошқарув тўғрисида»ги Федерал қонунда Россия Федерациясининг миллий стандартларини жорий этиш қоидалари белгилаб қўйилган. Улар Умумроссия ногиронлар жамоат ташкилотининг Ходимлар реабилитацияси ва уларни тайёрлаш институти ҳамда «Метрологияни стандартлаштириш ва мослашувни баҳолаш бўйича Россия илмий-техника ахборот маркази» Федерал давлат унитар корхонаси томонидан ишлаб чиқилган. Қуйида Россия интернет-ресурсларига қўйиладиган талаблар акс эттирилган ҳужжатлардан намуналар келтирилади. Ўйлаймизки, улар Ўзбекистонда ногиронлиги бор инсонлар учун веб-саҳифа ишлаб чиқарувчилар учун фойдали бўлади.

**«Интернет-ресурслар компонентларига қўйиладиган талаблар»<sup>83</sup>**

Кўришида ногиронлиги бор инсонлар фойдаланадиган интернет-ресурсларни ишлаб чиқиш ва улардан фойдаланиш даражасининг асосий

---

<sup>82</sup>Национальный стандарт Российской Федерации. Интернет-ресурсы. Требования доступности для инвалидов по зрению. <http://docs.cntd.ru/document/1200103663>

<sup>83</sup>ГОСТ: Интернет-ресурсы. Требования доступности для инвалидов по зрению. ГОСТ Р 52872-2012. [www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/](http://www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/)

тамоийилларига мувофиқ интернет-ресурслар компонентларига қўйиладиган асосий талаблар шакллантирилган.

### Қабул қилиш имконияти

**Матнли версия.** Интернет-ресурс барча матнсиз контентларнинг матнли версиясига эга бўлиши керак. Бунда асосий масала - кўришида ногиронлиги бор инсонлар учун қулай бўлган контентни муқобил форматларда акс эттириш билан боғлиқдир (катталаштирилган шрифт, Брайл шрифти, нутқ синтезаторидан фойдаланиш имконияти). Фойдаланувчига тақдим этилган барча матнсиз контентлар мос келувчи матнли версияга эгадир. Қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно (А даражаси):

- бошқариш элементлари, ахборот киритиш: агар матнсиз контент бошқарув элементи ёки фойдаланувчи ахборотини киритиш майдони бўлса, бундай ҳолатда унииг мазсунини англатувчи матнли форматдаги номи бўлиши керак;
- вақт билан чекланган медиаконтент: агар матнсиз контент вақт билан чекланган медиаконтент кўринишида тақдим этилган бўлса, унинг матнли версиясида, камида, ушбу матнсиз контентнинг қисқача мазумуни акс этиши керак;
- тест: агар матнсиз контент тест ёки машқ кўринишида тақдим этилган бўлса, муқобил матнли версия, камида, ушбу матнсиз контентнинг қисқача мазумунини беради;
- САРТСНА: агар матнсиз контентнинг мақсади контентга компьютер эмас, инсон мурожаат қилаётганини тасдиқлаш бўлса, фойдаланувчига матнли версиядан фойдаланиши мумкин бўлади. Бу мазкур матнсиз контентнинг мақсадини аниқлайди ва баён этади. Шунингдек, кўриши чекланган инсонлар учун турлича қабул қилиш имокниятларини берувчи, ахборотни чиқаришнинг турли кўринишларини ишлатувчи САРТСНА муқобил шакли тақдим этилади;
- безаш, форматлаш, шаффофлик: агар матнсиз контент безаш, визуал форматлаштириш мақсадида ишлатилаётган бўлса ёки фойдаланувчи учун умуман кўринмаса, бунда фойдаланиш бўйича махсус технологиялар уни инкор этади.

**Контент ҳажми.** Тез-тез ташриф буюриладиган саҳифалар ўз ҳажмига кўра 2-3та экран матнидан кўп бўлмаслиги керак. Саҳифадаги ҳаволалар сони 15тадан ўтмаслиги лозим (AAA даражаси)<sup>84</sup>.

---

<sup>84</sup>ГОСТ: Интернет-ресурсы. Требования доступности для инвалидов по зрению. ГОСТ Р 52872-2012. [www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/](http://www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/)

**График файллар.** Мазмунни бойитишга хизмат қиладиган график файл изоҳли матн билан таъминланиши керак. Бунинг учун веб-саҳифага ҳавола кўшишда график файлга (HTML тили) ушбу изоҳли матнни ALT (А даражаси) атрибутида кўрсатиб қўйиш лозим.

**Флэш-тасвирлар.** Мазкур форматдаги график тасвирларни бундай ахборот мавжуд бўлмаган саҳифага жойлаштиришда аналогик ахборот билан ўтиш имкониятини инобатга олиш керак. Бундай имконият флэш-объектга мос матнли гипер ҳаволаларни саҳифага жойлаштириш орқали амалга оширилади (А даража).

**Вақт чекланган медиаконтент.** Вақт билан чекланган медиаконтент учун муқобил версия бўлиши керак.

**Тасвирга олинган видеоконтент.** Видео ёзув учун медиаконтентнинг муқобил версияси ёки видео ёзув билан бир хил ахборотга эга бўлган аудио ёзув бўлиши керак (А даража).

**Синхронлашган аудио тасвирлаш.** Барча видеоконтентнинг синхронлашган медиаконтент таркибида аудио ҳикояси бўлиши даркор (АА даража).

**Кенгайтирилган аудио тасвирлаш (ёзиб олинган).** Видеода кўрсатилаётган тасвирларга мос равишда аудио ҳикоя бериш учун асосий аудио қаторда паузанинг давомийлиги етарли бўлмаган тақдирда, барча видео учун синхронлашган медиаконтент таркибида кенгайтирилган аудио ҳикоя берилди (ААА даража).

**Муқобил медиа-версия (ёзиб олинган).** Медиаконтентнинг вақт билан чекланган муқобил версияси барча ёзма синхрон медиаконтент ва барча видео контент учун тақдим этилади (ААА даража).

**Интернет-ресурснинг мослаштирилиши.** Интернет-ресурс контенти ахборот ёки таркибни йўқотмаган ҳолда турли кўринишларда берилиши мумкин (масалан, саҳифанинг анча соддалашган дизайнида). Информация ва ўзаро боғлиқлик. Визуал тарзда акс эттирилган информация, таркиб ва ўзаро алоқа дастурий жиҳатдан аниқланган ёки матнли версияда тақдим этилган бўлиши мумкин (А даража).

**Аҳамиятли ўқиш изчиллиги.** Контент тақдим этилган кетма-кетлик унинг мазмунига таъсир қилган тақдирда контентни тўғри ўқиш дастурий жиҳатдан аниқланган бўлиши мумкин (А даража).

**Фарқи.** Интернет-ресурсдаги контентни кўриш ва тинглаш фойдаланувчи учун соддалаштирилган бўлиши керак. Бу контентнинг нисбатан муҳимроқ қисмини иккинчи даражали қисмидан ажратиб олиш йўли билан ҳал этилади<sup>85</sup>.

---

<sup>85</sup>ГОСТ: Интернет-ресурси. Требования доступности для инвалидов по зрению. ГОСТ Р 52872-2012. [www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/](http://www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/)



**Ранглардан фойдаланиш.** Ранг ахборотни визуал узатишнинг ягона воситаси сифатида ишлатилмайди. У ҳаракатни, қайта алоқани ёки визуал элементни бўрттириб кўрсатади (А даража).

**Аудио бошқарув.** Агар веб-саҳифада автоматик тарзда ижро этиладиган 3 секунддан кўпроқ аудио ёзув тақдим этилган бўлса, бундай ҳолатда фойдаланувчи учун ушбу ёзувни тўхтатиш ёки тизим товушини бошқаришдан мустақил равишда товуш баландлигини тўғирлашга мосланган механизм берилиши керак (А даража).

**Контраст (минимал талаблар).** Матннинг визуал акси ва матн тасвири 4,5:1дан кам бўлмаган контрастлик коэффициентига эга бўлиши лозим. Қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно (АА даража):

- катталаштирилган матн. Катталаштирилган матннинг катталаштирилган матни ва тасвири 3:1дан кам бўлмаган контраст коэффициентига эга бўлади;

- иккинчи даражали матн. Фойдаланувчи интерфейсининг нофаол компоненти ҳисобланган, фақат декоратив функцияни бажарувчи матн ёки матн тасвири, фойдаланувчиларга кўринмайдиган ёки муҳим контентга эга тасвир қисми контрастлик коэффициенти талабларига бўйсунмайди;

- логотиплар. Контраст маъносида минимал талаблар матнга алоқаси бўлмайди. Улар логотип ёки савдо белгисининг бир қисми ҳисобланади.

**Матн ўлчамини ўзгартириш.** Матндаги шрифт ўлчами фойдаланувчи томонидан кўшимча технологияларсиз ва контент ёки функционалликни йўқотмаган ҳолда 200%гача ўзгартирилиши мумкин (АА даража).

**Матн кўриниши.** Агар ишлатилаётган технологиялар визуал кўринишга эга бўлса, бундай ҳолатда ахборот узатиш учун матн тасвири эмас, матн ишлатилади (АА даража).

**Контраст (кенгайтирилган талаблар).** Матннинг визуал кўриниши ва матннинг тасвири 7:1дан кам бўлмаган контрастлик коэффициентига эга бўлади. Бундан қуйидаги ҳолатлар мустасно (ААА даража):

- Катталаштирилган матн. Катталаштирилган матннинг катталаштирилган матни ва тасвири 4,5:1дан кам бўлмаган контраст коэффициентига эга бўлади;

- иккинчи даражали матн. Фойдаланувчи интерфейсининг нофаол компоненти ҳисобланган, фақат декоратив функцияни бажарувчи матн ёки матн тасвири, фойдаланувчиларга кўринмайдиган ёки муҳим контентга эга тасвир қисми контрастлик коэффициенти талабларига бўйсунмайди;

- логотиплар. Контраст маъносида минимал талаблар матнга алоқаси бўлмайди. Улар логотип ёки савдо белгисининг бир қисми ҳисобланади.

**Визуал тасвир:** матн блокларини визуал акс эттиришда навбатдаги характеристикаларга эришиш учун механизм мавжуд (AAA даража):

- олд план ва фон ранглари фойдаланувчи томонидан танланиши мумкин;
- сатр кенглиги 80та белгидан ошмайди;
- матн сатр кенглигида тўғирланган (бир пайтнинг ўзида ўнг ва чап томонларни инобатга олган ҳолда);
- абзац ичидаги сатрлараро интервал камида 1,5та, абзацлар орасидаги интервал эса сатрлар орасидаги ўлчамдан 1,5 баробар каттароқ бўлиши керак;
- матн шрифтининг ўлчами кўшимча технологияларсиз кўпи билан 200 фойизгача ўзгартирилиши мумкин. Шундай қилиб, фойдаланувчини саҳифанинг бутун экранга акс этиши билан боғлиқ горизонтал прокрутка режимига эҳтиёжи бўлмайди;
- матн тасвири. Матн тасвири фақат безак сифатида ёки матннинг ўзига хос тасвири ахборот узатишнинг муҳим мазмунини ташкил этганда, масалан логотип акс эттирилганида ишлатилади (AAA даража)<sup>86</sup>.

### **Бошқариш имконияти Клавиатурада бошқариш имконияти**

**Клавиатура.** Контентнинг барча функцияларини клавишага босишга кетадиган вақт чегарасисиз клавиатура интерфейси орқали бошқариш мумкин. Бундан мустасно ҳолатлар: чақирилаётган функция бошқа ускуналар ёрдамини талаб қилганда, нафақат якуний нуқта, балки фойдаланувчи ҳаракати йўналиши билан боғлиқ бўлганда. Бу клавиатурага кўшимча тарзда сичқонча ва бошқа услублардан фойдаланишни таъқиқламайди ва ҳалақит бермаслиги керак (А даража).

**Клавиатурада тўлиқ бошқариш.** Агар клавиатура интерфейси ёрдами билан саҳифадаги битта фокусни бошқа жойга ўтказилса (уни фаол қилиш), бундай ҳолатда фокусни фақат клавиатура командаси билан бошқа компонентга ҳам олиб ўтиш мумкин; агар бу клавиатурага бирдан ортиқ марта босишни талаб этса, унда фойдаланувчига фокусни ўзгартирувчи услую таклиф этилади (А даража).

**Клавиатура.** Контентнинг барча функцияларини клавиатура интерфейси билан клавишага босиш вақти чекланмаган ҳолда бошқариш мумкин (AAA даража).

**Етарли вақт**<sup>87</sup>. Фойдаланувчи контент билан танишиш ва у билан ишлашга етарли миқдорда вақтга эга бўлиши керак.

<sup>86</sup>ГОСТ: Интернет-ресурсы. Требования доступности для инвалидов по зрению. ГОСТ Р 52872-2012. [www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/](http://www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/)

<sup>87</sup>ГОСТ: Интернет-ресурсы. Требования доступности для инвалидов по зрению. ГОСТ Р 52872-2012. [www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/](http://www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/)

**Вақтни тўғирлаш.** Контент билан ўрнатилган ҳар қандай вақт чегараси учун ҳеч бўлмаганда қуйидаги тасдиқлардан бири тўғридир (А даража):

- ўчириш. Фойдаланувчи вақт тугашидан олдин вақт чекловини ўчириб қўйиши мумкин;

- настройка қилиш. Фойдаланувчи вақт тугашидан олдин вақт чекловини ўчириб қўйиши мумкин, бу билан у вақт лимитини камида 10 мартагача кўпайтириш имкониятига эга бўлади;

- қўшимча вақт. Фойдаланувчи камида 20 секунд олдин вақт тугаётганлиги ва буни оддий ҳаракат билан (масалан, «пробел клавишасини босинг») минимум 10 мартагача узайтириш мумкинлиги ҳақидаги огоҳлантириш сигналинини олади.

Вақт чеклови қуйидаги ҳолатларда ўзгаришсиз қолади:

- реал вақт режими. Вақт чеклови реал вақт режимида бўлиб ўтаётган тадбирнинг ўзгармас қисми ҳисобланганда (масалан, аукцион), бунда вақт чеклови кечиктирилмайди ва ўзгартирилмайди;

- алоҳида муҳим ҳолатлар. Вақт чеклови муҳим аҳамият касб этади, вақт чекловини узайтириш контент мақсадини барбод қилади;

- 20 соат ва ундан кўп ҳажмли вақт чеклови. Вақт чеклови 20 соатдан кўпроқ вақтдан иборат бўлади. Ушбу тартибни амалга ошириш фойдаланувчилар учун ўз вазифаларини вақт чеклови натижасида юзага келиши мумкин бўлган контентни ўзгартирмасдан бажариш имкониятини беради.

**Пауза, тўхтаб туриш, милт-милт ёниш.** Автоматик тарзда янгиланиб турадиган ҳаракатланаётган, липпилаётган, айланаётган элементларнинг қуйидаги ҳолатлари тўғри ҳисобланади (А даража):

- ҳар қандай ҳаракат, липпиллаш ва прокрутка учун ахборотнинг ҳаракати, липпиллаши ва прокруткиси:

а) автоматик тарзда бошланади;

б) 5 секунддан кўпроқ вақт давом этади;

в) бошқа контент билан параллель тарзда мавжуд бўлади,

фойдаланувчига ҳаракат/липпиллаш/прокрутка элементларини паузага қўйиш, тўхтатиш ёки бекитиш механизми тақдим этилади. Бундан ушбу ҳаракатлар муҳим бўлган ҳолатлар мустаснодир;

- автоматик янгилаш: автоматик тарзда янгиланадиган ҳар қандай ахборот учун:

а) автоматик тарзда янгилана бошлайди;

б) бошқа контент билан бирга бўлади, фойдаланувчига паузага қўйиш, тўхтатиш, бекитиш ёки янгилаб туриш тезлигини берувчи механизм тақдим этилади. Бундан автоматик янгилаш муҳим бўлган ҳолатлар мустаснодир;

- дастурий таъминот орқали автоматик тарзда янгилашиб турадиган ёки фойдаланувчи агентига юбориладиган контент, пауза ва тасвир янгилашиши орасида олинган ёки қайта олинган ахборотни сақлаш ёки акс эттириши шарт эмас. Чунки бунинг техник жиҳатдан иложи бўлмаслиги ва аксарият ҳолатларда фойдаланувчи томонидан нотўғри тушинилиши мумкин;

- загрузка пайтидаги ёки шунга ўхшаш ҳолатдаги анимация муҳим аҳамиятга эга деб ҳисобланиши мумкин. Агар бунда ўзаро ҳаракатлар умуман барча фойдаланувчилар учун бирдек имконият бермаса ва фойдаланувчи томонидан индикаторнинг кўринмаслиги “зависание” ёки дастурнинг нотўғри ишлаётганлиги деб тушинилиши мумкин.

**Иккиламчи авторизация.** Авторизация қилинган сессия тугаган пайтда, фойдаланувчи маълумотларни йўқотмасдан ишини иккинчи авторизациядан сўнг давом эттириши мумкин (AAA даража).

**Навигация.** Фойдаланувчи учун навигация ҳамда сайтдаги мавжуд ҳолат бўйича ёрдам ва кўмак берилиши керак.

**Блокларни ўтказиб юбориш.** Фойдаланувчи учун кўпчилик веб-саҳифаларда такрорланиб турадиган контент блокларини ўтказувчи механизм тақдим этилган бўлиши лозим (А даража).

**Саҳифанинг сарлавҳаси.** Ҳар бир веб-саҳифа унинг мавзуси ёки мақсадини акс эттирувчи сарлавҳага эга бўлиши керак (А даража).

**Фокуснинг бир жойдан иккинчи жойга ўтиши қоидалари.** Агар веб-саҳифа бўйлаб изчиллик билан бир жойдан иккинчи жойга ўтиш мумкин бўлса ва ушбу изчиллик мазмунга ва вазифаларнинг бажарилишига таъсир этса, ўқиш пайтида фокус бир жойдан иккинчи жойга мазмун изчиллигини сақлаган ҳолда ўтиши керак. Бунда бошқариш имконияти сақланиб қолиши лозим (А даража).

**Ҳавола мақсади (контекстда).** Ҳар бир ҳаволанинг мақсади дастурий аниқланган контекст билан биргаликда матндаги ҳаволадан билиниб туриши керак. Бундан ҳаволанинг мақсади барча фойдаланувчилар учун бир хил бўлмаслиги ҳолатлари мустаснодир (А даража).

**Излашнинг турли усуллари.** Фойдаланувчи учун веб-саҳифалар гуруҳида зарур бўлган веб-саҳифани қидиришнинг биттадан кўпроқ усули бўлиши керак. Бундан мазкур саҳифа қандайдир жараён натижаси ёки босқичи бўлиши ҳолатлари мустаснодир (АА даража).

**Сарлавҳалар ва график тасвирлар.** Сарлавҳалар ва график тасвирлар уларнинг мавзуси ёки мақсадини акс эттириши керак (А даража).

**Кўринадиган фокус.** Клавиатурадан бошқариладиган ҳар қандай фойдаланувчи интерфейси, клавиатура фокусини акс эттирувчи режимга эга бўлади (АА даража).

**Мавжуд ҳолат.** Фойдаланувчи ўзининг веб-саҳифалар гуруҳининг қаерида эканлиги ҳақидаги маълумотга эга бўлади (AAA даража).  
**Бўлимлар сарлавҳалари.** Контентни ташкил этиш учун бўлимлар сарлавҳаларидан фойдаланилади (AAA даража)<sup>88</sup>.

### **Тушунарлилик Ўқишга қулайлик**

**Саҳифа тили.** Ҳар бир веб-саҳифанинг асосий табиий тили дастурий жиҳатдан аниқланган бўлиши керак (A даража).

**Контент қисмларининг тили.** Контентдаги ҳар бир абзац ёки иборанинг табиий тили дастурий аниқланган бўлади. Бундан атрофдаги матнда ишлатилган, айни пайтда тил бўлагига айланган шахс, техник терминлар номлари, халқ тили, халқ сўзлари ёки иборалари мустаснодир (AA даража).

### **Олдиндан билиш**

**Фокусни бир жойдан иккинчи жойга олиб ўтишда олдиндан билиш.** Фокуснинг компонентлардан бирига кўчирилиши контекстнинг ўзгаришига сабаб бўлмайди (A даража).

**Киришда олдиндан билиш.** Фойдаланувчи интерфейсидаги ҳар қандай компонент тузилишини ўзгартириш автоматик тарзда контекстнинг ўзгаришига сабаб бўлмайди. Бундан фойдаланувчи компонентдан фойдаланишидан олдин шу ҳақда огоҳлантирилган ҳолатлар мустаснодир (A даража).

**Бир хил турдаги навигация.** Ягона веб-саҳифалар гуруҳи доирасидаги кўплаб веб-саҳифаларда такрорланиб турадиган навигацион механизмлар нисбатан битта тартибда жойлашган бўлади. Бундан фойдаланувчининг ўзи ўзгартириш киритадиган ҳолатлар мустаснодир (AA даража).

**Номларнинг бир хиллиги.** Веб-саҳифалар гуруҳи доирасидаги бир хил функциядаги компонентлар ягона номга эга бўладилар (AA даража).

**Талабга кўра ўзгариш.** Контекстнинг ўзгариши фақат фойдаланувчининг талаби билан амалга оширилади ёки фойдаланувчига контекстга ўзгартиришни ўчириш учун механизм тақдим этилади (AAA даража).

---

<sup>88</sup>ГОСТ: Интернет-ресурсы. Требования доступности для инвалидов по зрению. ГОСТ Р 52872-2012.  
[www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/](http://www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/)

## **Ахборот киритишда ёрдам**

**Хатоларни топиш.** Агар киритишдаги хатоликлар автоматик тарзда аниқланса, нотўғри элемент идентификация қилинади ва хатолар фойдаланувчига матнли кўринишда тақдим этилади (А даража).

**Кўрсатма.** Агар контент фойдаланувчининг ахборот киритишини талаб этса, фойдаланувчига тегишли тушунча берилади (А даража).

**Хатолар мавжуд бўлганда бу ҳақда маълумот бериш.** Агар киритиш хатоси автоматик тарзда аниқланган ва уни тўғирлаш бўйича маълумотлар олиш имконияти мавжуд бўлса, бундай ҳолатда улар фойдаланувчига тақдим этилади. Бундан тизим хавфсизлиги даражаси тушиб кетадиган ёки контент мақсадига мос бўлмаган ҳолатлар мустаснодир (АА даража).

**Хатоларни олдиндан билдириш** (юридик, молиявий маълумотларни хато киритиш). Юридик масъулиятлар юкланадиган веб-саҳифа учун молиявий транзакция ўтказилади. Маълумотларни сақлаш тизимида ёки тест натижалари юбориладиган фойдаланувчи томонидан назорат қилинадиган маълумотлар ўзгартирилади ёки ўчирилади. Камида қуйидагилардан бири тўғри ҳисобланади (А даража):

- дастлабки ҳолатга қайтара олиш. Жўнатилган маълумотларни қайтариш мумкин;

- текшириш. Фойдаланувчи томонидан киритилган маълумотлар киритишда хато борлигига текширилади ва фойдаланувчига хатоларни тўғирлаш имконияти берилади;

- тасдиқлаш. Маълумотларни жўнатишдан олдин уларни текшириш, тасдиқлаш ва тўғирлаш механизми мавжуд бўлади.

**Ёрдам.** Фойдаланувчига контекстли ёрдам имконияти мавжуд бўлади (ААА даража).

**Интернет-ресурс доирасида ҳар қандай хатолик киритилишини олдиндан билдириш.** Фойдаланувчига барча веб-саҳифалар учун маълумот киритиш учун таклиф қилинаётган ресурс, навбатдагилардан бири тўғри ҳисобланади (ААА даража):

- дастлабки ҳолатга қайтара олиш. Жўнатилган маълумотларни қайтариш мумкин;

- текшириш. Фойдаланувчи томонидан киртилган маълумотлар киритишда хато борлигига текширилади ва фойдаланувчига хатоларни тўғирлаш имконияти берилади;

- тасдиқлаш. Маълумотларни жўнатишдан олдин уларни текшириш, тасдиқлаш ва тўғирлаш механизми мавжуд бўлади.

## **Ишонччилик<sup>89</sup>**

Интернет-ресурс контентнинг мавжуд ҳамда ишлаб чиқиладиган амалий дастурлар, шу жумладан ахборот таъминотиغا эга бўлган махсус технологияларни амалга оширувчи дастурлар билан максимал даражада мослигини таъминлаши керак

**Синтаксис.** Белгилаш тилини ишлатувчи контентда элементлар тўлиқ очиладиган ва ёпиладиган тегларга эга бўлади, элементлар ўзига хослигига кўра жойлаштирилади, элементлар такрорланадиган атрибутлардан ҳоли бўлади, барча идентификаторлар бетакрордир. Бундан ўзига хослик бошқа нарсаларни кўрсатадиган ҳолатлар мустаснодир. Муҳим белгилар тушириб қолдирилган очиладиган ва ёпиладиган теглар, масалан, ёпиладиган бурчакли кавс ёки атрибутнинг параметри кўштирноқ ичида нотўғри кўрсатилган бўлса тўлиқ ҳисобланмайди (А даража).

**Ном, роль, аҳамият.** Фойдаланувчи интерфейсининг барча компонентлари учун (жумладан шакл элементлари, ҳаволалар ва скрипт билан ишлаб чиқилган компонентлар) ном ва роль дастурий жиҳатдан аниқланган бўлиши мумкин; фойдаланувчи томонидан ўзгартирилиши мумкин бўлган ҳолат, характеристика ва аҳамияти дастурга солиниши мумкин; мазкур параметрларни ўзгартириш хусусидаги огоҳлантиришлар амалий дастурларда мавжуд бўлади, жумладан ахборот таъминотиغا эга бўлган махсус технологияларни амалга оширувчи дастурлар (А даража).

### **Мос келиш бўйича талаблар<sup>90</sup>**

WCAG 2.0 қоидаларига мувофиқ келиши учун веб-саҳифа қуйидаги талабларни қондириши керак:

**1. Мос келиш даражаси.** Навбатдаги мослик даражаларидан бирига тўлиқ эришилади:

**А даража.** А даражали мосликка эришиш учун (имкониятга эришишнинг минимал даражаси) веб-саҳифа А даражаси талабларини бажаради ёки фойдаланувчилар учун ушбу веб-саҳифанинг муқобил версияси мавжуд бўлади;

**АА даража.** АА даражали мосликка эришиш учун веб-саҳифа А ҳамда АА даражалари талабларини бажаради ёки фойдаланувчилар учун АА даражада ушбу веб-саҳифанинг муқобил версияси мавжуд бўлади;

**ААА даража.** ААА даражали мосликка эришиш учун веб-саҳифа А, АА ҳамда ААА даражалари талабларини бажаради ёки фойдаланувчилар

---

<sup>89</sup>ГОСТ: Интернет-ресурсы. Требования доступности для инвалидов по зрению. ГОСТ Р 52872-2012. [www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/](http://www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/)

<sup>90</sup>ГОСТ: Интернет-ресурсы. Требования доступности для инвалидов по зрению. ГОСТ Р 52872-2012. [www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/](http://www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/)

учун ААА даражада ушбу веб-саҳифанинг муқобил версияси мавжуд бўлади.

1-изоҳ – Кўрсатиб ўтилган даражалардан бирига эришиш имконияти билан чекланиш мумкинлигига қарамасдан, биз муаллифлардан (ўз аризаларида) талабларни бажариш бўйича ўзлари қўлга киритган ютуқлар ҳақида хабар беришга чақирамиз.

2-изоҳ – Сайтлар учун бутунлигича ААА даражаси имкониятига эришишни талаб этиш тавсия қилинмайди. Чунки айрим турдаги контентлар учун ААА даражаси талабалрини бажариши мумкин эмас.

**2. Саҳифалар бутунлиги.** Мослик (ва мослик даражаси) фақат веб-саҳифа(лар) учун бутунлигича аниқланади. Агар саҳифанинг бирон-бир қисми баҳолашдан тушириб қолдирилган бўлса, мосликка эришиб бўлмайди.

1-изоҳ – Мосликни аниқлаш мақсадида контент қисмларининг муқобил версиялари саҳифанинг қисми, агар улар шу саҳифанинг ўзида мавжуд бўлса, масалан, видеоконтентнинг изчил таърифи ёки муқобил версия ҳисобланади.

2-изоҳ - Веб-саҳифалар муаллифлари эълон қилинган ташқи контент ҳуқуқига эга бўлмаганликлари сабабли мосликка эриша олмайдилар, улар қисман мосликка даъво қилишлари мумкин.

**3. Умуман жараённинг мос келиши.** Ҳар қандай жараённи кўрсатаётган веб-саҳифа (масалан, қандайдир ҳаракатни амалга ошириш учун зарур бўлган қадамлар изчиллиги), ушбу жараён веб-саҳифалари WCAG 2.0 га кўрсатилган ёки ундан катта даражага мос бўлган саҳифалар серияларидан бири ҳисобланади. Агар жараёндаги саҳифалардан бири кўрсатилган ёки ундан катта даражага мос келмаса, мосликка эришиб бўлмайди.

*Мисол - Интернет-дўкон саҳифалар серияларига эга. Улар товарни танлаш ва сотиб олиш учун ишлатилади. Сериядаги барча саҳифалар бошдан охиригача маълум бир даражада бутун жараён мослигини таъминлаш мақсадида WCAG 2.0га мос бўлиши керак.*

**Кўллаб-қувватлаш имкониятлари, технологиялардан фойдаланиш усуллари<sup>91</sup>**

Фақат имкониятни қўллаб-қувватловчи технологияларни қўллаш услублари талабларни бажариши мумкин. Имкониятни таъминлаб беролмайдиган исталган информация ёки функция кўмаклашувчи кўринишда ҳам мавжуд бўлади.

---

<sup>91</sup>ГОСТ: Интернет-ресурсы. Требования доступности для инвалидов по зрению. ГОСТ Р 52872-2012. [www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/](http://www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/)



**Аралашмаслик.** Агар технологиялар имкониятни қўлламайдиган услубни ишлатса ёки WCAG 2.0га мос келмаса, улар бу ҳолда фойдаланувчиларнинг саҳифалардаги бошқа қисмларга ўтишларини блоклайди. Бундан ташқари, веб-саҳифа умуман олганда юқорида санаб ўтилган ҳолатларнинг ҳар бирига мос келиш бўйича талабларни бажаришда давом этади:

- бажарилиши кўзда тутилмаган технология фойдаланувчи агентидан ёқилган бўлса;
- бажарилиши кўзда тутилмаган технология фойдаланувчи агентидан ўчирилган бўлса;
- бажарилиши кўзда тутилмаган технология фойдаланувчи агентидан қўллаб-қувватланмаса.

Бундан ташқари навбатдаги талаблар саҳифадаги барча контентлар учун қўлланилади. Шу жумладан ақс ҳолда мос келиш бўйича талабларни бажариши кўзда тутилмаган контент ҳам инобатга олинади. Чунки уларни бажара олмаслик барча саҳифадан фойдаланишга ҳалақит бериши мумкин:

- аудио бошқарув;
- тўлалигича клавиатурада бошқариш;
- учта вспышка ёки энг пастки катталаштириш;
- пауза, тўхтатиш, бекитиш.

Изоҳ – Агар саҳифа мос келиш бўйича талабларни бажара олмаса (масалан, синов саҳифаси ёки мисол-саҳифа), бундай ҳолатда уни талабларга тўғри келадиган гуруҳга ёки мос келиш аризасига қўшиб бўлмайди.

## **Имконият стандартлари<sup>92</sup>**

WEB (WebAccessibilityInitiative - WAI) доирасида тайёрланган ҳужжатлар имконият стандартлари сифатида кўрсатилиши мумкин. Бу Бутунжаҳон Тармоқ Консорциуми (WorldWideWebConsortium - W3C) фаолият йўналишларидан биридир:

- Web-ContentAccessibilityGuidelines - WCAG 2.0 («Веб-контентнинг тушинарли бўлиш тамойиллари»);
- AccessibleRichInternetApplications (WAI-ARIA) 1.0 («Интернет-иловаларининг мавжудлиги»);
- AuthoringToolAccessibilityGuidelines (ATAG) 2.0 («Веб-контент ташкил этиш учун воситалар мавжудлиги тамойиллари»);

---

<sup>92</sup>ГОСТ: Интернет-ресурсы. Требования доступности для инвалидов по зрению. ГОСТ Р 52872-2012. [www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/](http://www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/)

- UserAgentAccessibilityGuidelines 2.0 Requirements («Фойдаланувчи агентлар/Талабларнинг мавжудлиги тамойиллари»)<sup>93</sup>.

Жаҳонда ҳозирги даврда кўриш қобилиятида муаммоси бор инсонлар учун дастурий таъминот ишлаб чиқувчи қатор компаниялар бор. Булар:

- DuxburySystems компанияси – кўзи ожизлар учун дастурий таъминот ишлаб чиқишда дунё мамлакатлари орасида йўлбошчи ҳисобланади. DuxburyBrailleTranslator (DBT) – Жаҳон бўйлаб ҳар қандай ҳужжатни Брайл алифбосида босмага тайёрлашда ишлатиладиган дастурдир;
- Испаниянинг CodeFactory компанияси мобил телефонлар ва PDA учун экранларга мос дастурий таъминотларни таклиф этади;
- Швециянинг IndexBraille компанияси юқори сифатли Брайл принтерларининг ишлаб чиқарувчиси ҳисобланади;
- Американинг ViewPlus компанияси бетакроп юқори сифатли принтерлар ишлаб чиқарувчидир. Уларда Tiger технологияси ишлатилади. Мазкур технология дунёдаги энг машҳур технология бўлиб, унинг ёрдамида босма саҳифаларда бўрттирилган белгиларни тайёрлаш мумкин. Унинг воситасида энг юқори сифатдаги Брайл босма маҳсулоти ҳамда тактил графика тайёрланади;
- Германиянинг BAUM Retec AG компанияси кўзи ожизлар ва яхши кўрмайдиганлар учун Брайл ёзувини ўқиб берадиган Pronto! 18 V3 органайзерини тадқиқ этади;
- Бельгиянинг AsapelaGroup компанияси кўзи ожизлар ҳамда яхши кўрмайдиганлар учун Ален овози билан синтезланган InfovoxDesktop дастурий таъминотини ишлаб чиқарувчи ҳисобланади.
- Япониянинг ShinanoKenshi компанияси кўп функцияли рақамли ускунани тақдим этади. У Plextalk ўқиб берувчи овоз синтезига эга. Унинг ичида жуда катта ҳажмдаги ҳар хил турдаги, шу жумладан DAISY форматидаги файллардан иборат диктофон ва медиа-плеер ҳам мавжуд;
- Американинг PerkinsSchoolfortheBlind компанияси Брайл алифбосида ёзадиган механик машиналарни ишлаб чиқаради;
- Словакиянинг SVEC a SPOL s.r.o. компанияси ҳам Брайл алифбосида ёзадиган механик машиналарни ишлаб чиқаради;
- Франциянинг Eurobraille компанияси Брайлнинг Esys компакт органайзерлари ва дисплейларини ишлаб чиқаради. Уларда белгилаш функцияси мавжуд;
- Британиянинг DolphinComputerAccessLtd компанияси эшитиш, қайта тайёрлаш ва “гапирадиган” DAISY форматидаги рақамли китоблардан иборат учта маҳсулот тақдим этади;

---

<sup>93</sup>ГОСТ: Интернет-ресурсы. Требования доступности для инвалидов по зрению. ГОСТ Р 52872-2012. [www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/](http://www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/)

- FreedomScientific маҳсулотлари - дастурий ва аппарат ускуналари бўлиб, улар кўзи ожизлар ҳамда яхши кўрмайдиганлар учун компьютер ва ахборот технологияларидан фойдаланиш имкониятини беради. Мазкур ускуналар орасида энг машхури JAWS for Windows экрандан фойдаланиш ускунасиدير.

**JawsforWindows**<sup>94</sup> - Шахсий компьютерда Windows муҳитида экранда фойдаланиш бўйича дунёдаги энг оммабоп дастур ҳисобланади. Jaws орқали дастурий таъминот ва Интернетдаги зарур маълумотларга эришиш мумкин. Мавжуд нутқ синтезатори туфайли компьютернинг аудиокартаси орқали экрандаги информация овоз чиқариб ўқилади. Бунда ҳар хил нутқий контентга эришиш мумкин. Jaws шунингдек, Брайлнинг янгиладиган дисплейга ахборот чиқариш имкониятини беради. Ушбу дастур Windows 7, Vista, XP ва улардан олдинги операцион тизимлар бошқаруви остида ишлайди. JAWS 8.0 версиясидан бошлаб нутқнинг қўшма синтезаторлари тақдим этилади: инглиз, италян, испан, немис, португал, рус, француз, фин ва бошқа тиллар. JAWS ўрнатилаётганда эшитиладиган овозли элемент қўшимча ёрдамсиз ишлаш имкониятини беради. Windows иловаларининг барча стандартларига уларнинг махсус конфигурациясиз мос келади.

Кенгайтирилган қўллаб-қувватлаш бугунги кундаги энг оммабоп иловалар, жумладан Microsoft Office, Corel WordPerfect Office and IBM Lotus Notes учун қўшилган. Internet Explorer қўллаб-қувваловчиси ўзида махсус имкониятларни муажассам этган: ҳаволалар рўйхати, фреймлар рўйхати, шакллар режими, HTML жадваллари ва график белгилар ва бошқалар. Кўзи ожизлар учун Adobe PDF, Adobe Flash ва JAVA каби технологиялардан фойдаланишни таъминлаб беради. Қатор сервис утилитлари ҳам гобаль конфигурация, ҳам алоҳида илова учун параметрга имконият яратади. Скриптларнинг бетакроп тили Windows ностандарт иловалари ва бошқа ишлаб чиқарувчилар томонидан ишланган дастурий таъминотларга уланиш имкониятини беради. Клавиатура командаларининг кенг туркуми фойдаланувчи томонидан кенгайтирилиши мумкин.

Экран панорамаси режимини қўллаб-қувватлаш. Клавиатура командаларининг ёрдами билан сичқонча эмуляциясининг имконияти. Шу жумладан drag-and-drop каби ҳаракатлар эмуляцияси. Қулай бўлган онлайн-маълумотлар тизими фойдаланувчи учун мазкур дастурларни мустақил ўрганиш имкониятини беради. Экран кенгайтирадиган MAGic билан тўлиқ мос келади. JAWS 11.0.1467 версиядан бошлаб иккита монитор қўшилган. Мазкур дастур россиялик

---

<sup>94</sup> ГОСТ: Интернет-ресурсы. Требования доступности для инвалидов по зрению. ГОСТ Р 52872-2012. [www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/](http://www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/)

дилер томонидан етарли даражада таъминланган. **MAGic**<sup>95</sup> - экранни катталаштирувчи дастур бўлиб, улар кўзи яхши кўрмайдиган инсонларга компьютер имкониятларидан фойдаланишда, ахборотни экранда кўришга ва бир пайтнинг ўзида нутқий синтезатор ёрдамида эшитиш имконияти пайдо бўлади. Дастур фойдаланишда осон, ўзида жуда кўплаб ва турли имкониятларни мужассам этади. Ўзгарувчан настройкалар фойдаланувчига максимал тарзда натижага эришишга кўмаклашади. Дастурнинг асосий имкониятлари:

- экрандаги тасвир дастлабки ҳажмидан 1,1 дан токи 36 маротабагача катталашади;
- экранни катталаштириш бўйича бир нечта режим: тўлиқ, киритилган, линза, динамик линза, экранни бўлиш;
- бир вақтнинг ўзида катталаштирилган ва катталаштирилмаган тасвирларни кузатиш имконияти. Тасвир ҳажмини тезда ва осонлик билан алмаштириш мумкин. Катталаштирилган зонани клавиатура ёрдамида бир жойдан иккинчи жойга ўзгартириш мумкин;
- услубни ўзгартириш имконияти: ранг, ҳажм, шаффофлик эффектини кўшиш, шунингдек, бир рангни иккинчи ранга алмаштирадиган ёки умуман экранни монохром тарзига ўтказадиган маълум бир қоидалар гуруҳини тўплаш. Ёруғликни кўпайтириш ва соя туширишни кўшиш;
- курсорни катталаштириш имконияти экрандаги позицияни кузатиб боришга ёрдам беради;
- нутқий синтезатор сичқонча ёки клавиатурани ишлатиш орқали ўқиш имкониятини беради. Ўқиш сўзлар, гаплаш, қаторлар ёки параграф кесимида амалга оширилади;
- MAGic ўқилган матнни ёритиб боради. Фойдаланувчи шунингдек ана шу ёритиш ҳажми, ранги ва услубини назорат қилиши мумкин;
- қайси жойда турганлигини аниқлайдиган функция экранда зарур объектни тезда топиш имкониятини беради;
- нутқий синтезаторни керакли усулга ўзгартириш имконияти мавжуд: овозни ва темпни ўзгартириш;
- катталаштириш функциялари ва нутқий синтезатор бир пайтнинг ўзида ёки ҳар хил вақтда ишлатилиши мумкин;
- дастур кенгайтирилган конфигурация ускуналари ва сценарийлар тили ёрдамида зарурий иловаларни адаптация ва оптимизациялаш имкониятини беради;
- Windows операцион тизими иловаларида, шунингдек, MicrosoftOffice пакетлари ва бошқа оммабоп иловаларда бемалол ишлашга имконият яратади;

---

<sup>95</sup> ГОСТ: Интернет-ресурсы. Требования доступности для инвалидов по зрению. ГОСТ Р 52872-2012. [www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/](http://www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/)

- MicrosoftInternetExplorer ва Firefox браузерларида хужжатларни соддалаштириш учун уларни қайта форматлашни талаб қилмасдан ишлаш имкониятини беради;
- Кўзи ожизлар учун Adobe PDF, AdobeFlash ва JAVA технологияларидан фойдаланиш имкониятини таъминлайди;
- MAGic экран имокнияти бeрувчи энг оммабоп JAWS forWindows дастурига мос ҳисобланади;
- Windows 7, Vista, XP операцион тизимлари бошқаруви остида ишлайди;
- рус тилидаги нутқий синтезатор ва рус тилига ўтирилган инетерфейс билан тақдим этилади;
- MAGic фойдаланувчи учун дастур имокниятларини ўзлаштириш имкониятини берадиган қулай онлайн-маълумотлар тизимига эга;
- мазкур дастур россиялик дилер томонидан етарли даражада таъминланган;
- дастурий таъминот электрон катталаштирувчиларга мос келадиган ишларни бошқаришни таъминлайди ва улардан олинган тасвирлар билан манипуляция қилиш мумкин. MAGic ScreenMagnification ва MAGicEyeMerge ONYX катталаштирувчи имкониятиларини тўлиқ намойиш этиш имкониятини беради:
- компьютер экрани ва камерадан олинган катталаштирилган тасвирлар ўртаси ўзаро ўтишда осон ҳисобланади;
- кўплаб тасвирларни ҳосил қилиш;
- матн ва фон рангини ўзгартириш;
- тасвирлар олинишини амалга ошириш;
- тасвирлар суратлари ўртасида осон ҳаракатланиш;
- контраст даражасини бошқариш;
- ялтирашни камайтириш учун маска қўшиш;
- қаторларга фокусировка қўшиш.

**NVDA дастури**<sup>96</sup> мавжуд барча имконият бeрувчи интерфейсларни, шу жумладан “бой” интернет иловаларда ишлатиладиган технологияларни қўллаб-қувватлайди.

NVDA GPL лицензияси билан тарқатилади. Бунинг маъноси шундаки, сиз удан уйда, ишхонада бeпул фойдаланишингиз мумкин, дўстларингизга улашингиз ва ҳаттоки сотишингиз мумкин! Ва ҳар қандай ўрнатилган нусха оригинал ҳисобланади.

NVDA чекловлар ва тижорий бозор билан боғлиқ эмас. Экрaн имкониятини бeрувчи тижорий дастурлар қатор қулайликларга эга. Бирок уларнинг аксарият функциялари, бозор талабларига мосланган, улар

---

<sup>96</sup> ГОСТ: Интернет-ресурсы. Требования доступности для инвалидов по зрению. ГОСТ Р 52872-2012. [www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/](http://www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/)

одатда фойдаланувчилар учун бир хил имкониятларни амалий кенгайтириш имкониятига эга эмаслар.

NVDA очик дастлабки кодли лойиха бўлганлиги учун ҳар қандай фойдаланувчи етарли билимга эга бўлса, дастурнинг ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиши ёки уни ўзига қулай шаклга ўтказиши мумкин. Ишлаб чиқиш жараёни умуман очик, яъни Сизнинг барча тўғирлаш ва тўлдиришларингиз ҳамжамият томонидан кузатилади. Агар улар фойдаланувчилар меҳрини қозона олса, улар синовдан ўтказилганидан кейин лойиханинг бош бўғинига улаб қўйилади, сизнинг номингиз ишлаб чиқувчилар рўйхатига киритилади. Ташаббус фақат қўллаб-қувватланади!

*Айрим функционал ўзига хосликлар:*

- NVDA 20дан ортиқ тилларга таржима қилинган, уларнинг орасида рус ва украин тиллари ҳам бор. Барча тиллар дистрибутивга киради, фойдаланувчи ҳар бир тил учун алоҳида версияни юклаб олиши шарт эмас;

-биринчи ишга туширилгандаёқ NVDA зарур тилда гапира бошлайди;  
- дистрибутив эркин, кўп тилли, тезкор ва осон ESpeak синтезаторига киради, у 30дан зиёд тилда ишлайди, уларнинг орасида рус тили ҳам мавжуд;

- нутқни амалга ошириш учун NVDA шунингдек, sapi4 ва sapi5-мос келадиган Брайл дисплейларида янгилаиб турадиган кўплаб синтезаторларни ишлатиши мумкин;

- NVDA айрим тиллар учун тез ёзадиган, секин ёзадиган ва компьютер Брайлини қўллаб-қувватлайди;

- мосланган нутқий синтезаторлар, айрим маҳсулотларда амалга оширилмаган. Булар: Newfon (Windows фонемафон), festival, RHVoice ва capitanSynth;

- индикаторлар траққиёти тўғрисида маълумот бериш учун NVDA тонли сигналларни ишлатади. Индикатор чизиги 100% га қанчалик яқинлашса, сигнал шунчалик баланд бўлади;

- NVDA аудиосигнал ёрдамида сичқончаларнинг координат индикацияси тизимдан фойдаланади. Шунингдек, объектга сичқончани олиб борганда ундан товуш чиқади;

- NVDA бутунлай кўчириб олиб юриши мумкин, ечиб олиниши мумкин бўлган ташувчилар (шу жумладан компакт-дисклар) билан ишлаши имкониятига эга ва тизимда из қолмайди, бунда функционал чекловлар бўлмайди;

- сиз NVDA билан Windows XP, WindowsVista ҳамда Windows 7 в 32- ва 64-битли вариантлар, хусусан сервер версиялари билан боғлиқ исталган тизимдан фойдаланишингиз мумкин;

- NVDAнинг ўрнатилган нусхалари WindowsLogon ва бошқа ҳимояланган экран тизимларида ишлаши мумкин;

- NVDAда видео ушлаб олиш драйвери ишлатилмайди, шунинг учун видеокарта ёки нотўғри ўрнатилган драйверлар билан муаммо бўлмайди. Ундан барча ускуналар драйверлари тўғри ўрнатилгунга қадар тизимни дастлабки тўғирлаш учун фойдаланилади;
- синтезатор параметрларини тезда ўзгартириш учун (овозни, вариантни, тезликни ва бошқаларни ўзгартириш) NVDAда тузиш тизими мавжуддир. Бу тизим CONTROL клавиши комбинацияси ва NVDA модификатори ҳамда курсор клавишлари орқали ишлайди;
- NVDA жуда кўп оммабоп иловаларни қўллаб-қувватлайди, улар қаторида веб-браузерлар, почта мижозлари, тезкор хат алмашиш дастурлари ва офис пакетлари бор;
- NVDA MicrosoftActiveAccessibility, JavaAccessBridge, IAccessible2 ва UIAutomation каби кўп тарқалган интерфейс имкониятларини қўллаб-қувватлайди;
- NVDA билан Windows консולי ва бошқа консол иловалар мос келади;
- дастурнинг функционал имкониятларини кенгайтириш учун глобал плагинларни ишлатиш мумкин. Улар бошқа ҳеч жойда иштилмайдиган тор ихтисослашган скрипт тилида ёзилмайди, балки функционал имкониятларни амалга оширадиган Python сингари кучли ишлаб чиқариш ускунасида ёзилади<sup>97</sup>.

### ***Назорат саволлари:***

1. “Ахборотдан фойдаланиш имконияти” нимани англатади?
2. Ўзбекистон Республикасининг қайси қонунида ногиронлиги бор инсонларнинг ахборотдан тўсиксиз фойдаланиш ҳуқуқлари белгилаб қўйилган?
3. Кўришда муаммоси бор инсонлар учун яратилган сайт оддий сайтдан нимаси билан фарқланади?

## **2.5. Интервью олишнинг ахлоқий тамойиллари**

Ногиронлиги бор кишилар ҳақида ёзмоқчи бўлган журналистнинг бундай инсонлар билан суҳбатлашиш кўникмаси ва маҳоратига эгалиги материал муваффақиятли чиқишининг муҳим омилларидан бири ҳисобланади. Аксарият ҳолларда бундай суҳбатлар жараёнида журналистларда ўзини ноқулай ҳис қилиш, керагидан ортиқча ҳиссиётга берилиш кузатилади. Ана шундай ноқулайликнинг энг кўп кузатиладиган сабаблари қуйидагилардан иборат<sup>98</sup>:

<sup>97</sup> ГОСТ: Интернет-ресурсы. Требования доступности для инвалидов по зрению. ГОСТ Р 52872-2012. [www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/](http://www.internet-law.ru/gosts/gost/54797/)

<sup>98</sup> [www.imyvmete.narod.ru/an\\_interaction.htm](http://www.imyvmete.narod.ru/an_interaction.htm)

- Ногиронлиги бор кишилар билан мулоқотда сўзларни тўғри танлашни ва ахлоқ қоидаларини ҳамда мулоқотни қийинлаштирувчи бошқа сабабларни билмаслик;
- Ногиронларнинг ҳуқуқлари, уларни қийнаётган муаммолар ҳақида етарлича маълумотга эга эмаслик оқибатида хаяжонланиш;
- Ногиронлар билан мулоқот кўникмасининг етарли эмаслиги ёки умуман йўқлиги ҳамда шунинг оқибатида келиб чиқадиган тушунмовчиликлар.

Интервью олиш вақтида журналист ўзини эркин ва қулай ҳис этмаса, бу интервьюнинг муваффақиятли чиқиши шубҳа остида қолади. Ноқулайлик ҳолатида ҳақиқий муаммолар ва ҳақиқий вазиятни тўғри баҳолаш, суҳбатдошни ўзига жалб этиш, унинг ишончига кириш, суҳбатни тўғри ва муваффақиятли ташкил этиш қийин кечади. Бунинг оқибатида ОАВда ногиронларнинг жамиятга интеграциялашувига етарлича ҳисса қўша олмайдиган у қадар муваффақиятли бўлмаган материал чоп этилса, ажаб эмас. Мақола тайёрлашда журналистнинг мавзу ва унга алоқадор материаллардан хабардорлиги муҳим ўрин тутаяди. Журналист ёритмоқчи бўлган мавзусининг қонунчилик, иқтисодий, ижтимоий, маданий, тарихий асосларидан хабардор бўлиши, ҳамда ҳар доим ишончли манбалардан маълумотлар олишга ҳаракат қилиши керак.

Бугунги кунда ҳамма жойда ногиронларнинг жамиятга интеграциялашуви жараёнлари кечмоқда. Бу – иштирокчиларидан бир бирларини тушунишда жуда катта сабр ва интилишни талаб этадиган мураккаб ва олис йўл. Баъзида ногиронлар соғлом кишилар билан тил топишиш қийинлигидан нолишади. Бу ногиронлардан ўзини онгли равишда четга тортиш, олиб қочишни англамаслиги мумкин. Шундай вазиятлар бўладики, ногирон кишилар билан илк маротаба тўқнаш келган инсон ўзини қандай тутишни, қай тарзда ва оҳангда гаплашишни билмай, ўзини йўқотиб қўяди. Қаршингиздаги кишининг ногиронлиги билан боғлиқ айрим жиҳатларни эътибордан қочирсангиз, ўзингизни ҳам, суҳбатдошингизни ҳам ноқулай аҳволга солиб қўйишингиз мумкин. Бу ўринда гап хатто сўзларга эътиборли бўлиш уларнинг ижобий тимсолини шакллантиришга ёрдам бериши мумкинлигида ҳам эмас. Гап – барча учун одатий туюлган айрим сўз ва жумлалар ўз моҳиятига кўра тамға ва ҳақоратли тамғалар бўлиши мумкинлигида. Қандай гапиришимиз бошқа одамлар ҳақида нималарни ўйлаётганимиз ва улар билан муносабатда ўзимизни қандай тутишимиз билан узвий боғлиқ бўлади. Хатто биз ўзимизни жуда тарбияли ва маданиятли инсонлар деб ҳисобласак ҳам, ногиронлиги бор кишилар билан мулоқот жараёнида ҳисобга олинса зарар



қилмайдиган тавсияларга кулоқ тутсак ёмон бўлмайди. Булар - қатъий қоидалар эмас ва ногиронлар ўзларига алоҳида муносабатни талаб этишар экан, деб ўйлаш ҳам нотўғри бўлар эди. Улар ўзимиз учун нотаниш бўлган вазият ва муҳитга тушиб қолганимизда ноқулайликни енгиб ўтиш ва мулоқотга киришиб кетиш бўйича тавсиялар холос.

Ногиронлик ҳақида гап кетганда «ногирон» сўзини эмас, балки «имконияти чекланган киши», «ҳаётий фаолиятда имкониятлари чекланган киши», «ногиронлиги бор киши» каби жумлаларни қўллаш тавсия этилади. Чунки «аввал инсон, сўнгра унинг ҳолати»<sup>99</sup>. Ногиронлиги бор кишиларнинг ҳуқуқлари учун курашувчи Халқаро ҳаракат томонидан ногиронликка қуйидагича таъриф берилади: «Ногиронлик – жисмоний, ақлий, сенсор ва руҳий чекланишлари бор кишининг фаолиятидаги жамиятда мавжуд бўлган шарт-шароитлар оқибатида кишиларнинг фаол ҳаётдан четга чиқиб қолишига олиб келадиган тўсиқ ва чекловлар»<sup>100</sup>. Шундай қилиб, ногиронлик – ижтимоий тенгсизлик шаклларида бири экан.



2016 йил Рио-де-Жанейро шаҳрида бўлиб ўтган XV Паралимпия ўйинларида қиличбозлик мусобақалари.<sup>101</sup>

Кўпчилик томонидан ҳуқуқлари камситиладиган бошқа камчилик вакиллари сингари ногиронлар ҳам ўзларига нисбатан ишлатиладиган сўзларга сезгир бўлишади. Шу боис, ногиронларнинг жамоат

<sup>99</sup> Работа со средствами массовой информации. Пособие для организаций инвалидов. -М., 2003. -с.110

<sup>100</sup> [http://www.imyvmete.narod.ru/an\\_interaction.htm](http://www.imyvmete.narod.ru/an_interaction.htm)

<sup>101</sup> [www.mkset.ru](http://www.mkset.ru)

ташкilotлари ва ҳаракатлари фаол ҳамда нуфузга эга бўлган давлатларда улар ўзларига нисбатан ачиниш ва бошқа салбий фикрларни шакллантирмайдиган таъриф ва тушунчаларни илгари суришади ва тарғиб қилишади.

Бугунги кунда ногиронлар ҳақида гап кетганда «аравачага михланиб қолган», «маҳқум», «занжирбанд» каби жумлалар ишлатилади. «Кар», «соқов» сўзлари мулоқот қила олмасликни билдиради. «Касал» - даволаниши керак бўлган одам. «Кар», «шол» «норасо», «кўлсиз», «касал» сўзлари ачиниш ва ҳамдарлик ҳислари уйғотади. «Мажруҳ», «ақли ноқис», «даун» сўзлари жирканишга олиб келади. «Псих», «ақли норасо», «шизик» каби сўзлар эса хавф-хатар билан боғлиқ ҳолда қўрқув уйғотади. Тарбия кўрган, маданиятли инсонлар бу сўзларни мулоқотда қўллашдан ўзларини тийишади. «Имконияти чекланган киши», «аравачада ҳаракатланадиган киши», «умуртқаси шикастланган киши», «ногиронлиги бор киши», «кўзи ожиз» каби жумлалар нейтрал тасаввурлар уйғотади<sup>102</sup>.

Айрим жумлалар бир қарашда ўйлаб топилган ва бемаънидек тасаввур уйғотади. «Соғлиғининг имконияти чекланган киши» жумласи кундалик мулоқотда кенг қўлланилишига ишониш қийин. Чунки, биринчидан, бу жумла жуда узун ва ғализ, иккинчидан, нотўғри: ваҳоланки, ҳар қандай кишининг имкониятлари ҳам у ёки бу даражада чекланган бўлади. Худди шунингдек, одамлар оғзаки нутқда «руҳий касаллиги бор киши», ёки «ҳаракатланишда қийинчилиги бор киши» деган жумлаларни қўллаши ҳам гумон. Яна бир жиҳат: сўз ва жумлаларни танлашда стереотиплардан қочиш керак. «Қурбон» - бир умр бахтсиз ва нотавон кишининг драматик тимсоли. «Қийинчиликларга қарамай» уларни «енгиб ўтиб» «одатий» ҳаёт кечираётган «қаҳрамон» ҳам кенг тарқалган тимсол. Уни бу тарзда тасвирлар экан, муаллиф ўзи сезмаган ҳолда ҳомийлик оҳангига ўтади. Бундан ташқари, эҳтиёткорлик ва батартибликка интилар экансиз, умумлашма ва тахминлардан қочиш кераклигини унутманг. Ногиронларнинг ўзидан қандай ёзиш, айтиш тўғри бўлишини сўраб олишдан истихола қилманг.


Табиийки, кимлардир таклиф этилаётган вариантларнинг айримларини маъқулламаслиги мумкин. Мана бир неча йилдирки, айримлар фақат «имконияти чекланган киши» ва «соғлиғининг имконияти чекланган киши» жумлаларини ишлатса, бошқалар «ногирон» энг маъқул ва мос келадиган сўз деб ҳисоблашади. Узок вақтлар мобайнида халқаро даражада ҳам атамалар борасида баҳс-мунозаралар бўлган. Натижада «ногиронлиги бор киши» атамаси танланган. Чунки унда чекланганлик ҳақида сўз йўқ, инсон биринчи ўринда турибди. Жамоат ташкilotларининг аксарият вакиллари эса исталган сўз ёки жумлани қўллаш мумкин, муҳими унинг атрофида шаклланган стереотипларни

<sup>102</sup> Работа со средствами массовой информации. Пособие для организаций инвалидов. -М., 2003. -с.100

Ўзгартириш ёки йўқотиш керак, деган фикрдалар. Ногиронларга нисбатан атамаларни танлаб, эҳтиёт бўлиб қўллаш фақат бугунги кунга келибгина шаклланиб бормоқда.

Нутқимиз ахлоқ билан бевосита боғлиқ. Аммо, хатто сўз ва атамалардан эҳтиёт бўлиб, танлаб фойдаланганда ҳам ногиронлик билан боғлиқ айрим нозик жиҳатларга эътибор бермасангиз, ўзингизни ҳам, суҳбатдошингизни ҳам ноқулай аҳволга солиб қўйишингиз мумкин. Ўзингни қандай тутишни билмаганингда, ноқулайлик ва чекланганликни ҳис этасан. Мана шундай ҳолатларга тушиб қолмаслик учун биз қуйида бевосита ногиронлар томонидан шахсий тажрибаларига таяниб ёзилган тавсияларни тақдим этамиз.

Бирор бир бошқа мамлакатда одатий кўриниши мумкин бўлган ҳақиқат: агар кўчада ногирон кишига кўзингиз тушса, у садақа сўраш учун чиққандирда, дейишга шошилманг. Керагидан ортиқ ачиниш ва раҳмдиллик ҳам ортиқча: бошиданок унда ўзингиз каби тенг ҳуқуқли инсонни кўрмаётганингизнинг ўзи ҳақоратли ҳолатдир.



Журналистлар ногиронлиги бор киши билан мулоқотга киришдан олдин яхшилаб тайёргарлик кўришлари керак. Ишлатиладиган сўзларни танлаб олиш ҳам зарар қилмайди. Америкалик психологлар журналистлар учун ногиронлар билан мулоқот бўйича тавсиялар ишлаб чиқишган<sup>103</sup>:

<sup>103</sup> Отражение журналистами феномена инвалидности в СМИ.  
[www.vestnik.vsu.ru/pdf/phyllolog/2013/02/2013-02-32.pdf](http://www.vestnik.vsu.ru/pdf/phyllolog/2013/02/2013-02-32.pdf)

1. Хатто таржимон бўлса ҳам ногиронлар билан тўғридан тўғри мулоқот қилиш.

2. Ногиронлар билан овозни баландлатмасдан гаплашинг; агар сизни тушунишмаса, ёки эшитмай қолишса, буни ўзлари билдиришади.

3. Ақлий жиҳатдан камчимлиги бор кишилар билан секин, паст овозда, оддий ва тушунарли сўзларни ишлатиб гаплашиш керак. Лекин бунда атайлаб болаларча тилда гаплашиш ҳам ярамайди.

4. Журналистнинг илк саволлари суҳбатдошнинг шахсига, ундан кейин эса касаллигига қаратилиши керак.

5. Хабарни етказишда стереотиплардан, суҳбатдошни ортиқча қаҳрамонлаштириб юборишдан қочиш керак; унинг қийинчиликларини бўрттириб кўрсатмаслик, ёки хатто ногирон кишилар ҳам бемалол бажара оладиган юмушлар, масалан автомашина бошқариш ҳақида гап кетганда, буни қандайдир қаҳрамонлик тарзида тасвирламаслик лозим.

6. Сўзлардан эҳтиёт бўлиб, танлаб фойдаланиш, имкон қадар тиббий атамаларни изоҳлаб кетиш мақсадга мувофиқдир.

7. Ногиронлар аравачасида киши билан кўз кўзга тушиб туриши учун стулда ўтириб ёки чўкка тушган ҳолда суҳбатлашган маъқул; тиззалаб ўтириш тавсия этилмайди, бу суҳбатдошингизга камситилгандек таъсир кўрсатиши мумкин.

Дастлаб ногиронлик мавзуси оммавий ахборот воситаларида ижтимоий-сиёсий ислохотлар натижасида ногиронлар оғир аҳволга тушиб қолганини кўрсатиш учун кўтариб чиқилган эди. Табиийки, мавзуга оид чиқишларнинг аксарияти муаммоли-тахлилий мақолалар бўлган. Улардан мақсад аҳолининг мазкур қатлами ҳолатини акс эттириш ва ундан чиқиб кетиш йўлларини излашдан иборат эди. Қайд этиш керакки, Ўзбекистон журналистлари орасида ногиронлик мавзуси бошқа кўплаб ижтимоий мавзулар билан солиштирганда у қадар оммабоп эмас. Республиканинг ижтимоий-сиёсий нашрлари, Интернет-ОАВ мавзуни етарлича тўлиқ ёритмайди. Республика матбуотида эълон қилинган ногиронлик билан боғлиқ материалларнинг таҳлили эса уларда мавзуга қизиқишнинг йўқлигини, хабардорлик етарли эмаслигини кўрсатади. Бундан ташқари, ногиронлик борасида жамиятда шаклланган салбий стереотиплар журналистлар томонидан самарали ижтимоий интеграцияни таъминлаш учун етарли даражада тушуниб етилмаяпти. Баъзида эса журналистларнинг ўзлари ҳам ана шу салбий тасаввурларни қўллаб-қувватлашади. Улар тайёрлаган материаллар жамоатчилик онгига янги билимларни олиб кирмаётганининг, аксинча мавжуд стереотипларни мустаҳкамлашга хизмат қилаётганинг асл сабаби ҳам шунда.

Республика ва ҳудудий ОАВда тасвирланаётган ногиронлиги бор киши тимсоли ногиронларнинг ўзлари ҳақидаги тасаввурларидан фарқ қилади. Ногиронларнинг назарида ногиронлик аслида инсоннинг

камчилиги эмас; атрофдагиларнинг тушунмаслиги оқибатида у шундай бўлиб қолади. Ногирон кишининг ОАВдаги медиатимсоли эса жамоатчилик онгида шаклланган ногиронлиги бор киши танасининг жисмоний ўзига хослиги унинг шахс сифатида ҳам норасо эканини билдириши ҳақидаги тасаввурларни янада мустаҳкамлайди.

ОАВдаги ногиронлик мавзусидаги материалда унинг қаҳрамониغا нисбатан ачиниш ёки ҳамдардлик умуман бўлмаслиги, ёки уни «ҳамма қатори» деб тасвирланиши ҳам нотўғри қараш бўлар эди. Ҳақиқат шундаки – ногиронлиги бор киши ҳам ўз давлатининг тўлақонли фуқароси, фақат физиологик ўзига хосликлари уни бошқалардан ажратиб туради. Бошқа бирор гап бўлиши мумкин эмас. Журналистиканинг вазифаси реал воқеликдан келиб чиқиб, жамоатчилик онгида шаклланган ногиронлик борасидаги стереотипларни ўзгартиришга, шу орқали аудиторияни ногиронлиги бор кишиларни тўғри тушунишга ва қабул қилишга, ногиронларнинг ижтимоий интеграцияси жараёнларини оптималлаштиришга хизмат қилишдан иборатдир<sup>104</sup>.

#### ***Назорат саволлари:***

1. Нима учун ногирон инсондан интервью олишда тилга эътиборли бўлиш керак?
2. Америкалик психологлар ногиронлик мавзусида материал тайёрламоқчи бўлган журналистларга қандай тавсиялар беришади?
3. ОАВда ногиронлик мавзусидаги материал қандай бўлиши керак?

### **2.6. Ногирон болалар мавзусини ёритишнинг ўзига хосликлари**

Бола ҳуқуқлари таъминоти ва ҳимояси замонамизнинг глобал муаммолари сирасига кириб, уларнинг ҳал этилиши бутун жаҳон ҳамжамиятининг манфаатларига мос келади. Бу ўсиб келаётган авлоднинг жамият ҳаётчилигини кафолатлашдаги ва унинг келгуси ривожини белгилашдаги ҳал қилувчи роли билан изоҳланади. 1989 йил 20 ноябрда БМТ Бош Ассамблеяси томонидан Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция қабул қилиниб, у 1990 йил 2 сентябрдан кучга кирди. Мазкур конвенция дунёнинг деярли барча мамлакатлари томонидан маъқулланиб, ратификация қилинган ягона халқаро ҳужжат ҳисобланади. Иштирокчи давлатлар, шу жумладан, Ўзбекистон болаларнинг билим олиш, муносиб ҳаёт кечириш, зўравонлик ва камситишларнинг ҳар қандай

---

<sup>104</sup> Рябова Ю. Журналистика как инструмент социальной интеграции людей с инвалидностью. Автореферат кандидатской диссертации. 2011 год. <http://www.dissercat.com/content/zhurnalistika-kak-instrument-sotsialnoi-integratsii-lyudei-s-invalidnostyu>

кўринишларидан ҳимояланиш ҳуқуқларини кафолатлаш мажбуриятини олишган. Конвенцияга қўшилган ҳар бир иштирокчи давлатда яшовчи болалар ҳаёти ва аҳволида сезиларли ижобий ўзгаришлар бўлганини қайд этиш керак.



Ногирон болага қўл чўзинг<sup>105</sup>.

Ўсиб келаётган авлоднинг жисмоний, ақлий ва маънавий жиҳатдан баркамол инсонлар бўлиб вояга етишлари учун яхши ва қулай шароитларни яратиш мамлакатимизда амалга оширилаётган давлат сиёсатининг энг устувор йўналишларидан бири ҳисобланади. Ўзбекистон 1992 йилда БМТнинг Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциясига қўшилганидан кейин мамлакатимизда бола ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий ва ташкилий шароитлар ҳамда кафолатлар яратилди. Конвенция талабларини миллий қонунчиликка сингдириш, соҳага оид ҳуқуқий базани такомиллаштириш мақсадида «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида», «Одам савдосига қарши кураш тўғрисида», «Васийлик ва ҳомийлик тўғрисида», «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» (янги таҳрирда), «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида», «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида» ва бошқа қонунлар қабул қилинди. «Бола ҳуқуқларининг

---

<sup>105</sup> inntehcom.ru

кафолатлари тўғрисида»ги Қонун<sup>106</sup> Ўзбекистон ҳуқуқи тарихидаги илк кодексланган ҳужжат ҳисобланади. Ўзининг мақсадига кўра мазкур қонун боланинг ҳуқуқий ҳолати билан боғлиқ муносабатларин тартибга солади, унинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминланишини кафолатлайди. «Вояга етмаганлар ўртасида назоратсизлик ва ҳуқуқбузарликларнинг профилактикаси тўғрисида»ги Қонунга кўра вояга етмаганларга ижтимоий-ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш марказлари тузилган бўлиб, улар 3 ёшдан 18 ёшгача бўлган ва ёрдамга мухтож болаларни куну тун қабул қилиш ва вақтинча сақлашни таъминламоқда.

Ўзбекистонда бола ҳуқуқларига риоя этилишини мониторинг қилиш тизими ташкил этилган ва муваффақиятли фаолият олиб бормоқда. Мазкур мониторинг Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъминлаш бўйича тадқиқот маркази томонидан амалга оширилади. Бундан ташқари, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар ва Адлия вазирликлари, Бош прокуратураси таркибида ҳам инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича махсус бўлинмалар фаолият олиб бормоқда, улар ўз ваколатлари доирасида жумладан миллий қонунчилик, конвенциялар ва бошқа ҳужжатларни ҳаётга тадбиқ этиш орқали бола ҳуқуқларини таъминлаш масалалари билан ҳам шуғулланишади. Бола ҳуқуқларига риоя этилиши юзасидан жамоатчилик назоратини кучайтиришга ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда<sup>107</sup>.

Шу билан бирга ўз ечимини кутиб турган масалалар ҳам оз эмас. Биринчи галда, бу ногиронлиги бор болалар ҳуқуқлари мавзусининг эҳтиёткорлик билан, тўғри ёритилиши. Аксарият ҳолларда ногиронлиги бор бошқа кишилар ҳақидаги материаллар сингари улар ҳам ахборот характериға эга бўлиб қолмоқда. Журналистлар баъзида «ҳақиқатни рўй-рост» баён этиш илинжида жажжи қахрамонларининг манфаатларини унутиб кўйишади. Гоҳида улар боланинг муаммолари кенг жамоатчиликка ошкор этилиши қандай оқибатларға олиб келиши, боланинг келгуси тақдири ва ҳаётида қандай из қолдириши мумкинлигини ўйлаб кўришмайди. Парадокс шундаки, баъзида бола ҳуқуқларини ҳимоя қилишға қаратилган материалда журналистнинг ўзи билиб-билмай унинг ҳуқуқларини бузиб кўяди (масалан, қонун билан ҳимоя қилинадиган фарзандликка олиш сирини, болага кўйилган ташҳисни ошкор этади, рухсатсиз оила аъзолари ўртасидаги мураккаб муносабатлар ҳақида сўз юритади, боланинг исми шарифини ўзгартирмасдан, баъзида яшаш манзилини ҳам кўрсатган ҳолда беради). Ана шундай материалларни

<sup>106</sup> [www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact\\_id=1297318](http://www.lex.uz/pages/GetAct.aspx?lact_id=1297318)

<sup>107</sup> <http://narodnoeslovo.uz/index.php/homepage/zhamiyat/item/7042-obespechenie-prav-rebenka-v-uzbekistane>



ўқиганда, ногирон боланинг муаммолари журналист ва у ишлайдиган ОАВ учун шов-шув учун мавзу, рейтингини ошириш усули эмасмикан, деб ҳам ўйлаб қоласан киши. Бизнингча, бу нарса ҳар доим ҳам журналистларнинг ана шундай нияти билан боғлиқ бўлмайди, балки улар бола билан қай тарзда тўғри мулоқот қилишни, уларга яна қўшимча жароҳат етказмасдан муаммолари ҳақида жамиятни хабардор қилишни билишмаслигидан келиб чиқади<sup>108</sup>.

Бугунги кунда журналистлар олдида ногиронлиги бор болалар масалаларини эҳтиёткорлик билан, тўғри ёритиш вазифаси турибди. Умумий принципларга таянган ҳолда журналистлар биринчи галда қуйидагиларга риоя этишлари керак<sup>109</sup>:

1. Ҳар қандай вазиятда ҳам ҳар бир боланинг ҳуқуқ ва манфаатларига риоя этиш. Улар бошқа ҳар қандай мулоҳазалардан устун туради.

2. Болада ҳам, худди катталарда бўлгани каби шахсий ҳаёт ва махфийлик ҳуқуқи бор. Болани ҳар қандай, жумладан эҳтимолий кўнгилсизлик ва жазоланишлардан ҳимоя қилиш керак.

3. Бола ўз фикрини билдириш, ўзига қулоқ солишларини сўраш ҳамда ўз ҳаётига оид масалаларни ҳал қилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга. Мазкур ҳуқуқларнинг амалга оширилиши боланинг ёши ва балоғатга етганлик даражаси билан боғлиқ.

4. Журналист тайёрлаган материалнинг эълон қилиниши болага қандай таъсир кўрсатишини баҳолашда унинг яқинлари – ота-онаси, васийлари, шунингдек у билан ишлаётган мутахассислар – шифокорлар, психологлар, ўқитувчилар ва бошқалар ёрдам беришади.

5. Агар материалнинг эълон қилиниши бола, унинг ака-ука, опа-сингиллари, тенгдошлари учун бирор бир хавфни келтириб чиқариши эҳтимоли бўлса, мақолада унинг исми шарифини ўзгартириб бериш ёки умуман бермаслик кифоя қилмайди. Шунингдек, уни таниб олиш имконини берадиган ҳар қандай сурат ёки бошқа ҳужжатли материаллар ҳам эълон қилинмаслиги керак<sup>110</sup>.

Журналистларга ёрдам бериш мақсадида БМТнинг Болалар жамғармаси ЮНИСЕФ томонидан болалар ва болалик масалаларини ёритишнинг ахлоқий принциплари ишлаб чиқилган<sup>111</sup>. Журналистлар учун қўлланманинг иккинчи нашри учинчи қисми «ОАВ ва бола ҳуқуқлари» деб номланиб, бевосита ногиронлиги бор болалар масалаларига бағишланган.

<sup>108</sup> СМИ и дети (.pdf) [journ.bsue.edu.ru/kodeks/principles.pdf](http://journ.bsue.edu.ru/kodeks/principles.pdf)

<sup>109</sup> СМИ и права детей. Ресурс для журналистов, созданный журналистами Разработано MediaWise для ЮНИСЕФ. Второе издание 2005 г.

<sup>110</sup> СМИ и права детей. Ресурс для журналистов, созданный журналистами Разработано MediaWise для ЮНИСЕФ. Второе издание 2005 г.

<sup>111</sup> Ўша ерда.

Хусусан, унда болаларнинг медиатимсолини яратиш юзасидан қуйидаги тавсиялар берилган<sup>112</sup>:

✓ Ногирон болаларнинг ҳуқуқий ва ижтимоий мақомини ўрганинг. Улар учун тенг имкониятлар йўқлигининг сабаби нимада – уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилувчи қонунлар мавжуд эмаслигидами ёки нотўғри тасаввурлардами? Бундай болаларга бўлган муносабат ва уларнинг имкониятлари ногиронлигига боғлиқми? Болалар билан нотўғри тасаввурлар қаердан келиб чиқаётгани тўғрисида суҳбатлашинг. Ўз ҳаётий тажрибаларини баён этиш орқали улар сизга бошқалардан «фарқ қиладиган» инсонлар ҳақидаги афсона ва нотўғри фикрларни йўқотишга ёрдам беришади.

✓ Ногирон боланинг ота-онаси маслаҳат, молиявий ёки амалий ёрдам ола билишадими? Бундай ёрдамдан барча фойдалана оладими, ёки у фақат эҳтиёжи борлиги текширилганларгагина кўрсатиладими? Ногирон болалар ва уларнинг оилалари билан ишловчи ўз ўзига ёрдам гуруҳлари ва бошқа ташкилотлар ҳақида хабар беринг.

✓ Кўплаб ногирон болалар ўз имкониятларини рўёбга чиқара олишмайди, бунга сабаб катталар уларда ана шундай имкониятни йўқ, деб ҳисоблашларида. Ана шундай болалар қўллаб-қувватланадими ва уларнинг фуқаролик жамиятида иштирок этишлари рағбатлантириладими? Улар билан ўта муҳим эҳтиёжлари: билим олишлари, транспорт, жамоат биноларига кириб-чиқа олиш, бўш вақтларини ўтказишлари учун шароит, шаҳарсозлик ва бошқалар муҳокама этиладими? Улар камситишларга дуч келишганда қай тарзда қўллаб-қувватланадилар?

✓ Ногирон болалар амалий муаммоларга уларнинг алоҳида эҳтиёжлари лойиҳачилар, курувчилар ва ишлаб чиқарувчилар томонидан инобатга олинмаслиги сабаб дуч келишади. Ўз мамлакатингиз ёки хориждаги биргаликдаги лойиҳалаш натижасида юзага келган маҳсулот ва хизматлар ҳақида хабар беринг. Давлат ногирон болалар жамоат биноларига кириб-чиқишлари, транспортдан фойдаланишлари ва бошқалар учун имкониятни қай даражада кенгайтирмоқда?

✓ Ногирон болалар учун муассасаларда улар билан ёмон муносабатда бўлинаётган ҳолатларни, айниқса уларда болаларнинг манфаатларини ҳимоя қиладиган шахс бўлмаганда, ёритиб боринг. Бундай муассасаларни ким бошқаради ва улар қайси манбалардан молиялаштирилади? Ўз мамлакатингиз ва хориждаги болаларга муносабат ва уларни парваришлаш борасидаги ижобий тажрибалар ҳақида ёзинг. Улар ҳақида болаларнинг фикри қандай?

✓ Сюжетингиз марказида нима турибди – болами ёки ногиронлик? Мавзуга ном қўйдингизми? Ёки сиз сюжет мавзулари ўзини ўзи баён этишини истайсизми? Болалардан уларнинг ногиронлиги тилга олинишини

---

<sup>112</sup> Ўша ерда.

хоҳлаш-хоҳламасликларини, агар ишашса, бу қай тарзда бўлгани маъқуллигини сўрадингизми? Агар сиз боланинг ногиронлигини тилга олган бўлсангиз, бу сюжетга қанчалик алоқадор? Масалан, агар ногирон болалар бинога кириб-чиқиш имконияти таъминланишига қаратилган тадбирда қатнашаётган бўлишса, ногиронлик бевосита мавзуга алоқадор бўлади. Мабодо улар атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган ёки уларнинг ногиронлигига алоқаси бўлмаган мақсадлар учун маблағ йиғишга қаратилган тадбирда иштирок этаётган бўлишса, ногиронликнинг мавзуга умуман алоқаси бўлмайди<sup>113</sup>.

✓ Ногирон болалар ҳақида ҳикоя қилиш жараёнида журналистлар қўллайдиган сўз ва жумлалар уларни тушунишга ва уларга бўлган муносабатни ижобий томонига ўзгартиришга, ёхуд аксинча улар ҳақидаги нотўғри тасаввурларни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши мумкин. Сиз нотўғри талқин қилиниши ёки ногиронларни камситиши мумкин бўлган салбий ёхуд мажозий сўз ва жумлалардан фойдаланганмисиз? Сиз сўзлардан эҳтиёт бўлиб ва танлаб фойдаланасизми, ёки ҳақоратли ва ноўйиб бўлиши мумкин бўлган «оммабоп» атамаларни қўллайсизми? Агар шубҳага борсангиз, маслаҳат сўраб мутахассисларга (шу жумладан ногирон болаларнинг ўзларига) мурожаат қилинг. Ногирон болаларни ноқулай аҳволга солиб қўядиган ижтимоий адолатсизликка эътиборни қаратиш билан, ачиниш ҳиссини уйғотиш учун ҳиссий сўзлардан фойдаланиш ўртасида катта фарқ бор.

✓ Ногиронлик бирор бир касаллик оқибатида келиб чиққан бўлиши мумкинлигини, аммо унинг ўзи касаллик эмаслиги ва юқиб қолмаслигини ёдда тутинг. Ўқитиш қийин бўлган болалар деганда руҳий касалликка чалинган болаларни тушунмаслик керак; кўриш ва нутқ қобилиятидаги камчиликлар турли даража ва шаклда бўлиши мумкин; одамлар ногиронлар аравачасидан турли сабабларга кўра фойдаланадилар; церебрал шол, Даун синдроми, дислексия ёки қизилчанинг оқибатлари – турли ҳолатлардир. Ҳамма ногиронларда ҳам сурункали касалликлар кузатилмайди; уларнинг кўпчилиги ўзларини ожиз, қўлидан бирор иш келмайдиган деб ҳисоблашмайди; баъзилар ногиронлик ўзининг барча фуқаролари эҳтиёжларини қондира олмайдиган жамият томонидан ўйлаб топилган концепция, деб ҳисоблашади<sup>114</sup>.

---

<sup>113</sup> Этические принципы подготовки журналистских материалов о детях. ЮНИСЕФ.  
<http://journ.bsu.edu.ru/kodeks/principles.pdf>

<sup>114</sup> Ўша ерда.

## **Болалардан интервью олиш принциплари<sup>115</sup>**

1. Интервью олиш учун болаларни танлашда уларни жинси, ирқи, ёши, дини, ижтимоий мақоми, билим даражаси ёки жисмоний хусусиятларига қараб ажратманг.

Дарҳақиқат, журналист ўзининг болалар манфаатларига мутлақо тўғри келмайдиган мулоҳазаларига таяниб: «бизга 8 ёшлардаги оқсарикдан келган қиз керак» деб, интервью учун болаларни худди бозорда мева танлагандек танлаши тўғри эмас. Табиийки, болаларни камситмайдиган асосларга таянган танлов бўлади. Сиз ижтимоий сўров ўтказмаётганингизни, балки интервью олмоқчилигингизни, шу боис Меҳрибонлик уйдаги барча болалар (Даун синдроми бор ёки жигар кўчириб ўтказилишига эҳтиёжманд болалар) ҳақида бирданга ёза олмаслигингизни унутманг. Шу боис интервью учун қаҳрамонни боланинг тарихидан, унинг муаммолари қандайлигидан, руҳий ҳолатидан (буни боланинг яқинлари ва мутахассислардан билиб олишингиз мумкин), у қанчалик киришимли эканидан ҳамда у айнан сиз билан мулоқотга қай даражада тайёрлигидан келиб чиқиб танлайсиз.

2. Бола ва унга жавобгар шахсдан (ота-онаси, васий, Меҳрибонлик уйи директори, ҳомийлик ва васийлик органлари вакили) интервью, тасвирга олиш, болага тааллуқли фотосурат ва ҳужжатли материалларни эълон қилиш учун, имкони бўлса – ёзма равишда ва албатта болага тушунарли тилда рухсат олинг. Розилик ўз хоҳиши билан, бирор бир тарздаги мажбурлашларсиз олинishi зарур. Боланинг у ишонадиган катталардан бири билан маслаҳатлашиб олиши ҳам мақсадга мувофиқдир.

---

<sup>115</sup> СМИ и права детей. Ресурс для журналистов, созданный журналистами Разработано MediaWise для ЮНИСЕФ. Второе издание. 2005 г.



Ногирон болаларнинг жамиятга интеграциялашуви<sup>116</sup>

Интервью борасида келишар экансиз, болага бажара олишингизга кўзингиз етмайдиган ваъдалар берманг (масалан, мақола эълон қилинганидан кейин албатта уни онаси келиб олиб кетишини, ёки уни кимдир фарзандликка олишини ёхуд уни даволаш учун зарур пулни берадиган ҳомийлар топилишини айтманг). Ширинликлар, машҳур бўлиб кетиши ҳақидаги ваъдалар, уни уйингизга меҳмонга олиб кетишингиз ёки кинога олиб тушишингиз ҳақидаги бажаришингиз гумон бўлган ваъдалар билан уни «сотиб олишга» уринманг. Бу кўпроқ Меҳрибонлик уйлари ва интернатларда тарбияланаётган болаларга тааллуқли бўлиб, нафақат журналист, балки ҳар қандай инсон кўнглидан уларга нисбатан ачиниш ва ҳамдардлик ҳисларини ўтказиши иабий. Мабодо бирор бир ваъда бериб қўйган бўлсангиз уни албатта бажаринг. Йўқса, болада катталарга ва уларнинг ваъдаларига ишонч йўқолиши мумкин. Қолаверса, бир нарса доим ёдингизда бўлсин: сиз ушбу боланинг ҳаёти учун масъулиятни бўйнингизга ола олмайсиз, ҳеч ким сизни у билан дўстлашишга ва мулоқотда бўлиб туришга мажбур қилолмайди (лекин ҳаётда ана шундай дўстлашув ҳолатлари ҳам учраб туради). Сизнинг асосий вазифангиз – мана шу болага ва шунга ўхшаш вазиятга тушиб қолган бошқа болаларга ёрдами тегиши мумкин бўлган сифатли материал тайёрлаш.

---

<sup>116</sup> [www.zaksob.ru](http://www.zaksob.ru)

3. Бола ва унга жавобгар шахс (ота-онаси, васий, Меҳрибонлик уйи директори, ҳомийлик ва васийлик органлари вакили) ўзлари тўплаган маълумотларини маҳаллий ва глобал даражада тарқатишни ният қилган журналист билан мулоқот қилишаётганини тушуниб етишлари керак. Сиз уларга интервью олишдан мақсадингизни ва ундан қай тарзда фойдаланмоқчи эканингизни тушунтиришингиз керак.

Интервью ҳақида келишиб олиш босқичида, шунингдек материал устида ишлашнинг барча босқичларида битта қоидага амал қилинг – ҳеч қачон болани алдаманг. Агар сиз унга кўрсатувнинг (эшиттиришнинг) эфирга кетиш, мақоланинг чоп этилиш санасини хабар қилишни ваъда берган бўлсангиз, сўзингизнинг устидан чиқинг. Яна бир гап: болаларга бўлиб ўтаётган ҳамма нарсани тушунтириш мумкин ва зарур. Тайёрлаётган материалингизда кўтариб чиқмоқчи бўлган жиддий муаммони болага тушунарли бўлган оддий ва содда тилда баён этинг. Агар шундай қилсангиз, бола ўзини сизнинг ҳамкорингиз, дўстингиз деб билади ва ишингиз осон кечади<sup>117</sup>.

4. Интервью жараёнида боланинг қалбига озор етказманг, уни касаллик, ногиронлик, оиласини йўқотиш ва ҳаётидаги бошқа муаммоларни қайта бошидан ўтказишга мажбур қилманг. Унинг миллати, маданияти, дини борасида камситувчи фикрлардан, ёки унинг ўзи ва оила аъзолари шаънига тегадиган ҳақоратли мулоҳазалардан узоқроқ бўлинг.

Бу талаблар айримларда: агар ҳамма «нозик жиҳатлар» четлаб ўтиладиган, боланинг ўтмиши эсга олинмайдиган бўлса, интервьюдан қандай маъно бор? – деган саволни келтириб чиқариши мумкин. Шу ўринда Фёдор Михайлович Достоевскийнинг бола кўз ёшининг томчиси қандай қимматга эгалиги ҳақидаги сўзларини ёдга олиш керак. Агар интервью жараёнида сиз болани кўз ёш тўкишгача олиб борсангиз, бундан кимга фойда? Болага? Бизнингча, йўқ. Сизгами? Бу саволнинг жавоби ҳам салбий. Ўқувчи ёки томошабинларгами? Тўғри, кучли ҳиссиётлар шунга мос тарздаги жавоб реакциясини уйғотади. Аммо журналистнинг вазифаси қандай бўлмасин ўз аудиториясининг туйғуларига ўйнашдан иборат эмаслигини унутмаслик зарур.

Яна бир гап: ота-онасининг қандай одамлар эканлигидан, хатти-ҳаракатларидан қатъий назар, улар бола учун қадрдон, унинг ота-онасиданда яқинроқ инсонлари йўқ. Шу боис сиз ота-онасига, уларнинг хатти-ҳаракатларига «муносиб» баҳо бериш орқали фақатгина боланинг жиғига тегасиз ва унинг сиз билан мулоқотдан қочишига сабаб бўласиз<sup>118</sup>.

---

<sup>117</sup> Этические принципы подготовки журналистских материалов о детях. ЮНИСЕФ. <http://journ.bsu.edu.ru/kodeks/principles.pdf>

<sup>118</sup> Этические принципы подготовки журналистских материалов о детях. ЮНИСЕФ. <http://journ.bsu.edu.ru/kodeks/principles.pdf>

5. Интервью пайтида бола ўзини эркин ҳис этишини таъминлашга, унга ташқаридан, шу жумладан журналист томонидан босим ўтказилмаслигига ҳаракат қилинг. Шунда у ўз ҳаётини батафсил гапириб беради. Интервью пайтида алоқадор бўлмаган кишилар иштирок этмаслигига эришинг. Теле ва радио интервьюда тасвир ва овоз фонига эътибор қаратинг. Улар боланинг қаердалигини аниқлаш имконини бермаслиги керак.

Кўп ҳолларда савол туғилади: интервью пайтида бола учун масъул бўлган катта ёшдаги кишилар – ота-онаси, васий, Меҳрибонлик уйи раҳбари ёки вакилининг иштирок этиши шарми? Бу саволнинг давобини қонунчиликдан эмас, балки журналист одоб-ахлоқи меъёрларидан излаш керак. Биз журналист болага зарар етказишни истамайди, унинг сўзларини бузиб, нотўғри талқин қилмайди, унга босим ўтказмайди, унинг ҳаётига оид воқеалардан ўз рейтингини ошириш учун фойдаланмайди, деб ишонамиз. Вояга етмаган шахс ҳуқуқ-тартибот идоралари ходимлари томонидан сўроқ қилинганда унинг манфаатларини ҳимоя қилувчи катта ёшдаги кишининг иштироки шарт бўлса, интервью жараёнида бунга ҳожат йўқ. Боланинг ўзи мулоқот пайтида ёнида онаси (тарбиячиси, шифокор, ўқитувчиси ёки бошқа бир шахс) ўтиришини хоҳлаган ҳолатлар бундан мустасно. Аммо болалар билан ишлаш амалиётининг кўрсатишича, суҳбат жараёнида улар учун аҳамиятли катта ёшдагилар иштирок этса, бола уларнинг фикрига таянади, улар нималарнидир айтиб юборишларини кутиб туради. Умуман олганда, интервью пайтида бола ўзини имтиҳон топшираётган ва зарур гапларни «унутиб қўйгани учун» ёмон баҳо олишдан кўрқадиган ўқувчидек ҳис этишига олиб келадиган ҳолатлардан қочиш керак<sup>119</sup>.

6. Ҳеч нарсани саҳналаштирманг. Болаларни бошқаришга уринманг. Улардан чиройли тасвир ёки таъсирли репортаж учун зарур гапларни айтишни ёки хатти-ҳаракатларни амалга ошириб беришни сўраманг.

Бу каби саҳналаштирилган ҳолатлар журналистнинг касб маҳорати етарли эмаслигидан, бола шахсига нисбатан ҳурматсизликдан далолат беради. Агар ростдан ҳам сизни боланинг фикри қизиқтирса, у билан мулоқотга катталардан интервью олишга сарфланадигандан кўра кўпроқ вақт кетишига тайёр туришингиз зарур. Бу айниқса, мушкул ҳаётий вазиятни бошдан кечираётган болаларга тааллуқли. Уларнинг кўпчилигида катталарга ишончсизлик шаклланган бўлиб, интервьюга розилик берса ҳам, очик ва самимий суҳбатга мойил бўлмасликлари мумкин. Шу боис журналист бола билан шахсий мулоқотни ўрнатиши, уни «гапиртира олиши», уни қизиқтирадиган мавзуларни топа олиши жуда муҳим.

---

<sup>119</sup> Этические принципы подготовки журналистских материалов о детях. ЮНИСЕФ. <http://journ.bsu.edu.ru/kodeks/principles.pdf>

## Болалар ҳақида репортаж тайёрлаш принциплари<sup>120</sup>

1. Тайёр журналистик материал, сизнинг умумлашма ва хулосаларингиз бола қалбини яраламаслиги, унинг руҳиятига салбий таъсир кўрсатмаслиги, уни камситмаслиги, жамият томонидан салбий муносабатда бўлинишига олиб келмаслиги керак.

Сиз тайёрлаган материалингизни бола ўқиб чиқиши (эшитиб кўриши, томоша қилиши) мумкинлигини, хаттоки буни хоҳлашини яхши тушунишингиз керак. Шу боис ўз фикрларингизни, хулосаларингизни, баҳоларингизни баён этишда буни эътиборга олишингиз лозим. Бу ўринда халқимизнинг «пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса бировга» деган нақли мос келади. Яъни тайёрлаган материалингизни «ўз танангиздан» ўтказинг, агар шу мақола (кўрсатув, эшиттириш) ўзингиз ёки фарзандингиз ҳақида бўлганда қандай ҳолатга тушган бўлардингиз, шуни бир ўйлаб кўринг. Агар бола бу ҳақда гапирмаган бўлса, вазиятни, воқеани қайта тиклашга, у нимани ўйлагани, ҳис қилгани ҳақида баён этишга уриниш керак эмас. Воқеаларни бўрттириб кўрсатиш йўли билан бола бошидан кечирган қийинчиликларни акс эттириш шарт эмас. Яхшиси, сиз барча қийинчиликлар ортда қолганини, энди болада ҳаётда ўз ўрнини топиши, ривожланиши, қобилият ва имкониятларини намоён этиши учун шароитлар бўлишини, унга мутахассислар, жамоат ташкилотлари, ҳомийлар, кўшнилари, ҳаваскорлик театр студияси аъзолари ва бошқалар ёрдам беришини тасвирланг. Журналистнинг ижобий қарашлари ўз-ўзидан аудиторияга ҳам кўчади. Одамлар муаммо ростдан ҳам мавжудлигини, у хаттоки жуда жиддийлигини, аммо вазият ўнглаб бўлмас даражада эмаслигини – унинг ечими, ижобий чора борлигини тушуниб етишлари керак<sup>121</sup>.

2. Бола билан танишувингиз ва интервью олиш жараёнлари ҳақида асосли ва ишончли маълумотларни тақдим этинг. Демак, яна журналист фақат далилларга таяниши кераклиги ва ҳеч нарсага ўйлаб топмаслиги, бўрттириб кўрсатмаслиги кераклиги ҳақидаги тавсияга қайтамиз. Болалар ёлғонга сезгир бўлишади, шу боис агар тайёрлаган материалингизда «чиройли сўзлар»ни қўлласангиз, воқеликни салгина кўпиртириб тасвирласангиз, бутун ёзганингиз уларнинг наздида ёлғонга айланиб қолади.

3. Тайёрлаган материалингизда исми шарифларни ҳар доим ўзгартиринг, қуйидаги ҳолатларда боланинг кимлигини ёки қаердалигини аниқлашга имкон берадиган манбаларни кўрсатманг:

<sup>120</sup> Этические принципы подготовки журналистских материалов о детях. ЮНИСЕФ.  
[http://www.unicef.org/ceecis/ru/media\\_21840.html](http://www.unicef.org/ceecis/ru/media_21840.html)

<sup>121</sup> Этические принципы подготовки журналистских материалов о детях. ЮНИСЕФ.  
[http://www.unicef.org/ceecis/ru/media\\_21840.html](http://www.unicef.org/ceecis/ru/media_21840.html)



- Бола жинсий зўравонлик ёки жинсий эксплуатация қурбони бўлса, ёхуд ўзи жисмоний ёки жинсий зўравонлик содир этган бўлса;

- Бола ОИВ/ОИТС билан касалланган ёки ана шундай касаллик оқибатида вафот этган бўлса (ота-онаси/васий исми шарифи эълон қилинишига розилик берган ҳолатлар бундан мустасно);

- Жиноят содир этганликда айбланаётган ёки бунинг учун жазога маҳкум этилган бўлса.

Боланинг ҳаёти учун хавф туғилиши мумкин бўлган қуйидаги ҳолатларда унинг кимлигини ёки қаердалигини аниқлашга имкон берадиган манбаларни кўрсатманг:

- Ҳарбий ҳаракатларнинг амалдаги ёки собиқ иштирокчиси бўлса;

- Бошпана сўраётган, қочоқ ёки мажбурий кўчиб келган бўлса.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистонда журналистлар юқорида санаб ўтилган тоифаларга мансуб болалар тақдири ҳақида камдан кам ҳоллардагина ёзишади. Ўзи ёки ота-онаси ОИВ/ОИТСга чалинган болаларнинг, жиноят содир этган вояга етмаганларнинг, ногиронлиги бор болаларнинг овозлари деярли эшитилмайди, уларнинг муаммолари матбуотда кам ҳоллардагина кўтариб чиқилади. Аммо нима бўлганда ҳам, ҳар доим Меҳрибонлик уйларида, интернатларда ва етимхоналарда яшаётган, асраб олинган болаларнинг исми шарифларини ўзгартириб кўрсатиш кераклиги ёдда туриши лозим.

4. Айрим ҳолларда боланинг исми шарифи ва/ёки уни таниб олиш мумкин бўлган тасвирнинг берилиши мумкин ва хатто зарур бўлиб қолади<sup>122</sup>:

- Мулоқот боланинг ташаббуси билан уюштирилган бўлиб, у журналист материали орқали ўз фикрини кенг жамоатчиликка етказишни истаса;

- Бола у ёки бу ижтимоий лойиҳада иштирок этаётган бўлса, ҳамда ўзини бошқалар ана шу лойиҳа иштирокчиси сифатида танишларини хоҳласа;

- Бола руҳий ва ижтимоий реабилитация/адаптация дастурида иштирок этаётган, иштирокчиларнинг исми шарифларини эълон қилиш дастурнинг асосий шартларидан бири, ҳамда келгусида боланинг ривожланиши учун фойдали бўлса.

5. Ўзингиз суҳбатлашган боланинг руҳий хусусиятлари ва ёшини эътиборга олинг. У сизга берган маълумотларнинг тўғрилигини унга яқин бўлган бошқа болалар ва катталардан аниқлаштириб олинг<sup>123</sup>.

---

<sup>122</sup> Этические принципы подготовки журналистских материалов о детях. ЮНИСЕФ.  
[http://www.unicef.org/ceecis/ru/media\\_21840.html](http://www.unicef.org/ceecis/ru/media_21840.html)

<sup>123</sup> Этические принципы подготовки журналистских материалов о детях. ЮНИСЕФ.  
[http://www.unicef.org/ceecis/ru/media\\_21840.html](http://www.unicef.org/ceecis/ru/media_21840.html)

Болалар ҳуқуқларининг тўлақонли ва эҳтиёт бўлиб ёритилишини таъминлаш мақсадида ЮНИСЕФнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси томонидан муҳим маълумотлар ишлаб чиқилди. Журналистлар улар билан Журналистларни қайта тайёрлаш маркази томонидан ўтказилган «Соғлом бола йили ҳамда Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциянинг 25 йиллиги доирасида бола ҳуқуқлари масалаларининг ёритилишида ОАВ имкониятларини ошириш (2014-2015 йиллар)» мавзусидаги лойиҳа доирасида танишига муваффақ бўлишди.

### ***Назорат саволлари:***

1. Ногирон болалар ҳаётини ёритишнинг ўзига хослиги нимада?
2. Журналистлар учун мўлжалланган «ОАВ ва бола ҳуқуқлари» қўлланмасида ногирон болаларнинг медиатимсолини яратишда эҳтиёткорона ёндошиш юзасидан қандай тавсиялар берилган?
3. Ногирон боалардан интервью олишда ва улар ҳақида репортаж тайёрлашда журналистлар қандай принципларга риоя этишлари керак?

## **2.7. Мавзуни ОАВда ёритиш юзасидан тавсиялар. Ахлоқий жиҳатлар**

Ногиронлиги бор кишилар тимсолининг ОАВ ва кинода ёритилишини яхшилаш мақсадида ногиронларнинг жамоат ташкилотлари қуйидаги тавсияларни ишлаб чиқишган ва фаолиятда қўллашни таклиф этишади<sup>124</sup>:

1. Ногиронлиги бор кишиларни уларнинг имкониятлари ва жамиятга келтиришлари мумкин бўлган фойдаси нуқтаи назаридан ақс эттиринг. Ногиронлиги бор кишилар боқиманда ва жамиятга фойда келтира олмайдилар деган фикрдан воз кечинг<sup>125</sup>.

2. Ногиронлиги бор кишиларни пассив ва мустақил бўлмаган кузатувчилар сифатида эмас, балки жамиятнинг фаол аъзолари тарзида ақс эттириш керак. Таълим олиш, касб ўрганиш борасида бир хил имкониятлар яратиб берилса, ҳамда техник воситалар ва махсус хизматлар мавжуд бўлса, ногиронлиги бор кишилар ўз оилалари ва жамиятга катта фойда келтиришлари мумкинлигини кўрсатиб бериш зарур.

---

<sup>124</sup> Пособие для организаций инвалидов. "Работа со средствами массовой информации". [http://aupam.narod.ru/pages/sozial/posobie\\_dlya\\_organizacij\\_invalidov\\_rabota\\_so\\_sredstvami\\_massovoyj\\_informacii/oglavlenie.html](http://aupam.narod.ru/pages/sozial/posobie_dlya_organizacij_invalidov_rabota_so_sredstvami_massovoyj_informacii/oglavlenie.html)

<sup>125</sup> Пособие для организаций инвалидов. "Работа со средствами массовой информации". [http://aupam.narod.ru/pages/sozial/posobie\\_dlya\\_organizacij\\_invalidov\\_rabota\\_so\\_sredstvami\\_massovoyj\\_informacii/oglavlenie.html](http://aupam.narod.ru/pages/sozial/posobie_dlya_organizacij_invalidov_rabota_so_sredstvami_massovoyj_informacii/oglavlenie.html)

3. Ногиронлиги бор киши жамиятнинг оддий вакили сифатида ҳамда реал ҳаётӣ вазиятларда акс эттирилган сериаллар, фильмлар, кўрсатувлар, реклама роликлари яратиш керак. Ногиронлиги бор киши ушбу фильм, сериал ёки кўрсатувнинг бош қаҳрамони бўлиши ёки турли эпизодларда чиқиши мумкин. Асосийси – ногиронлиги бор кишининг стереотиплардан холи тимсолини яратиш.

4. Ақлий ва руҳий ногиронлиги бор кишиларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Кўзи ожиз, аравачада ҳаракатланадиган ва бошқа кўз билан кўриш мумкин бўлган жисмоний ўзига хосликлари мавжуд инсонлар билан бир қаторда телекўрсатувларга Даун синдроми бор, аутизм ва ментал ногиронликнинг бошқа шакллари мавжуд кишиларни ҳам таклиф этиш керак.

5. Ногиронлик масаласи бўйича ишчи гуруҳ тузиш ва унинг таркибига ОАВ билан ҳамкорликни йўлга қўя оладиган ногиронлиги бор кишиларни ёки ногирон болаларнинг ота-оналарни киритиш зарур. Бундай гуруҳнинг вазифаси журналистларга, кино ва телевидениенинг бошқа ходимларига ногиронлиги бор киши тимсолини кўрсатишда стереотиплардан қочиш ва уларни жамиятнинг бошқа аъзолари сингари оддий кишилар сифатида тасвирлаш юзасидан маслаҳатлар беришдан иборат бўлади. Бунда ана шундай гуруҳлар узок йиллардан бери фаолият олиб бораётган хорижий давлатлар тажрибасига таяниш.

6. Телевидениеда ижтимоӣ реклама сонини ошириш. Ногиронлиги бор кишилар ҳақида ижтимоӣ роликлар тайёрлашда у ногиронларга нисбатан ачинишни ёки салбий муносабатни шакллантириб қўймаслиги учун экспертларга мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. Шу вақтгача яратилган ижтимоӣ роликларни намойиш учун қабул қилиш.

7. Ногиронлиги бор кишиларни фильмлар, сериаллар ва кўрсатувларга киритишда телевидение учун махсус ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш керак. Бунда бошқа давлатлар тажрибасига ва БМТ томонидан ишлаб чиқилган қоидаларга таяниш тавия этилади.

8. Журналистлар, телевидение ва кино соҳасининг бошқа ходимлари учун ногиронликни тушунтирувчи тренинглар ташкил этиш ва ўтказиш керак. Уларга ногиронларнинг жамоат ташкилотлари вакилларини ҳам таклиф этиш зарур.

9. Ногиронлиги бор кишиларни актёрлик касбига ўқитиш амалиётини жорий этиш: мазкур йўналишда мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув

юртларида актёрлик ва телекўрсатувлар бошловчилигига қобилияти бор ногирон ёшлар ўқиши учун имконият ва шароит яратиш керак.

10. Ногиронлиги бор кишилар иштирокида ва улар ҳақида фильмлар, сериаллар, кўрсатувлар тайёрловчи ва намойиш этувчи телеканаллар ва продюссерлик марказларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзлар бериш керак.

### **Ногиронлиги бор кишилар билан мулоқот тили ва қоидалари**

«Ногирон, ногиронлиги бор, ногиронлик» тушунчасининг ўзи соғлиқ билан боғлиқ бўлган меъёрдан четга чиқиш ҳолати ҳақидаги хаёлга олиб боради. Шу боис одатда «ногиронлар ва соғломлар» деб гапирилади. Аслида ногиронлик ҳар доим ҳам саломатлик оқибатида юзага келмайди, шу боис ногиронлар ва ногирон бўлмаганларни, яна ҳам аниқроғи ногиронлиги бор ва ногиронлиги йўқ инсонларни қарама қарши қўйиш тўғрироқ бўлади.

### **Камситмайдиган тил<sup>126</sup>**

Агар сиз жисмоний нуқсонни бор кишилар ҳақида сўз юритмоқчи ёки ёзмақчи бўлсангиз, нейтрал сўзлардан фойдаланинг, жумлаларни диққат билан танланг. «Фалон ҳалокатнинг қурбони» жумласи ўрнига «...фалокатига учраган киши» ёки «бошига ... тушган киши» каби сўзларни ишлатган маъқул.

«Соғлом» - «ногирон» ёки «ногирон» - «бенуқсон» каби қарама қарши қўйишлар нотўғри ҳисобланади, шу боис ногиронлиги бор ва ногиронлиги йўқ инсонлар ҳақида гапириш керак.

Ҳеч қачон «норасо», «ноқис», «чўлоқ», «касал», «эпилептик», «децепешник», «Даун» ва бошқа тамғаларни ишлатманг.

Сўзлардан эҳтиёт бўлиб ва танлаб фойдаланиш соғлиғида камчилиги ва ногиронлиги бор кишилар билан ижтимоий иш олиб боришнинг асосий принципини акс эттиради. .

Ногиронлар ҳамжамияти ҳозирда муомалада қўллаш учун ҳар томонлама мос келадиган атамаларни танлаш босқичида турибди. Кўплаб янги атамалар тилда ўз ўрнини топиб кетмаяпти. Айримлар «фарқли имкониятларга эга киши» жумласини маъқул кўришса, бошқалар ўзларини «қурбон» ёки «мажруҳ» деб аташларига ҳам қаршилиқ қилмайди. Аммо бу жумлаларнинг бирортаси матбуот учун мос келмайди.

---

<sup>126</sup> «Социальная работа с инвалидами» Е.Р.Ярская-Смирнова, Э.К.Наберушкина.М., 2003.  
<http://binafsha.uz/blog/?p=664&lang=ru&i=1>

Аксарият кўпчилик «имконияти чекланган киши» ёки «ногиронлиги бор киши» жумлалари мос келади, деб ҳисоблайди. Журналистлардан «ногирон» деб эмас, балки «ногиронлиги бор киши» деб ёзишни сўрашади, чунки олдин инсон, сўнгра унинг хусусияти ва соғлиғи туради. Ногиронлар ташкилоти, ҳаракати ёки гуруҳи ҳақида гап кетганда, аксарият ҳолларда инглиз ва рус тилларида «ногиронлар» атамаси қўлланилади, масалан ногиронлик ташкилоти, ногиронлик ҳаракати, ногиронлар транспорти ва бошқалар. Буни бошқачароқ тарзда айтиш маъкулроқ, яъни: ногиронлар ташкилоти, ногиронлар ҳаракати, ногиронлар ҳуқуқлари учун курашувчи ҳаракат. Ногиронлар транспорти ўрнига қўлда бошқариладиган машина ёки фойдаланишга қулай транспорт дейиш мумкин<sup>127</sup>.

Қуйида журналистларга мақола ва репортажларда қўллаш тавсия этиладиган атамлар келтирилмоқда:

### Атамалардан фойдаланиш бўйича тавсиялар<sup>128</sup>

Қўллаш мумкин	Қўллаш тавсия этилмайди
Ногиронлиги бор инсон	Ногирон
Ногиронлиги бор инсон	касал, чўлок
Бемор инсон	Майиб-мажруҳ
Ривожланишида бузилиш бўлган бола	деформацияланган
Алоҳида эҳтиёжли инсон	нуқсонли
Ўзига хос ривожланишли бола	Камчилиги бор
Ногиронлиги бўлмаган инсон	Ақли расо
Оддий инсон	Соғлом
Ногиронлик аравачасидан фойдаланадиган инсон	Аравачага михланиб қолган
Аравачада ҳаракатланадиган инсон	Аравачага михланиб қолган
Туғма ногиронлик	туғма дефект, бахтсизлик
Болаликдан церебрал шол инсон	Церебрал шол қурбони
Полиомиелитни бошдан кечирган	Полиомиелитдан азият чекади
Полиомиелит оқибатидаги ногиронлик	полиомиелит оқибатида зарар

<sup>127</sup> «Социальная работа с инвалидами» Е.Р.Ярская-Смирнова, Э.К.Наберушкина. -М., 2003.  
<http://binafsha.uz/blog/?p=664&lang=ru&i=1>

<sup>128</sup> «Социальная работа с инвалидами» Е.Р.Ярская-Смирнова, Э.К.Наберушкина. -М., 2003.  
<http://binafsha.uz/blog/?p=664&lang=ru&i=1>

	кўрган
Менталь оғиши бор инсон	Ақли ноқис
Ривожланишдан ортда қолган бола	Ақли норасо
Ўқитиш қийин бўлган болалар	Ақли ноқис, ақли норасо болалар
Даун синдроми бор инсон	Даун
Тутқаноғи бор инсон	тутқанок
Тутқаноғи тутиб турадиган одамлар	тутқанок
Руҳий касал инсонлар	жинни
Руҳий касаллиги бор инсон	Ақли заиф
Менталь саломатлиги бузилган одам	Аҳмоқ
Кўзи ожиз инсон	Кўр
Яхши кўрмайдиган инсон	Шапкўр
Яхши эшитмайдиган инсон	Гаранг
Мулоқотга киришиш қийин инсон	Кар-соқов
Нутқида камчилиги бор инсон	Гунг
Кўлда бошқариладиган автомашина	ногиронлар машинаси

Тилимиз одоб-ахлоқ билан узвий боғлиқ. Аммо, хатто тилга эътиборли бўлиб ҳам, агар суҳбатдошнинг ногиронлиги билан боғлиқ айрим ўзига хосликлар инобатга олинмаса, ўзингиз ҳам, суҳбатдошингиз ҳам ноқулай аҳволга тушиб қолишингиз мумкин. Ўзингни қандай тутганинг маъқуллигини билмаганингда эса ўзингни ноқулай, биқик ҳис этасан. Қуйида ногиронлиги бор инсонлар томонидан шахсий тажрибаларидан келиб чиқиб ёзилган тавсиялар келтириб ўтилган.

### **Ҳаракатланиш билан боғлиқ ногиронлиги бор шахслар<sup>129</sup>**

1. Ногиронлар аравачаси унинг эгасининг дахлсиз ҳудуди эканини ёдда тутинг. Рухсатсиз унга суянманг, уни итарманг, унга оёғингизни қўйманг.
2. Ёрдам бермоқчи бўлсангиз, олдин «ёрдам керакми?» деб сўранг.

<sup>129</sup> «Социальная работа с инвалидами» Е.Р.Ярская-Смирнова, Э.К.Наберушкина. -М., 2003.  
<http://binafsha.uz/blog/?p=664&lang=ru&i=1>

3. Агар саволингизга ижобий жавоб олсангиз, айнан нима қилиш кераклигини сўраб олинг.
4. Агар сиздан аравагани итариб юришни сўрашса, уни секин итариш кераклигини унутманг. Чунки аравага тез ҳаракатланиб кетиш хусусиятига эга.
5. Тадбирлар режалаштирилган жойларга кириб-чиқиш қулай эканига шахсан ишонч ҳосил қилинг. Рўйхатдан фойдаланинг, одамлардан қандай муаммо ёки тўсиқлар юзага келиши мумкинлиги ҳақида сўранг ва уларни бартараф этиш чораларини кўринг.
6. Ногиронлар араваганида ўтирган кишининг елкасига қоқиш тавсия этилмайди.
7. Имкони бўлса, суҳбатдошингиз билан кўз кўзга тушиб турадиган тарзда ўтириб олинг.
8. Агар меъморий тўсиқлар мавжуд бўлса, бу ҳақда олдиндан огоҳлантириб қўйинг. Шунда суҳбатдошингизда қарор қабул қилиш ва режалаштириб олиш имконияти бўлади.
9. Одатда, ҳаракатланиш билан боғлиқ муаммоси бор ногиронларда кўриш, эшитиш ва тушуниш билан боғлиқ муаммолар бўлмаслигини ёдда тутинг. Асосийси – уларнинг ҳаракатланишига мослашиш керак.

### **Яхши кўрмайдиган кишилар**

1. Уларга қўл беринг. Уни йўлга солманг, қўлини қаттиқ сиқиб олманг, одатда қандай юрсангиз, шундай юринг.
2. Агар ёрдамнингизни рад этишса, хафа бўлманг.
3. Қаерда эканликларингизни қисқача таърифлаб беринг. Масалан: «Хона ўртасида сиздан тахминан олти қадам нарида стол турибди» ёки «Эшикдан кирганда, чап томонда кичкина столча бор».
4. Баён этишда товуш, ҳид ва масофани англатувчи жумлалардан фойдаланинг.
5. Йўл бошловчи итлар билан худди оддий уй ҳайвонларидек муомала қилиб бўлмайди. Уларга тегинманг, улар билан ўйнаманг.
6. Яхши кўрмайдиган одамнинг қўлидан ҳассасини тортиб олманг ва уни сиқиб ушламанг.
7. Ҳар доим суҳбатдошингиз маълумотни қандай шаклда: Брайл алифбоси, йирик ҳарфлар, аудиоёзув кўринишида олишни истагини аниқлаштириб олинг. У одатда маъқул кўрадиган шаклга ишониб қолманг.
8. Гарчи суҳбатдошингиз сизни кўрмаса ҳам бевосита унга қараб гапиринг.

9. Агар сиз кўзи яхши кўрмайдиган ёки умуман кўрмайдиган одамга бирор нарса ўқиб бераётган бўлсангиз, олдинга нимани ўқиб бермоқчилигингизни айтинг. Одатий оҳангда гапиринг. Агар суҳбатдошингизнинг ўзи илтимос қилмаса, бирор бир маълумотни ташлаб кетманг.
10. Ҳар доим ўзингизни таништиринг.

### **Яхши эшитмайдиган кишилар<sup>130</sup>**

1. Яхши эшитмайдиган одам билан гаплашганда доим унга тик қаранг.
2. Юзингизни қўлингиз, сочларингиз ёки бошқа буюмлар билан тўсиб олманг.
3. Яхши эшитмайдиган одамлар билан мулоқот қилишнинг йўллари жуда кўп. Агар сиз улардан қай бирини танлашга иккилансангиз, буни суҳбатдошингиздан сўранг.
4. Яхши эшитмайдиган одамнинг диққатини тортиш учун уни исмини айтиб чақиринг. Агар у жавоб бермаса, қўлига секингина туртиб қўйишингиз ёки юзи олдида қўлингизни силкитишингиз мумкин.
5. Равон ва аниқ гапиринг. Бир нималарни алоҳида таъкидлаш шарт эмас.
6. Агар сиздан бир неча марта бирор гапни такрорлашни сўрашса, уни бошқачароқ шаклда баён этишга уриниб кўринг.
7. Агар сиз ўз ичига рақам ёки манзилни олган маълумот тўплаётган бўлсангиз, уни ёзиб беринг, факс ёки электрон почта орқали ёхуд исталган бошқа усул билан етказинг, муҳими у аниқ ва тушунарли бўлиши керак.
8. Оғзаки мулоқотда қийинчиликлар юзага келса, суҳбатдошингиздан ёзма тарзда гаплашиш осон бўлиши мумкинлигини сўранг. Хабарлар оддий ва тушунарли бўлиши керак.
9. Сизни ўраб турган муҳитни ҳам ёддан чиқарманг. Катта ва одам кўп жойларда яхши эшитмайдиган кишилар билан суҳбатлашиш қийин кечади. Ёрқин қуёш нури ва қуюқ соя ҳам тўсиқ бўлиши мумкин.
10. Огоҳлантирмасдан суҳбат мавзусини ўзгартирманг. Бунинг учун «Яхши, энди ... масалада гаплашамиз» каби жумлалардан фойдаланинг.

---

<sup>130</sup> «Социальная работа с инвалидами» Е.Р.Ярская-Смирнова, Э.К.Наберушкина. -М., 2003.  
<http://binafsha.uz/blog/?p=664&lang=ru&i=1>



## **Ривожланишда ва мулоқотда камчилиги бор кишилар**

1. Тушуниш осон сўзларни ишлатинг, аниқ ва равон гапиринг.
2. Агар суҳбатдошингиз улар билан танишлигига ишончингиз бўлмаса, қолипга тушиб қолган ва идиоматик жумлаларни ишлатманг.
3. Ўзингизни баланд тутиб гапирманг.
4. Вазифалар ёки лойиҳа ҳақида гап кетганда, бир бошдан, навбатма навбат тушунтиринг. Ҳар бир масалани тушунтирганингиздан кейин суҳбатдошингизга ўйлаб олиш учун имкон беринг.
5. Ривожланишида камчилиги бор катта ёшдаги киши ҳар қандай катта ёшдаги инсон сингари ҳаётини тажрибага эга бўлишини эътиборга олинг.
6. Зарур бўлса тасвир ёки фотосуратлардан фойдаланинг.
7. Ривожланишда муаммоси бор киши билан худди бошқалар билан бўлгани каби муомала қилинг. Суҳбат жараёнида бошқа одамлар билан муҳокама қиладиган масалаларингиз, масалан: дам олиш кунлари учун режалар, таътилни қандай ўтказиш, об-ҳаво, сўнгги янгиликлар каби.
8. Суҳбатдошингизнинг бевосита ўзига қараб гапиринг..
9. Ривожланишда муаммоси бор кишилар ҳам муомалага лаёқатли эканини, улар ҳужжатларга, шартномаларга имзо қўйишлари, овоз беришлари, тиббий ёрдам кўрсатилишига розилик билдиришлари мумкинлигини эътиборга олинг.

## **Руҳий муаммолари бор кишилар<sup>131</sup>**

1. Руҳий муаммолари бор кишиларга албатта қўшимча ёрдам кўрсатиш ёки бошқачароқ муомалада бўлиш керак, деб ўйлаш ярамайди.
2. Руҳий муаммолари бор кишилар билан бошқалар каби муомалада бўлинг. Худди шу шаклдаги ногиронлиги бор кишилар билан аввал қилган суҳбатларингиз асосида уларнинг ҳаммаси ҳақида бир хулоса чиқаришга шошилманг.
3. Руҳий муаммолари бор кишилар тажовузкор бўлишади деган фикр ҳам тўғри эмас.
4. Руҳий муаммолари бор кишилар дори қабул қилиб юришади ва қабул қилишлари шарт деган фикр ҳам нотўғри.
5. Руҳий муаммолари бор кишилар ҳужжатларни имзолай олишмайди ва даволанишга розилик бера олмайдилар деб ўйлаш ҳам тўғри эмас. Уларнинг муомалага лаёқатлилиги қонун йўли билан белгиланади.

---

<sup>131</sup> «Социальная работа с инвалидами» Е.Р.Ярская-Смирнова, Э.К.Наберушкина. -М., 2003.  
<http://binafsha.uz/blog/?p=664&lang=ru&i=1>

6. Руҳий муаммолари бор кишилар тушунишда ва ақлий даража бўйича бошқа одамлардан паст туришади, деган фикр ҳам нотўғри.
7. Руҳий муаммолари бор кишилар ишлашлари мумкин эмас, деган хулоса тўғри эмас. Улар малака ва кўникма талаб қиладиган кўплаб ишларни бажара олишади.
8. Руҳий муаммолари бор кишилар ўзлари учун нима яхшию, нима ёмонлигини ажрата олишмайди, деб ўйламанг.
9. Руҳий муаммолари бор киши тушкун аҳволда бўлса, ундан астагина нима ёрдам бера олишингиз мумкинлигини сўранг.
10. Руҳий муаммолари бор кишилар стрессдан чиқиб кетишни уддалай олишмайди, деб ўйлаш нотўғридир.

### **Нутқида муаммоси бор кишилар<sup>132</sup>**

1. Нутқида муаммоси бор кишиларга эътиборсиз муносабатда бўлманг, уларни тушуниш сизга кўпроқ керак.
2. Нутқида муаммоси бор кишилар билан суҳбатлашганда уларнинг гапини бўлманг. У гапини тугатганига ишонч ҳосил қилганингиздан кейингина гап бошланг.
3. Суҳбатни тезлаштиришга ҳаракат қилманг. Нутқида муаммоси бор кишилар билан мулоқот одатдагидан кўра кўпроқ вақтингизни олишига тайёр тулинг.
4. Суҳбатдошингизнинг юзига қараб, визуал алоқани ҳам ушлаб тулинг. Ушбу мулоқотга бутун диққатингизни қаратинг.
5. Нутқида муаммоси бор кишиларнинг ёнида кимдир кузатувчи бўлиб юрган бўлса, саволларингиз, фикрларингиз ва эътиборингизни ўша одамга қаратманг.
6. Суҳбатдошингизнинг гапларини тушунмаган бўлсангиз, ўзингизни тушунганга солиб кўрсатманг.

Журналист ногиронлиги бор кишилар билан мулоқот қилаётганида диққатни муаммога, ногиронликка эмас, балки одамга, унинг имкониятлари ва уни ўраб турган ижтимоий муҳитга, унинг ютуқларига қаратиш керак. Ногиронлиги бор кишилар билан уларни камситмаган ҳолда мулоқот қилиш айнан ана шу принципларга асосланади.

---

<sup>132</sup> «Социальная работа с инвалидами» Е.Р.Ярская-Смирнова, Э.К.Наберушкина. -М., 2003.  
<http://binafsha.uz/blog/?p=664&lang=ru&i=1>

## **Ногиронлиги бор кишилар билан мулоқот қилиш қоидалари**

*(Мазкур қоидалар АҚШ ижтимоий хизмат ходимлари томонидан фаолиятларида қўлланилади. Улар АҚШнинг Ҳаммабоплик миллий маркази мутахассиси Карен Майер томонидан ишлаб чиқилган)*

1. Ногиронлиги бор киши билан мулоқот қилганингизда унинг кузатувчисига ёки сурдо таржимонга эмас, балки бевосита ўзига мурожаат қилинг.

2. Ногиронлиги бор киши билан таништиришганда унинг қўлини сиқиб қўйинг. Хатто қўлида муаммоси бор ёки протез қўлдан фойдаланадиганлар ўнг ёки чап қўлни сиқиб қўйишлари мумкин.

3. Яхши кўрмайдиган одам билан учрашганда ўзингизни ва сиз билан бирга келган кишиларни таништинг. Агар сиз бир гуруҳ одамлар билан мулоқот қилаётган бўлсангиз, ҳар сафар саволингиз ёки фикрларингиз айнан кимга қаратилганини айтиб ўтишни унутманг.

4. Агар сиз ёрдам таклиф қилсангиз, уни қабул қилишгунча кутиб туринг, сўнгра қандай йўл тутсангиз тўғри бўлишини сўраб олинг.

5. Катта ёшлилар билан худди катталардек муомала қилинг. Даврадаги бошқа кишиларга исми шарифини айтиб мурожаат қилаётган бўлсангиз, ногиронлиги бор киши билан ҳам худди шундай йўл тутинг. Ногиронлик аравачасидан фойдаланаётган кишиларга алоҳида эътибор қаратманг, уларнинг бошига ёки елкасига қўлингизни қўйманг, исмларини кичрайтириб айтманг.

6. Кимнингдир ногиронлик аравачасига суяниб туриш аслида унинг эгасига суяниб туришни билдиради, бу эса унинг асабига тегиши мумкин. Аравача, ўриндиқ ундан фойдаланаётган кишининг дахлсиз ҳудудидир.

7. Мулоқотда муаммоси бор киши билан гаплашганда уни диққат билан эшитинг. Сабрли бўлинг, у гапини тугатишини кутинг. Унинг гапларини тузатишга ёки унинг ўрнига гапиришга уринманг. Зарурат бўлганда жавоби ҳам қисқа ёки бош ирғаб қўйиш ёхуд бирор бир ҳаракат билан қайтариладиган саволларни беринг. Агар суҳбатдошингизни тушунмаган бўлсангиз, ўзингизни тушунгандек қилиб кўрсатманг.

8. Агар сиз ногиронлик аравачаси ёки қўлтиқтаёқдан фойдаланаётган киши билан суҳбатлашаётган бўлсангиз, кўзингиз унинг кўзига тушиб турадиган тарзда жойлашинг, шунда мулоқотингиз осон кечади.

9. Яхши эшитмайдиган кишининг диққатини тортиш учун қўл силкиб қўйинг ёки елкасига оҳиста туртинг. Тўғри унинг кўзига қараб аниқ ва равон гапиринг. Яхши эшитмайдиган одамларнинг ҳаммаси ҳам лабдан ўқиб олиш қобилиятига эга бўлмайди. Лабдан ўқий оладиган киши билан суҳбатлашганда, юзингиз аниқ кўринадиган, сизга ёруғлик тушиб турган жойга ўрнашинг ва сизга сигарета, овқат, қўллар ҳалақит бермаслигига эътибор қаратинг.

10. Ўзингизни эркин тутинг. Бехосдан нотўғри гапириб қўйсангиз хижолат бўлманг.

11. Ҳар қандай ёрдамчи восита (ҳасса, ногиронлар аравачаси, қўлтиқтаёқ) кимнингдир мулки ва буни ҳурмат қилиш керак. Рухсатсиз уларга тегманг, жойидан олиб бошқа ерга қўйманг.

12. Ногиронлиги бор киши билан мулоқотда гарчи унинг кузатувчиси бўлса ҳам, бевосита ўзига мурожаат қилиб гаплашинг.

13. Инсоннинг ногиронлигига эмас, балки унинг шахсига ёхуд муҳокама этилаётган муаммога эътибор қаратинг.

14. Агар нима қилишни, қандай йўл тутишни билмасангиз, буни суҳбатдошингиздан сўранг. Кўпгина кишилар ноқлуай аҳволда қолишдан кўра саволларга жавоб беришни афзал кўришади.

15. Ногиронлиги бор киши билан мулоқотга киришаётганингизда ҳаяжонланманг. Ногиронлиги бор ва ногирон бўлмаган кишиларнинг ҳам исми шарифи бор.

16. Ногиронлиги бор кишилар ҳам худди ногирон бўлмаган инсонларни қизиқтирган мавзу ва масалаларга қизиқишларини ёдда тутинг.

17. Одатдаги баландликда ва аниқ гапиринг. Агар баландроқ овозда гапиришингизни истшса, ўзлари буни сўрашади.

18. Ногиронлиги бор кишилар ўзларига нима керагу, нима керак эмаслигини, нима ёқишию, нима ёқмаслигини, нимани уддалай олишларию, нимани эплай олмасликларини яхши билишади.

19. Ногиронлиги бор кишилар жамият ҳаётида иштирок этишни хоҳлашади. Сизнинг ёндошувингиз бунга халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилинг.

20. Агар хатога йўл қўйган бўлсангиз, одоб доирасида узр сўранг, хатойингизни тўғриланг, хулоса чиқаринг ва мулоқотда давом этинг.

Жамиятда ногиронлиги бор кишининг ижобий ва ҳар томонлама тимсолини шакллантириш БМТнинг «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида» Конвенцияси талабларидан бири ҳисобланади. Жумладан, Конвенциянинг 8-моддасида шундай дейилган: ***«Давлатлар ногиронлар ҳақидаги ижобий тасаввурларни ва жамият томонидан уларнинг чуқурроқ тушунилишини; ногиронлар ва уларнинг ҳуқуқларига бағишланган тарбиявий-таништирув дастурлари ўтказилишини рағбатлантириш мажбуриятини олади».***

Ногиронлиги бор кишиларнинг иқтисодий аҳолини яхшилашга қаратилган қонун ва қоидаларни ишлаб чиқиш уларнинг жамиятга интеграциялашувининг муҳим шарти ҳисоблансада, аммо у етарли эмас. Ногиронлиги бор кишининг ижобий тимсолини яратмай, стереотип ва нотўғри қарашларга қарши курашмай туриб, ногиронлиги бор кишиларнинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларига тўлиқ интеграциясига ва жалб этилишига эришиб бўлмайди.



[www.voi.ru](http://www.voi.ru)

ОАВ ва кинода ногиронлиги бор кишининг ижобий тимсолини яратиш қуйидагиларни англатади:

1. Ногиронлиги бор кишиларнинг барча соҳаларда тенг ҳуқуқлилиги;
2. Эътибор ногиронлиги бор кишиларнинг камчимлигига эмас, уларнинг қобилият ва имкониятларига қаратилади;
3. Ногиронлиги бор кишиларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштироки жамиятнинг кучли ва хилма хил бўлишини таъминлайди;
4. Ногиронлиги бор киши ҳам худди атрофидагилар каби ҳаёт кечириш, хатто бунинг учун махсус воситлаардан фойдаланиш талаб этилган ҳолатларда ҳам улар бажарган ишларни бажариш ҳуқуқига эга<sup>133</sup>.

### ***Назорат саволлари:***

1. ОАВ ва кинода ногирон шахсларнинг ижобий тимсолини яратиш учун журналистлар қандай ахлоқ қоидаларига риёо этишлари керак?
2. Ногирон шахслар билан мулоқот қилиш қоидалари ҳақида гапириб беринг.
3. Ногирон инсонлар билан қай тарзда тўғри мулоқот қилиш мумкин? ОАВда ногиронлик мавзусини ёритишда атамалардан эҳтиёткорона фойдаланиш нимани англатади?

---

<sup>133</sup> «Социальная работа с инвалидами» Е.Р.Ярская-Смирнова, Э.К.Наберушкина. -М., 2003.  
<http://binafsha.uz/blog/?p=664&lang=ru&i=1>

## ХУЛОСА

1. Қайд этиш керакки, ногиронлиги бор кишиларнинг жамиятга интеграциялашуви муаммоси оммавий ахборот воситалари билан узвий равишда боғлиқ. Интеграция бутун жамиятда инсонпарварликни кучайтиради, сарфланган кучлар эса жамиятнинг ўзига ҳаётнинг турли жабҳаларида инсонлар ўртасидаги муносабатларнинг сифат жиҳатидан яхшиланиши тарзида қайтиб келади. Газеталар, радио, телевидение, Интернет нашрлар орқали ногиронлиги бор кишиларнинг ижобий тимсолини шакллантирар экан, журналистлар нафақат жамоатчилик фикрини, балки жамиятнинг қадриятли йўналишларини, жумладан ногиронлиги бор кишилар ҳаётининг турли томонлари, уларнинг имконият ва ютуқлари борасидаги қарашларни ҳам шакллантиришади. Ногиронлиги бор кишилар мавзусини ёритишда «бағрикенглик журналистикаси»нинг асосий қоидаларига таяниш зарур<sup>134</sup>:

- етказиб берилаётган ахборотдан/хабардан ногиронлиги бор кишилар ҳақидаги нотўғри қарашларни, стереотипларни, «биз» ва «улар» тарзидаги ажратишларни йўқотиш зарур;

- барчага тааллуқли бўлган масалаларга алоҳида эътибор қаратиш, масалан: меъморий муҳитни ўзгартириш ана шу муҳитда яшовчи барчага бирдек тааллуқлидир. Шаҳарсозликда универсал дизайн концепциясини жорий этишга алоҳида эътибор қаратиш зарур. Бинолар ногиронлиги бор кишилар учун имкон қадар мослаштирилиши керак. Тўсиқларсиз муҳит нафақат ногиронлар аравачасидаги кишилар, балки велосипедчилар, аравачада боласини олиб юрган оналар, ролик ва скейтда учаётган болалар учун ҳам ҳаракатланишни осонлаштиради. Биргаликда ўқиш ногиронлиги бўлмаган ўқувчи ва талабаларга таъсир кўрсатади, ўқув муассасаси ўқитувчилари ва раҳбариятининг малакаси ҳақидаги масалани кун тартибига олиб чиқади. Ишга жойлаштириш масаласи иш берувчилар ва меҳнат бозорининг бошқа субъектлари манфаатларини акс эттиради.

- ногиронликни шахсий муаммо сифатида кўрсатмаслик керак: тўсиқлар ташқи муҳитда мавжуд (ногиронлик бир кишининг касаллиги эмас, балки имкониятларини амалга ошириш учун шароит йўқлиги билан боғлиқ ташқи муҳит эффектидир);

- ачиниш ва қаҳрамонлаштириш – битта медалнинг икки томони («бечора ногирон»ни эмас, балки кўплаб иқтидорли кишиларни бор кучини яратувчиликка, ижодга эмас, балки шунчаки кун кечиришга сарфлашга мажбур этаётган жамиятга ачиниш керак);

---

<sup>134</sup> Преодоление стереотипов на пути к инклюзии  
belapdi.org/wp-content/uploads/2016/08/Resolyuziya.doc

- инсонни ҳомийликка олишга чақириш керак эмас, урғуни унга имкониятлар яратиб беришга қаратиш керак (бу одамлар учун ўз эҳтиёжларини қондира оладиган муҳит яратиш керак);

- материал касал тана эмас, балки инсон ҳақида бўлиши керак («материалда инсон бўлиши, унинг тарихи ногиронлик тарихини эмас, балки инсоннинг тарихини акс эттириши зарур»).

- фойда келтириш нуқтаи назаридан ёндошув – хавfli. Кўплаб камчилиги бор кишилар, ментал камчилиги бор катталар ва болалар ташҳиси боис ҳам жамиятга фойда келтира олишмайди. Шу боис фойда ҳақида эмас, балки инсоннинг тўлақонли ҳаёт кечириш ҳукуқи тўғрисида гапириш керак ва бунда урғуни ногиронлик соф ижтимоий ҳодиса бўлиб, ташқи муҳитнинг мослашмаганлиги, таълим олиш, ишга жойлашишдаги тўсиқлар, замонавий тиббиёт ва иқтисодиётдаги чекловлар билан боғлиқлигига қаратиш зарур<sup>135</sup>.

Ногиронлик мавзусидаги мунозаралардан шахсий муносабатлар масаласи деярли чиқиб кетган. Ҳозирда эълон қилинаётган материаллардан ногиронлиги бор кишилар мақбул ижтимоий даражада бидим олишлари, ишга жойлашишлари ва соғлом кишилар билан мулоқот қилишлари керак, деган хулоса чиқади. Инсон ўзини бахтли ҳис этиши учун муҳаббат, ижод, оилавий муносабатлар, ўзингни бошқаларга керакли эканингни англаб яшаш каби туйғулар ҳам зарурлиги ҳақида жуда кам сўз юритилади.

2. Ногиронлиги бор кишиларнинг ҳаётини, касбий фаолиятини, эришган натижаларини ёритишда ОАВ биринчи галда ногиронлиги бор кишиларнинг ўзлари ҳамда уларнинг манфаатларини акс эттирувчи жамоата ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиши керак. Мазкур ҳамкорлик, ногиронлиги бор кишиларнинг фикрича, ахборот билан ишлашнинг қуйидаги принципларига асосланиши керак: бир хиллик, ишончлилик, бузиб кўрсатмаслик; тўлиқлик; тўғрилиқ; оммабоплиқ; ахборийлик; асослилик; қайта алоқанинг мавжудлиги.

3. Ногиронлиги бор кишилар мавзусини ёритиш чуқур ёндошувни ҳамда жамиятда қарор топган нотўғри қараш ва ижтимоий стереотиплардан воз кечишни талаб қилади. Ишлатилаётган сўз ва жумлаларга айниқса алоҳида эътибор қаратиш керак. Зарур бўлганда сўзларни нафсониятга тегмайдиган, камситмайдиган жумлалар билан алмаштириш керак.

4. ОАВ соҳаси вакилларида ногиронлик мавзусида билимларга эга бўлган ҳамда ОАВ вакилларини учун мавзу юзасидан ўқита оладиган ва

---

<sup>135</sup> Преодоление стереотипов на пути к инклюзии  
belapdi.org/wp-content/uploads/2016/08/Resolyuziya.doc

ОАВдан ногиронлиги бор кишилар ҳақида келиб тушаётган хабарларга эксперт сифатида хулоса бера оладиган махсус гуруҳ тузиш керак<sup>136</sup>.

ОАВда ишлайдиган мутахассислар учун ногиронлик мавзусида семинарлар ўтказилиши уларнинг билим ва малакаларини оширишнинг самарали усулларида бири ҳисобланади. Бутун дунёдаги ўнлаб мамлакатларда ушбу амалиёт кенг қўлланилади. Бундай ёндошувни асословчи далиллардан бири сифатида аксарият ҳолларда айнан ана шундай семинарларда илк мартаба ОАВ журналистлари ва турли шаклдаги ногиронлиги бор фаол кишилар ўртасида шахслараро мулоқот ўрнатилиши мумкинлиги келтирилади. Шунинг ўзи ҳам одамларнинг ногиронликка ва ногиронларга бўлган муносабатига таъсир кўрсатишнинг энг яхши ва энг тўғри йўлларида бири ҳисобланади.

---

<sup>136</sup> Стигма и дискриминация людей с инвалидностью и способы их преодоления  
[belapdi.org/wp-content/uploads/2016](http://belapdi.org/wp-content/uploads/2016)



## ГЛОССАРИЙ

<b>1.</b>	<b>Реабилитация</b>	<p>Ногирон бола организми ва қобилиятларининг жаҳорат, касаллик ёки бошқа камчилик туфайли табиий ривожланиши қийин бўлган мавжуд функционал тизимларини ривожлантириш, ҳамда янгиларини шакллантиришга йўналтирилган чоратадбирлар комплекси бўлиб, улардан мақсад муваффақиятли ижтимоий интеграцияни амалга ошириш.</p>
<b>2.</b>	<b>Афазия</b>	<p>Артикуляция аппарати ва эшитиш функциялари сақланиб қолгани ҳолда тил воситалари ва ёзувдан фойдаланиш қобилиятининг тўлиқ ёки қисман йўқотилишида намоён бўладиган нутқ фаолиятининг тизимли бузилиши; Бошдан кечирилган касалликлар ва жароҳатлар, шишлар, яллиғланиш жараёнлари натижасида бош мия қобиғининг нутққа жавоб берадиган бўлимларининг локал шикастланиши оқибатида юзага келади.</p>
<b>3.</b>	<b>Ижтимоий аутизм</b>	<p>Мажбурий ижтимоий ажратиб, яккалаб қўйиш натижасида ногирон турмуш тарзининг стереотипли усулда кечишида ва тегишли руҳий шикастланишлар ҳамда шахсий ўзгаришларда кўзга ташланади.</p>
<b>4.</b>	<b>Литл касаллиги (спастик диплегия)</b>	<p>Болаликдан церебрал шолнинг энг кўп тарқалган шаклларида бири бўлиб, қўлоёқларнинг, аксарият ҳолларда оёқнинг шол бўлиб қолишида намоён бўлади, ҳамда баъзи ҳолларда нутқий ҳамда ақлий шикастланишлар билан бирга кечади; туғма жароҳатлар, чақалоқнинг асфикцияси ва бошқалар оқибатида келиб чиқади.</p>

5.	<b>Паркинсон касаллиги (қалтировчи шол, идеопатик паркинсонизм)</b>	Марказий асаб тизимининг сурункали ривожланиб боровчи касаллиги бўлиб, ҳаракат соҳасидаги бузилишларда намоён бўлади; мияга жароҳат етиши ва унда шишлар пайдо бўлиши, заҳарланиш, энцефалит оқибатида юзага келади; одатдаги белгилари: қўл ва оёқларнинг қалтираши, мушаклар тонусининг ортиқчаллиги, сўлак оқиши, ҳаракат ва нутқнинг сусайиши.
6.	<b>Вақтинчалик ногиронлик</b>	Касаллик, шикастланиш ёки ривожланишдаги камчиликлар оқибатида юзага келадиган организм функцияларининг барқарор паталогик бузилишлари келтириб чиқарадиган узоқ муддатга ишга яроқлилик қобилиятининг тўлиқ ёки қисман йўқотилиши. Ўзбекистонда вақтинчалик ногиронлик маълум бир вақтга белгиланади. Маълум бир ижтимоий омиллар таъсири остида бузилган ишга яроқлилик қобилияти тикланиши ёки янада чуқурлашиши мумкин деб ҳисобланади.
7.	<b>Геронтопсихиатрия маркази</b>	Ижтимоий хизмат муассасаси бўлиб, сурункали руҳий касалликларга чалинган кекса фуқаролар, шу жумладан ногиронларнинг доимий ёки вақтинча яшаши ҳамда уларга ёши ва соғлиғининг ҳолатига мос келадиган ҳаёт кечириш тарзини яратиб бериш мақсадида зарур ижтимоий хизматларни кўрсатиш учун мўлжалланган.
8.	<b>Кар-соқовлик</b>	Эшитиш қобилиятидаги оғир кўринишдаги бузилиш ва унинг оқибатида келиб чиққан нутқнинг йўқлиги; аксарият ҳолларда туғма ёки болаликда орттирилган эшитиш қобилиятидаги бузилиш оқибатида келиб чиқади. Бунда махсус ўқитишсиз (хатто нутқ-ҳаракат

		аппарати сақланиб қолган бўлса ҳам), бола оғзаки нутқни ўзлаштира олмайди (атрофдагиларнинг гапларини эшитмагач, бола уларга тақлид қила олмайди).
9.	<b>Ногиронларни реабилитация қилиш давлат хизмати</b>	Турли ташкилот ва идоралар тасарруфидаги муассасалар тизими бўлиб, реабилитация хизматларини кўрсатади. Аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш муассасалари, ногиронларнинг касбий реабилитацияси марказлари, бандлик хизмати, таълим, соғлиқни сақлаш, дам олиш ва маданият, жисмоний тарбия ва спорт муассасалари киради.
10.	<b>Дактилология (дактиль нутқ)</b>	Нутқнинг ўзига хос шакли бўлиб, сўзлар қўл бармоқлари ёрдамида ифодалангани; эшитиш қобилияти борларнинг карлар ҳамда карларнинг ўзаро мулоқотида оғзаки нутқнинг ўрнига қўлланилади.
11.	<b>Дальтонизм (протанопия)</b>	Баъзи бир (аксарият ҳолларда қизил) рангларни ажрата олмасликда намоён бўладиган ранг билмаслик касаллиги.
12.	<b>Даун касаллиги (Даун синдром, трисомия-21)</b>	Олигрофениянинг шаклларида бири ҳисобланган туғма аномалия, унда кўшимча учинчи 21-хромосома бўлади ҳамда бунда ақлий ривожланмаганлик ташқи кўринишнинг ўзига хослиги билан бирга келади.
13.	<b>Ногирон мустақиллиги декларацияси</b>	Фаол шахснинг, ўз ҳаёти ва ижтимоий ўзгаришлар субъектининг позициясини акс эттиради. «Менинг ногиронлигимни муаммо сифатида қабул қилманглар. Менга ачинманглар, мен сизлар ўйлаганчалик ожиз эмасман. Менга бемор сифатида муносабатда бўлманглар, мен шунчаки сизларнинг ватандошингизман. Мени ўзгартиришга уринманг, бунга

		<p>ҳаққингиз йўқ. Мени бошқаришга уринманг, бошқа шахслар сингари мен ҳам шахсий ҳаёт ҳуқуқига эгаман. Мени итоаткор, ювош ва мулойим бўлишга мажбурланманг, менга илтифот кўрсатманг. Ногиронлар дуч келадиган асл муаммо уларнинг касаллигида эмас, балки уларнинг ижтимоий жиҳатдан паст баҳоланиши ва камситилишида, уларга нисбатан менсимамай муносабатда бўлинишида намоён бўлади. Кучим етганича жамиятга фойда келтиришга уринишларимда мени қўллаб-қувватланг. Менга билмаганларимни билишимда ёрдам беринг. Вақтини аямай ғамхўрлик қиладиган инсон бўлинг. Бир биримиз билан тортишган пайтимизда ҳам мен билан бирга бўлинг. Гарчи бу сизга ҳузур бағишласа ҳам, менда зарурат бўлмаган пайтда ёрдам берманг. Менга хайрат билан боқманг, тўлақонли ҳаёт кечиришга интилиш хайратланишга арзимайдим. Мени яхшироқ билишга ҳаракат қилинг, балки шунда дўст бўлиб қолармиз. Мендан ўз мақсадлари йўлида фойдаланаётганларга қарши курашда менинг иттифоқчим бўлинг. Келинг, бир биримизни ҳурмат қилайлик; ахир ҳурмат тенгликни назарда тутуди; мени тингланг, қўллаб-қувватланг ва ҳаракат қилинг».</p>
<p><b>14.</b></p>	<p><b>Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида декларация</b></p>	<p>БМТ Бош Ассамблеяси томонидан 1975 йилда қабул қилинган халқаро ҳужжат бўлиб, инсоният тарихида биринчи марта давлатларга ногиронларнинг қуйидаги асосий ҳуқуқларини таъминлаш тавсия этилган: тиббий, руҳий ва ижтимоий реабилитация, протез-ортопедия ёрдами олиш; касбий тайёргарлик ва иш билан</p>

		таъминланиш; турли ижтимоий хизматлардан фойдаланиш; иқтисодий ва ижтимоий таъминот; иқтисодий ва ижтимоий режалаштиришнинг барча босқичларида ногиронларнинг алоҳида эҳтиёжларини эътиборга олиш; малакали юридик хизматдан фойдаланиш; ногиронлар, уларнинг оила аъзолари ва жамиятларининг мазкур Декларацияда акс этган ахборот билан танишиш ва ундан фойдаланиш ҳуқуқи.
15.	<b>Имконияти чекланган болалар</b>	Жисмоний ва(ёки) руҳий камчилиги бўлган, туғма, ирсий, орттирилган касалликлар, жароҳат ва шикастланишлар натижасида ҳаётий фаолияти чекланган, ҳамда бу ҳолат ўрнатилган тартибда тасдиқланган болалар.
16.	<b>Алоҳида эҳтиёжли болалар (таълимда махсус эҳтиёжманд болалар)</b>	Организмининг функциясида касалликлар, жароҳат ёки шикастланишлар оқибатида келиб чиққан ҳамда ҳаётий фаолият чекланишига олиб келадиган ва ижтимоий ҳимоя қилишни талаб этадиган даражадаги бузилишлар бўлган соғлиғи ёмон болалар. Конвенциянинг 23-моддасида ривожланишда алоҳида эҳтиёжи бўлган болаларнинг алоҳида парвариш, таълим ва тайёргарлик олиш ҳуқуқи белгилаб қўйилган. Мазкур моддада шунингдек, ушбу болалар салбий ижтимоий кўрсатмалар туфайли жамиятдан ажратиб қўйилиши мумкин эмаслиги ҳам таъкидланган. Болалар ногиронлигига қарши кураш касалликлар профилактикасига (соғлиқни сақлаш ва таълим хизматлари сифатини яхшилашга), уларнинг эрта аниқланишига, болани ривожлантиришга ва реабилитациясига қаратилиши керак.
17.	<b>Ўқитишда</b>	Билимларни ўзлаштириш жараёнида

	<p><b>муаммолари бор болалар</b></p>	<p>қийинчиликларни бошдан кечирадиган ва хатти-харакатида муаммолар мавжуд болалар. Ўқитишда муаммолари бор болалар, шунингдек ўқитишда махсус эҳтиёжи бор болалар деб ҳам таърифланади. Айрим ҳолларда синоним сифатида «ўқитиб бўлмайдиган» жумласи қўлланиладики, бунга йўл қўйиб бўлмайди. Мазкур жумланинг қўлланилиши боланинг ҳуқуқларини бузади. Халқаро амалиётнинг кўрсатишича, баъзи ҳолларни истисно қилганда барча болаларни ўқитса бўлади, боланинг ривожланишидаги муваффақият эса яқин кишиларининг ғамхўрлиги ва эътиборига, бундай болалар билан ишлайдиган мутахассисларнинг касбий маҳоратига боғлиқ бўлади.</p>
<p><b>18.</b></p>	<p><b>ОИВ/ОИТС натижасида заиф бўлиб қолган болалар</b></p>	<p>Мазкур тушунча ОИВ ташувчиси бўлган ва ОИТС билан касалланган 18 ёшгача бўлган болалар ва ўсмирларни; ота-онасининг ОИТС билан касалланиши оқибатида етим бўлиб қолган болаларни; яшаб қолиши ва фаровонлиги ёки ривожланиши ОИВ/ОИТС оқибатида хавф остида қолган заиф болаларни ўз ичига олади. ОИВ/ОИТС болалар ўз болалиги ва ҳаётини йўқотишига сабаб бўлмоқда. Бола туғилганидан кейинги бир йил ичида ота-онаси ёки унга ғамхўрлик қилаётган кишининг касалга чалиниши ёки ўлими унинг базавий ҳуқуқлари (тиббий-санитария ёрдамидан фойдаланиш, зарур даражадаги санитария шароитлари ва овқатланишнинг таъминланиши) қондирилишини ҳамда аксарият ҳолларда боланинг яшаб қолиш ҳуқуқини хавф остида қолдиради. ОИВ/ОИТС болани оила даврасида яшаш ҳуқуқидан маҳрум қилади. Мазкур касаллик болалар ихтисослашган муассасаларга жойлаштирилиши, кўчада қолиши, ёки</p>

		кун кечириниш учун ишлашга мажбур бўлиши эхтимolini оширади. Ота-онаси, васий ёки боланинг ўзи касал бўлиши болани камситиш эхтимolini келтириб чиқаради. Бундай болалар аксарият ҳолларда зўравонликка, шафқатсиз муомалага ва эксплуатацияга дуч келишади.
19.	<b>Депрессия</b>	Салбий ҳиссий фон, асослантирувчи муҳитнинг, когнитив тасавурларнинг ўзгаришлари ва хатти-ҳаракатларнинг умумий пассивлиги билан характерланадиган аффектив ҳолат; субъектив жиҳатдан инсон оғир, азобли ҳиссиёт ва ташвишларни бошдан кечиради, интилиш, ирода, фаоллик кескин сусаяди; аномал болалар ва ногиронларда дефект билан боғлиқ оғир ҳаётий вазиятга акс таъсир сифатида юзага келиши мумкин.
20.	<b>Нуқсон</b>	Рухий, физиологик, ёки анатомик тузилиш, ёхуд функциянинг ҳар қандай шаклдаги йўқотилиши ёки ундан четга чиқиш.  <i>Дефектлар, ногиронлик ва меҳнатга лаёқатсизликнинг Халқаро таснифи, Бутунжаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти, Женева, 1980 йил</i>
21.	<b>Ногиронлик гуруҳи</b>	Ногиронликнинг тиббий-идтимоий эксперт комиссияси томонидан меҳнатга лаёқатли йўқотганлик даражасига қараб аниқланадиган учта гуруҳидан бири. Ногиронликнинг I-гуруҳи одатий шароитда мунтазам меҳнат қилиш қобилиятини тўлиқ йўқотган ва доимий парваришга муҳтож бўлган шахсларга берилади. II-гуруҳ ногиронлиги ҳам меҳнат қилиш

		қобилиятини тўлиқ йўқотган, лекин ўзганинг парваришига муҳтож бўлмаган шахсларга берилади. III-гурӯх ногиронлик меҳнатга лаёқатини қисман йўқотган шахсларга берилади.
22.	<b>Ногирон</b>	Жисмоний ёки ақлий камчилиги бўлгани боис ҳаётий фаоллиги чекланган ва ижтимоий ҳимоя ҳамда ёрдамга муҳтож бўлган шахс. Шахсинг ҳаётий фаоллигининг чекланганлиги унинг ўз ўзига хизмат қилиш, ҳаракатланиш, йўналиш олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат қилиш, шунингдек меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилиятини қисман ёки тўлиқ йўқотишида намоён бўлади.
23.	<b>Ногиронлар ташкилотлари</b>	Ногиронлар, уларнинг оила аъзолари, уларнинг дўстлари, қариндошлари, ҳамда уларга хайрихоҳ бўлган бошқа фуқаролар аъзо бўлган, фаолияти ногиронларнинг ҳаётини яхшилашга йўналтирилган ташкилотлар.
24.	<b>Ногиронлар спорти (инваспорт)</b>	Жисмоний маданиятнинг таркибий қисми, ногиронлар учун жисмоний тарбиянинг услуб ва воситаси, ногиронларнинг жамиятга тўлароқ ижтимоий мослашуви ва интеграциясига хизмат қилади.
	<b>Инклюзив таълим, инклюзия.</b>	ЮНЕСКО инклюзив таълимни ўқувчиларнинг турли туманлигига ижобий реакция ҳамда улардаги индивидуал фарқларни муаммо сифатида эмас, балки билимларни бойитиш имконияти сифатида қабул қилиш деб тушунади. Инклюзациа – болаларнинг жинси, миллати, ирқи, дини, ўқишда эришган илгариги ютуқлари, соғлиғи, ривожланиш даражаси, ота-онасининг ижтимоий-иқтисодий мақоми, ва бошқа фарқлардан қатъий назар умумий таълим жараёнига



		<p>интеграцияси жараёнидир. Инклюзив таълим барча болаларнинг турли туман эҳтиёжларига мос келадиган таълим макони яратиш орқали биргаликда ўқитиш ҳамда ҳамма учун сифатли таълимни назарда тутди. Халқаро амалиётда руҳий-жисмоний ривожланишида ўзига хослиги мавжуд болаларга нисбатан қўлланилган «интеграциялашган таълим» атамаси бу жараёни барча болаларга нисбатан қўллашни назарда тутадиган «инклюзив таълим» атамаси билан алмаштирилди. Инклюзив таълим – марказида бола ва унинг турли туман таълимий эҳтиёжлари турган методологияни ривожлантиришга қаратилган ёндошувдир.</p>
25.	<p><b>Интеграцияланган таълим</b></p>	<p>Ногирон болалар, ривожланишида озгина чекланиш бўлган болаларнинг соғлом болалар билан интеграцияси ва социализацияси жараёнини осонлаштириш мақсадида, уларнинг биргаликда ўқитилиши. Интеграцияланган таълим комбинацияланган (ўқувчи соғлом болалар билан бир синфда/гуруҳда ўқийди ва мунтазам равишда дефектолог ўқитувчидан ёрдам олиб туради), қисмли (баъзи болалар куннинг бир қисмини махсус гуруҳда, қолган вақтларини эса одатий гуруҳда ўтказишади), вақтли (махсус гуруҳларда ўқийдиган болалар ва одатий синфларнинг ўқувчилари биргаликда сайр қилиш, байрамларни нишонлаш, мусобақалар ўтказиш учун бирлашадилар), тўлиқ (ривожланишида чекланиш бўлган 1-2 нафар бола болалар боғчасидаги одатий гуруҳларга, синфларга, мактабларга қўшилади, ота-оналар мутахассислар ёрдамида уларга тузатиш бўйича ёрдам кўрсатишади).</p>

26.	<b>Реабилитацияда мусиқий терапия</b>	Ижтимоий-маданий реабилитация технологияси бўлиб, унда ногирон шахсига рухий-педагогик ва даволаш-соғломлаштириш тузатишларини киритиш, унинг ижодий қобилиятларини ўстириш, дунёқарашини кенгайтириш, ижтимоий-мослашув қобилиятларини фаоллаштириш мақсадида турли мусиқий воситалардан фойдаланилади.
27.	<b>Мутизм</b>	Нутқ аппарати фаолияти сақланиб қолган бўлсада, фаол мулоқотдан воз кечиш, атрофдагилар билан нутқий мулоқотнинг бўлмаслиги; нутқнинг функционал келиб чиқишга эга бузилишидан иборат: бемор ўзига қаратилган нутқни тўлиқ тушунади, аммо мутлақо гапирмайди, ёзув ёки имо-ишоралар воситасида мулоқотга киришади. Мушак дистрофияси – асаб-мушак тизимининг ирсий касаллиги бўлиб, дастлаб мушакларнинг зараланиши ва касалликнинг зўрайиши билан кечади.
28.	<b>Ногирон эмас</b>	Ногирон бўлмаган киши. Бу атамадан аксарият ҳолларда «соғлом одам» деган бирикмани қўллашдан қочиш учун фойдаланилади.
29.	<b>Меҳнатга лаёқатсизлик</b>	Жамият ҳаётида бошқалар билан бирдек иштирок этиш қобилиятининг йўқолиши ёки чекланиши. Бу атама ногирон ва унинг атрофидагилар ўртасидаги муносабатни акс эттиради. У ногиронларнинг жамият ҳаётида бошқалар билан тенгма тенг иштирок этишларини чекловчи, жумладан ахборот, алоқа, таълим соҳаларидаги атрофдаги камчиликлар ва жамият фаолиятининг кўплаб хусусиятларини акс эттириш учун қўлланилади.  <i>Ногиронлар учун тенг имкониятларни яратиш бўйича стандарт қоидалар</i>
30.	<b>Мулоқотнинг нодискриминацияви</b>	Ногиронлар билан мулоқот тили бўлиб, у улар билан ишлашнинг ачиниш ҳиссини

	<b>й тили</b>	уйғотувчи, касалликдан таъсирланишни кучайтирувчи стереотип ва умумлашмалардан ҳоли бўлган асосий принципларини акс эттиради, диққатни муаммога эмас, балки ўз имкониятлари ва ўраб турган ижтимоий муҳит шароитларига эга бўлган инсонга қаратади
<b>31.</b>	<b>Бир хил имкониятларнинг таъминланиши</b>	Жамият ва атроф-муҳитнинг турли тизимлари, хусусан хизмат кўрсатиш, меҳнат фаолияти, ахборот кабилар барча, айниқса ногиронлар фойдалана оладиган бўлиши жараёни.  <i>Ногиронлар учун тенг имкониятларни яратиш бўйича стандарт қоидалар.</i>
<b>32.</b>	<b>Ногиронлар ташкилотлари</b>	Ногиронлар ва уларнинг ташкилотлари муассис ва аъзо бўлган ташкилотлар
<b>33.</b>	<b>Ногиронликнинг олдини олиш</b>	Жисмоний, ақлий, руҳий ва сенсор нуқсонларнинг юзага келишининг олдини олишга қаратилган (бирламчи босқичдаги профилактика) ёки нуқсоннинг доимий функционал чекланиш ёки ногиронликка ўтиб кетишининг олдини олишга қаратилган (иккинчи босқичдаги профилактика) чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш.  <i>Ногиронларга нисбатан амалга ошириладиган ҳаракатларнинг Бутунжаҳон дастури</i>
<b>34.</b>	<b>Илк ногиронлик</b>	Илк ногиронлик – статистикада мазкур йилда биринчи марта ногирон деб топилган шахслар сони.
<b>35.</b>	<b>Реабилитация</b>	Мақсадга йўналтирилган ва вақт жиҳатидан чекланган жараён бўлиб, унинг мақсади шахсга ўзининг жисмоний, ақлий, руҳий ва/ёки ижтимоий фаолиятининг мақбул даражасига эришиши учун имконият яратиб беришдан, шу орқали унга ўз ҳаётини ўзгартириш ҳамда мустақиллиги доирасини кенгайтириш

		<p>имкониятини беришдан иборатдир. Реабилитация ўз ичига функцияларни таъминлаш ва/ёки қайта тиклашга ёхуд функциялар ёки функционал чекловлар йўқолиши ёки мавжуд эмаслигининг ўрнини қоплашга қаратилган чораларни олиши мумкин. Реабилитация жараёни фақат тиббий ёрдам кўрсатишнигина назарда тутмайди. У ўз ичига бошланғич ва нисбатан умумий реабилитациядан бошлаб, мақсадга йўналтирилган фаолият, масалан касбий меҳнатга яроқлилиқни тиклашдан иборат кенг қамровли чоралар ва фаолиятни олади.</p>
36.	<b>Ижтимоий реабилитация</b>	<p>Ногиронларнинг ижтимоий интеграцияси учун шароитларни яратиш ва таъминлашга, ижтимоий-муҳитли йўналтириш ва ижтимоий-маиший мослашув, турли хил патронаж ва ижтимоий таъминот хизматлари воситасида уларнинг мустақил жамоатчилиқ ва оилавий-маиший фаолият олиб бориш учун ижтимоий мақом ва қобилиятларини қайта тиклашга йўналтирилган чора тадбирлар комплекси.</p>
37.	<b>Ижтимоий-маиший реабилитация</b>	<p>Бемор ва ногирон томонидан ўз ўзига қарата хизмат кўрсатиш, ўзини ўзи парваришлаш ҳамда маиший масалаларда жисмоний жиҳатдан бировга қарам бўлмастик кўникмаларининг эгалланиши (ёки касаллик оқибатида йўқотилган ана шундай кўникмаларнинг тикланиши)</p>
38.	<b>Ижтимоий-педагогик реабилитация</b>	<p>Ногиронларнинг ижтимоий муҳит шароитларига мослашуви жараёнига қаратилган педагогик услуб ва воситалар комплекси.</p>
39.	<b>Ижтимоий-психологик реабилитация</b>	<p>Руҳий механизмларга тузатиш киритиш орқали ногироннинг ижтимоий ўзаро ҳамкорлик қилиш қобилиятини шакллантириш(қайта тиклаш)га қаратилган чоралар ва махсус таъсирлар тизими.</p>

40.	<b>Ижтимоий-муҳитли реабилитация</b>	Ўз ичига ижтимоий-муҳитли йўналганликни (бемор ва ногироннинг атроф муҳитда йўналиш ола билишини), ижтимоий-муҳитли таълимни (ногиронни атроф-муҳитдан фойдаланишга ўргатишни), ижтимоий-муҳитли мослашувни (субъектнинг ҳаётини фаолият объектларига мослашуви жараёни ва натижаси ҳамда у мустақил ҳаёт кечириш кўникмаларини эгаллашини) олади.
41.	<b>Реабилитология</b>	Соғлиғида барқарор ва намоен бўладиган бузилишлар бор кишининг ижтимоий муҳит билан муносабатини, ҳамда ушбу ўзаро муносабатларни белгилаб берувчи қонуниятларни ўрганувчи фан.
42.	<b>Тенг имкониятларнинг яратилиши</b>	Жамиятнинг жисмоний ва маданий муҳит, яшаш шароити, транспорт, ижтимоий ва соғлиқни сақлаш хизматлари, таълим ва меҳнат қилиш имконияти, маданий ва ижтимоий ҳаёт, шу жумладан спорт ва дам олиш учун шароитлар яратиш каби умумий тизимлари ҳаммабоп бўлишини таъминлайдиган жараён. <i>Ногиронларга нисбатан амалга ошириладиган ҳаракатларнинг Бутунжаҳон дастури.</i>
43.	<b>Тиббий-ижтимоий экспертиза</b>	Тиббий-ижтимоий экспертиза – фуқароларнинг ногиронлик сабаби ва даражасини, меҳнатга лаёқатнинг йўқолганлик даражасини аниқловчи, уларнинг реабилитацияси турлари, ҳажми, муддатларини ва ижтимоий ҳимоя чораларини белгилаб берувчи экспертиза. Тиббий-ижтимоий экспертиза фуқароларнинг бандлигини таъминлаш юзасидан тавсиялар беради.
44.	<b>Ногиронлар ва беморларни суғурталаш бўйича Халқаро уюшма</b>	1927 йилда ташкил этилган Ногиронлар ва беморларни суғурталаш бўйича Халқаро уюшма. Бир қатор Европа мамлакатлари суғурта компанияларининг халқаро ассоциацияси. Ассоциациянинг мақсади – соғлиғи ёмонлашган ва бемор

		кишилар ҳаётини суғурта қилиш масалаларида статистик ва молиявий тажриба алмашишдан иборат.
45.	<b>Ногиронлик нафақаси</b>	<p>Қонунчиликда ўрнатилган тартибда I ва II-гурух ногиронлари деб топилган шахсларга тайинланади.</p> <p>Ногиронлик сабаблари ва гуруҳи, ногиронлик бошланган вақт ва ногиронлик белгиланаётган муддат тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари (ТМЭК) томонидан аниқланади. Касбий меҳнатга лаёқатни йўқотганлик даражасини текшириш ва аниқлаш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Тиббий-меҳнат экспертиза комиссиялари томонидан фуқароларни текшириш, ногиронликни ва касбий меҳнатга лаёқатни йўқотганлик даражасини аниқлаш тартибини янада такомиллаштиришга қаратилган меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларни тасдиқлаш тўғрисида» 2011 йил 1 июлдаги 195-сон қарори билан белгилаб қўйилган.</p> <p>Иш жараёнида шикастланганлик ёки касб касаллиги оқибатидаги ногиронлик учун нафақа иш стажидан қатъий назар тайинланади.</p> <p>Умумий касаллик оқибатидаги ногиронлик учун нафақа «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 17-моддаси 2-қисми билан ўрнатилган талаб асосида ногиронлик келиб чиққан вақтдаги иш стажига қараб белгиланади.</p>
46.	<b>Яхши кўрмайдиган болалар</b>	<p>Оптик коррекцияли яхши кўрадиган кўзидаги 0,05 дан 0,3 гача ёруғлик ҳис қилиш оқибатида кўриш қобилиятининг сезиларли даражада пасайишидан азият чекадиган, ёхуд кўзнинг кўриш қобилиятининг сезиларли даражада пасайишига сабаб бўладиган периферик бузилишлари бор болалар.</p>

47.	<b>Яхши эшитмайдиган болалар</b>	Эшитиш қобилияти сустлиги (кулоғи оғирлик)дан азият чекадиган ва шунинг оқибатида нутқида бузилиш бўлган болалар; қар болалардан фарқли равишда яхши эшитмайдиган болалар эшитиш йўли билан маълум миқдордаги сўз бойлигини тўплай олишади.
48.	<b>Кўр-қар-соқовлик (кўр-қарлик)</b>	Мураккаб нуқсоннинг энг оғир кўриниши бўлиб, унда кўриш ва эшитиш аппарати шикастланган бўлади; махсус ўқитилмаса, нутқ шаклланмайди.
49.	<b>Ногиронларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш</b>	Қонунлар ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар билан ўрнатиладиган, ногиронларнинг ижтимоий қафолатларини таъминловчи, пенсия таъминотидан бошқа чоралар тизими.
50.	<b>Ижтимоий ёрдам</b>	Аҳолининг иқтисодий жиҳатдан ҳимояланмаган, ижтимоий ожиз, руҳий заиф қатламлари ва гуруҳларига уларнинг ижтимоий фаолият олиб боришларини яхшилаш мақсадида кўрсатиладиган гуманитар хизматлар (ҳуқуқ-тартибот, соғлиқни сақлаш, таълим, руҳий терапия, реабилитация, маслаҳат, ҳомийлик йўналишларида) тизими; ўз ичига ижтимоий етишмовчиликни йўқотиш ёки қамайтиришга ёрдам берувчи даврий ва/ёки доимий тадбирларни олади.
51.	<b>Ижтимоий-маданий реабилитация</b>	Ногиронларга стандарт ижтимоий-маданий вазиятларга мослашиш, яъни: ўзларига мос иш билан шуғулланиш; амалий фаолиятда, дам олиш ва кўнгилочар тадбирларда ўзи учун зарур ахборотни топиш ва ундан фойдаланиш; мулоқот вазиятларида мос тарзда иштирок этиш ва оммавий коммуникациянинг қулай воситаларидан, китоблардан фойдаланиш, ўзини ўзи парвариш қилиш ва бошқа имкониятларни берадиган чоратадбирлар ва шароитлар комплекси.
52.	<b>Қисман ногиронлик</b>	Қисман ногиронлик – сурункали касалликлар ёки анатомик нуқсонлар

		<p>оқибатида организм функциясининг бузилиши туфайли келиб чиқувчи ишга лаёқатлилик қобилиятининг сезиларли даражада пасайиши.</p> <p>Ўзбекистонда қисман ногиронлик III- гуруҳ ногиронлигини тайинлаш учун асос бўлади.</p>
<b>53.</b>	<b>Эрготерапия</b>	<p>Соғлиғи заифлашганлиги сабабли ўзларини ўзлари парвариш қила олмайдиган, самарали фаолият олиб боролмайдиган ва бўш вақтини яхши ўтказолмайдиган кишиларнинг бузилган функция ва мустақиллигини тиклашга қаратилган меҳнат, машғулотлар воситасидаги терапия.</p>



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ҚОНУНИ  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА НОГИРОНЛАРНИ  
ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА

(янги таҳрири)

**1-боб. Умумий қоидалар**

**1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади**

Ушбу Қонуннинг мақсади ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

**2-модда. Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари**

Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

**3-модда. Асосий тушунчалар**

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

**ногирон** — жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож шахс;

**ногирон болалар** — жисмоний, ақлий, руҳий ёки сенсор (сезги) нуқсонлари борлиги туфайли турмуш фаолияти чекланганлиги муносабати билан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ногирон деб топилган ҳамда ижтимоий ёрдамга ва ҳимояга муҳтож ўн саккиз ёшгача бўлган шахслар;

**ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш** — ногиронларга турмуш фаолияти чекланганлигини бартараф этиши, қоплаши (компенсация қилиши) учун шарт-шароитларни таъминловчи ҳамда уларга жамият ҳаётида бошқа фуқаролар билан тенг иштирок этиш имкониятларини

яратишга қаратилган, давлат томонидан кафолатланган иқтисодий, ижтимоий ва ҳуқуқий чора-тадбирлар тизими;

**ногиронларни реабилитация қилиш** — ногиронларга организмнинг издан чиққан ёки йўқолган функцияларини тиклашига ва уларни компенсация қилишига, турмуш фаолияти чекланганлигини бартараф этиши учун ёрдам беришга қаратилган тиббий, ижтимоий, психологик, педагогик, жисмоний, касбга, меҳнатга доир чора-тадбирлар тизими;

**тиббий-ижтимоий экспертиза** — муайян шахс организмнинг барча тизимларини комплекс текшириш асосида унинг соғлиғини йўқотганлик даражасини, организми функциялари турғун бузилиши оқибатида турмуш фаолиятининг чекланганлик даражасини, ногиронлик гуруҳини, ногиронликнинг юз берганлиги сабаблари ҳамда вақтини аниқлаш, шунингдек шахс учун соғлиғининг ҳолатига кўра амалга ошириши мумкин бўлган меҳнат фаолияти турлари ва меҳнат шароитлари, ўзгаларнинг парваришига, санаторий-курортда даволанишнинг тегишли турларига ҳамда ижтимоий ҳимояга бўлган эҳтиёжлари ҳақида тавсиялар тайёрлаш;

**шахснинг турмуш фаолияти чекланганлиги** — шахснинг ўзига ўзи хизмат қилиш, ҳаракатланиш, йўлни топа олиш, мулоқот қилиш, ўз хатти-ҳаракатини назорат этиш, шунингдек ўқиш ва меҳнат фаолияти билан шуғулланиш қобилиятини ёки имкониятини тўла ёхуд қисман йўқотганлиги.

#### **4-модда. Шахсни ногирон деб топиш**

Шахсни, шу жумладан ўн олти ёшдан ўн саккиз ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари томонидан, ўн олти ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш эса, тиббий-маслаҳат комиссиялари томонидан амалга оширилади.

Тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ва тиббий-маслаҳат комиссияларини тузиш, шунингдек улар томонидан хулосалар бериш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

*Қаранг: «16 ёшгача бўлган болаларни ногирон деб топиш ҳақида тиббий хулоса бериш тартиби тўғрисида»ги низом (рўйхат рақами 2005, 15.09.2009 й.).*

## **5-модда. Ногиронлар ҳуқуқларининг кафолатлари**

Давлат ногиронлар турмуш фаолиятининг чекланганлигини баҳолаш асосида уларнинг ижтимоий ёрдам ҳамда ҳимоя чора-тадбирларига бўлган эҳтиёжлари ҳисобга олиниши таъминланишини, ногиронларни реабилитация қилиш ва ижтимоий ҳимоя қилишнинг қонун ҳужжатларида назарда тутилган турларидаги дастурлар амалга оширилишини, ногиронларнинг жамият билан уйғунлашиши учун шароитлар яратилишини, ногиронларни камситишнинг барча шаклларида ҳимоя қилишни таъминлаш юзасидан зарур чора-тадбирлар кўрилишини кафолатлайди.

## **6-модда. Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсати**

Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишлари қуйидагилардан иборат:

ногиронларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш;

ногиронларнинг камситилишига йўл қўймаслик;

ногиронларнинг шаъни ва қадр-қимматини ҳимоя қилиш;

ногиронларнинг ҳуқуқлари ва улар учун имкониятлар тенглигини таъминлаш;

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларига риоя этилишини таъминлаш;

ногирон болаларнинг мактабгача ва мактабдан ташқари таълимини, ногиронларнинг касб тайёргарлигини, умумий ўрта, ўрта махсус, касб-ҳунар ва олий таълим олишини таъминлаш;

давлат органлари ҳамда улар мансабдор шахсларининг ногиронлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминлаш борасидаги фаолиятининг ошкоралигини ҳамда очиқ-ойдинлигини таъминлаш;

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ўртасидаги ҳамкорликни ривожлантириш.

## **7-модда. Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги ваколатлари**

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ўз ваколатлари доирасида:

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасида давлат сиёсатини шакллантиради ва амалга оширади;

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича устувор йўналишларни белгилайди;

ногиронларни реабилитация қилиш, ижтимоий ҳимоя қилиш ҳамда уларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини таъминлашга доир давлат дастурларини, шунингдек ҳудудий дастурларни шакллантиради ва амалга оширади;

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг ижросини таъминлайди;

давлат органларининг, фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги фаолиятини мувофиқлаштириб боради;

ногиронлар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини таъминловчи давлат органларининг фаолияти устидан назоратни амалга оширади;

ногиронларни тиббий, касбий ва ижтимоий реабилитация қилиш соҳасида илмий тадқиқотлар ўтказишни ҳамда мутахассислар тайёрлашни молиялаштиради ва ташкил этади;

ўзгаларнинг парваришига ва ёрдамига муҳтож бўлган ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатувчи стационар муассасалар тармоғини ривожлантиришга доир чора-тадбирлар кўради;

ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини захирада сақлайди;

реабилитация, илмий-ишлаб чиқариш марказлари, давлат соғлиқни сақлаш тизимидаги амбулатория ва стационар даволаш-профилактика муассасаларида, ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш стационар муассасаларида тиклаш терапияси бўлинмалари, ихтисослаштирилган таълим муассасалари, ихтисослаштирилган санаторий-курорт муассасалари тизимини, шунингдек ногиронларга ижтимоий-маиший хизматлар кўрсатиш бўйича корхоналар ва ташкилотлар ташкил этади.

Давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ваколатларни ҳам амалга оширишлари мумкин.

**8-модда. Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг ногиронлар ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилишда иштирок этиши**

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ногиронларнинг ҳуқуқларини таъминлаш ҳамда уларни ижтимоий ҳимоя қилишга кўмаклашади.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари:

ногиронларнинг ҳуқуқларини таъминлашга доир ваколатларни амалга оширишда давлатдан ва белгиланган тартибда халқаро ташкилотлардан ҳуқуқий, услубий, ташкилий ҳамда молиявий ёрдам олиши;

ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш билан боғлиқ муаммоларни ҳал қилишда, шунингдек тегишли тадбирларни молиялаштиришда иштирок этиши мумкин.

**2-боб. Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш**

**9-модда. Аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуриш, транспорт воситалари, алоқа ва ахборот воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришда ногиронларнинг эҳтиёжларини ҳисобга олиш**

Ногиронларнинг кириши ва фойдаланиши учун мослаштирилмаган ҳолда аҳоли пунктларини лойиҳалаш ва қуришга, турар жой даҳаларини барпо этишга, янги қурилиш учун лойиҳа ечимларини ишлаб чиқишга, бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларини реконструкция қилишга, шунингдек транспорт воситаларини, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларини яратиш ҳамда ишлаб чиқаришга йўл қўйилмайди.

Бинолар, иншоотлар ва уларнинг комплексларини қуриш ҳамда реконструкция қилиш нормалари ва қоидалари ногиронларнинг тегишли жамоат бирлашмалари фикрини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги билан келишилиши лозим.

## **10-модда. Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз киришини, транспортдан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланишини таъминлаш**

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар (бундан буён матнда ташкилотлар деб юритилади) ногиронларнинг (шу жумладан ўриндиқли аравача ҳамда етакловчи итлардан фойдаланувчи ногиронларнинг) ижтимоий инфратузилма объектларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томошагоҳ ҳамда бошқа муассасаларга) тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув транспортдан, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиغان йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа воситалари ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиши шарт.

Аҳолига транспорт хизмати кўрсатишни амалга оширувчи ташкилотлар вокзалларни, аэропортларни ҳамда бошқа объектларни уларнинг хизматларидан ногиронлар тўсқинликсиз фойдаланиши имконини берувчи махсус мосламалар билан жиҳозлашни таъминлайди.

Ногиронлар ёки ўз таркибида ногирон бор оилалар эгаллаган турар жойлар, шунингдек ногиронлар учун қурилаётган уй-жойлар ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурига мувофиқ махсус воситалар ва мосламалар билан жиҳозланиши керак. Бундай турар жойларни жиҳозлаш уй-жой фонди ўз тасарруфида бўлган ташкилотлар томонидан амалга оширилади. Бу тадбирларни молиялаштириш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади. Мазкур объектларни уларга ногиронларнинг тўсқинликсиз кириши учун мослаштиришнинг имкони бўлмаган ҳолларда, тегишли ташкилотлар ногиронларнинг эҳтиёжларини қаноатлантиришни таъминловчи зарур чора-тадбирларни ишлаб чиқиши ва амалга ошириши керак.

**11-модда. Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз киришини, транспортдан, транспорт коммуникацияларидан, алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланишини таъминлашга доир вазифаларни бажармаганлик учун жавобгарлик**

Ногиронларнинг ижтимоий инфратузилма объектларига (турар жойларга, жамоат ва ишлаб чиқариш биноларига, иморатлар ва иншоотларга, соғлиқни сақлаш ва спорт объектларига, маданий-томошагоҳ муассасаларга ва бошқа муассасаларга) тўсқинликсиз кириши учун, шунингдек темир йўл, ҳаво, сув, шаҳарлараро автомобиль транспортдан, шаҳар ва шаҳар атрофига қатнайдиغان йўловчилар транспортининг барча турларидан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратиш бўйича ушбу Қонунда назарда тутилган талабларни бажармаганлик учун ташкилотларнинг мансабдор шахслари [маъмурий жавобгарликка](#) тортилади.

Маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги ташкилотларни ушбу Қонуннинг ногиронлар ижтимоий инфратузилма объектларига тўсқинликсиз кириши, транспортдан, транспорт коммуникацияларидан, умумий фойдаланишдаги алоқа ва ахборот воситаларидан тўсқинликсиз фойдаланиши учун шароитлар яратишга доир талабларини бажариш мажбуриятидан озод этмайди.

### **3-боб. Ногиронларни реабилитация қилиш**

#### **12-модда. Ногиронларни реабилитация қилишнинг мақсади**

Ногиронларни реабилитация қилишнинг мақсади ногиронларга тўлақонли турмуш кечириш ҳамда ўз ҳуқуқлари ва потенциал имкониятларини рўёбга чиқариш имконини берувчи ижтимоий мақомини, ўзига ўзи хизмат кўрсатишга ва касбий фаолиятнинг ҳар хил турларига доир қобилиятларини тиклашдан иборатдир.

#### **13-модда. Ногиронларни реабилитация қилиш турлари**

Ногиронларни реабилитация қилиш қуйидагиларни ўз ичига олувчи чора-тадбирларнинг яхлит тизимидир:

ногиронларни тиббий реабилитация қилиш, бу тиклаш терапияси, реконструктив жарроҳлик, протезлаш ва ортезлашдан иборат бўлади;

ногиронларни касбий реабилитация қилиш, бу касбга йўналтириш, касб таълими бериш, касб-хунар-ишлаб чиқариш мослашувидан ва ишга жойлаштиришдан иборат бўлади;

ногиронларни ижтимоий реабилитация қилиш, бу ижтимоий-муҳитда йўлини топа олиш ва ижтимоий-маиший мослашувдан иборат бўлади.

#### **14-модда. Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури**

Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тиббий-ижтимоий экспертиза асосида ишлаб чиқилган, ногирон учун энг мақбул реабилитация қилиш чора-тадбирлари комплекси бўлиб, у организмнинг издан чиққан ёки йўқолган функцияларини, шунингдек ногироннинг меҳнат фаолияти муайян турларини бажаришга бўлган қобилиятларини тиклашга, уларни компенсация қилишга қаратилган тиббий, касбий реабилитация қилиш чора-тадбирларини ҳамда реабилитация қилишнинг бошқа чора-тадбирларини рўёбга чиқаришнинг айрим турлари, шакллари, ҳажмлари, муддатлари ва тартибини ўз ичига олади.

Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури ташкилотлар бажариши учун мажбурийдир.

Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури ногирон учун тавсия тусига эга бўлиб, ногирон реабилитация қилиш чора-тадбирларининг у ёки бу турини, шаклини ва ҳажмини, шунингдек дастурнинг амалга оширилишини бутунлай рад этиши мумкин. Ногирон ўзини муайян техника воситаси ёки бошқа восита ёхуд реабилитация қилиш тури, шу жумладан автомобиллар, ўриндиқли аравачалар, протез-ортопедия буюмлари, махсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтиргич аппаратлар, сигнализаторлар, субтитрли ёки сурдо таржимаси бўлган видеоматериаллар, бошқа шунга ўхшаш воситалар билан таъминлаш тўғрисидаги масалани мустақил равишда ҳал қилишга ҳақлидир.

Ногиронларга реабилитация қилишнинг техника воситаларини тақдим этиш ва реабилитация хизматлари кўрсатиш, қоида тариқасида, натура шаклида амалга оширилади.

Агар ногиронга ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурида назарда тутилган техника воситасини тақдим этишнинг ёхуд хизмат кўрсатишнинг имкони бўлмаса ёки агар ногирон ўз ҳисобидан тегишли воситани олган ёхуд хизмат учун ҳақ тўлаган бўлса, унга ногирон



учун тақдим этилиши лозим бўлган техника воситасининг ёхуд кўрсатилиши лозим бўлган хизматнинг қиймати миқдорида компенсация тўланади.

Ногирон реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурини бутунлай рад этган ёки бу дастурнинг айрим қисмлари рўёбга чиқарилишини рад этган тақдирда, тегишли ташкилотлар мазкур дастурнинг ёки дастур айрим қисмларининг бажарилмаганлиги учун жавобгар бўлмайди.

*Қўшимча маълумот учун Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 23 декабрдаги 307-сонли қарори билан тасдиқланган «Ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастури тўзрисида»ги [низомига](#) қаранг.*

#### **4-боб. Ногиронларнинг таълими ва уларни касбга тайёрлаш**

##### **15-модда. Ногиронларнинг таълим олиши, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш шакллари**

Ногиронларнинг таълим олиши, уларни касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш: ишлаб чиқаришдан ажралган ва ажралмаган шаклларда, экстернат, масофадан ўқитиш, давлат таълим стандартлари асосида оиладаги таълим ва мустақил таълим шаклларида амалга оширилади.

##### **16-модда. Ногирон болаларнинг мактабгача таълими**

Ногирон болаларнинг мактабгача таълими мактабгача таълим муассасаларида амалга оширилади. Агар ногирон болаларнинг соғлиғи мактабгача таълим муассасаларида бўлиши имкониятини истисно этса, ногирон болаларнинг мактабгача таълими ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, шу жумладан интернат-уйларда амалга оширилади.

##### **17-модда. Ногиронларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълими**

Ногиронларнинг умумий ўрта, ўрта махсус, касб-хунар ва олий таълими барча таълим муассасаларида, зарур бўлган ҳолларда эса ихтисослаштирилган таълим муассасаларида амалга оширилади.

Стационар даволаш-профилактика ёки реабилитация қилиш муассасаларида даволанаётган ногирон болалар учун ўқув машғулотлари ташкил этилади.

### **18-модда. Ногиронларни касбга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш**

Ногиронларни касбга тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш таълим муассасаларида, шу жумладан ихтисослаштирилган таълим муассасаларида, шунингдек ногиронлар жамоат бирлашмаларининг корхоналарида ижтимоий таъминот муассасалари билан биргаликда ногиронни реабилитация қилишнинг якка тартибдаги дастурига мувофиқ таъминланади.

Касбга тайёрлаш ва малакасини ошириш даврида ногиронларни моддий жихатдан таъминлаш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

### **19-модда. Ногирон болаларнинг мактабдан ташқари таълими**

Давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ногирон болаларнинг уларни ҳар томонлама ва уйғун ривожлантиришга, уларда ижтимоий фаолликни, меҳнатга қизиқишни тарбиялашга, уларни илм-фан, техника, санъат ва спортга жалб этишга қаратилган мактабдан ташқари таълимдан фойдаланишини таъминлайди, бунинг учун зарур шароитлар яратади.

### **20-модда. Ногирон болаларнинг оиладаги таълими**

Ногирон болаларнинг оиладаги таълими таълим муассасаларида, шу жумладан ихтисослаштирилган таълим муассасаларида таълим олишнинг имкони бўлмаган тақдирда, ота-онанинг ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларнинг истаги ҳисобга олинган ҳолда амалга оширилади. Бунда ота ёки онага ёхуд ота ёки она ўрнини босувчи шахсга Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибда ва шартларда моддий таъминот ҳамда имтиёзлар берилади.

Таълим муассасалари, шу жумладан ихтисослаштирилган таълим муассасалари ногирон болаларнинг оилада таълим олишида ота-онага ёки ота-она ўрнини босувчи шахсларга ёрдам кўрсатиши шарт.

*Қаранг: «Жисмоний ёки психик ривожланишида нуқсонли бўлган ҳамда узоқ вақт даволанишга муҳтож болаларнинг уйда якка тартибда таълим олишларини ташкил этиши тартиби тўғрисида»ги [НИЗОМ](#) (рўйхат рақами 2691, 30.06.2015 й.).*

## **21-модда. Ногирон болаларни стационар муассасаларда тарбиялаш ва ўқитиш**

Стационар муассасаларда доимий равишда турадиган ногирон болалар учун мазкур муассасалар томонидан тарбия ва таълимнинг ижтимоий-маиший ҳамда меҳнат кўникмаси ҳосил қилиш билан уйғун ҳолдаги узлуксизлиги таъминланади.

## **22-модда. Имо-ишора тили**

Имо-ишора тили Ўзбекистон Республикаси томонидан шахслар ўртасидаги мулоқот воситаси сифатида тан олинади. Имо-ишора тилининг ҳуқуқий мақоми ва унинг қўлланилиши соҳаси қонун ҳужжатларида белгиланади.

## **5-боб. Ногиронлар меҳнати**

### **23-модда. Ногиронларнинг меҳнат шароитлари**

Ташкилотларда банд бўлган ногиронларга ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурига мувофиқ зарур меҳнат шароитлари яратилади.

Жамоа ёки яқка тартибдаги меҳнат шартномасида белгиланадиган меҳнат шароитлари, шу жумладан меҳнатга ҳақ тўлаш, иш вақти ва дам олиш вақти режими, йиллик ҳамда кўшимча таътилларнинг муддати норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилганидан кам бўлмаслиги ва бошқа ходимларга нисбатан ногиронларнинг аҳволини ёмонлаштирмаслиги ёки ҳуқуқларини чекламаслиги керак.

### **24-модда. Меҳнат қилиш ҳуқуқини ногиронлар томонидан рўёбга чиқариш**

Ногирон меҳнат шароитлари одатдагича бўлган ташкилотларда, ногиронлар меҳнатидан фойдаланиладиган ихтисослаштирилган корхоналарда, цехлар ва участкаларда ишлашга, шунингдек қонун билан тақиқланмаган яқка тартибдаги меҳнат фаолиятини ёки бошқа фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир.

Ногиронлиги туфайли ногирон билан меҳнат шартномаси тузишни ёки иш юзасидан уни юқори лавозимга кўтаришни рад этишга, у билан тузилган меҳнат шартномасини иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилишга, ногиронни унинг розилигисиз бошқа ишга ўтказишга йўл қўйилмайди, тиббий-ижтимоий экспертизанинг хулосасига кўра ногироннинг соғлиғи касб вазифаларини бажаришга монелик қилган ёки ногироннинг ёхуд бошқа шахсларнинг соғлиғи ва меҳнат хавфсизлигига таҳдид қилган ҳоллар бундан мустасно. Ногирон ўз меҳнат қобилятини

тиклаганидан кейин илгариги ишига ёки шунга тенг ишга жойлашиш ҳуқуқига эга.

## **25-модда. Ногиронларни иш билан таъминлаш**

Ходимларининг сони йигирма кишидан ортиқ бўлган корхоналарда, муассасалар ва ташкилотларда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ногиронларни ишга жойлаштириш учун ходимлар сонининг камида уч фоизи миқдорида иш жойларининг энг кам сонини белгилайди ва захирада сақлайди.

*Қўшимча маълумот учун қаранг: Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 20 августдаги 186-сон қарори билан тасдиқланган «Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш топишда қийналаётган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларини банд қилиб қўйиш тартиби тўғрисида»ги [низом](#).*

Ногиронларни ишга жойлаштириш учун иш жойларининг энг кам сонини яратишга доир маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг қарорларини бажармаганлик учун ташкилотларнинг мансабдор шахслари [маъмурий жавобгарликка](#) тортилади.

Маъмурий жазо чораси қўлланилганлиги ташкилотларни ушбу Қонуннинг ногиронларни иш билан таъминлашга доир талабларини бажариш мажбуриятидан озод этмайди.

Ногиронлар меҳнатидан фойдаланиш учун ногиронларнинг эҳтиёжларини ва маҳаллий хусусиятларни ҳисобга олган ҳолда ихтисослаштирилган корхоналар, цехлар ва участкалар ташкил этилади. Кўзи ожиз ногиронлар шароитлари ўз имкониятларига мос келадиган ишлаб чиқаришда иштирок этишда имтиёзли ҳуқуққа эга.

Маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, ташкилотлар уйда ишловчи ногиронларга, шунингдек тадбиркорлик фаолиятини амалга оширувчи ногиронларга мазкур фаолият учун яшашга мўлжалланмаган жойлар берилишида, хом ашё олиши ва маҳсулот сотишида зарур ёрдам кўрсатади.

*(25-модданинг иккинчи — еттинчи қисмлари Ўзбекистон Республикасининг 2013 йил 7 октябрдаги ЎРҚ-355-сонли [Қонунига](#) асосан иккинчи — бешинчи қисмлар билан алмаштирилган — ЎР ҚХТ, 2013 й., 41-сон, 543-модда)*

## **6-боб. Ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш**

### **26-модда. Ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатиш турлари**

Ногиронларга қуйидаги турлардаги ижтимоий ёрдам кўрсатилади:

пул тўловлари (пенсиялар, нафақалар, бир йўла бериладиган тўловлар);

техника воситалари ёки бошқа воситалар, шу жумладан автомобиллар, ўриндикли аравачалар, протез-ортопедия буюмлари, махсус ҳарфли матбаа нашрлари, овоз кучайтиргич аппаратлар ва сигнализаторлар билан таъминлаш;

*Қаранг: «Муҳтож шахсларни протез-ортопедия буюмлари, реабилитация техник воситалари ва кресло-аравачалар билан таъминлаш тартиби тўғрисида»ги [низом](#) (рўйхат рақами 2801, 14.06.2016 й.).*

тиббий, касбий, ижтимоий реабилитация қилиш ва маиший хизматлар кўрсатиш;

транспорт хизматлари кўрсатиш;

дори воситалари билан таъминлаш.

### **27-модда. Ногиронларга ижтимоий ёрдам кўрсатувчи давлат органлари**

Ногиронларга маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш, соғлиқни сақлаш, халқ таълими, бошқа давлат органлари томонидан тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ва тиббий-маслаҳат комиссияларининг хулосалари асосида қонун ҳужжатларига мувофиқ ижтимоий ёрдам кўрсатилади.

### **28-модда. Ногиронларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш**

Ногиронларга ижтимоий-маиший хизмат кўрсатиш меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари, ҳомийлик ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар томонидан фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари иштирокида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

Ўзгаларнинг парваришига ва ёрдамига муҳтож ногиронларга туман, шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари томонидан уйда ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатиш стационар муассасаларида тиббий ва маиший хизматлар кўрсатилади.

*Қаранг: «Ўзгалар парваришига муҳтож ёлгиз фуқароларга уйда ижтимоий ёрдам кўрсатиш ҳақида»ги низом (рўйхат рақами 2243, 11.07.2011 й.).*

*(28-модданинг иккинчи қисми Ўзбекистон Республикасининг 2010 йил 9 сентябрдаги ЎРҚ-254-сонли Қонуни таҳририда — ЎР ҚХТ, 2010 й., 35-36-сон, 300-модда)*

Агар ходим иш берувчининг айби билан ногирон бўлиб қолса ҳамда ўзгаларнинг парваришига ва ёрдамига муҳтож бўлса, унда иш берувчи ногирон меҳнат қобилиятини йўқотган даврда уни тиббий-меҳнат эксперт комиссиялари ёки тиббий-маслаҳат комиссияларининг хулосасига биноан парвариш қилаётган шахсни ўз ҳисобидан таъминлаши ҳамда жабрланган ходимга етказилган моддий зарар ва маънавий зиённинг ўрнини қоплаши шарт.

**29-модда. Ногиронларнинг интернат-уйларда ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бошқа стационар муассасаларида бўлиш шароитлари**

Ногиронларнинг интернат-уйларда ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бошқа стационар муассасаларида бўлиш шароитлари ногиронларнинг ушбу Қонунга мувофиқ ўз ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини рўёбга чиқариш имкониятини таъминлаши, уларнинг эҳтиёжлари қаноатлантирилишига кўмаклашиши керак.

**30-модда. Ногиронларга кўрсатиладиган ижтимоий ёрдамни молиялаштириш манбалари**

Ногиронларга қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда республика бюджети ва маҳаллий бюджетлар, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси, ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш жамғармалари маблағлари, шунингдек ташкилотлар ва фуқароларнинг ихтиёрий бадаллари ҳисобидан ижтимоий ёрдам берилади.

**31-модда. Ногиронларга ва ўз таркибида ногирон бор оилаларга имтиёзлар**

Ногиронларга ва ўз таркибида ногирон бор оилаларга уй-жой бериш, уларнинг уй-жой олиши, қуриши ва ундан фойдаланиши бўйича имтиёзлар уй-жой тўғрисидаги қонун ҳужжатларида белгиланади.

Уй-жойга эга бўлмаган ногироннинг соғлиғини реабилитация қилиш чора-тадбирлари натижасида интернат-уйда ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бошқа стационар муассасасида бундан кейин бўлишига зарурат қолмаган тақдирда, унга яшаш учун қулай уй-жой майдони берилади.

Болаликдан ногиронларга ҳамда бошқа I ва II гуруҳ ногиронларига турар жой уларнинг иш жойларига, даволаш-профилактика муассасаларига ва транспорт йўналишларига яқин бўлиши зарурлиги ҳисобга олинган ҳолда берилади.

Интернат-уйларда ёки ногиронларга ижтимоий хизмат кўрсатишнинг бошқа стационар муассасаларида турадиган етим ёки ота-она қарамоғидан маҳрум бўлган ногирон болалар вояга етганидан кейин ногиронни реабилитация қилишнинг яқка тартибдаги дастурига мувофиқ, агар дастурда ўзига ўзи хизмат кўрсатиш ва мустақил турмуш тарзи олиб бориш имконияти назарда тутилган бўлса, уй-жой майдони билан навбатдан ташқари таъминланади.

Ногиронларни дори-дармонлар билан таъминлаш, уларга техник ёки бошқа воситалар бериш, шунингдек маиший хизматлар ва транспорт хизматлари кўрсатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бепул ёки имтиёзли шартлар асосида амалга оширилади.

## **7-боб. Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари**

### **32-модда. Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари тушунчаси**

Ногиронлар ўзларининг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, улар учун бошқа фуқаролар билан тенг имкониятларни таъминлаш мақсадида ногиронлар томонидан ташкил этилган ташкилотлар ногиронларнинг жамоат бирлашмалари деб эътироф этилади.

### **33-модда. Ногиронларнинг жамоат бирлашмаларини тузиш**

Ногиронларнинг жамоат бирлашмалари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тузилади.

### **34-модда. Ногиронларнинг жамоат бирлашмаларига моддий-техник ва молиявий ёрдам кўрсатиш**

Ташкилотлар ва фуқаролар ногиронларнинг жамоат бирлашмаларига моддий-техник ҳамда молиявий ёрдам кўрсатиши мумкин.

## **8-боб. Яқунловчи қоидалар**

### **35-модда. Низоларни ҳал этиш**

Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

### **36-модда. Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик**

Ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўлади.



## **ОАВ ва кинода ногирон шахслар тимсолини ёритиш бўйича тавсиялар**

**муаллиф: Исаков Ойбек Юсуфбекович**

Имконияти чекланган кишиларнинг жамият ҳаётининг барча соҳаларига ижтимоий интеграциялашуви сўнгги йилларда долзарб аҳамият касб этиб бормоқда, чунки Ўзбекистон 2009 йил 27 февралда Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг «Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисида» Конвенциясини имзолади. Конвенция – инсон ҳуқуқлари борасидаги айнан ногиронлар учун махсус қабул қилинган илк битим бўлиб, унда имконияти чекланган шахслар ҳомийлик объекти эмас, балки ҳуқуқ ҳамда ривожланиш учун ўзгартиришлар объекти эканлиги ҳуқуқий жиҳатдан тан олинди. Конвенцияда ногиронликка ижтимоий-ҳуқуқий ёндошув мустаҳкамлаб қўйилган бўлиб унга кўра, инсон соғлиғи ёмонлашгани туфайли эмас, балки ўзи дуч келадиган тўсиқлар боис ногирон ҳисобланади. Бизда эса одатда ногиронлик тиббий жиҳатлар билан боғлиқ деб ҳисобланади ва касаллик ҳамда меҳнатга лаёқатлилик қобилиятини йўқотиш сифатида қаралади. Конвенцияда эса аксинча, ногиронлик жамият томонидан яратилган чекловлар ва тўсиқлар шароитида инсоннинг фаолият олиб бориши муаммоси сифатида талқин этилган. Бу ўринда «тўсиқлар» деганда фақат бино ва иншоотлар, муассасалар, транспорт, ахборот хизматларининг технологик жиҳатдан ногиронлар учун мосланмаганлиги эмас, шунингдек ногиронларга нисбатан салбий қараш ва нотўғри фикрларга асосланган муносабат ҳам тушунилади.

«Ногиронларнинг ҳуқуқлари тўғрисида» Конвенциянинг асосий мақсади – инклюзив жамият барпо этиш. Бошқача айтганда, барча фуқаролар, шу жумладан ногиронлиги бор фуқароларга ҳам ўз ҳуқуқларини рўёбга чиқаришлари учун тенг имкониятлар яратилган жамият қуришдан иборат. Фақат инклюзив жамиятгина кучли жамият бўла олади, жамиятнинг инклюзивлиги эса жамиятнинг ногиронлиги бор шахсларга ҳам вертикал, ҳам горизонтал йўналишдаги муносабатидан бошланади, жамиятнинг ногиронлиги бор шахсларга муносабатини эса оммавий ахборот воситалари шакллантиради.

Аксарият ҳолларда ОАВ ўз вазифасини ўқувчиларида ногиронларга нисбатан ачиниш ва ҳамдардлик ҳиссини уйғотишда, улар моддий ёрдам олишларига кўмаклашишда деб билади. Ногиронлиги бор шахсларнинг меҳнатга лаёқатсизлиги оқибатида келиб чиқаётган муаммолар, иш жойидаги қийинчиликлар кенг ва бўрттириб тасвирлангани ҳолда, ногиронларнинг меҳнатда, шахсий ҳаётда эришган ютуқларини ёритишга кам эътибор қаратилади. Ногиронлиги бор шахс ўз касаллигини енгиб ўтишда қанчалар мардонавор эканлиги, ёки оилада ногирон боланинг

дунёга келиши қанчалик оғир мусибат эканлигига урғу берилади. Турли хил жисмоний нуқсонлари бор киши ўқувчи кўз олдида бахтсиз, бечора мавжудот сифатида гавдаланади. Камдан кам ҳоллардагина ногиронлиги бор шахслар жамият учун аҳамиятли воқеаларда, қарорларни қабул қилишда фаол иштирок этаётган малакали мутахассислар ва жамият аъзолари сифатида тасвирланади. Адабиёт, кино ва оммабоп ОАВ ҳар доим ногиронлиги бор шахсларни ғалати, норасо, нотавон ёки мардонавор мажруҳлар қилиб тасвирлаган, бу эса паталогия билан боғлиқ стереотипларни кучайтиради холос. Бугунги кунда ногиронлиги бор шахслар жамиятнинг фаол субъектларига айланиб боришмоқда.

Аксарият фуқароларнинг онгида ногиронларга нисбатан стереотиплар устунлик қилади. Жамиятимизнинг бир қисми ва маҳсули бўлган журналистлар ҳам ана шундай қарашлардан ҳоли деб бўлмайди. Шу билан бирга, матбуот ҳар қандай стереотипларни йўққа чиқара оладиган кучли восита ҳисобланади. Шу боисдан ҳам журналистлар ногиронликка нисбатан ижтимоий ёндошувни қабул қилишларига эришиш жуда ҳам муҳимдир (ижтимоий ёндошув касаллик эмас, балки атрофидаги жисмоний муҳит ва жамиятнинг муносабати ногиронни ожиз қилиб қўяди, деб ҳисоблайди). Агар журналистлар инсонни касаллик эмас, балки шароит (атрофидаги жисмоний муҳит ва одамларнинг муносабати) ногирон қилиб қўяди, деб ҳисоблай бошласалар, бунга ўз ўқувчиларини ҳам ишонтира оладилар. Журналистларнинг ўзига келадиган бўлсак, уларнинг инсоний нуқтаи назари жамиятдаги қарашлардан у қадар фарқ қилмайди. Аксарият ҳолларда журналистлар ногиронлик мавзуси билан юзаки таниш бўлишади ҳамда бу борадаги билимларини, маълумотларини оширишга баъзида вақтлари, гоҳида эса хоҳишлари бўлмайди. Ногиронлар учун жисмоний муҳитдан фойдаланиш имконияти чекланганлиги ҳақида ёзганда пандусларнинг мавжуд эмаслиги уларнинг дўкон, театр ва бошқа биноларга кириб-чиқиш имкониятини йўққа чиқараётганига урғу қаратилади холос. Лекин бу билан ногиронларнинг барча фуқаролар сингари тенг имкониятлардан фойдаланиш ҳуқуқи таъминланмаётгани, уларнинг жамият ҳаётида фаол иштирок этишларига тўсиқ бўлаётганига эътибор қаратилмайди.

Масалан, журналистлар ногиронлиги бор кишилар кундалик ҳаётда мунтазам дуч келадиган ижтимоий ҳимоя, таълим, ахборот олиш, тиббий хизматдан, суд-ҳуқуқ тизимидан фойдаланиш, сайлов ҳуқуқларини амалга ошириш, атроф-муҳитнинг фойдаланишга мослашмаганлиги, ёрдамчи воситаларнинг мавжуд эмаслиги билан боғлиқ муаммоларни чуқур ўрганиб, таҳлилий материаллар тайёрлашлари мумкин. Аёллар ногиронлиги алоҳида мавзу, аксарият ҳолларда оила аъзолари уларни уйдан чиқаришмайди, улардан уялишади.

ОАВда ногиронлик мавзу кам ёритилади, ҳамда асосан маълум бир саналарга, кўпроқ 3 декабрь – Халқаро ногиронлар кунига бағишланган бўлади. Ногиронлар ҳақидаги мақолаларни ўқиганда икки хил тасаввур уйғонади: ёки ногиронлиги бор шахс тақдир зарбасига учраган ожиз кимса, ёхуд кун кечириш учун курашаётган қаҳрамон. Биринчи гуруҳ ногирони бўлган бир қиз ўзининг фарзанд кўриш истаги мақолалардан бирида қаҳрамонлик қилиб тасвирланганлигини таассуф билан гапириб берган эди. Ваҳоланки, фарзанд кўриш табиат қонуни, бунда хайрон қоладиган ҳеч нарса йўқку, дейди у.

Электрон ОАВ, бадиий фильмлар ва кинода ҳам шу ҳолатни кузатишимиз мумкин. Яқинда пойтахтимиздаги театрлардан бирида бўлиб ўтган спектакл намойишига тушдим. Унда оила аъзолари нотаниш бўлган ва ўзи севмайдиган эркакка турмушга бермоқчи бўлишаётган қизнинг ҳаёти акс этган. Қиз эркакда ўзига нисбатан жирканиш ҳиссини уйғотиш учун учрашувга чиққанида ўзини ногирон (болалаикдан церебрал шол) қилиб кўрсатади. Томошабинлар мазза қилиб кулишди, спектакл муваффақият қозонди. Аммо томошабин кўнгилини олиш учун интилган на асар муаллифи, на уни саҳналаштирган режиссёр, на ролларни ижро этган актёрлар ўзлари тасвирлагандек ногиронлиги бор аёллар ҳақида умуман ўйлаб кўришмаган чоғи. Улар бир ҳақиқатни унутиб қўйишибди: бу дунёда ҳеч ким ногирон бўлиб қолишдан ҳимояланмаган, бир кун келиб ҳар ким ҳам турли сабабларга кўра ногирон бўлиб қолиши мумкин.

Ногиронларга бағишланган аксарият телерепортажларда уларнинг ижодий қобилиятлари, спорт соҳасида қўлга киритган ютуқлари (ёки бирор бир ноодатий қобилиятлари) ҳақида сўз боради. Телевидениеда галдаги лавҳага навбат берар экан, диктор ҳозир ҳатто айрим тўрт мучаси соғ кишилар ҳам эпполмайдиган ишларни қилаётган ажойиб, мард киши ҳақида сўз боришини айтиб, аудиторияни ҳақиқий қаҳрамон ҳақидаги ҳикояга тайёрлайди. Аммо лавҳаларда инсон ўзини ногирон ҳис этмаслиги, ҳамма қатори ўқиши, ишлаши, яшаши учун зарур бўлган шароитлар ва кундалик турмуши камдан кам ҳолларда кўрсатилади. Кўпгина соғлом кишилар ногиронликдаги ҳаёт ҳам қувончу ташвишларга тўла бўлиши, ногиронлик билан ҳам тўлақонли ҳаёт кечириш мумкинлигини билишмайди.

ОАВда ногиронларнинг жамоат ташкилотлари фаолияти кам ёритилади, аксарият ҳолларда материаллар улар ўтказган турли тадбирлар, байрамлар ҳақидаги хабарлар билан чекланиб қолади. Лекин ногиронларнинг у ёки бу жамоат ташкилотининг (бугунги кунда улар сони 80 дан зиёд) мақсадлари, миссияси, муаммо ва ютуқлари акс этган, ногиронлар ташкилотларининг етакчилари ва фаоллари ҳақидаги мақола ва репортажлар деярли учрамайди. Ваҳоланки, бу инсонларнинг ҳар бири ўз муваффақиятининг сирини бошқалар билан баҳам кўриши, у

кўпчиликка ибрат ва намуна бўлиши мумкин. Чунки ногиронлиги бор шахсларнинг кўпчилигига, айниқса ногирон болаларга ногирон бўлсада, ҳаётда кўп нарсага эришган, меҳнат фаолиятида ёки шахсий ҳаётда муваффақиятлар қозонган кишилардан ўрناк олиш жуда муҳим. Агар улар ана шундай тенглашиш мумкин бўлган кишиларни ва воқеаларни кўришмаса, билишмаса, келажакка интилиш ва умидлари сўниб қолади. Ногиронлиги бор шахслар муаммоларига ечим топиш йўлидаги муҳим қадамлардан бири жамиятнинг қарашларини ўзгартиришдан иборатдир. Токи жамият ногиронлиги бор шахсларга ортиқча юк сифатида эмас, балки жамият ва давлатга фойдаси тегишини истайдиган манбалар сифатида муносабатда бўлсин.

Журналистлар ногиронда биринчи галда инсонни, ундан кейин эса беморни кўришни одатга айлантиришлари лозим. Американинг *people-first* атамалари шунга хизмат қилади ва ногиронлик билан боғлиқ бўлган сўз ва жумлаларни шахслаштиришни назарда тутди. Масалан, «ногиронлиги бор киши», «мулоқотга киришиши қийин бўлган киши» ва бошқалар. Шу ўринда яна бир бор ногиронлик жисмоний, ақлий, сенсор ва руҳий нуқсонлари бор кишининг фаолиятидаги жамиятда мавжуд шароитлардан келиб чиқадиган ҳамда уни фаол ҳаётдан четга чиқариб кўядиган тўсиқ ёки чекловлар эканини қайд этиб ўтишимиз керак. Бошқача айтганда, ногиронлик – ижтимоий тенгсизликнинг шакллари билан биридик.

У тиббий эмас, балки ижтимоий тушунчадир. Шу боис ногиронликнинг ижтимоий моделида тегишли атамалардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади. Шу билан бирга, журналистларнинг ногиронлиги бор шахслар билан мулоқоти алоҳида эътибор ва одобни талаб этади. Америкалик психологлар журналистлар учун ногиронлар билан мулоқот бўйича махсус тавсиялар ҳам ишлаб чиқишган:

1. Хатто таржимон бўлса ҳам ногиронлар билан тўғридан тўғри мулоқот қилиш.

2. Ногиронлар билан овозни баландлатмасдан гаплашинг; агар сизни тушунишмаса, ёки эшитмай қолишса, буни ўзлари билдиришади.

3. Ақлий жиҳатдан камчилиги бор кишилар билан секин, паст овозда, оддий ва тушунарли сўзларни ишлатиб гаплашиш керак. Лекин бунда атайлаб болаларча тилда гаплашиш ҳам ярамайди.

4. Ногиронлар аравачасида киши билан кўз кўзга тушиб туриши учун стулда ўтириб ёки чўкка тушган ҳолда суҳбатлашган маъқул; тиззалаб ўтириш тавсия этилмайди, бу суҳбатдошингизга камситилгандек таъсир кўрсатиши мумкин.

5. Хабарни етказишда стереотиплардан, суҳбатдошни ортиқча қахрамонлаштириб юборишдан қочиш керак; унинг қийинчиликларини бўрттириб кўрсатмаслик, ёки хатто ногирон кишилар ҳам бемалол бажара

оладиган юмушлар, масалан автомашина бошқариш ҳақида гап кетганда, буни қандайдир қаҳрамонлик тарзида тасвирламаслик лозим.

6. Сўзлардан эҳтиёт бўлиб, танлаб фойдаланиш, имкон қадар тиббий атамаларни изоҳлаб кетиш мақсадга мувофиқдир.

Журналистлар ўз амалиётларида ногиронлиги бор кишилар ўз номидан сўз юритадиган усулдан фойдаланишлари керак. Чунки биринчи шахс («мен», «биз») тилидан гапириш ҳар доим қизиқарлироқ бўлиб, учинчи шахс номидан сўзлаб бергандагидан кўра кўпроқ таъсир кўрсатади ва ҳиссиётларни уйғотади. Журналистлар ролли моделларни белгилаб олишлари зарур. ОАВда бу вазифани ногиронларнинг ўзлари бажаришлари керак. Ногиронларга, уларнинг оила аъзоларига, жамиятга ногиронлиги бор шахслар фақат пассив кузатувчи бўлмай, фаолиятнинг турли соҳаларида кўп нарсаларга эришишлари мумкинлигини кўрсатиб бериш лозим. Шу йўл билан ҳар бир инсон ногиронлиги бор шахслар ҳам, ногирон бўлмаган кишилар сингари ақлий қобилияти, шахсий сифат ва қизиқишларига кўра фарқ қилишларини яхшироқ билиб олиши мумкин.

ОАВ воситасида болаларга ногиронлиги бор шахслар ҳақида гапириб бериш керак. Соғлом болалар ногиронлиги бор кишилар ҳаётидаги ижобий, табиий мисоллар билан танишиб боришлари лозим. Улар савол беришдан кўркмасликлари, қизиқувчанлик табиий ҳол эканлигини англашлари керак. Ногиронлиги бор шахсларнинг аксарияти саволларга бажонидил жавоб беришади ва ростгўйликни қадрлашади. Бирор бир хабарни етказишда, айниқса у ногиронлар ҳаёти ҳақида жамиятда мавжуд тасаввурларга боғлиқ бўлса, юмордан ҳам фойдаланиш мумкин. Узоқ ва жиддий тарзда гапириб бериладиган хабар зерикарли ва тушунарсиз бўлиб қолмаслиги учун бу ўринда юмор кўл келади. Юмор билан йўғрилган бундай хабар узоқроқ вақт мобайнида хотирада сақланиб қолади.

Агар ОАВ материалида ногирон (ёки соғлом) киши ногиронлиги бор аёл, эркак ёхуд бола билан кейинги сафар учрашганида фойдаси тегадиган маълумот мавжуд бўлса, унинг амалий таъсири кучли бўлади. Ногиронларни уларнинг имкониятлари ва жамиятга келтиришлари мумкин бўлган фойдалари нуқтаи назаридан тасвирлаш керак. Ногиронлар боқиманда ва жамиятга фойда келтира олмайди, деган қотиб қолган фикрлардан воз кечиш зарур. Ногирон киши бирор нарсага эришгани қанча кўп ўз аксини топса, унинг ногиронлигига ёки бошқалардан фарқли жиҳатларига шунчалик кам эътибор қаратилади. Ногиронларни пассив ва мустақил бўлмаган кишилар сифатида эмас, балки жамиятнинг фаол аъзолари тарзида тасвирлаш лозим. Мақсад – таълим олиш, касб ўрганиш борасида тенг имкониятлар яратилса ҳамда техник воситалар ва махсус хизматлар мавжуд бўлса, ногиронлар ўз оилаларига ҳам, жамиятга ҳам кўп нарса бера олишларини кўрсатиб беришдан иборат.

**Ногиронлиги бор кишилар тимсолининг ОАВ ва кинода ёритилишини яхшилаш мақсадида ногиронларнинг жамоат ташкилотлари қўйидаги тавсияларни ишлаб чиқишган ва фаолиятда қўллашни таклиф этишади:**

1. Ногиронлиги бор инсон жамиятнинг бошқалар сингари аъзоси қилиб ва реал ҳаётини вазиятларда кўрсатилган сериаллар, фильмлар, телекўрсатувлар, реклама роликлари яратиш керак. Ногиронлиги бор киши фильм, сериал ёки кўрсатувнинг бош қаҳрамони бўлиши, ёки эпизодларда (дўконда харидор, банк миждози, фильм/сериал қаҳрамонининг оила аъзоси сифатида) кўрсатилиши мумкин. Муҳими – ногирон инсон тимсолини акс эттиришда қотиб қолган стереотиплардан қочиш зарур.

2. Ақлий ва руҳий ногиронлиги бор кишиларни ҳам эътибордан четда қолдирмаслик лозим. Кўзи ожиз, аравачада ҳаракатланадиган ва бошқа кўз билан кўриш мумкин бўлган жисмоний ўзига хосликлари мавжуд инсонлар билан бир қаторда телекўрсатувларга Даун синдроми бор, аутизм ва менталь ногиронликнинг бошқа шакллари мавжуд кишиларни ҳам таклиф этиш керак.

3. Ногиронлик масаласи бўйича ишчи гуруҳ тузиш ва унинг таркибига ОАВ билан ҳамкорликни йўлга қўя оладиган ногиронлиги бор кишиларни ёки ногирон болаларнинг ота-оналарни киритиш зарур. Бундай гуруҳнинг вазифаси журналистларга, кино ва телевидениенинг бошқа ходимларига ногиронлиги бор киши тимсолини кўрсатишда стереотиплардан қочиш ва уларни жамиятнинг бошқа аъзолари сингари оддий кишилар сифатида тасвирлаш юзасидан маслаҳатлар беришдан иборат бўлади. Бунда ана шундай гуруҳлар узоқ йиллардан бери фаолият олиб бораётган хорижий давлатлар тажрибасига таяниш.

4. Телевидениеда ижтимоий реклама сонини ошириш. Ногиронлиги бор кишилар ҳақида ижтимоий роликлар тайёрлашда у ногиронларга нисбатан ачинишни ёки салбий муносабатни шакллантириб қўймаслиги учун экспертларга мурожаат этиш мақсадга мувофиқдир. Шу вақтгача яратилган ижтимоий роликларни намойиш учун қабул қилиш.

5. Ногиронлиги бор кишиларни фильмлар, сериаллар ва кўрсатувларга киритишда телевидение учун махсус ахлоқ қоидаларини ишлаб чиқиш керак. Бунда бошқа давлатлар тажрибасига ва БМТ томонидан ишлаб чиқилган қоидаларга таяниш тавия этилади.

6. Журналистлар, телевидение ва кино соҳасининг бошқа ходимлари учун ногиронликни тушунтирувчи тренинглари ташкил этиш ва ўтказиш керак. Уларга ногиронларнинг жамоат ташкилотлари вакиллари ҳам таклиф этиш зарур.

7. Ногиронлиги бор кишиларни актёрлик касбига ўқитиш амалиётини жорий этиш: мазкур йўналишда мутахассислар тайёрлайдиган олий ўқув юртларида актёрлик ва телекўрсатувлар бошловчилигига қобилияти бор ногирон ёшлар ўқиши учун имконият ва шароит яратиш керак.

8. Ногиронлар ролини ижро этишга жалб этилган актёрлар албатта мазкур йўналишда мутахассислардан маслаҳат олишлари керак. Афсуски, аксарият ҳолларда кўрсатув ва фильмларда ногиронлар ёрдамга муҳтож, касалманд қилиб, ёки аксинча, ногиронлик худди қаҳрамонликдек тасвирланади.

9. Телевидениеда ногиронлиги бор инсонлар ҳақида ҳикоя қилувчи хорижий фильм ва сериалларни намойиш этиш.

10. Ногиронлиги бор кишилар иштирокида ва улар ҳақида фильмлар, сериаллар, кўрсатувлар тайёрловчи ва намойиш этувчи телеканаллар ва продюссерлик марказларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, уларга имтиёзлар бериш керак.

11. Кўрсатув ва фильмларни молиялаштиришда уларда ногиронларнинг иштироки бўйича квота (масалан, тахминан 10 %) киритиш лозим.

Журналистлар ногиронлар ўзлари ҳақида гап кетганда маъқул кўрадиган лексикага алоҳида эътибор қаратишлари керак. Гап фақат танлаб, эҳтиёткорлик билан ишлатилган сўз ногиронлиги бор кишининг ижобий тимсолини шакллантиришга ёрдам беришидагина эмас, айрим бошқалар учун оддий ва одатий бўлиб туюладиган сўз ва жумлалар моҳиятан тамға ва ҳақоратомуз стереотиплар эканлигида ҳамдир. Бизнинг бошқалар ҳақидаги фикрларимиз ва муносабатимиз аслида сўзларимизда ўз аксини топади.

Масалан, ноқис, ёки норасо сўзларини қўллаш мақсадга мувофиқ эмас. Шу билан бирга, уларнинг эфемизми ва худди шунга ўхшаш бошқа сўз ҳам тўғри келмайди. Энг маъқули яқинда *handicapped* (ногирон, ёрдамга муҳтож киши) атамасини муомаладан сиқиб чиқарган *disabled* (ногирон, имконияти чекланган киши) атамасидир. Бу сўз бугунги кунда ногиронларнинг ўзига ҳам маъқул. Бошқа бир тушунча – ногиронлиги бор киши атамаси эса эътиборни биринчи галда ногиронликка эмас, балки шахсга қаратишни назарда тутаяди.

Ногиронлик билан боғлиқ янги сўзлар ногиронлар ўз ҳис-туйғуларини ёрқинроқ ифодалашлари учунгина эмас, кенг жамоатчилик орасида мавжуд бўлган улар ҳақидаги нотўғри қараш ва стереотипларни йўқотиш учун ҳам зарурдир. Ногиронлиги бор кишиларга нисбатан шаклланган камситиш ва стереотипларни йўқотишда тилнинг аҳамияти беқиёс.

## **Ногиронлиги бор кишилар билан мулоқот тили ва қоидалари**

«Ногирон, ногоиронлиги бор, ногоиронлик» тушунчасининг ўзи соғлик билан боғлиқ бўлган меъёрдан четга чиқиш ҳолати ҳақидаги хаёлга олиб боради. Шу боис одатда «ногоиронлар ва соғломлар» деб гапирилади. Аслида ногоиронлик ҳар доим ҳам саломатлик оқибатида юзага келмайди, шу боис ногоиронлар ва ногоирон бўлмаганларни, яна ҳам аниқроғи ногоиронлиги бор ва ногоиронлиги йўқ инсонларни қарама қарши қўйиш тўғрироқ бўлади.

### **Камситмайдиган тил**

Агар сиз жисмоний нуқсонни бор кишилар ҳақида сўз юритмоқчи ёки ёзмақчи бўлсангиз, нейтрал сўзлардан фойдаланинг, жумлаларни диққат билан танланг. «Фалон ҳалокатнинг қурбони» жумласи ўрнига «... фалокатига учраган киши» ёки «бошига ...тушган киши» каби сўзларни ишлатган маъқул.

«Соғлом» - «ногоирон» ёки «ногоирон» - «бенуқсон» каби қарама қарши қўйишлар нотўғри ҳисобланади, шу боис ногоиронлиги бор ва ногоиронлиги йўқ инсонлар ҳақида гапириш керак.

Ҳеч қачон «норасо», «ноқис», «чўлоқ», «касал», «эпилептик», «дечепешник», «Даун» ва бошқа тамғаларни ишлатманг.

Сўзлардан эҳтиёт бўлиб ва танлаб фойдаланиш соғлиғида камчилиги ва ногоиронлиги бор кишилар билан ижтимоий иш олиб боришнинг асосий принципини акс эттиради. .

Ногиронлар ҳамжамияти ҳозирда муомалада қўллаш учун ҳар томонлама мос келадиган атамаларни танлаш босқичида турибди. Кўплаб янги атамалар тилда ўз ўрнини топиб кетмаяпти. Айримлар «фарқли имкониятларга эга киши» жумласини маъқул кўришса, бошқалар ўзларини «қурбон» ёки «мажруҳ» деб аташларига ҳам қаршилик қилмайди. Аммо бу жумлаларнинг бирортаси матбуот учун мос келмайди.

Аксарият кўпчилик «имконияти чекланган киши» ёки «ногоиронлиги бор киши» жумлалари мос келади, деб ҳисоблайди. Журналистлардан «ногоирон» деб эмас, балки «ногоиронлиги бор киши» деб ёзишни сўрашади, чунки олдин инсон, сўнгра унинг хусусияти ва соғлиғи туради. Ногиронлар ташкилоти, ҳаракати ёки гуруҳи ҳақида гап кетганда, аксарият ҳолларда инглиз ва рус тилларида «ногоиронлар» атамаси қўлланилади, масалан ногоиронлик ташкилоти, ногоиронлик ҳаракати, ногоиронлар транспорти ва бошқалар. Буни бошқачароқ тарзда айтиш маъқулроқ, яъни: ногоиронлар ташкилоти, ногоиронлар ҳаракати, ногоиронлар ҳуқуқлари учун курашувчи ҳаракат. Ногиронлар транспорти ўрнига қўлда бошқариладиган машина ёки фойдаланишга қулай транспорт дейиш мумкин.

Қуйида журналистларга мақола ва репортажларда қўллаш тавсия этиладиган атамлар келтирилмоқда:



## Атамалардан фойдаланиш бўйича тавсиялар

Қўллаш мумкин	Қўллаш тавсия этилмайди
Ногиронлиги бор инсон	Ногирон
Ногиронлиги бор инсон	касал, чўлоқ
Бемор инсон	Майиб-мажруҳ
Ривожланишида бузилиш бўлган бола	Деформацияланган
Алоҳида эҳтиёжли инсон	Нуксонли
Ўзига хос ривожланишли бола	Камчилиги бор
Ногиронлиги бўлмаган инсон	Ақли расо
Оддий инсон	Соғлом
Ногиронлик аравачасидан фойдаланадиган инсон	Аравачага михланиб қолган
Аравачада ҳаракатланадиган инсон	Аравачага михланиб қолган
Туғма ногиронлик	Туғма дефект, бахтсизлик
Болаликдан церебрал шол инсон	Церебрал шол қурбони
Полиомиелитни бошдан кечирган	Полиомиелитдан азият чекади
Полиомиелит оқибатидаги ногиронлик	полиомиелит оқибатида зарар кўрган
Менталь оғиши бор инсон	Ақли ноқис
Ривожланишдан ортда қолган бола	Ақли норасо
Ўқитиш қийин бўлган болалар	Ақли ноқис, ақли норасо болалар
Даун синдроми бор инсон	Даун
Тутқаноғи бор инсон	Тутқанок
Тутқаноғи тутиб турадиган одамлар	Тутқанок
Руҳий касал инсонлар	жинни
Руҳий касаллиги бор инсон	Ақли заиф
Менталь саломатлиги бузилган одам	Аҳмоқ
Кўзи ожиз инсон	Кўр
Яхши кўрмайдиган инсон	Шапкўр
Яхши эшитмайдиган инсон	Гаранг
Мулоқотга киришиш қийин инсон	Кар-соқов
Нутқида камчилиги бор инсон	Гунг
Қўлда бошқариладиган автомашина	ногиронлар машинаси

Тилимиз одоб-ахлоқ билан узвий боғлиқ. Аммо, хатто тилга эътиборли бўлиб ҳам, агар суҳбатдошнинг ногиронлиги билан боғлиқ айрим ўзига хосликлар инобатга олинмаса, ўзингиз ҳам, суҳбатдошингиз ҳам ноқулай аҳволга тушиб қолишингиз мумкин. Ўзингни қандай тутганинг маъқуллигини билмаганингда эса ўзингни ноқулай, биқик ҳис этасан. Қуйида ногиронлиги бор инсонлар томонидан шахсий тажрибаларидан келиб чиқиб ёзилган тавсиялар келтириб ўтилган.

## **НОГИРОНЛИГИ БОР КИШИЛАР БИЛАН МУЛОҚОТ ҚИЛИШНИНГ АСОСИЙ АХЛОҚИЙ ҚОИДАЛАРИ**

### **Ҳаракатланиш билан боғлиқ ногиронлиги бор шахслар**

1. Ногиронлар аравачаси унинг эгасининг дахлсиз ҳудуди эканини ёдда тутинг. Рухсатсиз унга суянманг, уни итарманг, унга оёғингизни қўйманг.
2. Ёрдам бермоқчи бўлсангиз, олдин «ёрдам керакми?» деб сўранг.
3. Агар саволингизга ижобий жавоб олсангиз, айнан нима қилиш кераклигини сўраб олинг.
4. Агар сиздан аравачани итариб юришни сўрашса, уни секин итариш кераклигини унутманг. Чунки аравача тез ҳаракатланиб кетиш хусусиятига эга.
5. Тадбирлар режалаштирилган жойларга кириб-чиқиш қулай эканига шахсан ишонч ҳосил қилинг. Рўйхатдан фойдаланинг, одамлардан қандай муаммо ёки тўсиқлар юзага келиши мумкинлиги ҳақида сўранг ва уларни бартараф этиш чораларини кўринг.
6. Ногиронлар аравачасида ўтирган кишининг елкасига қоқиш тавсия этилмайди.
7. Имкони бўлса, суҳбатдошингиз билан кўз кўзга тушиб турадиган тарзда ўтириб олинг.
8. Агар меъморий тўсиқлар мавжуд бўлса, бу ҳақда олдиндан огоҳлантириб қўйинг. Шунда суҳбатдошингизда қарор қабул қилиш ва режалаштириб олиш имконияти бўлади.
9. Одатда, ҳаракатланиш билан боғлиқ муаммоси бор ногиронларда кўриш, эшитиш ва тушуниш билан боғлиқ муаммолар бўлмаслигини ёдда тутинг. Асосийси – уларнинг ҳаракатланишига мослашиш керак.

### **Яхши кўрмайдиган кишилар**

1. Уларга қўл беринг. Уни йўлга солманг, қўлини қаттиқ сиқиб олманг, одатда қандай юрсангиз, шундай юринг.
2. Агар ёрдамингизни рад этишса, хафа бўлманг.
3. Қаерда эканликларингизни қисқача таърифлаб беринг. Масалан: «Хона ўртасида сиздан тахминан олти қадам нарида стол турибди» ёки «Эшикдан кирганда, чап томонда кичкина столча бор».
4. Баён этишда товуш, ҳид ва масофани англатувчи жумлалардан фойдаланинг.
5. Йўл бошловчи итлар билан худди оддий уй ҳайвонларидек муомала қилиб бўлмайди. Уларга тегинманг, улар билан ўйнаманг.

6. Яхши кўрмайдиган одамнинг қўлидан ҳассасини тортиб олманг ва уни сиқиб ушламанг.
7. Ҳар доим суҳбатдошингиз маълумотни қандай шаклда: Брайл алифбоси, йирик ҳарфлар, аудиоёзув кўринишида олишни истагини аниқлаштириб олинг. У одатда маъқул кўрадиган шаклга ишониб қолманг.
8. Гарчи суҳбатдошингиз сизни кўрмаса ҳам бевосита унга қараб гапиринг.
9. Агар сиз кўзи яхши кўрмайдиган ёки умуман кўрмайдиган одамга бирор нарса ўқиб бераётган бўлсангиз, олдинга нимани ўқиб бермоқчилигингизни айтинг. Одатий оҳангда гапиринг. Агар суҳбатдошингизнинг ўзи илтимос қилмаса, бирор бир маълумотни ташлаб кетманг.
10. Ҳар доим ўзингизни таништиринг.

### **Яхши эшитмайдиган кишилар**

1. Яхши эшитмайдиган одам билан гаплашганда доим унга тик қаранг.
2. Юзингизни қўлингиз, сочларингиз ёки бошқа буюмлар билан тўсиб олманг.
3. Яхши эшитмайдиган одамлар билан мулоқот қилишнинг йўллари жуда кўп. Агар сиз улардан қай бирини танлашга иккилансангиз, буни суҳбатдошингиздан сўранг.
4. Яхши эшитмайдиган одамнинг диққатини тортиш учун уни исмини айтиб чақиринг. Агар у жавоб бермаса, қўлига секингина туртиб қўйишингиз ёки юзи олдида қўлингизни силкитишингиз мумкин.
5. Равон ва аниқ гапиринг. Бир нималарни алоҳида таъкидлаш шарт эмас.
6. Агар сиздан бир неча марта бирор гапни такрорлашни сўрашса, уни бошқачароқ шаклда баён этишга уриниб кўринг.
7. Агар сиз ўз ичига рақам ёки манзилни олган маълумот тўплаётган бўлсангиз, уни ёзиб беринг, факс ёки электрон почта орқали ёхуд исталган бошқа усул билан етказинг, муҳими у аниқ ва тушунарли бўлиши керак.
8. Оғзаки мулоқотда қийинчиликлар юзага келса, суҳбатдошингиздан ёзма тарзда гаплашиш осон бўлиши мумкинлигини сўранг. Хабарлар оддий ва тушунарли бўлиши керак.
9. Сизни ўраб турган муҳитни ҳам ёддан чиқарманг. Катта ва одам кўп жойларда яхши эшитмайдиган кишилар билан суҳбатлашиш қийин кечади. Ёрқин қуёш нури ва қуюқ соя ҳам тўсиқ бўлиши мумкин.

10. Огоҳлантормасдан суҳбат мавзусини ўзгарторманг. Бунинг учун «Яхши, энди ... масалада гаплашамиз» каби жумлалардан фойдаланинг.

### **Ривожланишда ва мулоқотда камчилиги бор кишилар**

1. Тушуниш осон сўзларни ишлатинг, аниқ ва равон гапиринг.
2. Агар суҳбатдошингиз улар билан танишлигига ишончингиз бўлмаса, қолипга тушиб қолган ва идиоматик жумлаларни ишлатманг.
3. Ўзингизни баланд тутиб гапирманг.
4. Вазифалар ёки лойиҳа ҳақида гап кетганда, бир бошдан, навбатма навбат тушунтиринг. Ҳар бир масалани тушунтирганингиздан кейин суҳбатдошингизга ўйлаб олиш учун имкон беринг.
5. Ривожланишида камчилиги бор катта ёшдаги киши ҳар қандай катта ёшдаги инсон сингари ҳаётий тажрибага эга бўлишини эътиборга олинг.
6. Зарур бўлса тасвир ёки фотосуратлардан фойдаланинг.
7. Ривожланишда муаммоси бор киши билан худди бошқалар билан бўлгани каби муомала қилинг. Суҳбат жараёнида бошқа одамлар билан муҳокама қиладиган масалаларингиз, масалан: дам олиш кунлари учун режалар, таътилни қандай ўтказиш, об-ҳаво, сўнги янгиликлар каби.
8. Суҳбатдошингизнинг бевосита ўзига қараб гапиринг..
9. Ривожланишда муаммоси бор кишилар ҳам муомалага лаёқатли эканини, улар ҳужжатларга, шартномаларга имзо қўйишлари, овоз беришлари, тиббий ёрдам кўрсатилишига розилик билдиришлари мумкинлигини эътиборга олинг.

### **Руҳий муаммолари бор кишилар**

1. Руҳий муаммолари бор кишиларга албатта қўшимча ёрдам кўрсатиш ёки бошқачароқ муомалада бўлиш керак, деб ўйлаш ярамайди.
2. Руҳий муаммолари бор кишилар билан бошқалар каби муомалада бўлинг. Худди шу шаклдаги ногиронлиги бор кишилар билан аввал қилган суҳбатларингиз асосида уларнинг ҳаммаси ҳақида бир хулоса чиқаришга шошилманг.
3. Руҳий муаммолари бор кишилар тажовузкор бўлишади деган фикр ҳам тўғри эмас.
4. Руҳий муаммолари бор кишилар дори қабул қилиб юришади ва қабул қилишлари шарт деган фикр ҳам нотўғри.

5. Руҳий муаммолари бор кишилар ҳужжатларни имзолай олишмайди ва даволанишга розилик бера олмайдилар деб ўйлаш ҳам тўғри эмас. Уларнинг муомалага лаёқатлилиги қонун йўли билан белгиланади.
6. Руҳий муаммолари бор кишилар тушунишда ва ақлий даража бўйича бошқа одамлардан паст туришади, деган фикр ҳам нотўғри.
7. Руҳий муаммолари бор кишилар ишлашлари мумкин эмас, деган хулоса тўғри эмас. Улар малака ва кўникма талаб қиладиган кўплаб ишларни бажара олишади.
8. Руҳий муаммолари бор кишилар ўзлари учун нима яхшию, нима ёмонлигини ажрата олишмайди, деб ўйламанг.
9. Руҳий муаммолари бор киши тушкун аҳволда бўлса, ундан астагина нима ёрдам бера олишингиз мумкинлигини сўранг.
10. Руҳий муаммолари бор кишилар стрессдан чиқиб кетишни уddenалай олишмайди, деб ўйлаш нотўғридир.

### **Нутқида муаммоси бор кишилар**

1. Нутқида муаммоси бор кишиларга эътиборсиз муносабатда бўлманг, уларни тушуниш сизга кўпроқ керак.
2. Нутқида муаммоси бор кишилар билан суҳбатлашганда уларнинг гапини бўлманг. У гапини тугатганига ишонч ҳосил қилганингиздан кейингина гап бошланг.
3. Суҳбатни тезлаштиришга ҳаракат қилманг. Нутқида муаммоси бор кишилар билан мулоқот одатдагидан кўра кўпроқ вақтингизни олишига тайёр тулинг.
4. Суҳбатдошингизнинг юзига қараб, визуал алоқани ҳам ушлаб тулинг. Ушбу мулоқотга бутун диққатингизни қаратинг.
5. Нутқида муаммоси бор кишиларнинг ёнида кимдир кузатувчи бўлиб юрган бўлса, саволларингиз, фикрларингиз ва эътиборингизни ўша одамга қаратманг.
6. Суҳбатдошингизнинг гапларини тушунмаган бўлсангиз, ўзингизни тушунганга солиб кўрсатманг.

Журналист ногиронлиги бор кишилар билан мулоқот қилаётганида диққатни муаммога, ногиронликка эмас, балки одамга, унинг имкониятлари ва уни ўраб турган ижтимоий муҳитга, унинг ютуқларига қаратиш керак. Ногиронлиги бор кишилар билан уларни камситмаган ҳолда мулоқот қилиш айнан ана шу принципларга асосланади.

## **Ногиронлиги бор кишилар билан мулоқот қилиш қоидалари**

*(Мазкур қоидалар АҚШ ижтимоий хизмат ходимлари томонидан фаолиятларида қўлланилади. Улар АҚШнинг Ҳаммабоплик миллий маркази мутахассиси Карен Майер томонидан ишлаб чиқилган)*

1. Ногиронлиги бор киши билан мулоқот қилганингизда унинг кузатувчисига ёки сурдо таржимонга эмас, балки бевосита ўзига мурожаат қилинг.

2. Ногиронлиги бор киши билан таништиришганда унинг қўлини сиқиб қўйинг. Хатто қўлида муаммоси бор ёки протез қўлдан фойдаланадиганлар ўнг ёки чап қўлни сиқиб қўйишлари мумкин.

3. Яхши кўрмайдиган одам билан учрашганда ўзингизни ва сиз билан бирга келган кишиларни таништинг. Агар сиз бир гуруҳ одамлар билан мулоқот қилаётган бўлсангиз, ҳар сафар саволингиз ёки фикрларингиз айнан кимга қаратилганини айтиб ўтишни унутманг.

4. Агар сиз ёрдам таклиф қилсангиз, уни қабул қилишгунча кутиб туринг, сўнгра қандай йўл тутсангиз тўғри бўлишини сўраб олинг.

5. Катта ёшлилар билан худди катталардек муомала қилинг. Даврадаги бошқа кишиларга исми шарифини айтиб мурожаат қилаётган бўлсангиз, ногиронлиги бор киши билан ҳам худди шундай йўл тутинг. Ногиронлик аравачасидан фойдаланаётган кишиларга алоҳида эътибор қаратманг, уларнинг бошига ёки елкасига қўлингизни қўйманг, исмларини кичрайтириб айтманг.

6. Кимнингдир ногиронлик аравачасига суяниб туриш аслида унинг эгасига суяниб туришни билдиради, бу эса унинг асабига тегиши мумкин. Аравача, ўриндиқ ундан фойдаланаётган кишининг дахлсиз худудидир.

7. Мулоқотда муаммоси бор киши билан гаплашганда уни диққат билан эшитинг. Сабрли бўлинг, у гапини тугатишини кутинг. Унинг гапларини тузатишга ёки унинг ўрнига гапиришга уринманг. Зарурат бўлганда жавоби ҳам қисқа ёки бош ирғаб қўйиш ёхуд бирор бир ҳаракат билан қайтариладиган саволларни беринг. Агар суҳбатдошингизни тушунмаган бўлсангиз, ўзингизни тушунгандек қилиб кўрсатманг.

8. Агар сиз ногиронлик аравачаси ёки қўлтиктаёқдан фойдаланаётган киши билан суҳбатлашаётган бўлсангиз, кўзингиз унинг кўзига тушиб турадиган тарзда жойлашинг, шунда мулоқотингиз осон кечади.

9. Яхши эшитмайдиган кишининг диққатини тортиш учун қўл силкиб қўйинг ёки елкасига охиста туртинг. Тўғри унинг кўзига қараб аниқ ва равон гапиринг. Яхши эшитмайдиган одамларнинг ҳаммаси ҳам лабдан ўқиб олиш қобилиятига эга бўлмайди. Лабдан ўқий оладиган киши билан суҳбатлашганда, юзингиз аниқ кўринадиган, сизга ёруғлик тушиб турган

жойга ўрнашинг ва сизга сигарета, овқат, қўллар ҳалақит бермаслигига эътибор қаратинг.

10. Ўзингизни эркин тутинг. Бехосдан нотўғри гапириб қўйсангиз хижолат бўлманг.

11. Ҳар қандай ёрдамчи восита (хасса, ногиронлар аравачаси, қўлтиқтаёқ) кимнингдир мулки ва буни ҳурмат қилиш керак. Рухсатсиз уларга тегманг, жойидан олиб бошқа ерга қўйманг.

12. Ногиронлиги бор киши билан мулоқотда гарчи унинг кузатувчиси бўлса ҳам, бевосита ўзига мурожаат қилиб гаплашинг.

13. Инсоннинг ногиронлигига эмас, балки унинг шахсига ёхуд муҳокама этилаётган муаммога эътибор қаратинг.

14. Агар нима қилишни, қандай йўл тутишни билмасангиз, буни суҳбатдошингиздан сўранг. Кўпгина кишилар ноқулай аҳволда қолишдан кўра саволларга жавоб беришни афзал қўришади.

15. Ногиронлиги бор киши билан мулоқотга киришаётганингизда ҳаяжонланманг. Ногиронлиги бор ва ногирон бўлмаган кишиларнинг ҳам исми шарифи бор.

16. Ногиронлиги бор кишилар ҳам худди ногирон бўлмаган инсонларни қизиқтирган мавзу ва масалаларга қизиқишларини ёдда тутинг.

17. Одатдаги баландликда ва аниқ гапиринг. Агар баландроқ овозда гапиришингизни истшса, ўзлари буни сўрашади.

18. Ногиронлиги бор кишилар ўзларига нима керагу, нима керак эмаслигини, нима ёқишию, нима ёқмаслигини, нимани уддалай олишларию, нимана эплай олмасликларини яхши билишади.

19. Ногиронлиги бор кишилар жамият ҳаётида иштирок этишни хоҳлашади. Сизнинг ёндошувингиз бунга ҳалақит бермаслигига ишонч ҳосил қилинг.

20. Агар хатога йўл қўйган бўлсангиз, одоб доирасида узр сўранг, хатойингизни тўғриланг, хулоса чиқаринг ва мулоқотда давом этинг.

Жамиятда ногиронлиги бор кишининг ижобий ва ҳар томонлама тимсолини шакллантириш БМТнинг «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида» Конвенцияси талабларидан бири ҳисобланади. Жумладан, Конвенциянинг 8-моддасида шундай дейилган: **«Давлатлар ногиронлар ҳақидаги ижобий тасавурларни ва жамият томонидан уларнинг чуқурроқ тушунилишини; ногиронлар ва уларнинг ҳуқуқларига бағишланган тарбиявий-таништирув дастурлари ўтказилишини рағбатлантириш мажбуриятини олади».**

Ногиронлиги бор кишиларнинг иқтисодий аҳволини яхшилашга қаратилган қонун ва қоидаларни ишлаб чиқиш уларнинг жамиятга интеграциялашувининг муҳим шарти ҳисоблансада, аммо у етарли эмас. Ногиронлиги бор кишининг ижобий тимсолини яратмай, стереотип ва

ногўғри қарашларга қарши курашмай туриб, ногиронлиги бор кишиларнинг жамият ҳаётининг барча жабҳаларига тўлиқ интеграциясига ва жалб этилишига эришиб бўлмайди.

ОАВ ва кинода ногиронлиги бор кишининг ижобий тимсолини яратиш қуйидагиларни англатади:

1. Ногиронлиги бор кишиларнинг барча соҳаларда тенг ҳуқуқлилиги;
2. Эътибор ногиронлиги бор кишиларнинг камчилигига эмас, уларнинг қобилият ва имкониятларига қаратилади;
3. Ногиронлиги бор кишиларнинг мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаётида иштироки жамиятнинг кучли ва хилма хил бўлишини таъминлайди;
4. Ногиронлиги бор киши ҳам худди атрофидагилар каби ҳаёт кечириш, хатто бунинг учун махсус воситлаардан фойдаланиш талаб этилган ҳолатларда ҳам улар бажарган ишларни бажариш ҳуқуқига эга.

Исаков Ойбек Юсуфбекович.  
Ўзбекистон ногиронлар жамияти.  
2016 й.

#### АДАБИЁТЛАР:

1. Домбровская А. Ю. Роль СМИ в процессе социальной адаптации инвалидов в современной России :
2. Рябова А. А. Журналистика как инструмент социальной интеграции людей с инвалидностью :
3. Ярская-Смирнова Е. Р. Образы инвалидов в массовой культуре
4. Т.А. Головина «Отражения журналистами феномена инвалидности в СМИ»
5. Пособие для организаций инвалидов. "Работа со средствами массовой информации"



## Фойдаланилган адабиётлар

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. -Т., 2012 й.
2. «Ўзбекистон Республикасида ногиронларни ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Қонуни. <http://www.lex.uz>.
3. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси. Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциянинг амалга оширилиши юзасидан кузатувлар: Инсон ҳуқуқлари соҳасидаги кузатувчилар учун Қўлланма. Касбий тайёргарлик масалалари бўйича материаллар туркуми № 17. 2010.
4. Ижтимоий таъминот Халқаро Ассоциацияси. Ижтимоий сиёсат бюллетени. –Т., 2012.
5. Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаш. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси томонидан ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциядан хабардорлик даражасини ошириш мақсадида ўтказилган мавзули тадқиқот. A/HRC/10/48. 2009.
6. Инсон ҳуқуқлари бўйича Кенгаш. БМТнинг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари бошқармаси томонидан ногиронлар ҳуқуқларини амалга ошириш бўйича миллий интилишларни қўллаб-қувватлашда халқаро ҳамкорликнинг роли масаласида ўтказилган мавзули тадқиқот. A/HRC/16/38. 2010.
7. Бош котибнинг «Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенциянинг ҳолати ҳақидаги маърузаси A/66/230, 2011.
8. «БМТнинг «Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида» Конвенцияси ногиронларнинг жамоат ташкилотлари фаоллигини ошириш омили сифатида» мавзусида маъруза [www.uz.undp.org/.../UN\\_Uzb\\_Presentation](http://www.uz.undp.org/.../UN_Uzb_Presentation)
9. В. Kolucki and В. Duncan. Together with media. A Practical Guide for People with Disabilities. International Labour Organisation. 1994.
10. Работа со средствами массовой информации. Пособие для организаций инвалидов. -М., 2003.
11. История инвалидовных обществ. <http://independentfor.com>.
12. Бразевич С., Сидорова А. Инвалидность: проблемы преодоления стигматизации и становления толерантного сознания. <http://www.science-education.ru>
13. <http://uza.uz>
14. [www.un.org](http://www.un.org)
15. [turkistonpress.uz](http://turkistonpress.uz)

Ўқув-амалий қўлланма

НАРГИС ҚОСИМОВА  
ОЙБЕК ИСАКОВ

**ЎЗБЕКИСТОН ОММАВИЙ АХБОРОТ ВОСИТАЛАРИДА  
НОГИРОНЛИК МАВЗУСИНИНГ ЁРИТИЛИШИ**

Муҳаррир - А. Зиёдов  
Компьютерда саҳифаловчи - А. Абдусаломов

Наш.лиц. АІ № 299. 22.05.2017 йил  
Босишга рухсат этилди 17.07.2017 й. Бичими 60x84.1/8.  
«Times New Roman» ҳарфида терилди.  
Шартли б.т. 40,5. Нашр т. 38,47.  
Адади 500. Шарт. № 78. 42 - сонли буюртма.

Оригинал-макет «Extremum-Press» МЧЖ нашриётида тайёрланди.  
100053, Тошкент ш., Боғишамол 3. Тел: 234-44-05  
E-mail: Extremum-Press@mail.ru

«YANGI FAZO PRINT» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.  
Тошкент ш., Афросиёб к., 41-уй. Тел:252-60-80  
E-mail: YangiFazo@mail.ru